

Л.Р. РАУПОВА

ДИАЛОГИК НУТҚНИНГ ДИСКУРСИВ ТАЛҚИНИ



81.2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Л.Р.Раупова

**ДИАЛОГИК НУТҚНИНГ
ДИСКУРСИВ ТАЛҚИНИ**
(полипредикатив бирликлар мисолида)



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент – 2011

3810
ALISHER NAVOIY NOMIDA
3798
TOSI DO' TAU
AXBOROT-RESURS MARKA

УДК 811.512.133

ББК 81.2-3

Р 26

Монографияда кўшма гапларнинг диалогик дискурсдаги воқеланиши, структурсемантик, лингвокультурологик ва социопрагматик тамойиллари ёритилган. Асосий эътибор мазкур синтактик бирликларнинг матнда намоён бўлишини таъминловчи маъновий, стилистик, прагматик омилларни аниқлашга қаратилган.

Ушбу китоб филология йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар, матн тилшунослиги, услубият соҳалари мутахассислари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор ***Р.Р.Сайфуллаева***

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор ***Б.Р.Менглиев***

филология фанлари номзоди ***Ж.Ш. Жумабоева***

ISBN 978-9943-19-101-3

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 2011 йил.

СЎЗБОШИ

Ўзбек тилшунослигида ўзбек тилининг фонетик, лексик ва грамматик сатҳлари системали равишда тадқиқ этилиб, яхлит системавий таълимот яратилди. Ўтган асрнинг 80-йилларида тилшунослигимизда тор йўналиш сифатида иш бошлаган субстанциал лингвистика жаҳон тилшунослиги томонидан эътироф этилди ва, ҳатто, унга таъсир кўрсата бошлади. Ўзбек тили лисоний қурилишига берилган янги илмий-назарий баҳо қатор монография, дарслик ва қўлланмаларда ўз ифодасини топди. Шубҳасиз, эришилган ютуқлар эндиликда миллий тилимиз қурилишини ўрганишдан унинг воқеаланиш хусусиятларини ҳар томонлама тадқиқ этишга ўтиш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Демак, ўзбек тилини замонавий ва самарали тадқиқ усуллари орқали илмий ўрганиш кун тартибига қўйилди.

Жаҳон тилшунослигида тилнинг амалиёт – нутқ, жамият, маданият, миллий тафаккур, ҳатто сунъий интеллект билан узвий муносабатини текшираётган янги йўналишларнинг аллақачон шаклланиб бўлганлиги фанимиз олдида янги вазифаларни қўймоқда. Ўзбек субстанциал тилшунослигида қўшма гапларнинг субстанциал тадқиқи натижасида гапларнинг соф лисоний минимал ва максимал қолиплари аниқланди. Содда ва қўшма гап сирасида «оралиқ учинчи» қонуниятининг яққол ифодаси сифатида уюшган гап (уюшиқ гап эмас) фарқланиб, синтактик структураларнинг даражаланиш тавсифи берилди.

Тилшунослигимизнинг навбатдаги вазифаси лисоний бирлик ва структуранинг нутқий воқеланишини текшириш бўлиб, бунда лисон бошқа лисоний ва нолисоний омиллар қуршовида таҳлил қилинади. Зеро, ҳар қандай лисоний бирлик нутқда соф ҳолда воқеланмайди ва бошқа нолисоний ҳамда лисоний омиллардан ажратилган бирлик мавҳумлигича қолаверади. Тилшунос Б.Менглиевнинг докторлик диссертациясида лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишида бошқа лисоний сатҳлар ҳамкорлиги масаласи кун тартибига қўйилди. Бироқ нутқ яхлит воқелик бўлиб, уни нолисоний омиллардан холи текшириш мумкин эмас. Бу эса қўшма гапларни ҳам лисоний ва нолисоний омиллар муштарақлигида дискурс муҳитида текширишнинг долзарблигини кўрсатади.

Бугунги кунда дунё тилшунослигида қўшма гапларнинг коммуни-

катив-прагматик ва когнитив жиҳатларига эътибор кучаймокда ва О.А.Кастрова, М.А.Гончарова, Е.С.Гундарева, О.В.Адаевская, Н.М.Собчакова, Е.В.Суворина, О.В.Петрянина каби олимлар томонидан коммуникатив-прагматик аспектда ўрганилмокда. Бироқ мавзу диалогик аспектда структур-семантик, социопрагматик ва лингвокультурологик аспектда махсус текшириш объекти бўлмаган.

Бадий адабиётда диалогик дискурсниң ўрни ниҳоятда катта. Асарда воқеа ёзувчи томонидан баён қилинар экан, шундай вазият юзага келадик, энди муаллиф воқеалар ривожининг кейинги босқичини ўз сўзлари билан ифода қилишнинг иложи бўлмай қолади. Бундай пайтда ёзувчи диалогга мурожаат қилади. Бу ўринда биз диалог атамасига махсус тўхталиб ўтирмаймиз, чунки, бундай таъриф И.Султоннинг «Адабиёт назарияси»¹, Н.Шукуров, Н.Ҳотамов, М.Маҳмудовларнинг «Адабиётшуносликка кириш»² ва «Адабиёт назарияси»³ нинг икки жилдлиги ҳамда бошқа бир қатор олимларнинг⁴ ишларида ўз аксини топган.

Шуни қайд этиш керакки, фанда *дискурс* атамасига алоқадор дастлабки эътирофлар XX асрнинг 50- йилларида шаклланди.

Мавжуд манбаларда муаммога бирдан ортиқ гаплардан ташкил топган ва «мураккаб синтактик моҳиятли бирлик» сифатида қаралган.⁵ Бу ҳодиса тилшуносликда мантикий грамматика ҳамда сўзлашув нутқи алоқадорлиги сифатида баҳоланган. Шунингдек, ўтган асрнинг 20-йилларида тилшуносликда дискурс ҳодисаси оғзаки нутққа алоқадор эканлиги, уларнинг нутқ жараёнида ундалма, кириш сўз, кириш бирикмалар билан ҳам ифодаланиш ҳолатларининг мавжуд эканлиги, бу эса уларнинг «мураккаб синтактик қурилма» сифатида баҳоланишига асос бўла олиши ҳақидаги фикрлар ҳам илгари сурилган.⁶ Хорижий тилшуносликда синтак-

¹ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. 2-нашр. Тошкент: Ўқитувчи, 1986. -408 бет.

² Шукуров Н., Ҳотамов Н., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. 2- қайта ишланган нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

³ Адабиёт назарияси. 2 томлик, 1-том. Тошкент: Ўқитувчи, 1978. -416 бет.

⁴ Бобониёзов А. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадийяти: Фил.фан.номз. дисс... автореф. Тошкент, 1995. -26 бет; Ҳазратқулов А. Диалогик нутқ синтаксисининг баъзи бир хусусиятлари. Қарши: Насаф, 1978. -35 бет.

⁵ Фигуровский И.А. Основные направления в исследованиях синтаксиса связного текста // Лингвистика текста. Материалы научной конф. Ч. II. М.: МГПИИЯ им. М. Тореца, 1974. С. 108-115.

⁶ Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. Л.: Наука, 1974. – 428 с;

тик дискурс муаммоси ўтган асрнинг 50-йилларида З.Харрис томонидан кўтарилди⁷. XX асрнинг 70-йилларига келиб, мазкур масалага тааллуқли ишларнинг салмоғи бирмунча ошди. Ўрганилган тадқиқотларда дискурс сўзлашув нутқининг монопредикатив бирлиги сифатида талқин этилди.⁸ Бу вақтга келиб, илмий манбаларда *матн тилшунослиги, матн тадқиқининг нутқ назарияси билан алоқадорлиги, амалий стилистика, мулоқот назарияси, тил ўргатиш, автоматик таржима* каби атамалар қўллана бошланди. Ўтган асрнинг 70-йиллари синтаксисидаги энг катта ютуқлардан бири грамматик дискурснинг сўзлашув нутқидаги мавқеи тилшуносликнинг алоҳида бўлими ҳамда муаммонинг алоҳида тадқиқот манбаи сифатида шаклланганлигидир⁹. Баъзи манбаларда эса *дискурс* атамасининг тилшуносликдаги мавқеи ва унинг қўлланилишига эътирозлар ҳам билдирилган. Чунончи, 1966 йилда тилшунос Р.Годель «дискурс атамасининг тилшуносликка оид тадқиқотларида қўлланилиши тил ва нутқ ҳодисалари ҳақида аниқ хулоса чиқаришга шубҳа туғдириши мумкинлиги» ҳақидаги эътирофини Н.А.Слюсарев ўз изланишларида қайд этди¹⁰ ва бу Р.Годель эътирозига қарши асосли, илмий жавоб бўлди¹¹. Бу каби илмий изланишлар ва муаммога нисбатан билдирилган турлича қарашлар диалогик дискурс масаласининг тилшуносликда ҳал қилиниши лозим бўлган, тадқиққа муҳтож қирралари мавжуд эканлигидан далолат беради. Одатда, диалогик дискурс ҳақида гап кетганда, уни «икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасидаги суҳбат» деб таърифлашади. Бу тўғри, аммо бир ёқлама фикр. Гап шундаки, диалогик дискурс бадий ижодкор учун ижод техникасининг энг қийин бўлакларидан бири сифатида қаралса, тилшунос учун унинг синтактик ўзига хосликлари, унинг мазмуни ва тузилиши муҳим аҳамият касб этади.

Тилнинг икки – оғзаки ва ёзма жиҳати ҳар доим бир-бири билан муносабатда ва алоқадор. Сўзлашув тили ёзма адабий тилнинг манбаидир. Сўзлашув тили диалогик дискурс шаклида намоён бўлади ва бу дискурс

2-е изд. М.: УРСС, 2004.

⁷ Harris Z.S. Analyse du discours // Languages, 1969. №13. P. 8-45.

⁸ Гиндин С.И. Советская лингвистика текста. Некоторые проблемы и результаты (1968-1975) // Известия АН СССР, серия ЛЯ. 1977. № 4. С. 348-361.

⁹ Колшанский Г.В. Коммуникативная дискретность языка// Лингвистика текста, сб. науч. трудов. Вып. 103. М.: МГПИИЯ, 1976. С. 15-22.

¹⁰ Слюсарев Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. М.: Наука, 1981. 206 с.

¹¹ Benveniste E. Problèmes de linguistique générale. Paris: Gallimard, 1966. – 356 p.

хозиржавоблик асосида тузилади. Лекин шуни унутмаслик керакки, сўзлашув тили деганда, фақат диалогни тушунмаслик керак. Албатта, улар бир-бири билан боғлиқ ҳодиса, шу боис ёзма ва оғзаки адабий тил таркибида ҳар иккала нутқ шакли мавжуд. Л.В.Шчербанинг фикрича¹², сўзлашув нутқи диалогик дискурс шаклида юз беради. Бу эса диалогнинг табиийлигини таъминлайди. Тил диалогдагина ўзининг ҳақиқий борлигини намоён қилади. Унинг оғзаки ва ёзма шакллари таққослаб кўрилса, адабий тилнинг асосида монолог ётганлигини кўрамиз. Л.В.Шчерба адабий тилнинг белгиларини кўриб чиқиб, уларни адабий тилнинг турли шакллари ва иш юритиш тилининг турли кўринишлари тарзида икки гуруҳга ажратади ва «Ҳар бир шакл ва ҳар бир усул ҳаётий зарурат талаб қиладиган маълум вазифани бажариш учун унинг синтактик хусусияти билан боғлиқ», деб ҳисоблайди¹³. Диалогик дискурс учун характерли бўлган хусусиятлардан бири, диалогик бирликларнинг ҳар бири алоҳида синтактик қурилишга эга бўлган репликаларга бўлинишидир¹⁴. Диалогик реплика ўзининг ҳажми, суҳбатдошга қаратилганлиги, мавзу чегарасининг борлиги билан монологдан фарқ қилади. Диалогик дискурс бирликларини ташкил этувчи ва уни мулоқот бирлиги сифатида кўрсатувчи воситалар: ифодалилик, экспрессивлик, эллиптиклик шакллари билан бирга интонациянинг ўз ўрни бор. Диалогик дискурснинг синтактик қурилишини репликалар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда содда ва қўшма гапларга ажратиш мумкин. Диалогларда учрайдиган қўшма гапларни кузатар эканмиз, унинг лисоний бирлик сифатида мураккаб табиатли эканлиги, бу мураккабликда унинг лисоний сатҳда тутган ўрни, таркибидаги содда гапларнинг грамматик шакли ва боғловчи воситалари ҳамда мазмуний муносабатларининг ранг-баранглиги кўзга ташланади.

Маълумки, қўшма гап тил синтактик сатҳининг юқори бирлигидир. Содда гап ҳам синтактик сатҳ бирлиги ҳисобланса-да, у қўшма гапга қараганда анча ихчам. Зеро, ҳар икки нутқий бирлик коммуникатив вазифа ифодалаши жиҳатидан умумийлик белгисига эга бўлса-да, тилда алоҳида қурилиш қолипига эгалиги, семантик-синтактик таркиби жиҳатидан ўзаро фарқланади. Англашиладики, анъанавий синтактик назарияларда қўшма гаплар мазмуни, грамматик тузилиши ҳамда оҳангига

¹² Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. Л.:Наука, 1974.-428 с.; 2-с изд. М.:УрСС, 2004.

¹³ Ўша жойда.

¹⁴ Ҳазраткулов А. Диалогик нутқ синтаксисининг баъзи бир хусусиятлари.35-бет.

кўра бир бутунликни ташкил этган, икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида бирикувидан тузилган синтактик қурилмалар тарзида талқин этилса¹⁵, шакл-вазифавий тадқиқ усулида қўшма гаплар икки ва ундан ортиқ шаклланган кесимли гаплар сифатида талқин этилади.¹⁶ Шундай экан, тилшуносликда диалогик дискурснинг қўшма гаптаги мавқеига эътибор кучайиши табиий ҳол. Муаммо ечимини таҳлил қилар эканмиз, дастлаб мазкур ҳодисанинг лингвистик моҳиятини, унинг бошқа лисоний бирлик ва тузилмалардан фарқловчи хусусиятларини ҳамда диалогик дискурснинг қўшма гап сифатида воқеланишидаги ўзига хос омиллар нималардан иборат эканлигини билиш лозим. Мазкур масалага оид илмий мушоҳадалар ўтган асрнинг 50-йилларидан намоён бўла бошлади. Диалогик дискурс, унинг структур-семантик, социопрагматик ва лингвокультурологик аспектига хос тамойиллар бугунги кунда ўзбек тилшунослигида ечимини топиши зарур масала сифатида кун тартибига қўйилган эди ва бу масалалар ҳозиргача ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Ушбу монографияда худди шундай бирликлардан бири – қўшма гапларнинг диалогик дискурсдаги воқеланиши ва унинг структур-семантик, лингвокультурологик ва социопрагматик тамойиллари ёритилган. Асосий эътибор мазкур синтактик бирликларнинг бадий матнда намоён бўлишини таъминловчи маъновий, стилистик, прагматик омилларни аниқлашга қаратилган. Биз тадқиқ жараёнида қўшма гапларнинг бадий матн таркибида намоён бўладиган бундай хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда, диалогда акс этадиган ифодалилиқ, экспрессивлик, эллиптиклик ҳодисаларини ҳам ёритишга эътибор бердик. Зеро, бу хусусиятлар қаҳрамон дунёси ва характерини очишда, индивидуал образ яратишда, уларнинг ижтимоий хулқини аниқлашда социал-нутқий характеристика ҳисобланади. Шуниси аёнки, диалогда интонация тез-тез ўзгариб туради. Бунда нутқнинг синкретик табиати ижтимоий матн ва шароит каби функционал алоқа натижасида юзага келади. Бундан ташқари, диалогда суҳбатдошнинг эшитиш қобилияти ҳам муҳим роль ўйнайди.

¹⁵ Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент: Фан, 1964. 59-бет; Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 132-бет; Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 163-бет; Абдурахмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1979. 123-бет.

¹⁶ Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. Тошкент: Фан, 1994. 180-185-бетлар

Маълумки, сўзловчи ўз нутқида турли хил маъноларни, жумладан, эмоционалликни ифодалайди. Бу оттенкалар интонация ёрдамидагина тўлиқ аниқланади. Ҳар қандай субъектив характердаги фикр эмоционалликни акс эттиради. Фикрнинг эмоционал томони катта маъно аҳамиятига эгадир. Мазкур тил бирликлари танловида диалогик дискурс сифатида воқеланган қўшма гапларнинг лингвистик тамойилларини ёритиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Ушбу тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида диалогик дискурсдаги қўшма гапларнинг структур-семантик, лингвокультурологик, социопрагматик тавсифини беришдан иборат. Мазкур кузатиш хулосалари ва тақдим этилган тавсиялар ёш авлод нутқ маданиятини ўстириш механизмларини ишлаб чиқишда қўл келади. Шунингдек, ундан «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Этномаданият ва мулоқот маданияти», «Психолингвистика», «Лингвокультурология» курсларини такомиллаштиришда, маъруза матнлари тайёрлашда материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Монографияда муҳокама этилаётган муаммолар ҳақида фикр билдириш ниятида бўлган ҳамкасбларимизга олдиндан миннатдорчилик изҳор этамиз.

КИРИШ

Тилда лисон бирликларининг объектив воқелик билан муносабати масаласи муҳим ўрин тутди. Ҳар қандай лисоний бирлик, жумладан, гап ҳам воқеликнинг бирор бўлагини акс эттиради. Гапда ифодаланган фикрнинг воқеликка муносабатини кўрсатувчи лингвистик категориялар ҳар бир гапнинг муҳим конструктив белгиларидан бири ҳисобланади. Маълумки, тилда серқирра ва мураккаб бирликлар таҳлил жараёнида бир неча парадигмага мансуб бўлиши ҳам мумкин, таснифлашда ҳодисанинг қайси томони тадқиқ манбаи сифатида танланганлигини ҳисобга олиш лозим. Англашиладики, инсоннинг кимлиги унинг икки жиҳати – хатти-ҳаракати ва сўзи (нутқи) одамлар билан ўзаро муомаласида аён бўлади. Шунинг учун ҳам одамлар инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу масалалар билан жуда қадим вақтлардан буён кизиқиб келади. Барча фанлар сингари тилшунослик фани ҳам ҳар доим тараққиётдадир. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигининг турли тармоқларини тўлиқ ёритишга бағишланган қатор изланишлар олиб борилиши билан бирга, янада чуқурроқ ўрганилиши лозим бўлган соҳалар кам эмаслиги сезилмоқда. Диалогик дискурс сифатида воқеланадиган қўшма гапларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш шулар жумласидандир. Тилшуносликка доир манбаларнинг ҳар бири лисоний жиҳатдан таҳлил қилинганда, хусусан, уларнинг бадий матнда намоён бўладиган ўзига хос хусусиятлари бир-биридан анча фарқ қилади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, тилшуносликнинг синтаксис соҳасига доир тадқиқотларимиз кун тартибига янги-янги муаммолар қўйилавериши ўзига хос қонуниятдир. Айтиш лозимки, тилшунослигимизда амалга оширилган тадқиқотларнинг аксариятида «тил ва нутқ» дихотомиясининг биринчи компоненти атрофлича ўрганилган ^{1,2}. Бу борада ўзбек тил-

¹ Петерсон М.Н. Очерк синтаксиса русского языка. М.: Учпедгиз, 1923. С.32.

² Пешковский А.М. Существует ли в русском языке сочинение и подчинение предложений? // Родной язык в школе. Научно-педагогический сборник/ книга 11-12/. М.: Учпедгиз, 1926. -252 с.; Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. М.: Учпедгиз, 1956. -448 с.

шунослигида ҳам талайгина тадқиқотлар амалга оширилган^{3, 4, 5}. Муаммонинг иккинчи томони, яъни нутқ билан боғлиқ бўлган тамойиллари бугунги кунда ҳал қилиниши лозим бўлган ҳодисалардандир. Синтактик сатҳнинг мураккаб бирлиги бу қўшма гапдир. Англашиладики, ўзбек тилшунослигида қўшма гапларнинг ўрганилиш даражасини уч босқичга ажратиш мумкин:

1. Қўшма гапларнинг аңъанавий (формал) талқини.
2. Қўшма гапларнинг субтанциал (системавий) талқини.
3. Қўшма гапларнинг мазмуний (семантик) талқини.

Ҳар бир босқичда қўшма гапларнинг нутқий ва лисоний хусусиятлари турли методологик ва методик асосларда тадқиқ қилинди. Хусусан, формал талқинда ўзбек тилидаги қўшма гаплар ва уларнинг турлари, боғловчи воситалар ўрганилди^{6,7,8,9}.

Субстанциал ёндашувда гапларнинг нутқий ва лисоний қатламдаги ўрни аниқланиб, лисоний-синтактик қолиплари белгиланди ва улар тобе таркибли, мутаносиб таркибли, тенг таркибли кўринишларда тартибланди^{10,11}.

Мазмуний ёндашувда қўшма гаплар таркибий қисмларининг ўзаро мазмуний муносабатлари тадқиқ қилинди^{12,13,14}.

Ўзбек тилшунослигида қўшма гап масаласининг турли қирралари

³ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.: – Л.: Изд-во Акад. наук, 1960. 446 с.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ғуломов А., Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987. -163 бет.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Аскарлова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960.-134 бет.

⁸ Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент: Фан, 1964. -244 бет.

⁹ Абдурахмонов Ф.А. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. -248 бет.

¹⁰ Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. 180-185-бетлар.

¹¹ Неъматов Х., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. Тошкент: Университет, 1999. 25-бет.

¹² Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солиҳўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992. -292 бет.

¹³ Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкциялари омонимиясининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. 6-сон. 72-77-бетлар.

¹⁴ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 228 б.

тадқиқот манбаи сифатида талқин этилган бўлса ҳам ^{15,16,17} ҳанузгача мазкур муаммонинг ечимини кутаётган томонлари мавжуд. Хусусан, қўшма гап ва унинг турлари тавсифига систем-структур жиҳатидан ёндашиш ва синтактик ҳодисаларни алоҳида лисоний тизим сифатида баҳолаш масаласи, шунингдек, қўшма гапларнинг диалогик дискурс сифатида воқеланишидаги семантик-структур, социолингвистик тамойиллари тадқиқи ҳам бирмунча долзарбдир. Дастлаб, структур тилшунослик ва унинг моҳияти ҳақида бироз тўхталишни лозим деб биламиз.

Маълумки, структур тилшунослик ўз номини тил структурасига бўлган алоҳида эътибори туфайли олган. Тил структураси (тузилиши) эса, одатда, лисоний тизимнинг муайян сатҳлар доирасида иерархик (поғонавий) боғланишда жойлашган ва тартибга солинган элементлари ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Тилни структур жиҳатдан тавсифлаш аниқ бир матндан умумлашган инвариант (ўзгармас) бирликлар (гап қолиплари, морфемалар, фонемалар) ни ажратиш ва уларни аниқ нуткий бўлақлар билан муносабатини қатъий қўлланиш қоидалари асосида аниқлашга имкон берувчи таҳлилни талаб қилади. Структуравий тилшунослик ғоялари асосида структуравий (формал) грамматика юзага келди, машина таржимаси билан боғлиқ масалалар кун тартибига олиб чиқилди ва маълум даражада ўз ечимини топди, тилшуносликда математик тадқиқот усулларининг кенг қўлланишига имкон туғилди. Структур тилшунослик гарчи XX асрнинг 20–30-йилларида алоҳида йўналиш сифатида шаклланган бўлса-да, унинг дастлабки куртаклари қадимги ҳинд тилшуноси Панини асарларида, ўрта асрлардаги универсал грамматикаларда, Р.Декарт ва Г.В.Лейбницнинг фалсафий-лингвистик грамматикаларида учрайди. Шунингдек, структур тилшуносликнинг пайдо бўлишида И.А.Бодуэн де Куртенэ, Ф.Ф.Фортунатов, Э.Сепир, Л.Блумфилд, айниқса, Ф.де Соссюрнинг илмий изланишлари ва амалий фаолияти муҳим роль ўйнаган^{18,19}. Структур тилшуносликнинг XX асрнинг 50-йилларигача бўлган структур тилшунослик ишлаб чиққан

¹⁵ Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси.

¹⁶ Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар.

¹⁷ Абдурахмонов Ғ.А. Ўзбек тили грамматикаси.

¹⁸ Общее языкознание. Методы лингвистических исследований / Отв. ред. Се-ребренников Б.А. М.: Наука, 1973. -317 с. (См.: Глава пятая. В.А.Виноградов. Методы типологии. С. 224-256).

¹⁹ Теоретические основы классификации языков мира. Проблемы родства. Ч.1-2. М.: Наука, 1980-1982 (См.: Виноградов В.А. Функционально-типологические критерии и генеалогическая классификация языков. М., 1982. С.258-312).

усуллар адабиётшунослик, этнология, психология, антропология, санъатшунослик каби ижтимоий-гуманитар фанларда бошқа усуллар билан ёнма-ён қўлланмоқда^{20,21,22,23}. Систем тилшуносликнинг ривожланиши ва тил бирликларининг структур-функционал таҳлилининг кенг тармоқотиши натижасида лингвистик бирликларнинг фақат шаклий томонигина эмас, балки мазмуний томони ҳам структуравийлик хусусиятига эга бўлди^{24,25,26}.

Англашиладики, Ўзбек тилшунослигида мавжуд анъанавий синтактик назарияларда қўшма гаплар мазмуни, грамматик тузилиши ҳамда оҳангига кўра бир бутунликни ташкил этган, икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида бирикувидан тузилган синтактик қурилмалар тарзида талқин этилса²⁷, шакл-вазифавий тадқиқ усулида қўшма гаплар икки ва ундан ортиқ шакланган кесимли, яъни [WРm R WРm] қурилишли гаплар сифатида талқин этилади²⁸. Р.Сайфуллаеванинг тадқиқотлари қўшма гаплар талқини, уларнинг синтактик қурилишини ўрганишга асосланади ва бунда энг аввал гап қурилишининг энг кичик қолипи [WРm] замирида қўшма гапнинг, шу жумладан, боғланган қўшма гапнинг [WРm, WРm] шаклидаги типик кўриниши аниқланади.

Мазкур типик кўриниш таркибида мустақил гаплар сингари қўлланила оладиган компонентларни тақозо этувчи қўшма гапнинг қолипini ифода этади. Шунингдек, кейинги йилларда қўшма гаплардаги шакл ва мазмун

²⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-том. Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2004. 78-бет.

²¹ Основные направления структурализма. М., 1964.

²² Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. М., 1974.

²³ Резвин И.И. Современная структурная лингвистика. М., 1977.

²⁴ Greenberg J.H. Essay in linguistics. Chicago, 1967. First publ., 1957. p.66.

²⁵ Солихўжаева С. Боғланган қўшма гаплар // Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992. -292 бет.

²⁶ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.

²⁷ Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. 59-бет; Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси, 132-бет; Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1987, 163 -бет; Абдурахмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 123-бет.

²⁸ Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. 180-185 -бетлар.

муносабати масаласи тилшунос олимлар А.Бердиалиев²⁹, Н.Маҳмудов томонидан эргашган қўшма гаплар мисолида, С. Солихўжаева томонидан эса боғланган қўшма гаплар мисолида тадқиқ этилди. Аслида, қўшма гап компонентларининг муносабати турларини ўрганиш XX асрнинг 20-йилларида тилшунослик фанида асосий мавзулардан бири бўлган ва шундан сўнг бу соҳада тилшунослар ўртасида илмий баҳс ва мунозаралар бошланган. Хусусан, мана шундай мушоҳадалардан бири рус тилшунослигида, М.Н.Петерссоннинг «Очерк синтаксиса русского языка» номли асарида билдирилган³⁰. А.М.Пешковский тилшунос М.Н.Петерссоннинг мазкур фикрларини илмий шарҳлайди. Мазкур қарашларнинг мантикий давоми рус ва немис тилшунослигидаги мавжуд манбаларда қайд этилган^{31,32,33}. Худди шунингдек, мазкур ғоялар ўзбек тилини ўрганувчилар изланишларида ҳам махсус тадқиқ этилган.

Кузатишлардан аён бўладики, қўшма гаплар тадқиқига бағишланган рус ва европа тилшунослигидаги мавжуд манбаларда масаланинг лисоний тамойиллари очиб берилади. Хусусан, тилшунос А.Г.Руднев қўшма гап таснифидаги боғловчи воситалари иштироки ва уларнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритса³⁴, тилшунос А.Н.Гвоздев мазкур тавсифдаги боғланган ва эргаш гапли қўшма гапларнинг асосий тафовути хусусида мушоҳада юритади³⁵. Мазкур ҳодиса ҳақида В.Г.Адмони ҳам ўзининг илмий фаразларини ўртага ташлайди. Мавзуга алоқадор қизиқарли маълумотлар Н.С.Валгина томонидан ҳам илгари сурилган. Олиманинг эътироф этишича, боғловчисиз қўшма гап таркибий қисмлари, асосан, интонация, феъл-кесимнинг грамматик шакли ёки сўз тартиби воситасида муносабатга киришиши мумкин. Ушбу масала ечимига доир француз тилшуноси

²⁹ Бердиалиев А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматические отношения в конструкциях сложноподчиненного предложения узбекского литературного языка: Автореф.дис.докт. филол.наук. Ташкент, 1989; Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. 231-236-бетлар.

³⁰ Петерсон М.Н. Очерк синтаксиса русского языка. С.32.

³¹ Ўша асар. 32-бет.

³² Н. Prinzipien der Sprachgeschichte. Halle, 1937. S. 148.

³³ Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. М.: Наука, 1975.

³⁴ Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка. М.: Высшая школа, 1968. С.231-233.

³⁵ Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Часть II. Синтаксис. М.: Просвещение, 1968. С.207-208.

Ж.Антуаннинг изланишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Хусусан, муаллифнинг боғланган қўшма гапларнинг семантик ва синтактик хусусиятлар асосидаги талқини илмий асосланган³⁶. Маълумки, боғланган қўшма гапни бошқа қўшма гап қурилмаларидан фарқлаб турувчи асосий грамматик белгилардан бири уларни ташкил этган қисмларни бир-бирига бириктирувчи тенг боғловчилардир. Боғланган қўшма гапни ташкил этган қисмлар орасида ҳам, боғловчисиз қўшма гапларда бўлганидек, пайт, қиёслаш, сабаб, натижа, изоҳлаш ва айириш каби муносабатлар ифодаланади. Масалан, истак категориясининг ифодаланишини икки тил қиёсида кўрсак:

(1) Il veut sortir a toute force, mais j'ai horriblement peur d'un accident	Унинг ҳам боргиси келиб турибди, мен эса бир кори ҳол бўлмасайди, деб кўрқиб турибман (Ги де Мопассан)
---	--

(2) Ils avaient voulu faire de leur fils un monsieur et l'avaient mis au collige	Ўғлимиз ўқиб катта одам бўлсин деб чол-кампир уни коллежга беришди (Ги де Мопассан)
--	---

Кўриниб турибдики, боғланган қўшма гапларда истак маъноси зидлов боғловчиси *mais* (1) ва бириктирув боғловчиси *et* (3) ёрдамида ифодаланган. Модал феъл истакни ифодалаш билан бирга турли семантик маънолар, жумладан, қиёслаш, реал пайт, сабаб, натижа ва изоҳ каби тушунчалар билан уйғунлашиб кетган. Француз тилида *mais* (1) ва *et* (3) боғловчилари содда гапларни бир-бирига боғлаб, турли маъноларни ифодалаб келмоқда. Хусусан, *mais* боғловчиси (1) қўшма гап таркибида қўлланган иккинчи содда гапнинг бошида келиб, ўзидан олдин келган гапдаги мазмунга нисбатан кейинги гапга зид, қарама-қарши қўйилганини, шунингдек, *et* боғловчиси қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига бириктириб, пайт, чоғиштириш, сабаб маъносини ифодалаши мумкин. Ҳодисанинг турк тилидаги талқинини тилшунос Лейла Карахан ҳам бирмунча илмий шарҳлайди. Олиманинг бу масалага оид қарашлари ҳам боғланган қўшма гаплар таркибидаги боғловчилар ва уларнинг мазмуний тамойилларига қаратилган³⁷. Кейинчалик тилшунос олима ўзининг бу фикрларини яна тўлдиради ва унга баъзи изоҳларни киритади. Чунончи: Ünlü Türk bilimadamı Prof. Dr. Leylâ Karahan birleşik

³⁶ Antoine G. La coordination en français moderne. Paris, 1959. P. 196. (Ж.Антуаннинг илмий қарашлари ҳақидаги мулоҳазалар Е.Реферовскаянинг кўрсатилган асаридан олинмоқда).

³⁷ Karahan L. Türkçede söz dizimi.Cumle tahlilleri. Ankara, 6. Baski, 1999. 64-65 s.

бағлам сўмлелерини олустуран оғелерин *ve, veya, da, ne, fakat, ama, lākin, halbuki, meğer* gibi бағлам едатлари васитасиула илїшкису гирдиғи конусунда шуну белиртемектедир: «Түркчеде сўмлелер арасинда бағлантису сағлауан чок са-
уида бағлама едату вурдир. Бу едатлар уардимиула араларинда алам илїшкиси олун
ики уеуа дауа фазла сўмлеуи бирбирине бағламек мўмкўнўдур. Едатларин гўреуи,
сиралама, каршїлаштурума, бензетме, ачїклама, себеп, сонуц, амац, каршїлуи,
ешитлик, бераберлик vb. аламларла сўмлелери бирбирине бағламек, аралариндики
илїшкису уургulamак ve илїшкисин уўнўну белирлемектир»³⁸.

Шу ўринда 1948 йилда С.Н.Кононов томонидан уратилган «Грамма-
тика узбекского уузука» номли тадқиқотини ҳам санаб ўтиш жоиз. Зеро,
бу иш ўзбек тили грамматикасига бағишланган, Оурупа тилшунослиги
меъериди тузилган, нисбатан тўлиқ ҳамда олиў ўкув юртларининг тала-
баларини тайёрлашга мўлжалланган илк дарслик эди³⁹. А.Н.Кононовнинг
ушбу дарслиги умумтуркологик тахлил асосларига таянган ҳолда ёзил-
ган, Н.К.Дмитриевнинг «Строй турецкого уузука» (М., 1929), «Граммати-
ка башкирского уузука» (М.-Л, 1949) асарлари билан бир қаторда назарий
асосда А.Фитрат, Ҳ.Ғозиев тадқиқотлари орқали кириб кела бошлаган
Оурупа тилшунослиги синтактик тушунчалари ва тахлил усуллари не-
гизиди туркий тиллар синтактик тахлилига бағишланган мукаммал асар
эди⁴⁰. А.Н.Кононовнинг қўшма гап талқинига доир қарашларини бошқа
тилшунослар давом эттиришган. Жумладан, 1959 йилда А.К.Боровков
тахрири остиди нашрдан чиққан «Узбекско-русский словарь» қўлланмаси
охирида ўзбек тили грамматикасига алоқадор назарий фикрлар ҳам
берилган⁴¹. Манбалардан англашиладики, турк тилшуноси Таҳсин Бан-
гу ўғлу қўшма гапларни алоҳида турларга ажратмайди⁴². Ўзбек тилшу-
нослигида боғланган ва боғловчисиз, эргашган, мураккаб қўшма га-
пларнинг турлари Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, Ф.Убаева, К.Назаров,
С.Равшанова каби тилшуносларнинг изланишларида алоҳида тадқиқ
манбаи сифатида намоён бўлди^{43,44}. Тилшунос олима Р.Сайфуллаева ҳам

³⁸ Bkz: K a r a h a p L. Türkçeде söz dizimi. 13. Baskı. Ankara, 2008. s. 85.

³⁹ Кононов А.Н. Грамматика узбекского уузука. Ташкент, 1948. -282 с.

⁴⁰ Фуломов А.Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. II бўлим. Синтаксис, педбилим юрти
ўкувчилари учун. Тошкент, ЎзССР. Маориф ХК. нашриёти, 1940. 84 бет.

⁴¹ Боровков А.К. Узбекско-русский словарь. М., 1959. С.710-715.

⁴² Bangu oğlu T. Türkçenin grameri. Ankara, Ankara Universiteti Basimevi, 1998.
554-555-бетлар.

⁴³ Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси.

⁴⁴ Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар; Абдурахмонов Ғ.А.
Ўзбек тили грамматикаси.

ўзининг махсус илмий изланишларини қўшма гаплар тадқиқи масаласига бағишлайди. Р.Сайфуллаеванинг тадқиқотларида қўшма гаплар талқини уларнинг синтаксик қурилишини ўрганишга асосланади ва бунда энг аввал гап қурилишининг энг кичик типик тури аниқланади. Мазкур типик қўриниш таркибида мустақил гаплар сингари қўлланила оладиган компонентларни тақозо этувчи қўшма гапнинг моделини ифода этади⁴⁵.

Кўриниб турибдики, қўшма гапларнинг таснифи масаласида ҳал қилиниши лозим муаммолар талайгина. Хусусан, Р.Сайфуллаеванинг ҳақли эътирофига кўра, ўзбек тилшунослигида қўшма гапларнинг «боғланган қўшма гап», «эргаш гапли қўшма гап», «боғловчисиз қўшма гап» тарзида учга бўлиб ўрганилиши жуда эътирозли бўлиб, мазкур тасниф қайси тамойилларга асосланганлиги ҳам аниқ эмас. Бу тасниф мақсадга мувофиқ бўлмай, қайси илмий омиллар асосида тузилганлиги аниқ акс эттирилмаган. Бир қараганда, қисмларнинг ўзаро бирикиш усулига кўра тасниф қилинганга ўхшайди. Чунки боғланган қўшма гап деганда қисмлари тенг боғловчилар, эргаш гапли қўшма гап деганда қисмларнинг мазмунан бирикиши асосга олинadиган қўшма гаплар, учинчи турида эса тенг ва эргаштирувчи боғловчилардан бирортасининг ҳам қўшма гап қисмларини бириктиришда иштирок этмаслиги тушунилади. Тасниф шу тарзда тузилар экан, бир қанча табиий саволлар туғилади:

1) қўшма гап ички турларига баҳо беришда, жумладан, эргаш гапли қўшма гапнинг мазмун турлари боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларга асоссиз равишда кўчирилади. Натижада, қўшма гапнинг пайт мазмунидаги боғланган қўшма гап, сабаб мазмунидаги боғланган қўшма гап сингари турлари пайдо бўлади. Масалага бундай ёндашишдан кўра, анъанадан воз кечиб, қўшма гапларни мазмун жиҳатидан бутунича алоҳида ўрганиш тузук эмасми?

2) қўшма гапнинг ички талқини масаласида ҳам анчагина қарама-карши фикрлар берилган. Чунончи, эргаш гапли қўшма гап бобида унинг турлари бир-бирлари билан қориштирилиб таҳлил қилинади. Булардан айримларини кўриб ўтамыз.

Шундай қўшма гаплар борки, уларга турли томондан ёндашсанг, турли хил қўшма гап келиб чиқади. Ана шундай қўшма гапларга баъзан юзаки ёндашиб, қўшма гапнинг бир турини зўрма-зўраки бошқа тури-

⁴⁵ Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили формал-функционал талқинида қўшма гап. 180 – 185-бетлар.


га қўшиб қўйилган ҳолатлар мавжуд. Бунинг оқибатида баъзи бир ёйиқ бўлақлар ҳам эргаш гап сирасига киритилган. Хусусан, бу ҳолат, кўпинча, равиш гапли қўшма гапларда учрайди. Равиш эргаш гап бош гапдаги равиш ҳолини изоҳлайди, шу билан бирга бош гапда ифода этилган ҳаракатнинг қандай ҳолатда, қандай равишда бажарилишини кўрсатади. Аёнки, яна ўзбек тилшунослигида миқдор тушунчаси билан даража тушунчаси бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун аниқ (конкрет) битта гапни миқдор даража эргаш гапли қўшма гап деб бўлмайди. Миқдор деганда ҳаракатнинг бажарилиши миқдори (кўп ёки камлиги) тушунилса, даража деганда ҳаракат бажарилишининг кўп ёки камлиги эмас, балки шу миқдорнинг даражаси, қай даражада эканлиги тушунилади. Даража эргаш гапли қўшма гапларда «қанча-шунча», «қанчалик-шунчалик», «қай даражада-шу даражада» каби сўзлар қўлланади. Ўрни билан, «даража» сўзидан кейин «кўп», «оз», «кам», «мўл» сингари сўзлар ҳам ишлатилади.

Даража эргаш гапли қўшма гапларнинг характерли белгиси «даража» сўзи бўлса, миқдор (ўлчов ҳам дейдилар) эргаш гапли қўшма гапнинг характерли белгиси «кўп», «оз», «кам», «мўл» каби сўзлардир. Шунини айтиш керакки, «кўп», «оз» сўзлари сингари бирликлар даража эргаш гапли қўшма гапларда ишлатилади. Аммо «даража» сўзи миқдор эргаш гапли қўшма гапларда деярли қўлланилмайди. Масалан, «Фурсат, қанча кутсангиз, шунча сабр-тоқат қилаверади» («Шарқ юлдузи») гапида «даража» сўзини ишлатиш қийин. Хуллас, эргаш гаплар таснифида анча ноаниқликлар мавжуд;

3) туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида, эргаш гаплар билан синтактик оборотлар орқали ифодаланган ёйиқ иккинчи даражали бўлақлар қориштирилади.

Синтактик оборотлар (уларни «ярим предикатив конструкциялар» ҳам дейдилар) анча кенг бўлиб, унга сифатдош, равишдош, инфинитив оборотлардан ташқари от, сифат, равиш, шунингдек, «бор», «йўқ» сингари сўзлар билан ифодаланган оборотлар ҳам киради. Гапнинг барча бўлақлари, ҳатто ундолма ҳам синтактик оборотлар билан ифодаланган иккинчи даражали бўлақлар эргаш гап билан қориштирилади. Бу масалани ўрганиш ҳам тилшунослик соҳасидаги долзарб вазифалардан биридир;

4) тилимиз ва нутқимизда кенг истеъмолда бўлган қатор ҳодисалар борки, уларнинг ўрни грамматик қурилишида аниқ белгиланмаган. Шу-



лардан бири составли кесимларга эга бўлган қўшма гап структурали нутқий ҳосилалардир. Бундай конструкцияларда предикативлик маънолари ҳар иккала кесим учун умумий бўлган тақдирда – предикативлик формаларини ўзида ташувчи элемент кўпинча «иччамлик» мақсадида «қавсдан ташқари»га чиқарилади, яъни у умумий бўлак сифатида гапнинг охирида келиб ҳар иккала кесимга тегишли бўлади⁴⁶.

5) анъанавий грамматикамизда ундов, буйруқ ва эмоционал баҳо билдирадиган гаплар, тасдиқ ва инкорни, муомала одатларини билдирадиган гапларнинг ҳаммаси бир гуруҳга – бўлакларга ажралмайдиган гапларга мужассамлаштирилади. Баъзи адабиётларда бундай гаплар сўз-гап, деб ҳам юритилади. Формал-функционал нуқтаи назардан ёндашганда, бу сўзларда сўз туркумларининг бир-биридан ажралмаган, қоришиқ (диффуз) ҳолатларнинг қолдиғи ўз аксини топгани ва уларда бир таркибли қоришиқ сўз-гапларнинг ташкил этиши кўзга ташланади. Бундаги қоришиқ сўз-гаплар сўз туркумлари доирасида ҳам, содда ва қўшма гаплар таркибида ҳам қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шу каби ҳосилалар гап таркибида келганда дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар шаклида қўлланиши учрайди. Чунончи: -Яхши келдингизми? –Раҳмат, шукр гапининг икки қисми ҳам бир составли, дарак мазмунидаги содда гаплардир. Мана шу қоришиқ сўз-гапларнинг оддий атов бирликлари билан шаклдошлиги, бундай сўз-гапларнинг маъно ва вазифага кўра турлари каби масалалар ҳанузгача ўз ечимини кутмоқда.

Тилшунослик фанининг ҳозирги тараққиёти даврида қўшма гап компонентларининг семантик жихатдан, функционал фаоллиги нуқтаи назаридан, прагматик коидалар асосида тадқиқ этилиши кўн тартибидаги зарурий масалалардан бўлиб қолмоқда. Бугунги тилшунослик соҳасининг муҳим масалаларидан яна бири диалогик дискурс ва унинг моҳияти, диалогик дискурсда қўшма гапларнинг вокеланиши масаласи, шунингдек, диалогик дискурсда миллий ментал ва прагматик омилларнинг роли, систем-структур тилшуносликдаги қўшма гап муаммолари қонуниятларини ўрганишлан иборатдир. Мазкур масаланинг муҳимлиги биринчи галда унинг «тил ва нутқ» дихотомиясига асосланишидадир. Мазкур муаммо, албатта, кишиларнинг нутқий фаолияти ҳамда тилнинг мураккаб системаси ўртасидаги узвий боғланиш масалаларини тақозо этади. Бадиий асар матни бошқа турдаги матнлардан лисоний шакли, мазмун ифодаси жиҳатидан фарқланади. Синтаксиснинг стилистик имкониятларини

⁴⁶ Сайфуллаева Р. Уюшган гаплар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. 3-сон.

ўрганиш билан қизиққан олимлар қўшма гап стилистикасига алоҳида аҳамият беришган ҳамда қўшма гапнинг турли шаклий вариантлар ва синонимларга бойлиги сабабли, кенг миқёсдаги маъно оттенкаларига эга бўлишини кўрсатиб ўтишган. Бу ҳақдаги қизиқарли фикрлар тилшунос А.Мамажоновнинг махсус тадқиқотларида қайд этилган^{47,48}.

Хуллас, ўзбек тилшунослигида қўшма гапларнинг характерли хусусиятларини ўрганиш, уларнинг эмоционал-экспрессив маънони ифода-лаш имкониятларини очиб беришга қаратилган ишлар талайгина. Аммо қўшма гапларни алоҳида олинган муаллиф лисоний фаолиятида тутган ўрни, унинг индивидуал услубни белгиловчи восита сифатида, бадиий матндаги роли масаласини тадқиқ этиш ҳаракати эндигина бошланмоқда. Юқорида қайд этилган мулоҳазалардан англашиладики, диалогик дискурс муаммосини тадқиқ этишга бағишланган мавжуд ишларнинг бирортасида ҳам диалогик дискурсда қўшма гап ва унинг ўзига хос семантик ва структур хусусиятлари тадқиқ қилинган эмас. Бу ниҳоятда кенг қамровли ва долзарб муаммолардандир. Шу боисдан биз ушбу китобда асосий эътиборни қўшма гапларнинг диалогик дискурс сифатида намоён бўладиган маъновий ҳамда услубий хусусиятларининг уйғунлашувини таъминловчи ҳолатларга қаратишга, уларни лингвистик тамойилларини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Таҳлил жараёнида ёзувчилар Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Ўткир Ҳошимов ҳамда бугунги ўзбек насрининг кўзга кўринган адиблари асарлари матнидан олинган мисоллардан фойдаланамиз.

Зеро, диалогик нутқ таҳлили объекти алоҳида олинган гаплар таҳлилидан эмас, балки матн таҳлилидан иборат бўлади. «Диалогик матн икки шахснинг мавзуий ва мантиқий бир бутунликни ташкил этадиган, бири иккинчисини тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келадиган гаплар йиғиндисидан ташкил топган бир бутун нутқий бирликдир»⁴⁹. Тилшуноснинг ҳақли эътирофидан англашиладики, диалогик нутқ кўринишида тингловчига ахборотни тез, аниқ, содда ва таъсирчан етказиш мақсад қилинган бўлади.

⁴⁷ Мамажонов А. Стилистические особенности сложных предложений узбекского литературного языка: Автореф. дис. докт. фил. наук. Ташкент, 1991.

⁴⁸ Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент: Фан, 1990.

⁴⁹ Саидхонов М. Диалогик нутқнинг коммуникатив таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004, 2-сон, 71-бет.

I БОБ

ДИАЛОГИК ДИСКУРС – ҚЎШМА ГАП ВОҚЕЛАНУВЧИ МУҲИТ СИФАТИДА

1.1. Диалогик дискурс ҳақида. Диалогик дискурсда миллий ментал ва прагматик омилларнинг роли

Ҳозирги замон ўзбек насри учун характерли бўлган хусусиятлардан бири бадий асар қурилмасида ғоят муҳим ўрин тутган диалогик дискурсларнинг қурилиши ҳамда вазифалар доирасининг кенглиги ва ранг-баранглигидир. Диалогик дискурс ўзининг тузилиши ва бадий асар структурасида эгаллаган ўрни жиҳатдан кўпинча муаллиф баёнининг композицион-услубий тизимини белгилаб беради. Муаллиф асар баёнида қатнашувчи персонажларнинг суҳбатини шундай ташкил этадики, натижада диалог ёзувчи учун биргина ифодалаш воситаси бўлиб қолмайди, балки бош мақсад даражасига кўтарилади¹. Шунинг учун ҳам диалог асардаги композицион-сюжет қурилишининг ажралмас таркибига айланиб қолган. Бадий адабиётда диалогик дискурснинг ўрни ниҳоятда катта. Асарда воқеа ёзувчи томонидан баён қилинар экан, шундай вазият юзага келадики, энди муаллиф воқеалар ривожининг кейинги босқичини ўз сўзлари билан ифода қилишининг иложи бўлмай қолади. Бундай пайтда ёзувчи диалогга мурожаат қилади. Демак, бадий асарнинг бир бутун структурал тизими ва услубий яхлитлиги диалогнинг асарда тутган ўрни ва роли билан узвий боғлиқдир.

Жаҳон ва рус адабиётшунослигида диалог муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган талайгина ишлар мавжуд. Булар орасида айниқса, З.Клеменсевич – поляк тилида², У.Мукаровский – чех тилида³, О.Эссен

¹ *Сержин М.* Проблемы поэтики Достоевского. М.: Искусство, 1963. С. 338.

² *Клеменсевич З.* Zarus ksladni polskiej. Warszawa, 1957.

³ *Мукаровский У.* Dialog a monolog w "Lesty filologicke", Praha, 1940. № 6.

– немис тилида⁴, Н.Ю.Шведова⁵, М.Л. Михлина⁶, Т.Г. Винокур⁷ каби олимлар рус тилшунослигида диалог ва унинг синтактик хусусиятларини ўрганган бўлса, М.М.Бахтин, М.Б.Храпченко, В.В.Виноградов, В.В.Одинцов каби олимларнинг тадқиқотларида буюк санъаткорлар Ф.Достоевский, Л. Толстой, А.С. Пушкин, Н.Гоголь ва бошқаларнинг диалог яратиш борасидаги маҳорати чуқур таҳлил этилади⁸. Уларнинг ижодига хос диалог турлари ва кўринишлари тўғрисида фикр юритилади. Диалогнинг инсон шахсини камолга етказишда, унинг характер сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнаши масаласи файласуфларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Профессор В.И. Толстихнинг ёзишича, одам «ўзининг ҳаётдаги ўрни ва қобилятининг қай даражада эканлигини тўла англаб етиши учун диалогга эҳтиёж сезади. Худди мана шу эҳтиёж шахснинг аниқ бир характер, аниқ бир тип сифатида шаклланишига» ёрдам беради⁹.

Ўзбек тилшунослигида диалогнинг ўзига хос хусусиятлари, типлари ва турлари, унинг структурал қурилиши ҳамда вазифаларини аниқлашга оид тадқиқотлар саноқли. Масалан, диалог ҳамда унинг бадиий асардаги ўрни тўғрисида академик М.Қўшжонов ўзининг «Ижод сабоқлари» китобида¹⁰ қисқа ва умумий маълумот берган, холос. Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқовларнинг «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати»¹¹да диалогнинг асосан драматик асарлардаги вазифаларига тўхтаб ўтилган.

⁴ Essen O. Grundzuge der hochdeutschen Satzintonation. Hamburg.

⁵ Шведова Н.Ю. Очерки по синтаксису русской разговорной речи: Автореф. дис... канд. филол. наук. М., 1958.

⁶ Михлина М.Л. Из наблюдений над синтаксисом диалогической речи: Автореф. дис... канд. филол. наук. Л., 1955.

⁷ Винокур Т.Г. О некоторых синтаксических особенностях диалогической речи в современном русском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. М., 1953.

⁸ Бу ҳақда қаранг: БАХТИН М. Кўрсатилган асар; Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник. М.: Прогресс, 1978; Виноградов В.В. О языке художественной прозы. М., 1980; Одинцов В.В. О языке художественной прозы. М., 1971.

⁹ С чего начинается личность// Сб. статей / Под общ. ред. Косолапова Р.И. М., 1984. С.99.

¹⁰ Қўшжонов М. Ижод сабоқлари (Адабий ўйлар). Тошкент, 1973.

¹¹ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1981.

Тадқиқотчи Г.Имомова «Типик миллий характерлар яратишда бадий нутқнинг роли» мавзусидаги номзодлик диссертациясида, гарчи биринчи бобнинг 3-бўлими «Диалог, монолог ва ички нутқда миллий характернинг ифодаланиши» деб номланган бўлса-да, диалог ва монолог атамаларига таъриф беришни ортиқча ҳисоблаб, «Асарларда диалог икки ва ундан ортиқ персонажларнинг ўзаро сўзлашуви, тортишуви, бир-бирини инкор этувчи турли хил эътиқоди ва характерини тасвирлаш воситаси»¹² эканлигини қайд этиш билан чекланади. Тилшунос Ў.Лафасовнинг «Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши»¹³ мавзусидаги илмий ишида диалогик нутқ таркибида фақат модал сўзларнинг қўлланилиши тўғрисида фикр юритилади. Профессор А.Ғуломов ва М.Асқаровалар «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (Синтаксис) дарслигида диалог сўроқ-жавобдан иборат бўлганда тўлиқсиз гаплар жавоб гап тарзида келишини қайд қилган бўлсалар, Ўзбекистон Фанлар академияси А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан нашр этилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (II қисм, Тошкент, 1966 йил)да диалог тўлиқсиз гапнинг бир тури сифатида кўрсатилади ва диалогик нутқ таркибида келувчи тўлиқсиз гапларнинг тузилиши устида фикр юритилади. Б.Ўринбоев¹⁴ ва А.Х. Ҳазратқулов¹⁵ диалог ва диалогик реплика тусунчалари ҳақида тўхталиб ўтган.

Кўринадики, диалогик дискурс муаммосини тадқиқ этишга бағишланган мавжуд ишларнинг бирортасида ҳам диалогик дискурсда қўшма гап ва унинг ўзига хос семантик ва структур хусусиятлари тадқиқ қилинган эмас. Бу ниҳоятда кенг қамровли ва долзарб муаммолардандир.

Биз шу ўринда диалог атамасига тўхталиб ўтмоқчи эдик: чунончи, И.Султон ўзининг «Адабиёт назарияси»¹⁶ китобида таъриф беради,

¹² Имомова Г. Типик миллий характерлар яратишда бадий нутқнинг роли. НДА. Тошкент, 1993. 13-бет.

¹³ Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши. НДА. Тошкент, 1996.

¹⁴ Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Тошкент, 1974.

¹⁵ Ҳазратқулов А.Х. Диалогик нутқ синтаксисининг баъзи хусусиятлари (диалогик бирлик ҳақида методологик кўргазма). Қарши: Насаф, 1978. -36 бет.

¹⁶ Иzzат Султон. Адабиёт назарияси. 2-нашр. Тошкент: Ўқитувчи, 1986. -408 бет.

Н.Шукуров, Н.Ҳотамов, М.Маҳмудовларнинг «Адабиётшуносликка кириш»¹⁷ китобида, «Адабиёт назарияси»¹⁸ икки жилдлигида диалогик дискурс ўз аксини топган.

Одатда, диалогик дискурс ҳақида гап кетганда, уни «икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасидаги суҳбат» деб таърифлашади. Бу тўғри фикр. Гап шундаки, диалогик дискурс бадиий ижодкор учун ижод техникасининг энг қийин бўлакларидан бири сифатида қаралса, тилшунос учун диалогик дискурснинг синтактик ўзига хосликлари, унинг мазмуни ва тузилиши муҳим аҳамият касб этади.

Тилда икки хусусият мавжуд, шу сабабли фикр икки ҳолатда: оғзаки ва ёзма баён этилади. Улар ҳар доим бир-бири билан муносабатда ва алоқадорликда бўлади. Сўзлашув тили ёзма адабий тилнинг манбаидир. Сўзлашув тили диалогик дискурс шаклида намоён бўлади ва бу дискурс ҳозиржавоблик асосида тузилади. Лекин шуни унутмаслик керакки, сўзлашув тили деганда, фақат диалогни тушунмаслик керак. Албатта, улар бир-бири билан боғлиқ ҳодиса, шу боис ёзма ва оғзаки адабий тил таркибида ҳар иккала нутқ шакли мавжуддир. Л.В. Шчербанинг фикрича¹⁹, сўзлашув нутқи диалог шаклида юз беради. Бу эса диалогнинг табиийлигини таъминлайди. Тил диалогдагина ўзининг ҳақиқий борлигини намоён қилади. Тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари бир-бири билан таққослаб кўрсак, адабий тилнинг асосида монолог ётганлигини кўрамиз. Л.В. Шчерба адабий тилнинг белгиларини кўриб чиқиб, уларни адабий тилнинг турли шакллари ва иш юритиш тилининг турли кўринишлари деб икки гуруҳга ажратади. «Ҳар бир шакл ва ҳар бир усул ҳаётий зарурат талаб қиладиган маълум вазифани бажариш учун унинг синтактик хусусияти билан боғлиқдир», -деб ҳисоблайди²⁰.

Шу ўринда диалог ва монолог хусусида тўхталмоқчимиз. Маълумки, социал-нутқий алоқада диалог энг кўп қўлланиладиган шакллардан ҳисобланади. Монолог эса, мураккаб нутқ шакли бўлиб жамоа томонидан қўлланиладиган ифода формаси бўлмасдан, балки индивидуал шахс томонидан тузилган нутқ формасидир.

¹⁷ Шукуров Н., Ҳотамов Ш., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. 2-кайта ишланган нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

¹⁸ Адабиёт назарияси. 2 томлик, 1-том. -Тошкент: Ўқитувчи, 1978. -416 бет.

¹⁹ Шчерба Л. В. Восточно-лужское наречие. Петербург: Наука, 1915. С. 4.

²⁰ Ўша жойда.

Диалогик нутқ таҳлили объекти алоҳида олинган гаплар таҳлилидан эмас, балки матн таҳлилидан иборат бўлади. «Диалогик матн икки шахснинг мавзуйи ва мантиқий бир бутунликни ташкил этадиган, бири иккинчисини тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келадиган гаплар йиғиндисидан ташкил топган бир бутун нутқий бирликдир»²¹. **Диалогик нутқ** кўринишида тингловчига ахборотни тез, аниқ, содда ва таъсирчан етказиш мақсад қилинган бўлади. Шунинг учун суҳбат жараёнида эллипсидан, турли имо-ишоралардан кенг фойдаланилади. Мутахассислар фикрича, «алоқа-аралашувда сўз, сўз бирикмаси, гап, айрим ҳолларда матнлар ҳам эллипсисга учраши ёки нолисоний воситалар билан алмаштирилиши мумкин. Диалогик матнлар таҳлили шуни кўрсатадики, коммуникантлар алоқа-аралашув жараёнида нолисоний воситалардан лисоний воситани изоҳлаш, тўлдириш, таъкидлаш, аниқлик киритиш, компенсация қилиш (лисоний бирлик ўрнида қўллаш) мақсадларида фойдаланадилар»²². **Монологик нутқ** бадиий асар қаҳрамонларининг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нутқидир. Ҳам шеърий, ҳам насрий асарларда ишлатилади. Бадиий асарлардаги мактублар асосан **монологик ёзма нутқ** кўринишида бўлади (эсланг: Кумушнинг Отабекка ёзган мактуби, ёки Отабекнинг Кумушга ёзган мактуби). Бу мавзунинг ўзи тилшунослик соҳасида алоҳида тадқиқ манбаи бўлган²³. Шеърий матнларда лирик қаҳрамон кечинмаларини тугал тасвирлаш учун монологик нутқдан фойдаланилади. Ички монологик нутқ – қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан ичдан гапириши, фикрлаши, фикр ва туйғуларининг ички ифодасидир. Ички монологда қаҳрамон ўзининг сирли, яширин фикрларигача айтади, шу боисдан ички монолог орқали қаҳрамон китобхон олдида ўз-ўзини очади. Шунинг учун ҳам унинг шахсиятида ҳеч нарса сирли ёки тушунарсиз бўлиб қолмайди. Ички монолог сўзлашув нутқидан ўзининг очиқ ва ошкоралиги билан ажралиб туради²⁴.

²¹ Саидхонов М. Диалогик нутқнинг коммуникатив таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, 2-сон, 71-бет.

²² Саидхонов М. Ўша жойда.

²³ Чориева З.Т. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги мактубларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. НД. Тошкент, 2003.

²⁴ Шодиев Р. Рухият рассоми. Тошкент: Фан, 1997. 6-бет.

Аросат яланглигида Йигит ёлғиз ўзи.

Йигит: Умрим ўтди сарсонликда, саргардонликда,

Яхши-ёмон замонларни кўриб келдим мен.

Баъзан маъно топа олдим чин инсонликда,

Баъзан эса уни ерга уриб келдим мен.

Мана, ўша тарозибон, у-ку фаришта,

Инсонлардан кўра юксак туражасак-ку у.

У зотга ҳам қийин экан бундақа ишда,

Кўзларида алланечук норизо тўйгу.

Қийин ахир уларга ҳам, қалблари бордир,

Қийин ахир уларга ҳам-бордир кўзлари.

Фақатгина фармон берар Оллоҳи Қодир,

Лекин қалбни англамайди қизлар сингари.

Энди қайга борсам экан бу дашт, саҳрода,

Қайга бориб падаримни кимдан сўрасам?

Билолмасам, ким дўзахда, ким ариш-аълода... (А.Орипов)

Диалогик нутқ ҳам, монологик нутқ ҳам уч кўринишда бўлиши мумкин: **ички нутқ, ташқи нутқ ва параллель нутқ.** Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида Мирёкубнинг «мен» билан суҳбати диалогик нутқ характерида, лекин ифода тарзи ички нутқ шаклида берилган. **Параллель нутқ** – қаҳрамон ички ва ташқи нутқларининг бир вақтнинг ўзида намоён бўлишидир. Бу нутқ шакли кўпинча қаҳрамонлар ўртасидаги диалог жараёнида кузатилади ва ички нутқ бундай ҳолларда суҳбатдошга бўлган муносабатни билдиради.

Фурсатни тўғри келтириб туриб:

-Империя нима дегани?-деб сўрадим.

-Нега сўраб ётибсиз?-деди.

-Ўзингиз билган амалдор ошнам бир кун «Империя ботиб боради» деди, шунда жуда хафа бўлиб гапирди.

-Унинг империя дегани ўрис подшошининг қўл остидаги юртлар. Унда ҳар қайси миллатдан бор, шу қаторда биз шўрликлар ҳам бор.

(...) Сизинг сизирни ким истамайди? Оппоқ, ширин сути бор...

-Ниманинг сути бор? –деб сўрадим мен.

Қўлди.

-Сиз-биз согин сизгирмиз, бизнинг ишрин сугтимиз бор, руслар ва бошқа ажнабийлар «бизни» эмиб ётадилар. Бир биз эмас. Қарангиз, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Тунис, Жазоир, Мағрибистон, яъни Марокаш (...)

У гапиради, гапиради. Мен ҳайрон бўламан. Мунча номларни қайдан билади? Ҳаммаси қандоқ қилиб эсида туради? Ҳаммасини ўз кўзи билан кўрганми? Ё мени лақиллатиб, ўз ичидан чиқариб айтадирми? (Чўлпон)

Шарофуддин Ходжаев билан Мирёқуб ўртасида бўлиб ўтаётган ушбу суҳбат жараёнида Мирёқубнинг ички нутқи билан ташқи нутқи параллель равишда бериб борилган. Қаҳрамон ички дунёсида рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиришда бу усулдан фойдаланилади.

Диалогда ифодалилик, экспрессивлик, эллиптиклик формалари кўриниб туради. Улар қаҳрамон дунёси ва характерини очишда, индивидуал образ яратишда, уларнинг ижтимоий хулқини аниқлашда социал-нутқий характеристика ҳисобланади. Диалогда интонация тез-тез ўзгариб туради. Бунда нутқнинг синкретик табиати ижтимоий матн ва шароит каби функционал алоқа натижасида юзага келади. Бундан ташқари, диалогда суҳбатдошнинг эшитиш қобилияти ҳам муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, сўзловчи ўз нутқида турли хил маъноларни, жумладан, эмоционалликни ифодалайди. Бу оттенкалар интонация ёрдамидагина тўлиқ аниқланади. Ҳар қандай субъектив характердаги фикр эмоционалликни акс эттиради. Фикрнинг эмоционал томони катта маъно аҳамиятига эгадир.

Диалогик нутқнинг кучли эмоционаллиги махсус формаларининг мавжудлиги, ўзига хос интонацияси, олдиндан ўйланган формалар билан сўзлашнинг имкониятсизлиги унинг асосий белгисидир. Диалогик нутқ ўзининг синтактик қурилиши билан ҳам ажралиб туради ва у ўзининг синтактик хусусияти билан монологдан фарқланади.

Монолог билан диалог ўртасида структурал, формал ва тил формаларининг иштирокига кўра фарқлар мавжуд. Монолог услубий жиҳатдан шакллантирилган социал-нутқий шаклдир. Бунда ижтимоий, маданий, нутқий алоқа мураккаб намоён бўлади. Маълумки, монологик нутқ таркибида ҳам диалог бўлиши мумкин. Унинг турла-

ри бир неча хил бўлади. Монолог услубий жиҳатдан нейтрал бўлиб, учинчи шахсдан иккинчи шахсга қаратилган бўлади.

Ҳозирги ўзбек насридаги диалоглар бир хил кўринишга эга эмас. Улар орасида диалогнинг энг кўп тарқалган уч хил типига: жонли (реал), хаёлий (тасаввурдаги), ички диалог кабиларга ажратиб кўрсатиш мумкин. Номланиши жиҳатдан хаёлий ва ички диалоглар бир хилдек туюлади. Шунинг учун ҳам баъзида тадқиқотчилар уларни чалкаштириб юборадилар²⁵. Аслида улар яратилиш жараёни ва тузилишига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, хаёлий диалог қаҳрамонлар ўртасида аввал рўй берган жонли (реал) диалогнинг кейинроқ суҳбатдошлардан ёхуд уни эшитганлардан бирининг хаёли (тасаввури)да қайта тикланишидир. Ички диалог эса қаҳрамоннинг ўз-ўзига ёки бирор ҳамсуҳбати (эҳтимол, севгилиси ёхуд рақиби) билан ғойибона фикрлашуви, тортишуви асосига қурилади. Кейинги йиллар насрида оммалашиб бораётган «баҳс-диалог», «характеристик (тавсифий) диалог», «драматик диалог» каби турлар ҳам учала тип таркибида ҳам ғоят унумли қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай турлар диалогнинг туб фазилатларини ўзида ёрқин намоён этиши билан бирга, ҳозирги пайтда асарнинг композицион-стилистик қурилмасида тобора мураккаблашиб, кенгайиб ва ранг-баранглашиб бораётганлиги кўзга яққол ташланмоқда. Масалан, ҳозирги насримизда биргина баҳс-диалогнинг бир неча шакллари учратиш мумкин.

Баҳс-диалогнинг энг яхши намунаси ёзувчи Муроджон Мансуровнинг «Мангу жанг» романида учрайди. Академик М.Бахтин «Достоевский поэтикасининг муаммолари» китобида «Достоевский ижодида диалогнинг асосий қурилиши жуда содда: худди «мен» ни «ўзга»га қарама-қарши қўйгандек, одамни одамга қарши қўяди»²⁶, деб ёзади. Бизнингча, М.Мансуровнинг «Мангу жанг» романи ҳам худди шундай услубда ёзилгандек. Айтиш мумкинки, роман бошидан-охиригача мунозара руҳи билан суғорилган, инсонни-инсонга юзма-юз қўйиш асосига қурилган. Бу тортишувчи томонлар М.Мансуров қаҳрамонлари орасида бегона эмас. Ёзувчи роман конфликтини кучайтириш, сюжет


²⁵ Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик. Тошкент, 1994; Шодиев Н. Қудратли тўлқинлар олами. Тошкент, 1982.

²⁶ Бахтин М. Кўрсатилган асар, 338-бет.

динамикасини ривожлантириш ниятида, аввало, бемор Бурҳон чолни шартли равишда уч қиёфага бўлади. Сувратдаги Бурҳон тўқис билан ўзлигини англаётган ва ўзликка қайтаётган Сийратдаги Бурҳон ўртасида аёвсиз тортишув кетади. Учинчи одам – бемор Бурҳон чол эса бундай пайтда тингловчи сифатида ўзини четга олади. Сувратдаги Бурҳон билан Сийратдаги Бурҳон ўртасида хаёлий диалог типичулланилади. Реал диалогда Бурҳонга қарама-қарши қўйилган иккинчи шахс унинг дўсти ва айни пайтда, унинг амал пиллапояларидан кўтарилишида ҳалақит берадиган «рақиб» Акбар полвондир. Романнинг бош қаҳрамонлари Бурҳон тўқис билан Акбар полвоннинг 20–30-йиллардан то 50-йилларгача бир-бирига қарама-қарши тарзда ўтказган фаолиятлари романнинг асосий ғоясини ташкил этади ва бу диалогларда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Сувратдаги Бурҳон тўқис билан Сийратдаги Бурҳоннинг диалогичасосан бир-бирларига савол бериш ва муаммо қўйишдан иборат. Бу саволларга жавоблар ва муаммолар ечими кейинги бобларда ўша воқеалар рўй берган даврларга экскурсия қилиш орқали ўз ифодасини топади. Демак, ушбу диалоглар роман сюжетини ривожлантиришга туртки беради, тугун ташлайди, воқелик ва характер динамикасига кўмаклашади. Бошқа адиблардан фарқли ўлароқ, М.Мансуров романида тавсифий (характеристика) диалог туридан эмас, балки баҳс-диалог турининг диалог-ҳолат шаклидан кўпроқ фойдаланилади. Бу, айниқса, бемор Бурҳон чол бевосита иштирок этган жонли диалоглар ҳамда Сувратдаги Бурҳон билан Сийратдаги Бурҳонлар қатнашган хаёлий диалогларда қаҳрамоннинг айни чоғдаги ички ва ташқи ҳолатларини параллель равишда ифодалашга жуда қўл келган.

Одил Ёкубов ўз асарларида асосан тавсифий диалог турини қўллайди. Адиб яратган диалоглардан ўқувчи қаҳрамонлар характерини кўпроқ ва чуқурроқ билиб олади. «Диёнат» романининг бошланишидаёқ Отақўзи ва Аброр Шукуров Нормурод Шомуродов, Гулсара ая билан биргаликда «каттагина чорбурчак ҳовли» га кириб келиб танишади. Мана шу учрашувдан бошлаб биз нафақат муаллиф нутқи орқали, балки диалог, ремарка, репликалар орқали ҳам бу қаҳрамонлар тўғрисида батафсил маълумот ола бошлаймиз. Бу маълумотлар жамланиб, охир-оқибатда домла Шомуродовнинг монументал қиёфасини вужудга келтиради.



Шуниси муҳимки, Нормурод Шомуродов характери фақат бошқа персонажларнинг таърифи билангина шакллантирилмайди. Айни чоғда, муаллиф қаҳрамонининг ўз-ўзини таҳлил этиши орқали ҳам мукаммаллаштириб боради. Бунда ёзувчи ички диалог типидан фойдаланади. Яъни, қаҳрамон икки қиёфага ажралади (бу усулнинг энг яхши намунаси «Кеча ва кундуз» романида Чўлпон томонидан яратилган) ва унинг «мен»и ўзига «сен» шаклида мурожаат қилади: «От тепкисини от кўтаради деганларидек, бирда нотанти бўлса, бирда танти, мард, оккўнгил жиянининг терслигини ўз тоғаси кўтармаса, ким кўтаради? Ким сени кўпни кўрган мўйсафид, кўпни билган олим дейди, мулла Нормурод?» Бундай усул тоғасининг вафотидан кейин унинг ҳақлигини англаб, ўзининг бемаъни қилиқларини таҳлил этган Отақўзи нутқида ҳам қўлланилади.

Тавсифий диалоглар тузилиши жиҳатидан маълум қоидаларга бўйсундирилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлади. Муаллиф ремаркасининг ҳажми нисбатан кенгроқ ва давомийликка эгаллиги билан ажралиб туради. У бир йўла сўзлаётган ёки тинглаётган суҳбатдошларидан бирининг таъриф-тавсифини, характер хусусиятларини, хатти-ҳаракатларини ифодалайди, бирорта бўлиб ўтган ҳодиса ҳикоя қилиниши ҳам мумкин. Муаллиф баёнда асосан фактларнинг батафсилроқ ифодаланишига эътиборни қаратади. Бундай диалогларда репликаларнинг тез-тез ўрин алмашинуви, қарама - қарши ҳолат ва ҳаракатлар рўй бермайди. Фикр ривожиди диалогда бир йўналиш ва ягона изчилликда давом этади.

Бу жиҳатдан Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романидаги Нурмат тоға тақдири билан боғлиқ қистирма ҳикоя ибратли. Аслида бу ҳикоя Толибжон билан Мирвали ўртасида бўлаётган жонли диалогнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади. Аммо бу диалог моҳиятига кўра мустақил ҳикоя шаклини олган. Ҳикоя таркибида жонли диалоглар, ремарка ва репликалардан унумли фойдаланилади. Шуниси борки,

воқеа ҳикоя қилинаётган пайтда унга нисбатан тингловчи суҳбатдош Толибжоннинг реакцияси, муносабати сезилмайди. Шу билан бирга, бу воқеани айтиб бераётган Мирвали ҳам ўзини четга олади. Мабодо унинг нутқидаги «дейди», «билмай қолади», «карайди» сингари ўтган замон ҳикоя феъли шакллари қўлланишини ҳисобга олмасак, ўқувчи бу ҳикояни муаллифга нисбат бериши ҳеч гап эмас. Ҳикоядаги диалог изчиллиги бир-бирини тўлдириб келаётган «Нурмат тоға йўқ дейишни ҳам билмай чайналиб қолади», «Нурмат тоғанинг кўнгли бўлмайди», «Нурмат тоға ҳайрон бўлади» каби репликалар орқали таъкидланади. Бу изоҳларда Нурмат тоғанинг қалбидаги тўлғонишлар ўз ифодасини топган. Унинг шу чоғдаги руҳий ҳолати суҳбатдошининг нутқи ва репликаси орқали янада чуқурроқ очилади («Ия, ия!, «Доктор чақирайми?»).

Омон Мухтор романларида диалогнинг янгича тур ва шаклларига дуч келамиз. Унинг ижодида ҳам «одам мурожаат қилиш субъекти» сифатида намоён бўлади²⁷. Адиб асарларида муаллиф-ҳикоячи ҳам, қаҳрамон ҳикоячи ҳам ўз-ўзи ёки ўқувчи билан бемалол мулоқотга киришаверади. У, аввало, баёнини бошидан охиригача «Бу афсона-латифаларни ким тўқиган? Бировларми, Ғуломжоннинг ўзими, билиш қийин...» («Минг бир қиёфа»), «Кимга оғир? Мулла Тошпўлатга!» («Ффу»), «Аёлларни севмаслик мумкинми? Мумкин эмас! («Аёллар мамлакати ва салтанати») қабiliда диалог шаклида олиб боришга интилади. «Кўзгу олдидаги одам» романи эса ҳикоячи Валижоннинг ўз-ўзи билан суҳбати – баҳс-диалог асосига қурилгандек таассурот уйғотади. Валижон кўз олдида рўй бераётган воқеаларни савол-жавоб асосида таҳлил қилади. Савол берувчи ҳам, жавоб қилувчи ҳам Валижоннинг ўзи: «Инсон истаса, ўзи ўрганган яхшими-ёмон йўлдан дарҳол қайтади, ҳафтада-ойда тиловат қилиб, худога сидқидилдан ёлворса, бас, унинг руҳи, кўнгли покланади, деб ўйлайсизми? Инсоннинг олий бир мақом – камол касб этиши шунчалик жўнми? Э, йўқ! Ҳафтада, ойда ҳаммомга тушган одамнинг бадани дарров тозаланмайди-ю!»

Ёзувчининг тарихий мавзудаги энг сўнгги «Ишқ аҳли» романи эса бошдан охиригача диалогнинг яна бир янги тизими асосида яра-

²⁷ Ўша жойда.

тилганлиги билан ибратлидир. Уч бўлим, 5 дафтар баёнидан иборат мазкур роман ҳикоячи рассом Абулхайрнинг ўқувчи билан яккама-якка суҳбати асосида қурилган. Роман моҳиятини мусаввир Абулхайрнинг Навоий портретини чизиш учун тайёргарлик жараёнида улуғ шоир асарларини ўқиб, ўрганиб кузатганлари, ўйларини турли дафтарларга бетартиб ёзиб борган мулоҳазалари ташкил этади. Лекин баён бетартиб эмас. Унда Ҳазрат Навоийнинг 4 – 5 яшарлигидан, то, вафотига қадар бўлган ўта зиддиятли, нотекис ҳаёт йўли маълум даврларга бўлинган ҳолда ҳикоя қилинади. Шунга кўра романни бир-бирига боғланган бешта диалогдан ташкил топган дейиш мумкин. Бу диалоглардаги асосий суҳбатдош мусаввир Абулхайрнинг ўзидир.

Бундан ташқари, романда диалогнинг яна бир шакли учрайди. У ҳам бўлса, асар воқеаларида мутлақо қатнашмайдиган «касби ҳисоб фани» бўлган Одил исмли йигитнинг суюқлиси Барно билан хат орқали олиб борган мулоқот диалогидир. Романда Одилнинг тўртта мактуби берилган бўлиб, учтаси Барнога, биттаси дўсти Холидга ёзилган, аёнки, хат аслида диалогнинг ёзма шаклидир. Унда суҳбатлашаётган томонлардан бирининг ички ва ташқи қиёфаси, характери намоён бўлади. Одилнинг мактубида эса биратўла уч киши – ўзи, суюқлиси Барно ҳамда кундалик соҳиби рассом Абулхайрнинг ички олами, бир-бирларига нисбатан самимий муҳаббатлари очилади. Рассом Абулхайрнинг Навоий ҳақидаги дафтарлари туфайли Одил билан Барно бир-бирларини янада яхшироқ билиб оладилар ва ҳақиқий ишқ аҳли қаторига қўшиладилар. Айни чоғда, санъаткор Абулхайрнинг маънавий дунёси, улуғ шоир руҳига кириши борасидаги қийинчиликларни англаб етамиз.

Демак, диалог бадий асарда муаллиф баёнининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, сюжет ва композицион бир бутунликни таъминлашда, муаллиф баёнининг тўлақонли чиқишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Инсон ўз фикрини ифодалаш учун нарсa ва ҳодисаларни бир-бирига чоғиштириш объектини ўзига яқин ва яхши таниш бўлган ижтимоий ва табиий муҳитдан, халқ турмушидан олади, айни чоғда, умумлашган миллий ранг касб этади. Масалан, умрида биринчи маротаба тўтиқушни кўрган «Шум бола» повестининг қаҳрамони

Муҳаммадшариф куш патлари ранг-баранглигини Ойша чеварнинг саватидаги ипакларга ўхшатади. Демак, персонажлар нутқида ҳар бир халқ образли тафаккури хусусиятлари ўз аксини топади. Шунинг учун бўлса керак, В.Г.Белинский: «Халқнинг фикрлаш ва ҳис этиш тарзида ҳам миллий хусусият намоён бўлиши керак» деб таъкидлаган.

Сўзамоллик ва қочирикларга мойиллик ўзбек халқига хос бўлган характерлардандир. Бу ҳақда Л.Бать «Унутилмас учрашувлар» китобида шундай деб ёзади: «Ўзбек поэзияси ҳикматли маъноларга бойлиги, яширин фикр сеҳри билан ажралиб туради. Сўзамоллик ўзбекларга хос хусусиятлардан биридир».

Хўш, аввало, миллий ментал ўзига хослик деганда нимани тушуниш керак? Халқ ҳаётининг моддий шароити, маънавий турмуш тарзи, мафкураси, дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, тарихи ва дини, адабиёти ва санъати, афсона ва чўпчаклари, халқнинг ўзига хос урф-одат ва қадриятлари, ахлоқий ақидалари, ҳикматли сўз-у мақол-маталлари, ўзбекона одоб ва хулқнинг қаҳрамонлар нутқида акс этиши тушунилади.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигининг турли тармоқларини тўлиқ ёритишга бағишланган қатор изланишлар олиб борилиши билан бирга, янада чуқурроқ ўрганилиши лозим бўлган соҳалар кам эмаслиги сезилмоқда. Ўзбек халқ оғзаки ижодига тааллуқли турли жанрдаги манбалар тил хусусиятларини хусусан, уларнинг миллий ментал тавсифини таҳлил қилиш шулар, жумласидандир. Халқ оғзаки ижодига доир манбаларнинг ҳар бири лисоний жиҳатдан таҳлил қилинганда бир-биридан анча фарқ қилади. Достонлар тили эртақлардан, мақол ва маталлар тили топишмоқлар тилидан, халқ кўшиқлари тили ҳам бошқа жанр тил хусусиятларидан талайгина фарқланади. Халқ мақоллари тил хусусиятлари ҳақида рус тилшунослигида, туркологияда маълум изланишлар олиб борилган ^{28,29,30}.

²⁸ Киселева С. Н. К вопросу об использовании единиц фразеологии и афористики в учебном процессе на подготовительном факультете // Русский язык для студентов-иностранцев. 1984. № 23. С.72.

²⁹ Хлебцова О. А. Русский язык в пословицах, крылатых словах, афоризмах. М.: Наука, 1999. С.2.

³⁰ Аверьянова Г. Наши пословицы // Аврора. 1996. № 11. С.46.

Ўзбек тилшунослигида эса мазкур масалага тааллуқли тадқиқотлар бармоқ билан санарли даражада кам ^{31,32,33}.

Назар аҳли кўруб нортэк яноқинг,

Масал: «Бир нору минг бемор» дерлар (Лутфий) (маъноси: ки-шилар сенинг анордек яногингни кўриб, халқ орасида ишлатиладиган «бир анор минг беморга даво эканлигига иқрор бўлишади. Шунингдек, адиб ўз мисраларида мақолдан фойдаланиш билан бадий адабиётда-ги ирсоли масал санъатига мурожаат қилган. Чунончи: Ўғлим, кечаги юриш-туришинг мени анча изза қилди. Машинойхлар бекорга ай-тишмаган: Яхшининг хулқи ортиқ, ёмоннинг ёқаси йиртиқ». Бунинг маъзини чақиб ол (Ш.Холмирзаев. «Оғир тош кўчса»). Бунга ўхшаш мақолларда ёмон, хулқи бузук, очкўз, сурбет, зўравон одамларнинг хулқ-атвори, юриш-туриши қораланади. Мулоқот жараёнида учровчи бундай мақоллар фарзандларга панд-насихат тарзида қўлланилади ҳамда уларни яхшиликка, ҳалолликка ундайди. Бундай мақолларнинг вариантлари ҳам мавжуд бўлиб: « Ёмоннинг тузга келгани—қизга келга-ни», « Ёмон қизга соч битса, ёнига йигит йўлатмас», «Ёмоннинг кучи япалоққа етибди», «Ёмон ер бўлмайди, ёмон эр бўлади» ва ҳоказо. Мисолларнинг барчасида нияти қора кимсалардан фарзандларнинг узоқроқда юриши, бундай кимсалар билан мулоқотда бўлишликда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Яна мисолларга мурожаат қиламиз: 1. Зарбуйи шу ўтирган кўйи анчагача ўзига келолмай тур-ди, хаёл ўлгур ҳар ёқларга бошлади-ю, яна шайтонга ҳай берди, начо-ра : «Куёвни пайғамбарлар сийлашган (Қ.Раҳимова. «Шукрона»). 2. Қизининг қизарган кўзларига қаради-ю, оғзидаги бўғзида қолди: эсига раҳматли ойиси бот-бот такрорлайдиган гапи тушди: « Куёвники-да куйруқ егандан —ўғилникида юдруқ еган яхши» (С.Қаҳҳор.«Дайди қизнинг дафтарида»). Юқорида келтирилган мақоллар асосан сўз-лашув ва бадий услубда ишлатилади. Мақол мазмуни куёвни сийлаш

³¹ Абдураҳмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусият-лари бўйича кузатишлар. Тошкент: Фан, 1976.

³² Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тилнинг лексик нормалари / Нутқ мадания-тига оид масалалар. Тошкент, 1973.

³³ Абдураҳмонов Х. Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзи хусу-сиятлари ҳақида. Илмий асарлар.1-китоб. Тилшунослик масалалари. Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961. 419-439-бетлар.

кераклиги, бу билан куда-андачилик ришталарини мустаҳкам боғлаш мумкинлигига ишора қилинади. Мақолнинг келиб чиқиши (1) диний ривоят билан ҳам боғлиқ. Ривоятда келтирилишича, пайғамбаримиз ўз куёви Ҳазрати Алини сийлаган эканлар. Худди шу мақол таҳлилига ўхшаш яна бир мисолга мурожаат этсак: *Бугунги ишимиздан хурсанд ҳолда иккаламиз бетма-бет ўтирибмиз. Муаллим мингирлаб кўйди: Сулаймон ўлди, девлар қутулди, кўнам хижолат бўлаверма. Ўртамизда овчиларнинг, йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи — гулхан (Ш.Холмирзаев. «Оғир тош кўчса»)*. Қайд этилган мақол диний афсонага асосланган. Унда айтилишича, Сулаймон пайғамбар «Байтул муқаддас»ни қурдирганда девларни мажбур қилиб ишлатган. Девлар пайғамбардан қўрққанидан ишлайверишибди ва ҳатто, ҳассага таяниб ўлиб қолган Сулаймон пайғамбарни ҳам сезишмайди. Ниҳоят, жасад ағанаб тушгач, девлар ҳар тарафга қочиб кетишади³⁴. Юқоридаги мақол мазмунини мана шу афсона билан боғлиқ. Бу афсона тафсилоти адиб Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарида ҳам қайд этилади. Шунингдек, халқ мақолларининг яна ўзига хос кўринишлари кишилар нутқида ишлатилади. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамыз: *1. Итнинг кўнгли бир суяк. 2. Итнинг жини – девона, келиннинг жини қайнона. 3. Итни овга борганда сина, йигитни ёвга борганда сина. 4. Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди. 5. Ит аччигини турнадан олади, бит аччигини бургадан олади*. Келтирилган мисолларнинг барчасида ҳайвон номлари қайд этилган. Аммо мазкур ҳолатда ҳаммаси мажозий маънода ишлатилган бўлиб, уларнинг остида инсон, унинг хатти-ҳаракати, характери ва уларга хос хусусиятлар ётади. Мақоллар таҳлилидан ҳам шу нарса намоён бўлади. Масалан: агар таъмагир одамдан йироқроқ юрай десанг (1-мақол), унга бир нима тишлатиб оғзини мойлаб юр, шунда у сени тинч қўяди, ҳамда ўзинг ҳам тинч бўласан. Келтирилган 2-мисолда ҳолат тамоман ўзгача. Бу ўринда *жин* сўзи рақиб маъносида ишлатилган ва ундан қуйидаги маънони уқиб олиш мумкин. Мақолда келиннинг душмани қайнона дейилишига сабаб шуки, айрим ёмон қайноналар келинига сира рўйхушлик бермайдилар. Келин қанчалик елиб-югуриб хизмат қилмасин ёмонлигича қолади. Қайнона келиннинг ҳар бир ҳаракатидан айб топа-

³⁴ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тилнинг лексик нормалари. «Нутқ маданиятига оид масалалар». Тошкент. 1973.

ди, камситади. Бундай шакли мақоллар турмуш ташвишларидан, кайнона зулмидан қийналган келинлар тилидан айтилган. Умуман, юқоридаги мисолларнинг барчаси мажозий маънода қўлланган ва уларда инсон ва унинг тақдири масаласи ётади. Шунингдек : – *1. Гул бўлиб туғилиб сассиқ алаф бўлиб яшама.* (Маъноси–инсон боласи пок бўлиб туғилади, аммо баъзилар ўз ҳаётлари давомида инсонийлик шаънига нолайиқ ишларни қиладилар ва ёмон деган ном билан бу дунёни тарк этадилар). Мана шундай инсонларни тўғри йўлга бошлаш учун насиҳат тарзида айтилган.

2. Эллар ҳой мажнун тоғнинг,

Бошидан туман кетмасмиш,

Шубҳага мойил бўлганнинг

Кўнглидан гумон кетмасмиш (Махтумқули).

Мазкур мисралар орқали гумон иймондан айирав маъноси, яъни гумон туфайли киши ўз биродарлари, туғишганларига бўлган ишончини йўқотиши ва бу улардан узоқлашишига сабаб бўлиши уқтирилмоқда.

1. *Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас,*

Риёзат тортмагунча ёр васлига етиб бўлмас (Машраб). (Маъноси: ҳар қандай яхши нарсанинг бир ёмон томони бўлади, машаққатсиз роҳат йўқ).

2. *Ойи ахир бекорга айтилмагандир: «Бор товоғим, кел товоғим, қайтишда қуруқ бўлсанг, ўрта йўлда син товоғим» (С. Аҳмад. «Келинлар кўзғолони»).* (Маъноси: одатга кўра қадимдан қудалар бир-бирларини тансиқ таом ва сарпо, совғалар билан йўқлайдилар. Мазкур мақол ҳар иккала томон ўзаро сийлаб турилиши, агар уларнинг бирортасига етарли жавоб қайтарилмаса, муносабатлар совийди), дейилмоқчи. 2. *Овсинжон қаранг, кўзингиз қувонади, шуни айтдиларда: «Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр» (Ў.Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари»).* (Маъноси: ҳали бўлмаган, амалга ошмаган ишнинг орқасидан мақтаниб юрма). Бу мисолда эса турмуш қурган келин ота уйидан келганда, унинг хусни жамоли билан бирга олиб келган сепидан кўнгли тўлган қудаларга нисбатан айтилган.

Кўриниб турибдики, халқимиз орасида қўлланувчи бундай ибратли фикрлар Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида «Ватанимизнинг тинчлиги

ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» мавзусида сўзлаган нуткида қайд этганидек, ёш авлод тарбиясининг муҳим воситалардан бири уларнинг қалби ва онгига, кундалик турмуш тарзига «ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналар»³⁵ нинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва сингдира боришдан иборатдир. Шунингдек, юртбошимиз яна асосли таъкидлаганларидек: «Миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий кадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига камраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор»³⁶. Табиий бу жараёнда халқимизнинг олижаноб анъаналарига, ҳикматли сўз ва мақолларининг инсонпарварлик моҳиятига эътибор қаратиш, миллий ва умуминсоний кадриятларга доимо содиқ бўлишликка олиб келади. Жамиятнинг барча қатламларини юксак маънавият ва маърифат соҳиби қилиб тарбиялашда халқимизнинг минг йиллар давомида сақланиб келаётган мақолларининг ўрни каттадир. Англашиладики, халқ оғзаки ижоди намуналари орасида мақоллар лингвистик структурасига кўра алоҳидаликка эга; халқ мақоллари шеърий ва насрий шаклда бўлади. Аммо насрий мақоллар ҳам шеърий мисраларга ўхшаш тарзида ифодаланади; мақолларда ҳаётий воқеа-ҳодиса ҳақида қатъий ҳукм ифодаланади. Бу ҳукм мусбат ёки манфий мазмунда акс этади; мақоллар шахс ҳаётидаги хусусий ҳолатни умумлаштиради; мақол ифодаланган жумла, гап шахси умумлашган гап шаклида намоён бўлади;

Кўринадики, халқ мақоллари луғавий ва грамматик бирлик сифатида ўзига хос хусусият ва вазифаларга эга. Уларнинг лисоний қиймат ва имкониятлари, нутқий жараён билан боғлиқ хусусиятлари алоҳида тадқиқ манбаи бўла олади.

³⁵ Ислон Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 249-бет.

³⁶ Ислон Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 466-бет.

Ўзбек халқида амалидан қатъи назар, ўзидан ҳатто бир ёш катта кишини «сен»лаб гапириш ҳурматсизлик ҳисобланади. Чунончи, оддий бир кетмончининг жамоа ҳўжалиги раиси Қаландаровга қарата айтган куйидаги гаплари фикримизни тасдиқлайди: «-Кесак десангиз ҳам майлига,-деди,-лекин сансираманг, Арслонбек. Мен сиздан икки ёш каттаман. Шу ерда бўйига етган қизим, бола-чақалик ўғлим уйтирибди... Козимбекнинг орзусини кўринг, сансираманг...»³⁷.

Адабиётимиз қаҳрамонларининг нутқидаги мақол ва маталлар, фикрни ифодалашнинг аския ва киноя каби ўзига хос образли усуллари характерлар нутқиға миллий рух беради. Масалан, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Гулбаҳор билан Жамила нутқлари ўзининг поэтик ҳарорати билан халқ қўшиқларига яқин туради. Жамила Ғофирга муносабатини изҳор этар экан, сўзламайди, куйлайди. У сўзларида персонажнинг бутун латофати, туйғу ва кечинмаларининг чуқурлиги, муҳаббат тўғрисидаги романтик идеалларининг мусаффолиги намоён бўлади:

«Ж а м и л а. Кетамиз! Мағорада яшасак ҳам, ишқимни куйлаб, сизни аллалай. Агар кафтингизга тикан кирса кипригим билан чиқарай! Агар ўтирган жойингизга хас-хашақлар тўкилса, сочларим билан супурай, чанги чиқса кўз ёшларим билан сув сепай, жонгинам!»

Табиийки, барча гўзаллик ва бойликларнинг ижодкори – оддий меҳнаткаш оила муҳиtida вояға етган Жамиланинг бу нутқи ўзи сингари минглаб ҳуқуқсиз жамилалар томонидан тўқилган қўшиқ билан уйғунлашиб кетади:

*Ёр юрган кўчаларни
Супурай сочим билан
Чанги чиқса сув сепай
Кўздаги ёшим билан*

Мазкур қўшиқда муштипар ўзбек аёлларининг қалб туйғуларигина эмас, уларнинг фикрлаши, сўзлаши, орзу-армонлари, дард-ҳасратларини ифодалаш тарзи ҳам намоён бўлади. Зотан, Жамилагина эмас, унинг беш асрча олдин дунёға келган опа-сингиллари бўлмиш Ширин, Лайлилар ҳам ўз туйғу ва кечинмаларини худди шу каби иборалар билан ифода этган бўлсалар, бу ажабланарли эмас.

³⁷ Қаҳҳор А. Синчалак. Танланган асарлар. Ҳикоя ва қиссалар. Тошкент, 1965. 183-бет.

Масалан, Шириннинг Фарҳодга мактубида куйидаги дил изҳорини ўқиймиз:

«Тикан кирса кафингга кийнасидин,

Чиқорсам эрди киприк игнасидин.

Аёғ сунсанг бўлуб ғамдин харошинг,

Мудом ўлса эди қўйнулда бошинг.

Кўруб хору хас ўрнунгда, ниҳоний

Сочим бирла супурсам эрди они.

Чу билсам гарддин кўнглингда қайғу,

Ер узра ашкдин сепсам эди сув»³⁸.

Ёки худди шундай ҳолатни Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи қахрамони Раъно тилидан баён этилган куйидаги мисраларда кўриш мумкин.

Агар ор этса Лайли ҳақлидир Кайснинг жунунидин,

Не бахт Раъно харидоринг талаб аҳлининг Мирзоси»³⁹.

Лайли, Ширин, Жамила ва Раъно тўртовлари бир хил ҳолатни, бир-бирига яқин туйғу-фикрни, бундан ўзгача тарзда жўшқин ифодалаши амри маҳол эди. Мазкур образларнинг халқчиллиги, улар характерининг миллийлиги ҳам худди шундадир.

Диалогик дискурсда миллий ментал ўзига хосликлар, албатта, ўша персонажнинг нутқи орқали мулоқот(дискурс)га киришгандагина рўёбга чиқади. Масалан, А.Қаҳҳорнинг «Олтин юлдуз» повестида Аҳмаджон Шукуров урушга кетиш олдидан хотини, қариндошлари, ёр-биродарлари билан хайрлашар экан, «*Ё чангим чиқади, ё донгим чиқади!*» дейди. Бу ибора Аҳмаджон образига миллий ментал руҳ бағишлайди. Бундай тасвир усули халқнинг баҳодирлик дostonлари руҳи билан суғорилганлигини кўрсатиб турибди.

Аския ҳам ўзбек халқига хос хусусиятдир. Бадий адабиётларда персонажларнинг миллий ментал хусусиятларини очиб беришда ёзувчиларимиз аскиядан унумли фойдаланадилар. Масалан, Ҳ.Ғулом «Сенга интиламан» романидаги аскияда қизларнинг қувноқ руҳи,

³⁸ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 8-жилд. Тошкент: Фан, 1991.

³⁹ Қодирий А. Ижод машаққатлари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

ўткир зехни очилган бўлса, К.Яшин «Тор-мор» драмасидаги Нурматнинг ўз бурчига садоқати аския орқали намоён бўлади. П.Қодировнинг «Қора кўзлар» романида Давлатбеков ва Ғиёсиддиновларнинг диалогик дискурсига эътиборни қаратайлик:

«Кенгаши яхши ўтган эди, чамаси, Ғиёсиддиновнинг вақти чоғ эди. Мансуров билан Давлатбековнинг орасида асабий бир гап бўлганини юзларидан сезиб, ҳазиллашди:

–Ҳе, бу мўйловда оқ кўпайиб кетипти-ку!-деди Давлатбековга-Янги директор зиёли одам-да, қилни қирқ ёраман деб, сизни шошириб қўяётгани йўқми?

Давлатбеков унинг сезгирлигидан қойил бўлди ва дарров «қилга» пайров қидириб:

–Қилни қирқ ёрсалар майли эди, Қобилжон ака, нуқул ўтакамни ёриб қилкўприкдан ўтказадилар! – деди.

Қаҳқаҳа товуши шоферларнинг ҳам эътиборини тортди. Улар кулимсираб аскияга кулоқ солишди.

–Қилкўприкдан ўтказаятган бўлса, дуруст,- деди Абдуманнон Воҳидов. Чунки нарёғи жаннат. Аммо ташаворса, тўғри жаҳаннамга қулайсиз-да.

Эндиги қаҳқаҳа кўк «Волга»нинг шоферига ҳаммадан ортиқ завқ берди. Шоферларнинг ҳар бири ўз бошиги билан фахрланишни истарди.

–Ташаворгим келганда ҳам ташолмайман,-деди Мансуров.

–Нега?-кула-кула сўради Ғиёсиддинов.

–Бу киши қурбонликка қўйни кўп сўйган эканлар, бирини қўйиб, бирига миниб, қилкўприкдан баҳузур ўтиб кетяптилар!»

Бу парчадан кўриниб турибдики, Давлатбеков ҳам барча ўзбеклар каби аскиячилик қобилиятидан маҳрум эмас, у Ғиёсиддиновнинг киноясини тез илгаб ўз муносабатини билдиради. Тўғри, персонажларнинг ички дунёси, уларнинг характеридаги ўзига хослик киноя-қочириқ орқали ёрқин ифода этилмоқда.

Пайров йўли билан қахрамонлар нутқий характеристикасини колоритли қилиб бериш, уларнинг туйғулари драматизмини, персонажларнинг бир-бири билан сокин бўлиб кўринган муносабатлари остидаги кучли оқимни беришнинг ёрқин мисолини Абдулла Қаҳҳорнинг «Син-

чалак» повестидаги Саида билан Қаландаров мунозарасида кўрамиз. Улар нуткида персонажларнинг икки хил позицияси, характери очилади: Қаландаров нутқида ишчанлик ва тажриба, шу билан бирга, ўзига бино қўйганлик, манманлик акс этса, Саида нутқида камтарлик, назокат билан бирга янги тип раҳбарга хос принципиаллик намоён бўлади. Шуниси характерлики, уларнинг ҳар иккиси ҳам тўқнашувнинг энг кескин пайтларида ўз фикрларини аскияга хос пайров воситасида ифода этишга интиладилар. Бу эса, ўз навбатида, характерлардаги ҳар бир халқ вакиллари учун умумий бўлган томонларни юзага чиқаради. Демак, бу персонажларнинг дискурсга киришишида улар характердаги индивидуал, ижтимоий ва миллий тафаккур хусусиятлари уларнинг нутқида бевосита акс этади. Саида билан Қаландаров ўртасидаги тўқнашув Зулфиқоров масаласидан бошланади. Бироқ бу ҳали тўқнашувнинг дебочаси эди, холос. Дебочадан қаҳрамонларнинг ҳар иккиси ҳам ўзига тегишли хулоса чиқаради. Қаландаровнинг фикрича, Саидага ён бериш – «нўхтанинг учини бериб қўйиш, ҳозир ва келажакда ҳар қандай обрўдан, оммага таъсир кучидан маҳрум бўлиш» эди. Саида эса агар Қаландаровдан енгиладиган бўлса, «илгариги баъзи секретарлар сингари ё Қаландаровнинг югурдагига айланади, ёки истеъфо беришга мажбур бўлади; енгса – бутун қиладиган иши кек сақлаб келган Қаландаровдан ўзини мудофаа қилиш, ҳар ишда унинг қаршилигини енгил, натижада, унинг кўнглидаги кекни кундан-кунга ёлқинлантириш, эҳтимол, душманлик туйғусига айлантиришдан иборат бўлиб қолади». Саида пухта бир йўл топади: Қаландаровнинг мактовни ёқтириш каби ожиз жойидан фойдаланишга аҳд қилади. Топқирлик билан ишлатилган «иғна» ва «жуволдиз» образлари Саидада қўл келади. Натижада Қаландаров ўзи ҳам сезмагани ҳолда бюро аъзолигига ўз номзодининг сайланишига қарши чиқиб, Саиданинг кўнглидагидек иш қилади:

«Иғна билан битадиган ишга жуволдиз тиқиб ўтирмасагу, сизнинг ўрнингизга ўша одамларимиздан бирини киргизсак. Ўзингиз тавсия қилсангиз...» - дейди Саида қувлик билан.

Саиданинг гапи нишонга бориб теккан эди. Мактов ёқиб тушган Қаландаров ийиб кетади. Аммо бу ҳали Қаландаровнинг инсофга келганини билдирмас эди. Саиданинг Қаландаров билан жиддий

тўқнашуви ҳали олдинда эди. Бу тўқнашув бир кун кейин юз беради.

Саида Қаландаровга *«аёл киши раҳбарлик қилса, калавамнинг учини йўқотиб қўяман»*,-деган гапини эслатиб, ўз «рақиб»ни хавфли баҳсга тортиб қўйганлигини билмай қолади. Аввалида Саидани ўзига тортмоқчи бўлган Қаландаров энди ўзини тутолмай дағдағага ўтади. Бу ожизлик аломати бўлиб, одатда Қаландаров нима қилишини билмаганида шундай ҳолга тушарди. Бирдан шовқин сола бошлаган Қаландаровнинг вазоҳатидан Саида ҳанг-манг бўлиб қолади. Буни Қаландаров ўзини ғолиб ҳисоблаб, яна ҳужумга ўтади:

–«Мен аравадан бошқа ишга ярамайдиган пачоқ отдай кўринсам ҳам, унча-мунча чавандоз миолмайдиган улоқчи отман! Унча-мунча одамни ерга чалпак қиламан! Чалпак! Буни билиб, тушуниб қўйинг...»

Саида Қаландаровнинг ўзи билан ҳисоблашишга мажбур эканлигини биларди. Кечаги мажлис натижалари ҳам бундан гувоҳлик бериб турарди. Шунинг учун ҳам Саида «улоқчи от» пайровини олиб кетади:

«Тушуниб турибман, Арслонбек ака, – деди Саида юзида табассум ва сўз оҳанги билан уни қизишмасдан гапиришга даъват қилиб, – лекин улоқчи отлар қамчини кўрса, кўтариб кетар эди...»

Қаландаров қанчалик димоғдор бўлмасин, топиб айтилган сўзнинг қадрига етар, шунинг учун ҳам Саиданинг лўқмасига қойил қолмай иложи йўқ эди. Бироқ Саидага айтмоқчи бўлган гапини ҳали айтиб бўлмаганди. Мазкур эпизодда персонажлар характеристикаси икки планда берилади: бири – қаҳрамонлар ўртасидаги пайровли мунозара ва иккинчиси, улардаги ички кураш. Уларнинг ҳар бири ўз лўқмаси ва рақибининг гапини ўзича таҳлил қилиб кўради. Мана бу ички диалогда улар айтилган ва айтиладиган ҳар бир сўзни яхшилаб ўйлаб, тарозига солиб кўради ва кейинги баҳс учун ўз фикрини ифодалашнинг энг мувофиқ форма ва воситаларини қидириб топишга ҳаракат қилади. Персонажлар эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиладилар. Тўқнашувнинг энг кескин нуқталарида улар ўз фикрларини ифодалаш учун турли нақл ва ривоятлар, пайровли сўз ўйинларига мурожаат этадилар. Мунозаранинг тақдирини шу нарса ҳал қилади. Ёзувчи қаҳрамон қалбидаги сезилар-сезилмас тебраниш ва ўзгаришларни ҳам зўр маҳорат билан бера олади. Персонажлар ўз сўзларининг «рақиб»га қандай таъсир қилаётганлигини сезгирлик

билан кузатиб борадилар. Улардан бирининг мунозара давомида ўзини тута олиши даражаси иккинчисининг хатти-ҳаракатини белгилайди. Саида кўз ўнгида Қаландаров ўз салобатини йўқотиб қўйгандай бўлади. Саиданинг унга раҳми кела бошлайди. Саидадаги бу ҳолатни Қаландаров таслим бўлиш аломати деб билади, сўнгги зарба билан мунозарани ўз фойдасига яқунлаб қўя қолишни мўлжаллайди.

«Синчалак деган қушни биласизми, оёғи ипдай... Шу қуш «осмон тушиб кетса, ушлаб қоламан» деб оёғини кўтариб ётар экан!

Ҳозир Қаландаровнинг бу сўзларига яраша сўз айтиш бефойда, балки кони зиён, лекин, шу билан бирга, сукут ризодик белгиси бўлур эди. Саида бир лаҳза ўйланиб қолганидан кейин мийиғида кулиб:

–Дунёда бунақа жониворлар кўп, Арслонбек ака,–деди,–хўроз ҳам «мен қичқирмасам, тонг отмайди» деб, ўйлар экан...»

Бу дағдаға-ю пичинглардан кейин Саидадан кўз ёши кутган Қаландаров унинг бу гапини эшитиб, ўзини тутолмай бақириб юборади. Бу Қаландаровнинг мағлуб бўлганлиги нишонаси эди. Иккала характер тўқнашувининг натижаси бўлган «даҳанаки жанг» ана шундай яқунланади.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи ўзига хос миллий ментал руҳда яратилган асарлардандир. Чунончи, Отабек, Кумуш, Ўзбек ойим, Юсуфбек хожи, Зайнаб, Офтоб ойимларнинг ҳар бири ўзича бир дунё бўлган образлар руҳияти, маънавий ва жисмоний қиёфалари, ўй ва мулоҳазалари, ўзларининг тутишлари фикримиз исботидир. Масалан, Отабек портретининг тасвирини эсланг ёки Кумушнинг Марғилондан Тошкентга келиб Ўзбек ойим билан илк учрашувини кўз олдингизга келтиринг.

Халқ ҳаётидаги ўзига хосликларни кузатиш учун энг аввало, шу халқнинг ўзига хос урф-одатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш керак. Масалан, халқимизда шундай бир одат бор, бу одатга ҳозир ҳам кўп жойларда амал қилинади: эркак киши хотинига мурожат қилганда уни тўнгич фарзандининг номи билан чакиради. Шу ҳолатни биз «Ўтган кунлар» асарида кузатдик:

«Мен сизга айтиб қўяй, Кумуш,- деб турар экан, қутидор Офтоб ойимга, - бу кунга бир меҳмон айтган эдим»⁴⁰.

Таҳлил этилган диалогик дискурсга эътибор берадиган бўлсак, персонажлар нутқидаги миллий ментал хусусиятлар билан бирга

⁴⁰ Қодирий А. Ўткан кунлар. Тошкент: Шарқ, 1995. 31-бет.

коммуникантларнинг дискурсдан мақсади, диалогик дискурс рўй бераётган ҳолат, вазият каби прагматик омиллар дискурсга таъсир этмай қўймаганлигини сезиш қийин эмас.

Коммуникантларнинг дискурсдан мақсади нима? саволига жавоб беришдан олдин мақсад тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтсак. *Мақсад* инсон амалий фаолиятининг аввалдан фикран ўйланган натижасидир⁴¹. Ходисалар ривожидинг объектив қонунларини ва истиқболини тўғри тушуниш натижасида аниқ *мақсад* юзага келади. Диалогик дискурснинг иштирокчилари – сўзловчи (коммуникатор, информант), тингловчи (адресант) нинг маълум бир аниқ амалий аҳамиятли умумий мақсади бўлади. Чунончи, алоқа ўрнатиш, фикр алмашиниш. Дискурсни рўёбга чиқаришда сўзловчи ва тингловчида айнан бир хил мақсад бўлиши мумкин эмас, аммо уларнинг мақсадларида уйғунлик бўлиши керак.

Сўзловчи маълум бир ахборотни тингловчига бирор факт ҳақида маълумот бериш, илтифот (конотив) кўрсатиш, хитоб (апелатив) ёки бошқарув (регулятив), табриклаш, маслаҳат, ундаш каби маъноларда етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши мумкин.

Тингловчининг мақсади эса тинглашдир. Машҳур америкалик нотиқ психолог Дейл Карнеги «Яхши суҳбатдош – яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир», деганда айнан шу қобилиятнинг инсонда ривожланган бўлишини назарда тутган эди. Диалогик дискурсда нутқий ҳолат ва нутқий вазият муҳим аҳамият касб этади. Чунончи нутқий ҳолат қуйидагиларни: жинсий тафовут, иштирокчиларнинг савияси, ижтимоий мавқеи, ёши, маълумоти, мутахассислиги кабиларни ўз ичига олади. Дискурснинг оғзаки шаклда нутқий вазият кўчада, уйда, автобус (машинада), телефонда ва ёзма шаклида (хат) каби кўринишларга эга бўлади. Бу эса диалогик дискурснинг прагматик омилини ташкил этади.

Масалан, қуйидаги парчада диалогик дискурснинг оғзаки шакли нутқий вазиятга кўра уйда содир бўлмоқда. Суҳбатдошнинг савияси, ёши, унинг ижтимоий келиб чиқиши кабилар нутқий ҳолатнинг симметрик прагматик омили сифатида рўёбга чиқмоқда.

⁴¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2003. 546-бет.

1. - Вой, вой... Ўелим Мавлон, бор, домла поччангни чақириб кел, вой, уҳ... Олло. Менга дам солиб қўйсинлар. Вой, жоним (А.Қаҳҳор. «Сайланма»).

2. - Болам Мавлон, дўхтир-пўхтирға кўрсатмадингизми?

- Йўқ.

- Яхши, ақллик иш қилибсиз. Дўхтир ҳаром ўлдириб қўяр эди. Мен дам солиб қўйдим, худо хоҳласа эрта-индин юриб кетадир. Хайр.

- Шоиманг, тақсир, мана, назрни олинг (А.Қаҳҳор).

3. - Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга! (А.Қаҳҳор. «Нутқ»).

4. - Жинни бўлдингми, Неъмат?

-Мен сизга Неъмат эмасман, ўртоқ Баббаев бўламан, ўртоқ Хажж-жайин (С.Аҳмад).

5. -Вой бў-ў-ў!-деди Саид Аҳмад ака бош чайқаб. —Агар сенинг дуо-инг мустажоб бўлса, мен саккиз йил аввал ўлиб кетишим керак экан-да, укам? Мен етмиш олтига чиқдим! Турақол энди, жой алмашамиз! (Ў.Ҳошимов. «Дафтар хошиясидаги битиклар»).

Демак, диалогик дискурс икки шахснинг мавзуий ва мантикий бир бутунлиқни ташкил этадиган, бири иккинчисини тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келадиган гаплар йигиндисидан ташкил топган бир бутун нутқий бирликлардир. Иккинчидан, диалогик дискурста халқ ҳаётининг моддий шароити, маънавий турмуш тарзи, мафкураси, дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, тарихи ва дини, адабиёти ва санъати, афсона ва чўпчаклари, халқнинг ўзига хос урф-одат ва қадриятлари, ахлоқий ақидалари, ҳикматли сўз-у мақол-маталлари, ўзбекона одоб ва хулқнинг суҳбатдошлар нутқида миллий ментал омил сифатида акс этади. Учинчидан, нутқий ҳолат ва нутқий вазият диалогик дискурста асосий прагматик омил ролини ўтайди. Англашиладики, диалогик дискурстаги қўшма гапларнинг воқеланишидаги социал ва прагматик омилларнинг ўзига хос хусусиятлари махсус тадқиқ манбаи бўлмаганлигини ҳисобга олиб мазкур ҳолатни алоҳида тавсифлашни лозим топдик.

Диалогик дискурсдаги қўшма гаплар воқеланишида социал ва прагматик омиллар

Диалогик дискурс мақсад ва мазмун-моҳият, шакл, шароит жиҳатдан кўп қирралидир. Масалан, чойхонадаги тасодифий коммуникантлар орасидаги дискурсдан бошлаб, аудиториядаги илмий маъруза-ю, телевизор ва радио орқали махсус мақсадли суҳбатгача бўлган чегарадаги алоқа-аралашув дискурсининг турли кўринишларидир. Диалогик дискурс ўз культурологик хусусияти ва қонуният, коммуникантларнинг бир-бирига таъсири билан дискурсининг бошқа туридан ажралиб туради.

Диалогик дискурсининг иштирокчилари: сўзловчи (коммуникатор, информант) ҳамда тингловчи (адресант)дир. Уларнинг маълум бир аниқ амалий аҳамиятли умумий мақсади бўлади. Сўзловчининг алоқа-аралашув жараёнидан мақсади – нимадир хусусидаги ахборотни етказиш ва одамларнинг руҳиятига, ахлоқига таъсир этишдан иборат бўлса, тингловчининг мақсади тинглашдир. Уларнинг умумий мақсади – фикр алмашилишдан иборат бўлади. Коммуникантларнинг нутқий ҳолати ўз навбатида жинсий тафовутларга кўра, маданий савиясига кўра, ижтимоий мавқега кўра, ёшига кўра, маълумотига кўра, мутахассислигига кўра, ижтимоий-маънавий дунёсига, прагматик хусусиятларига кўра фарқланса, диалогик дискурсдаги нутқий вазият ҳам турлича: кўчада, телефонда, уйда, автобус (машина)да ва ёзма нутқда (хат) каби жуда кўп социал омилларни ҳисобга олган ҳолда диалогик дискурсининг турли кўринишларини юзага келтиради.

Сўзловчи ва тингловчининг ёшига кўра фарқланиши ҳам алоҳида-алоҳида жамиятлар сифатида қаралади. Ҳақиқатан ҳам болалар нутқи билан катталар нутқи орасида анчагина тафовутлар мавжуд. Буни қуйида берилган диалогик дискурсдаги мисоллардан яққол билиб олиш мумкин. Ҳаётдан кўз юмиш, вафот этиш воқеасини турли ёшдаги кишилар турлича етказадилар:

1. Ў.Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» асари. 50 ёшлардаги аёл нутқи:

Бир маҳал ойимнинг пиқиллаб йиғлаётганини эшитиб, бошимни кўтардим. У рўмолининг учини юзига босганча ҳиқ-ҳиқ йиғлар эди.

– Бу дунёга келиб нима кўрди бечора, - деди титроқ лабларини тишлаб, одамзоднинг холи шув-ю. кадри йўқ.

Сўзловчи ва тингловчининг аёл ёки эркак жинсига мансублиги диалогик дискурс учун аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, аёл ёки эркак нафақат биологик ва физиологик жиҳатдан, балки уларнинг нутқи ҳам бири-биридан фарқланади.

Ўзбек хотин-қизлари нуткига хос «айланай», «гиргиттон», «ўргилай», «қоқиндиқ» каби сўзлар ижобий маъно нозиклигини ифодаловчи лексик воситалар саналади. Улар кўпроқ кекса аёллар томонидан қўлланади. Чунончи,

1. Қўшилар аҳвол сўраса, уларниям, ўзиниям, юпатади.

- Ҳа, энди кексаликда, ўргилай лекин онамнинг оёқ оғриги фақат кексаликдан эмас (Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари»).

2. Кел-а, бўйингдан гиргиттон бўлиб кетай, сени қайси шамол учирди, акам тирилиб келдим, ҳалигина қовоғим учиб турган эди, - деди аммам.

- Ҳа, балли азамат. неча кундан буён кўзим учиб, йўлпашиа айлаиб юрган эди, хайтовур яхшиликка кўринди. Сен келар экансан, балли-балли, - деди поччам (Ғ. Ғулом «Шум бола»).

Хотин-қизлар нутқининг индивидуал хусусиятларини «вой» ундонининг қўлланилиши асосида ҳам ойдинлаштириш мумкин: маълум ўйлишча, «вой» ундови ўндан ортиқ маъно нозикликларини ифодалайди. Буларга: севиниш, эркалаш, ачиниш, қўрқиш, ҳавас, саросима-аниш, койиш, алам сингари ҳолатлар киради⁴². Масалан,

1.- Вой, пошша-а-а! Нима килиб кўйдингиз. тамоm бўлсиз-ку (Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари», ачиниш).

2.-Вой ўлай, кутлуг ўйдан кўрук кетасанми. болам? Бир нима олиб ет (Ғ. Ғулом. «Менинг ўзригина болам», койиш).

3.-Вой, мен нимага ямар эканман! Суюк хотин Хотину, куюк хотин – хотин эмасми, қачон қараса ўсма-тасма, ҳеч бўлмаса гўри каян, салла-чопонини ювсин, - деди катта хотин («Жомаси пок, ўзи тоқ бандалар», 73-бет, алам ҳисси).

4.-Вой ўлсин, ойи. зангори ипакдан бир катим ҳам колмабди. барг-прига нима тикаман? («Жомаси пок, ўзи нопок бандалар», 16-бет, ғират ҳисси).

Аскандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фан. номз.....
сс. автореф. Самарқанд, 1993. -26 бет.

Аёллар нутқи ҳудуд жиҳатдан ҳам ўзига хосликка эга бўлиб, **иш**лоқларда яшовчи аёллар нутқида «ўлсин», «мен ўлай», «вой ўлай», «жонини олсин» каби сўзлар анча фаол қўлланади⁴³.

Ўзбек тилида шундай иборалар борки, улар фақат эркаклар нутқидагина учрайди. Жумладан, «бурнини ерга ишқамоқ», «бақбақангдан аканг», «дабдаласини чиқармоқ», «жағини эзиб қўймоқ», «отимни бошқа қўяман», «кулинг ўргилсин», «ҳароми», «юзимга туфланг» каби иборалар, асосан, эркаклар нутқида қўлланиши билан ўзига хослик касб этади. Масалан:

-Паларингга лаънат! *!-деди дадам секин, аммо таҳдидли оҳангда -Кап-катта хотин увол қилиб ўтирсанг. Билиб қўй нон кўр қилади сени! – У шаҳд билан ўрнидан турди-да, бир ҳатлаб супага чиқиб кетди (Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари»).*

Ўзбек эркак ва аёллар нутқининг лексик, фразеологик жиҳатдан хосланиши, айниқса, қарғиш ҳамда сўкишларда янада яққолроқ намоён бўлади.

Ўзбекларда қарғиш муаллифи асосан аёллардир. Улар жаҳллари чиққанда, кўпинча, қарғамай туролмайдилар. Болаларини, турмуш ўртоқларини, дўстию душманини эрмак учун бўлса ҳам қарғайдилар: «жувонмарг бўлсин», «оғзидан қони келсин», «уйи куйсин», «сочи тахтада таралсин», «оти ўчсин», «жазосини худо берсин», «бири икки бўлмасин», «косаси оқармасин», «худодан топсин», «ўғил-қизининг ҳузурини кўрмасин», «тухуми қурисин» ва ҳ.к:

1. *Шу қуниёқ кўчимизни кўчага улоқтириб ташлади. «Ҳой, Мирсалим, сизга нима бўлди? Ўртоғингиз келганда қай юз билан қарайсиз?» десам, нима дейди денг, умринг қисқа бўлгур, «Менинг унақа ўртоғим йўқ: У энди келмайди». «Вой жувонмарг бўлгин, тилларинг лаҳадда чирисин», дедим ичимда (Шуҳрат. «Олтин зангламас»).*

2. *Илоё Қуръон урсин сени, билдингми? –Фотима кўзлари ўтдек ёниб Соатга чақчайди-да, тиззаларига шаппатилаб, фарёд солди. – Қуръон урмаса, розимасман! Отамнинг арвоҳи урмаса, розимасман. Болаларинг етим бўлиб, чирқиллаб қолмаса розимасман! Мунча шўрпешона бўлмасам, Худойим! (Ў. Ҳошимов. «Нурли дунё»)*

3. *Нафисани қаргадилар:*

⁴³ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан.доктори ... дисс. автореф. Тошкент, 2000. -41 бет.

- Уйнаши билан ётган экан, шарманда. Шарманда!
- Сўйиб ўлдирибди, худонинг ўзи жазолабди...ўзи жазолабди, ўзи жазолабди.

Санжарни лаънатладилар:

- Суюқоёққа илакишиб юрган экан, йигит ўлгур! Йигит ўлгур, йигит ўлгур.

- Тўрт боласи кўзга кўринмабди-да, ҳаромхўрга! Ҳаромхўрга, ҳаромхўрга (Тоҳир Малик. «Мурдалар гапирмайдилар»).

Одатда, оталар қарғашмайди. Мажбур бўлгандагина улар сўқади:

- Бувим сизни қарғадилар, - деди Турсун сирли оҳангда. - адам ҳам сўкдилар. Бувим унақа неварам йўқ, дедилар. Нима қилувдингиз, тога?

Абдулла жавоб бермади. У йигларди.

Оталарда қарғиш кам содир бўладиган ҳодиса. Шунинг учун ҳам халқимизда «отанинг қарғиши ёмон» деган нақл юради. Ўзбек ота ва ўғилнинг бадий адабиётдаги энг яхши диалогик намунасини Одил Ёкубовнинг «Улуғбек хазинаси» асарида учратиш мумкин. Қуйидаги парчада нодон ўғилнинг хатти-ҳаракатларидан кўнгли озорланган, таҳқирланган ҳолат ифодаси қайд этилади:

Улуғбек яна кўнгли юмшаб:

- Ўғлим! – деб чақирди! Шаҳзода жавоб бермади. «Бир кинга икки қилич сизмайди, деб кўркадур. О, дўсти нодон. Қошқийди, кўзим кўр бўлса-да, сени кўрмасам!..»

- Маъзур тутгайсиз, бузруквор! – деди шаҳзода узоқ сукутдан кейин. – Мен уламоларнинг фатвосига қарши боролмасмен.

Мирзо Улуғбек қаддини ростлаб, шаҳзоданинг кўзларига тик боқди. Шаҳзода ҳамон қалт-қалт титраб, отасига қадалиб турарди.

- Бу сўхбатдан ёлғиз муддаом-оталик насиҳатимни бермок эди. Таассуфлар бўлгайким, сенга падар насиҳати эмас, олтин керак экан!.. – Шаҳзода гапини бўлмоқчи эканини кўрган Мирзо Улуғбек кескин қўл силтаб: «Тўхта!» деб буюрди. – Ота сўзин амри вожиб, деб билурсенми, йўқми – ихтиёр сенда. Ва лекин сўнги насиҳатимни эшит, хоҳла ўз падарингни қатл эт, хоҳла Мовароуннаҳр сарҳадидан ҳайдаб, дарбадар қил – боз ихтиёр сендадур. Лекин ёлғиз тилагим: илм йўлида отанг қилган ишларга, унинг шогирд ва устодларига тегмагайсен. Тегсанг..ота қарғишига учраб тоабад бадном бўлурсен!

Ота рози – худо рози, ёдингда бўлсин: ал қасосил миналҳақ! Ҳеч бир **ёмонлик** интиқомсиз (жазосиз) қолмайдур! Сенга айтадургон бошқа **сўзим** йўқ! Чақир ясовулингни! (Одил Ёқубов. «Улуғбек хазинаси»).

Англашиладики, салтанат, давлат орзусида ёнган нодон, такаб-**бур** ўғилни инсофга чақирмоқ учун айтилган бу фикрлардан отанинг **нафосиз** тожу тахтдан, инсонлар устидан ҳокимлик қилишдан илму **маърифат**ни устун қўйиши англашилиб турибди.

Ўзбек оталари ўғил-қизлари улар юзини ерга қарагганда, оила но-**мусини** букканда, ёмон йўлга кирганда қарғашга мажбур бўлади. Эъ-**тибор** беринг:

Кимсанинг йўқолиб қолганлигидан фойдаланиб, уни қочоқликда **айблаган** Умар Зақунчининг гапини эшитган ота фарзандини дуойи бад қилади:

– Қўйвор! – чолим қўшқўллаб Оқсоқолнинг ўғир дастасидек йўгон билагига ёпишди. – **Оқ қилдим!** – деди чийиллаб. – Бунақа ўғлим йўқ! **Оқ қилдим** (Ўткир Ҳошимов. «Икки эшик ораси»).

Қочоқ ўғли билан рўпара келиб қолган Икромжон ота ўғли эл-юрт олдида обрўсини тўккани, юзини ерга қаратгани учун уни қарғашга мажбур бўлади:

– Юр!..

– Қаёққа?

– Қишлоққа. Юрт олдига. Сен ярамаснинг жазоингни юрт берсин.

– Дада, дадажон!

– Дада дема. Сендек болам йўқ. Сени аллақачон ўлдига чиқазиб қўйганман. Кўзларинг ўйилсин, ўқрайган кўзларингни қузғунлар чўқисин! (С.Аҳмад. «Уфқ»).

Аммо баъзан бадий асарларда оталарнинг ҳам устма-уст қарғашларига дуч келамиз. «Уфқ» романида Иноят оқсоқол тилидан айтилган қарғишларга эътибор беринг:

– Ким учун! Кимга деб йиғдим буларни? **Кўр бўлгур, басир бўлгур.** Худое худовандо икки кўзинг ситилиб оқсин сени.

Ёзувчи аёлларга хос бўлган қарғишларни Иноят оқсоқол нутқи орқали бериш билан унинг аёлмижозлиги, майда гаплиги, бойликка ўчлиги каби характер-хусусиятларини очишга ҳаракат қилган ва, ак-синча, аёллар нутқида эркакларга хос бўлган ибораларнинг ишлати-

лиши уларнинг эркакнамо характер-хусусиятини ифодалашга хизмат қилади ва бундай аёлларни халқимиз эркакшода аёл деб атайди:

-Икки ойча бурун Почча ҳам урушга кетди. Одамларнинг гапига қараганда, Башор она эрини вагонга чиқара туриб тайинлаганмиш:

- Гитлерни ўзини ўлдириб, хотинини банди қилиб обкемасангиз, сиздака эрни уч талоқ қўйдим. Гитлернинг хотинини чўри қилиб ишлатмасам, хумордан чиқмайман! – деганмиш (Ўткир Ҳошимов. «Икки эшик ораси»).

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўзбек эркак ва аёлларининг нуткий мулоқоти ўзига хос бўлиб, улар характер-хусусиятини ифодалашга хизмат қилади. Диалогик дискурсда воқеланган қўшма гапларда коммуникантлар нутқининг ўзига хос прагматик белгилари намоён бўлади.

Диалогик дискурсда учрайдиган қўшма гаплар ижтимоий ихти-сослашувига кўра ранг-баранг бўлади. Уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин⁴⁴:

1. Сўзловчи ва тингловчининг маданий савиясига кўра:

а) 70 ёшлардаги саводсиз, оми қария – сўзловчи нутқи:

...минбарда директор ўринбосари Холвой домла алланималарни га-пиряпти:

- Қишлоғимиздан қирқ йигит урушга кетган деб юрардик. «Қизил изтопарлар»имизнинг шарафли меҳнатлари туфайли қирқ биринчи, - Холвой домла Ҳайдар бувага ишора қилди, - уруш қатнашчиси то-пилди...

- Энди сўзни, - ...учрашувимиз қаҳрамони Ҳайдар бува Оллоҳовга бераман...

- Майя. Овлақип айтти. бижам уюшда бўйганмиш. - Ҳайдар бува носини минбарёнига туфлади... – Одамлар мен ҳақимда: «Наим қассоб ўлганда, орденларини ўғирлаб олган», деб ҳар хил гап қилишади. Бекор гап. Менинг шаънимга ёпиштирилган туҳмат! Биз урушганмиз-да! Хў-хў! Ана урушу, мана уруш! Қасир-қусур, гумбур-гумбур!.. Бир кун и ҳамма аскарлар ухлаб ётишганди. Мен азон намозига энди юмалашни бошлагандим. Нимадир тарақлаб кетди. Қарасам, мингтача немис писиб келяпти. «Намозни касод қилдинг, аблаҳлар!» – деб аччигим

⁴⁴ Нёматов Ҳ., Жўраева Б. Социоллингвистика. Бухоро, 2004. 74-бет.

~~қолди~~ Шарт қиличимни сугурдим. «Мана сенларга!» – деб қиличимни
~~ни~~ шунақасига солгандим, Ҳайдар бува қўлини шоп қилиб, ҳавони
~~есди~~, - эликтачасининг боши оёғимнинг остига юмалади. Тескари-
сига солгандим, яна эликтачасининг боши оёғимнинг тагида паноҳ
қолди. Қолганлари оҳ-воҳ қилишиб қочиб қолди. «Ўл-а, - дедим. – На-
тозни бузиш ана шунақа бўлади!»Қаллаларни қоплаётсам, кимдир
еткамга урди. Қарасам – Невский!

Негадир Холвой домланинг ранги ўчди. Оғзини очиб Ҳайдар бувага
қараганича ўрнидан турди. Ҳайдар буванинг олдига бориб, қулоғига
нимадир деди.

- Э! – буванинг кўзлари олайди. – «Бас қилинг!» Бу нима деганинг?
«Учрашувга борасиз, уч-тўрт оғиз гапириб берасиз», деб ўзинг айт-
динг, эланинг. Ўтир энди эшитиб, ўртоқ Овлақип! – деди учрашуви-
миз қаҳрамони баралла.

- Ким эди у – Невский? – кимдир луқма ташлади...

- Ким бўларди, камандиримиз-да! – Ҳайдар бува бепарво жавоб
берди. – Гинерал эди. Ёнма-ён ётардик. Аммо хумпар жуда ёмон
ётарди. Сўрини гижирлатиб ақка ағнайди, устидаги кўрпани тепиб
бакка ағнайди... Эрталаб қарасам оёғи қорнимнинг устида турган
бўларди. «Сен Невский, жуда ёмон ётасан... Энди сен билан ётмай-
ман», дердим ҳазиллашиб. Ўртоқ эдик-да! «Э, қўйсанг-чи, Ҳайдарчик!
Ундан кўра носдан ол!» – дерди...

«Ҳой Невский, кун исимай немислар билан уришиб-уришиб
қўяқолайлик, салқинда!» – десам, ҳеч унамасди. «Малладес, Оллоҳов!»
деди елкамни қоқиб. «Э, бу ҳеч нарса эмас, - дедим қаллаларга ишо-
ра қилиб. – Ўтган куни икки юзтачасининг қалласини олиб, қоплаб
қўйгандим. Анови Иван қоп-попи билан ўғирлаб сенга кўрсатибди.
Баҳонада орденли бўлиб олибди», дедим. «Ничево, Ҳайдарчик! Я сени
знаю», деди. Кейин «олмайман», деганимга қўймай бир сиқим орденни
зўрлаб чўнтагимга солиб қўйди...(А. Саид. «Оралиқдаги одамлар»).

б)70 ёшлардаги саводсиз, оми қария – тингловчи нутқи:

- Ёзиб олинглар! Товуқ тугадиган нарса, нима? Бешта ҳарф.

- «Жўжа» десам тўғри келмаяпти.

- Иккинчиси, эшак билан от орасидаги ҳайвон. Учинчи ҳарфи «г».

- Топиб келганларга «беиш», топмаганларга «икки».

Бу беининг ҳажрида бобомнинг қулогини қоқиб кўлига берардим:..

- Уй ҳайвони, беш ҳарф...

- Қўй, - Эшмат бувам дўпписини бошидан олиб, тиззасига кийди-
ради.

- Қўй, уч ҳарф...

- Мол, - Эшмат бувам оппоқ сочларини силайди.

- Йўқ.

- Сигир, - бобом парвосиз гап ташлайди.

- Тўғри! – шодон қичқираман.

- Мол билан сигирнинг нима фарқи бор, ҳўкиз! Эшмат бувамнинг
жаҳли чиқади...

- «Уруш ва тинчлик»нинг бош қаҳрамони, - давом этаман мен.

- Болтавой-да! – Эшмат бувам билагонлик қилади. – Эрталаб
карасанг – хотини билан ўришган, кечкурун карасанг – ярашган.

(А.Саид.«Оралиқдаги одамлар»).

в) маданиятсиз, енгилтабиат, масъулиятсиз, уятсиз, шаллақи аёл
нутқи:

- Мумкинми? Салом!

Рухсатингиз билан ўзимни таништирсам... Мен, к сожалению,
сизнинг сочиненияларингизни ўқиган эмасман. Хотя эшитганман. В
основном, мамашкалар тўғрисида ёзаркансиз..

Менинг ҳам тўртта болам бор... Нима? «Унақага ўхшамайди-
ку», дейсизми? Раҳмат, комплимент учун! Ҳамма шунақа дейди. Мен
мамамга ўхшайман. Мамам олтмиш ёшидаям аппетитний эди. Как
куколка!

Кечирасиз, оловингиз борми?.. Йўқ-йўқ, мен «Морэ» чекаман... Сен-
кю! Зажигалкангизга гап йўқ!

Итак, тўртта болам бор. Маратик – Нукусда. Интернатда.
Ёши... минуточку... Ёши поему... ўн тўртда. Шу йил ўн тўртга кира-
ди. Папасига ўхшаган красавчик, Маратик! Смуглийлиги, кўзларининг
разрези... Папаси билан биринчи встречамиз практикага борганимда
бўлган. Зам министр эди. Шунақа абаятелний, шунақа интеллиген-
тний!.. Икки йилча турдик. Цивилизованный ажрашдик. Тўғриси
айтди. «Жанночка деди, жоним деди, дорогуша деди, бўёги прокол
бўладиганга ўхшайди, хотиним жалоба ёзибди, двоеженства учун

партиядан ўчиришлари мумкин», деди. Биласиз, у пайтда бунақа ма-
салаalar строгий эди. «Маратик учун волнаватся қилма, ўзим опекам-
га оламан, сен Тошкентга кетавер, тез-тез бориб тураман» деди.
«О-кей» дедим...

...Нигорочка – Самарқандда. Тоис, Нигорочка эмас, Наргизочка!
Нигорочка – Қўқонда...

Где-то икки йил олдин Самарқандга бордим. Наргизочканинг дет-
дамига кирдим. Детдом – так себе, аммо директори ништяк экан!
Дылда! Бўйи пачти икки метр! «Братан, дедим, Наргизочкадан ха-
бар олишим қийин, ишим кўп», дедим. «Хотиржам бўлинг. Наргизоч-
кага ўзим оталик қиламан». деди. Уч кун меҳмон бўлдим. Кр-р-рутой
эркак экан! Молодец!

Кстати... Дубайда бўлганмисиз? Обязательно боринг! Техника –
пачти даром! Тилла – навалом! Араблар темпераментний бў... ну май-
ли, буниси неважно.. (Ў.Хошимовнинг «Муштипар» ҳикоясидан).

2. Сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий мавқеига кўра эр-
хотин ўртасидаги араздан кейинги ҳолатнинг ифодасига эътиборни
қаратсак:

1. «Юсуф савдосида беқарор Зулайхо исмидан, Мажнун ишқида
ийглаган Лайли отидан – сизга бошимдаги сочларимнинг тукларига-
ча беҳад салом. Мендан – хадду-хисобсиз гуноҳ, сиздан кечирिश. Ўт-
ган ишга саловат. Чунки шу икки йил ичида кечирган қора кунларни
эсга олиш менинг учун ўша кунларни кайтадан бошдан кечирिशлик
сингари, ул кунларни сиз унутинг, унутманг, аммо мен унутдим. Шу-
нинг учун сўзимни ўзимнинг охирги ҳам чин бахт ислари ҳидлаган та-
рихидан бошлайман.

Сиз – қочқоқсиз, нари-бери тил учида менга бир нарса ёзгандек
бўлиб қочгансиз, икки йил бўйи Маргилон келиб юришларингизни мен -
ўзимча ечдим, лекин топиб ечдим: сизнинг барча машаққатларингиз
– душманларингиздан ўч олиш учун бўлганини англадим. Йўкса, мени
кўрар эдингиз, кўргингиз келмаганда ҳам бошқалар сизни кўрар эди-
лар, тўяр эдилар... Мен каби бахтсиз, мен каби говғаси кўп сизни
зир келтириб, жондан тўйдирган бўлса, ажаб эмаски, қоча бош-
лагансиз... Қочсангиз қочиб кўрингиз, аммо мен бу кундан бошлаб,
бировларни қувишга бел боғладим. Отам билан онам рафокатларида

хизматингизга – чўрилигингизга эрта-индин юраман, севганингиз кундошим олдида кадрү қийматининг нима бўлишини ҳам биламан... Сиз олижанобсиз: эски кадрдонлар хурматиға, кўнгил учун кулиб боқарсиз... Лоақал шугина билан ҳам бахтсизни масъуд қиларсиз! Аммо... севганингиз – кенжангизнинг жеркишларидан, қарғишларидан бехаҳ кўрқаман, ўзимда йўқ кўрқаман. Шу яқин орадаги унинг билан бўладиган масъуд дақиқаларингизда худо йўлиға ваъда олингиз – мени огритмасин, ракибам келди деб ўйламасин. Ниҳояти мақсадим икки дўстга бир чўрилиқ ва шу муносабат билан бировларни кўриб юриш... (А. Қодирий. «Ўткан кунлар»).

2. - Нима бўлди ўзи, овсинжон? – деди онам секингина.

- Кеча мани шундоқ сўкди, шундоқ сўкди, йигитгина ўлгур! – Келиноий икки кўли билан шарақлатиб сонига шапатилади. – Онамни сўкди-я, бўйгинанг гўрда чиригур.

Кўйинг, хафа бўлманг. - деб онам уни юпатишиға уринди.

Нимаға хафа бўлмас эканман? – Келиноий яна ҳам қаттиқроқ шангиллай бошлади.

- Кечқурун ўсма эзиб қўювдим. Шу савил кўриб колмасин, деб қошимға қўя қолувдим. Ҳа, мошкичири жиндақ тагига олиб, қотиб кетибди. Шунгайм ота гўри қозихонами? «Пардоз-андоз қилгандан кўра овқатингға қарасанг ўласанми!» дейди-я, гўрсўхта! Ҳа, пардоз қилсам, ўйнашимға кипманми. кирчинингдан қийилгур! Қирмочми, боломи, захрингға еявермайсанми, ергина ютгур! Хаҳ, онамни сўккан тилларинг танглайингға ёпишгур! Тагин нима дейди, денг? Айбни менга тўнкайди: тилинг бир қарич, дейди. Вой, тилимни гапирган тилларинг жодиди қийма-қийма бўлсин-а. Елдек келиб, селдек олмаса асло розимасман!

- Кўйинг, овсинжон, - онам маъюс жилмайди. – Ошсиз ўй бор, уришсиз ўй йўқ... Қаргаманг бечорани.

- Вой нега қаргамас эканман? Оғзи-бурнингдан лахта-лахта қонинг келгур, нега қаргамас эканман?.. (Ў.Хошимов. «Нурли дунё»)

Биринчи парчада ҳақиқий мусулмончилик руҳида тарбияланган, эрнинг пири борлигини бутун вужуди билан ҳис этадиган, унинг ўзигагина эмас, соясига ҳам кўрпача тўшашға рози, ҳар бир сўзини ўйлаб гапирадиган ифбатли, ҳаёли, том маънодаги ўзбек аёли тасвирланган.

~~Унинг~~ нуткига диққат қилайлик: «Мендан – ҳадду-ҳисобсиз гуноҳ, ~~сиздан~~ кечириш; ул кунларни сиз унутинг, унутманг, аммо мен унут-
~~ман~~ кўргингиз келмаганда ҳам бошқалар сизни кўрар эдилар, тўяр
~~дилар~~... Мен каби бахтсиз, мен каби зовгаси кўп сизни зир келти-
~~раб~~ жондан тўйдирган бўлса, ажаб эмаски, қоча бошлагансиз...; ~~Сиз~~ алижанобсиз: эски қадрдонлар ҳурматига, кўнгил учун кулиб
боғарсиз...»

Иккинчи парчадаги аёл нутқи маданиятсиз, енгилтабиат, масъул-
натсиз, уятсиз шаллақи шахс тасвирланганлиги унинг нутқидан се-
тилиб турибди. Эътибор қилайлик: «**Ҳа, пардоз қилсам, уйнашимга**
қилманми, қирчинингдан қийилгур! Қирмочми, баломи, захрингга
еявермайсанми, ергина ютгур! Хаҳ, онамни сўккан тилларинг
танглайингга ёпишгур! Онамни сўкди-я, бўйгинанг гўрда чиригур;
Шу савил қуриб қолмасин, деб қошимга қўя қолувдим.

Диалогик дискурс, асосан, сўзлашув нутқида хосдир. Шунинг
учун ҳам диалогни қандайдир умумий мавзуда сўзлашувчи икки
ёки ундан ортиқ шахснинг суҳбати маъносида тушунилади. Оғзаки
сўзлашувда узундан-узоқ жумлалар учрамайди, яъни фикр имко-
ни борица ихчам баён қилинади. Чунки жонли сўзлашувда сўзлар-
дан ташқари ёрдамчи компонентлар сифатида **экстралингвистик**
факторлар(ташқи омиллар): нутқ вазияти, ситуация, мимика,
жест, суҳбатлашувчи томонларнинг суҳбат мавзуси бўйича умумий
маълумотлари, тажрибалари кабилар ҳам иштирок этадики, мазкур
омиллар гап структурасида, жумладан, **қўшма гапларда маълум**
бўлакларнинг эллипсисга учраши учун имконият вазифасини
ўтайди. Эллипсис (юнонча – *ellipse* – тушиш, тушурилиш) – нутқ
унсурининг тушиб қолиши⁴⁵.

Эллипсис бадий матнларда ҳам, жонли сўзлашув нутқида ҳам
кўп учрайдиган ҳолатдир. Бунда бир-бирига яқин туриб сўзлашувчи
томонларнинг ўзаро мимик ҳаракати, ишоралари, билдирилаётган
фикрнинг икки томонга ҳам маълум эканлиги билан боғлиқдир⁴⁶.

⁴⁵ Ҳожиёв А. Ўзбек тили терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 2000. 116-бет.

⁴⁶ Лапасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 46-бет.

Эллипсисда матндаги бир бўлак, баъзан морфологик кўрсаткич, баъзан эса фонетик бирлик маълум бир сабабга кўра тушириб қолдирилади. Туширилган бирлик гарчи тузилиши жиҳатдан маълум бўлади. Демак, туширилган бирлик матнга ўзига хос бадийлик бера олади. Чунончи, адибнинг бадий-эстетик мақсади, қаҳрамонларнинг психологик ҳолати, воқеалар ривожини ўқувчига жўн, содда ҳолатда етказилади. Масалан, Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» романидан олинган қуйидаги бадий парча юқоридаги фикримизга далил бўла олади:

«Қоровулхона темир панжара билан иккига бўлинган, панжара ўртасида бир қулочли айлана темир эшикча бор эди. Панжара ортидаги эски стол атрофида уч йигит давра қуриб, чойхўрлик қилиб ўтирарди. Улар Зоҳидга бир қараб қўйишди-ю, индашмади. Зоҳид ҳам уларга қараб тураверди.

-Ҳа, укахон, хизмат борми? - деди қўнғиз мўйловли йигит.

-Қилич ака керак эдилар, - деди Зоҳид.

Яхшики, қоровул «Нима ишингиз бор эди?» деб сўрамади. Сўраб қолганида Зоҳиднинг довдираши тайин эди.

-Қилич акамлар бугун ишга чиқмадилар. Тоблари йўқ, деди қоровул. «Билмайдими ёки лақиллатмоқчимиз?»

-Шариф ака-чи?

Қоровул кулимсиради.

-Шариф акангизга беш-ўн йилдан кейин келасиз, укахон.

-Нимага? - деди Зоҳид ажаблангандай.

-Сафарга кетганлар, - деди гапга аралашмай ўтирган қоровул йигитлардан бири.

Эллипсис ҳодисаси кўпроқ диалогларда учраб, у ўзаро яқин масофада ёки юзма-юз сўзлашувчилар нутқида қўлланади. Бунда тилга олинаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги фикр-мулоҳаза ёки уларнинг тафсилоти икки томонга ҳам маълум бўлиб, сўзлашувчи томонлар фикрларини қисқа жумлаларда баён этишга уринадилар.

Юқоридаги диалогик парчада ҳам нутқий ихчамлик мавжуддир. Жумладан, «Шариф ака-чи?» сўроқ гап аслида «Шариф ака ҳам бугун ишга чиқмадиларми?» шаклида, «Шариф акангизга беш-ўн йилдан кейин келасиз, укахон» гапи эса, «Шариф акангизни кўришга бу ерга

беш-ўн йилдан кейин келасиз» тарзида, «Нимага?» гапи «Нима учун Шариф акамни кўришга беш-ўн йилдан кейин келишим керак, ҳозирчи?» шаклидаги тўлиқ конструкциялар ҳисобланади.

Бу диалогда савол берувчини жавоб қилувчи қоровул йигитлар унчалик хушламаётганлиги, у билан гаплашгиси, маълумотларни батафсил айтгиси келмаётганлиги, Зоҳиднинг эса бўлиб ўтган воқеалардан ҳайронлигини билдириш мақсадида адиб эллипсисдан самарали фойдаланган.

Диалогик нутқдаги эллипсис ҳодисасини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: *Вазиятли эллипсис* ва *контекстуал эллипсис*⁴⁷.

Нутқ шароити, вазият, мимика каби экстралингвистик омиллар нутқдаги айрим бўлақларнинг тушиб қолиши учун имконият вазифасини ўтайди. Гап таркибидаги айрим бўлақларнинг айтувсиз тушиб қолдирилиши кенг маънода вазият билан боғлиқ бўлганлиги учун, бу ҳолатдаги тушиш *вазият эллипсиси* деб юритилади.

Вазият эллипсиси ҳамма вақт диалогик нутқ доирасида бўлади. Лекин бу диалоглардаги репликалар шаклидаги гап тузилишида вазият эллипсисининг содир бўлиши диалогга боғлиқ ҳолда келиб чиқади, дегани эмас. Яъни гап реплика шаклида бўлгани учун бирон-бир бўлақ тушириб қолдирилмайди, балки, мазкур туширилмоқчи бўлган бўлақнинг маъноси нутқ шароити, вазиятдан англашинулади, шунинг учун у бўлақ тушиб қолади. Вазият бу экстралингвистик —объектив ҳодисадир. Диалог эса субъектив ҳодиса сифатида воқе бўлади. Масалан, бирон киши бир жойда ҳеч қандай ҳаракатсиз **Қаранг!** деса, эшитувчи ҳеч нарса тушунмайди. Агар сўзловчи ҳовлигами, томгами қўли билан имо қилиб ёки ишора қилиб **Қаранг!** деса, эшитувчи сўзловчининг ишорасидан ифодаланмаган сўзини тушуниши ва мазкур вазият эллипсисли тузилмага эга гапни, масалан, **Сиз ҳовлига қаранг!** шаклини қабул қилади.

Диалогик нутқни кузатганда шу нарсага гувоҳ бўлдикки, улар савол-жавоб репликаларидан иборат бўлган жараёнда жавоблардаги бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақлар *контекстуал эллипсисга* учрайди.

⁴⁷ Адабиётшунослик терминлари луғати. Тошкент, 1967.

Диалогик нутқнинг ситуативлиги унинг структурасига кучли таъсир қилади. Тилнинг асосий хусусияти унинг коммуникация воситаси эканлигидир. Коммуникатив алоқа эса, албатта, икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасида бўлади. Шунинг учун ҳам диалог нутқнинг илк формасидирки, тил тараққиётининг дастлабки босқичларида кишилар ўз сўзлашувларида ситуация, жест, мимика ва шу каби экстралингвистик воситаларга суяниб, ниҳоятда кам сўз билан фикр ифодалаганлар. Демокчимизки, диалог тил тараққиётининг қанчалик илк стадиялари билан боғлиқ бўлса, ситуатив эллипсис ҳам нутқнинг ихчамлигини, соддалигини, эмоционаллигини таъминловчи восита сифатида тил тараққиётининг шунчалик илк стадиялари билан боғлиқдир.

[WP_м, WP_м] – тенг муносабатли қўшма гапларда эллиптиклик хусусияти учрайди. Шу эллиптиклик [WP_м, WP_м] тенг муносабатли қўшма гапнинг таъсир доирасини кучайтиради. Тингловчининг диққатини оширади, фикрни ўткирлаштиради. [WP_м, WP_м] қўшма гапда, асосан, қуйидагилар ифодаланмайди:

1. Эганинг ифодаланмаслик ҳолати: *-Айт, кирсин.* (О.Ёқубов. «Улуғбек хазинаси»).

2. Кесимнинг ифодаланмаслик ҳолати: *- У эшакни лойга тиришиб, нарироқ борса – чўл, чўл ўртасида қўл, қўл лабида бог, бог лабида кичкина тоғ бор экан,- деди эртақчи* («Ўзбек халқ эртақлари»).

3. Тўлдирувчи ифодаланмаган ҳолат: *Акаларим қай аҳволда экан – билмадим* («шуни» сўзи тушиб қолган). («Ўзбек халқ эртақлари»).

4. Боғловчи ифодаланмаган ҳолат: *Осмонда на ой ва на юлдуз кўрилади – ҳаво бузуқ эди* («чунки» сўзи тушиб қолган). (С.Қаҳҳор. «Дайди кизнинг дафтари»).

5. Нисбий сўз тушиб қолиш ҳолати: *- Олов сочаман – ёниб кетасан.- Сув сепаман – ўчиб қоласан* («натийжада» сўзи тушиб қолган). («Ўзбек халқ эртақлари»).

6. Кириш бўлак тушиб қолган ҳолат: *- Қор ёғди- дон ёғди* («демак» сўзи тушиб қолган). (Ў.Ҳошимов. «Сайланма»).

Диалогларда, экстралингвистик факторлардан ташқари, контекст, яъни нисбатан бошловчи реплика ғоят муҳим роль ўйнайди. Ана шу контекстга суянилган ҳолда айрим бўлақлар тушириб қолдирилади. Шунинг учун гап структурасидан бирор бир бўлақ туширилишининг имконияти нуқтаи назаридан экстралингвистик факторлар, яъни

ифодаланмаган бўлак учун компенсация саналган омилларга суяниб тушириб қолдиришдан фарқлаган ҳолда, бундай туширишни контекстуал эллипсис, деб юритилади. Диалогларда, кўпинча, олдинги репликаларда айтилган сўзлар кейинги репликаларда такрорланмайди. Чунки жонли тилда фикр ифодаси учун мутлақ зарур бўлмаган ҳамма нарсани тушириш тенденцияси кучли. Аммо бошловчи репликадан ажратиб олинган ҳолда навбатдаги репликалар тушунарсиздир. Яъни навбатдаги репликаларда контекстуал эллипсис содир бўлиши учун биринчи, бошловчи репликанинг мавжуд бўлиши имкониятдир. Бошқача айтганда, маъно тугаллиги ва коммуникациянинг тўлиқлигини айрим олинган репликалар эмас, балки мазкур репликаларнинг қўшилмаси – муайян диалогик бирлик ифодалайди⁴⁸. Масалан, «**Яъни, нимани?**» ифодаси мутлақо тушунарсиз. Агар бутун диалогик бирлик ичида бўлса, гап нима ҳақида эканлиги аён бўлади.

– *Ўртоқ Давлатбеков, сиз «ўтди – кетди» деган хатоларнинг ёмон оқибати ҳали ҳам бор. Ойкўл яна қаддини тиклаши учун шуни таг-томири билан йўқ қилиш керак.*

– *Яъни, нимани?– ўсмоқчилаб сўради Давлатбеков (П.Қодиров).*

Кўриниб турибдики, иккинчи реплика, *Ойкўл яна қаддини тиклаши учун нимани таг-томири билан йўқ қилиш керак?* шаклида ифодаланиши керак эди. Лекин бошловчи репликада мазкур контекстуал эллипсисга учраган бўлаклар мавжуд бўлгани учун, иккинчи репликада **нимани?** сўзининг ўзи предикативликни ифодалай олади. Бинобарин, ушбу диалогик бирликда, диалогик репликалар занжирида ҳам маъно томондан, ҳам репликалар структураси нуктаи назаридан зич боғлиқлик бор. Айни пайтда кейинги репликалар бошловчи репликага нисбатан тобедир, яъни бошловчи репликасиз кейинги репликалар мутлақо маъносиз. Шу маънода бошловчи репликани ҳоким реплика дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳоким репликада деярли барча ҳолларда контекстуал эллипсис содир бўлмайди. Аммо шуни айтиш керакки, нутқ жараёнида (диалогда) экстралингвистик факторлар иштирок этса, яъни ситуатив эллипсис содир бўлиш имконияти туғилса, ситуатив эллипсис асосан бошловчи (ҳоким) реплика структурасида содир бўлади. Қуйидаги мисолга эътибор берайлик:

⁴⁸ Маҳмудов Н. Эллипсис в узбекском языке. АКД. Ташкент, 1978. -20 с.

Бир вақт кўча томондан машинанинг гувиллагани, кейин отнинг дупури, эркак одамнинг бақириб-чақиргани эшитилди. Маҳкам ака хотинини ухлаган деб ўйлаб, секин ўрнидан турди, чироқни ёқмай, кийина бошлади

– Қаёққа?

– Ташқарига (Р. Файзий. «Ҳазрати инсон»).

Эллипсис, кўпчилик тилшунослар кўрсатиб ўтишича, нутқда тушириб қолдирилиб, контекст ёки ситуацияда осонгина англашиладиган бўлакдир. Аксарият тилшунослар эллипсис ҳодисасини тил ҳодисаси сифатида кўрсатишмайди. Фақат француз тилшуноси Ш. Баллигина «Оқидан хоҳлайсизми ёки қизиладанми?» гапини француз тилида бериб, бу мисол орқали эллипсис лексик характерда келишини кўрсатади, бунда у *ароқ* ва *вино* сўзлари қисқариб, *оқ* ва *қизил* сўзлари орқали ўз ифодасини топганлигини назарда тутди⁴⁹. Ш. Балли томонидан мазкур тил фактининг келтирилиши баъзи тилшуносларнинг «эллипсис – соф нутқий ҳодиса»⁵⁰, деган фикрини рад этади.

Демак, эллипсис ҳам нутқий, ҳам лингвистик ҳодиса сифатида мавжуддир. Ўзбек тилида ҳам худди шундай қаралиши керак. Лингвистик эллипсис нутқий эллипсисдан ўз моҳияти билан фарқланади. Нутқий эллипсис нутқий имкониятдан келиб чиқиб, Ш. Балли таъбири билан айтганда, кўп куч сарф қилмаслик, фикрни тезроқ етказиш мақсадида нутқда аввалдан маълум бўлиб келган бўлакларни қисқартиш ҳисобига содир бўлади⁵¹. Масалан, кўпгина адабиётларда келтирилган *бир стакан ичдим* гапидаги эллипсисни олиб кўрайлик. Бу гапдаги *стакан* сўзи қандайдир суюқлик маъносини ҳам ифода этади. Мана шу қандайдир суюқликни ифода этувчи сўз нутқда эллипсисга учраган. Чунки у контекст ёки ситуацияда аввалдан маълум эди. Шунинг учун ҳам унинг ўлчов бирлигини ифода этувчи сўзни нутқда бериш билан чекланиб кўя қолинган. Суюқлик маъноси эса ўша ўлчов бирлигини ифода этувчи *стакан* сўзига сингдириб юборилган.

Лингвистик эллипсисда бундай бўлмайди. Унинг содир бўлиши ҳеч қандай контекст ёки ситуация билан боғлиқ эмас. Лингвистик эллип-

⁴⁹ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М.: Изд-во инос. лит-ры, 1955. -416с.

⁵⁰ Гоголь Н. В. О литературе. М., 1952. С. 28.

⁵¹ Балли Ш. Французская стилистика. М.: Изд-во инос. лит-ры, 1961. С. 319.

сис таркибли сўз, ибора каби луғавий бирликларнинг компонентларидан бирининг қисқариши ҳисобига содир бўлади. Бу қисқарган компонентнинг маъносини ифодалаш вазифасини сақланиб қолган компонент ўз устига олади. Бу эса шу компонент қандай маъно билан луғавий бирликини ясашда қатнашган бўлса, ўша маънога тобе бўлади. Демак, эллипсис маълум сўзда кўчма маъно ҳосил бўлиши учун роль ўйнаётган экан. Лингвистик эллипсис контекст ёки ситуация доирасида эмас, маълум луғавий бирлик структурасида содир бўлади. Бу эса маълум сўзда кўчма маъно ҳосил бўлиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Нутқий эллипсис маълум нутқий имкониятдан келиб чиқиб, унинг талаби билан содир бўлар экан, фақат шу нутқ доирасидагина англашиларлидир⁵². Лингвистик эллипсис нутқдан ташқари ҳолатда маълум луғавий бирликларда содир бўлганлиги учун ҳам, у тўғри келган нутқда англашиларли бўлаверади, реаллашади. Юқорида берилган мисолларга эътибор берсак, фикримиз яна ҳам аниқроқ бўлади. Яъни нутқнинг олд қисмида суюқликнинг қандайлиги ҳақида гап бормаган-да эди, унинг давомида *бир стакан ичдим* гапи берилмаган бўларди. Албатта, *стакан* сўзи кетидан *сув, кофе* ёки *ароқ* каби сўзлардан бири бериларди. *Стакан* сўзи мана шу суюқликлардан бирини ҳам англатиши учун контекст ёки ситуацияда имконият бор. Акс ҳолда, мазкур гап таркибида *сув, кофе* ёки *ароқ* каби сўзлардан бири бўлар ва эллипсисга учрамас эди. *Стакан* сўзи мазкур жумланинг ўзида ҳам қандай суюқликни ифода этаётганлиги номаълум. Қандай суюқлик ҳақида хабар берилаётганлиги эса нутқнинг умумий ҳолати, бориши билан боғлиқдир. *Стакан* сўзининг эллипсисга учраган сўздан қолган маъноси эса шу нутққа хос окказионал маъно сифатида реалдир.

Нутқдаги гапларнинг таркибида келган бирикмадан бирор сўз эллипсисга учраши натижасида бирикманинг сақланган компонентида сўзда нутқий метонимия содир бўлиши мумкин. Бундай метонимиялар, асосан, отларда кенг тарқалган бўлиб, улар аниқловчили бирикмаларнинг, асосан, икки типи бирор компонентининг эллипсиси натижасида юзага келади:

⁵² Қаранг: Инвариантные синтаксические значения и структура предложения. М.: Наука, 1969. С. 65.

1. Нуткдаги қаратқич-қаралмиш типли бирикмалардаги бирор компонентнинг эллипсиси натижасида метонимия содир бўлади. Бирикманинг қаратқичи белгисиз қўлланганда, унинг қаралмиши эллипсисга учраши мумкин, қаратқич эса бутун бирикма маъносини ўзида акс эттиради ва унда нутқий метонимия юзага келади. Бундай бирикмаларнинг компонентлари бўлиб келган сўзлар қуйидаги семантикага эга бўлади:

а) белгисиз қаратқич қаралмишдан англашилган аҳолининг яшаш ўрнини ифода этади. Қаралмиш эллипсисга учрагач, бирикма маъноси мазкур сўзда ўз ифодасини топади, яъни нутқий метонимия содир бўлади;

б) белгисиз қаратқич кишининг иш соҳасини ифода этиши ҳам мумкин. Қаралмиш эллипсисга учрагач, бирикма маъноси қаратқичда ўз ифодасини топади;

в) белгисиз қаратқич қаралмишдан англашилган объектнинг эгаси яратувчиси маъносини ифода этади. Қаралмиш эллипсисга учрагач, бирикма маъноси қаратқичда ўз ифодасини топади;

д) нуткдаги қаратқичли бирикманинг қаратқичи эллипсисга учраши ҳам мумкин. Бунда бирикманинг қаралмиш компоненти нуткда сақланган бўлади. Аммо унинг *и* эгалик аффикси тушириб қолдирилади.

2. Нуткда сифатловчи-сифатланмиш типли бирикманинг бирор компоненти эллипсисга учраши ва сақланган компонент эса бутун бирикма маъносини ифода этиши мумкин. Бунда бирикманинг сифатловчи компоненти *-ли ёки -даги* аффикси билан ясалган сифат бўлади. Шунга кўра бирикма икки турга бўлинади:

1) нуткдаги *-ли* аффикси воситасида ясалган сифатдан иборат сифатловчили бирикмалар. Бунда сифатловчи сифатланмишдан англашилган объект, яъни шахснинг кийимини ёки тутадиган нарсасини ифода этади, сифатловчининг *-ли* аффикси ва сифатланмиш эллипсисга учраши, бирикма маъноси эса бирикманияг *-ли* аффикси йўқотган компонентида ўз ифодасини топиши мумкин. Бирикма маъносини сақлаган компонент, яъни сўзда нутқий метонимия содир бўлади. Масалан: *-Хув, кўзойнакка боқ!— деди буфетчи.— Ҳисоб қилганингда қоқмагин чўтда!* (С. Абдуқаҳҳор) гапидаги *кўзойнак* сўзи *кўзойнакли йигит* сифатловчили бирикмасининг сифатловчи компонентидир.

Унинг сифатловчи компонентидан *-ли* аффикси ва сифатланмиш компоненти бўлган *йигит* сўзи эллипсисга учраган. Бирикма маъноси эса *кўзойнак* сўзида ўз ифодасини топиб келган. Сифатловчи бўлиб келган сўзда метонимия содир бўлиши ифодада салбий субъектив бўёк ҳосил қилиш мақсадидан келиб чиққан.

2) нутқда *-даги* аффикси воситасида ясалган сифатдан иборат сифатловчилари бирикманинг бир компоненти эллипсисга учраши, сақланган компонентда бирикма маъноси ўз ифодасини топиши натижасида ҳам нутқий метонимия содир бўлади. Бунда сифатловчи сифатланмиш англашилган объектга нисбатан маълум белгини ифода этади:

а) сифатловчи сифатланмишдан англашилган объект, яъни кишининг яшаш даврини билдиради. Бунда нутқдаги сифатловчининг *-даги* аффикси ва сифатланмиш эллипсисга учраб, бирикма маъноси *-даги* аффиксини йўқотган компонентда ўз ифодасини топади;

б) сифатловчи сифатланмишдан англашилган объект, яъни суюқликнинг жойлашган идишига нисбатан ифода этиб келади. Бунда *-даги* аффикси ва сифатланмиш эллипсисга учраши мумкин. Бирикма маъноси бирикманинг *-даги* аффиксини йўқотган компонентда ўз ифодасини топади.

в) сифатловчи сифатланмишдан англашилган сиёсий раҳбарлар турадиган марказни ифода этганда, *-даги* аффикси ва сифатланмиш эллипсисга учраб, бирикма маъноси эса *-даги* аффиксини йўқотган компонентда ўз ифодасини топади ва шу сўзда нутқий метонимия содир бўлади: *Москва хато қилиши мумкин эмас* (Л. Убайдуллаев) гапидаги *Москва* сўзи *москвадаги раҳбар* сифатловчилари бирикмасининг компонентидир.

Диалогик дискурсга нутқий коммуникация билан алоқадор бўлган алоқа-аралашувда кишининг маълум органлари ҳаракати ёрдамида турли ахборотни берувчи воситалар ҳам киради. Масалан: бошни вертикал ёки горизонтал қимирлатиш, қўлни кўтариш, кўзни қисиш, қошни юқорига кўтариш ва бошқалар.

Диалогик дискурсда қўлланиладиган новербал воситаларни: ишоравий ва мимик новербал воситаларга ажратиш мумкин⁵³. НOVERбал воситалар ишлатилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

⁵³ Саидхонов М. Нoverбал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. Тошкент, 1993. -26 бет.

1. Кўрсатувчи белгилар. Кўрсатувчи белгилар воқеа-ҳодиса ёки белгини кўрсатиш учун ишлатилиб, компенсацион ва вербал восита-ни кузатиб борувчи белги ҳисобланади. Улар қўл, бош, гавда, нигоҳ/кўз/ орқали ифодаланади. Бунда белгилар кўрсатмок, ишора қилмок, имо қилмок каби феъллар ёрдамида берилади: қўли билан кўрсатди, кўзи билан давом эт деб ишора қилди каби.

2. Таъкидловчи белгилар. Улар маълум воқеа-ҳодиса, белги, ҳолат, ҳаракат ёки предмет ҳақидаги тушунчани таъкидлаш маъносини билдиради. Бундай белги тасдиқни, инкорни, гумонни, хайрихоҳликни ва бошқа маъноларни таъкидлаб кўрсатади:

- *Қонга қон! – деди йигит.*

- *Зинҳор! – деди эшон қўлини баланд кўтариб.*

3. Рамзий белгилар. Улар ритуаллар (удумлар), этикет (адаб) шакллари ёки анъанавий муомала асосида шаклланган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади ва маълум ахборот узатиш учун ишлатилади: «қўл қовуштириш», «қўл олишув», «тиз чўкиш» ва б. Рамзий белгилар коммуникатив актнинг таркибида бўлгандагина новербал восита сифатида талқин этилиши мумкин.

4. Тасвирловчи белгилар. Бундай белгилар нарса, белги, ҳаракат кабиларни тасвирлаш асосида ифодалайди. Алоқа-аралашув жараёнида тасаввур орқали тушунча ёки фикрни ифодалаш суҳбатдошлар томонидан нарса ва белгини идрок этиш асосида юзага чиқади. Идрок қилинган нарса, белги, ҳаракат ёки ҳолатни адресатга етказишда тасвирий белги коммуникатив вазифа бажариб келади. Масалан: «юрмок» маъноси кўрсаткич ва ўрта бармоқларни пастга қарата одам юраётган сингари ҳаракатлантириш асосида ифодаланади.

5. Эмоционал белгилар. Бундай белгилар инсоннинг ҳиссиёти билан боғлиқдир. Инсон фаолияти бўлмиш тил ҳис-туйғулар билан органик биргаликда эканини таъкидлаган В.фон Гумбольдт тилни инсон билан бирга текшириш кераклигини айтади⁵⁴. Эмоционалликни билдирувчи ҳаракат ва ҳолатлар доимо бир хил мазмунни билдирмайди. «Йиғи» характеризатори «хафалик», «ачиниш», «чарчоқ»,

⁵⁴ В. фон Гумбольдт. Характер языка и характер народа //Язык и философия культуры.М.: Наука, 1955.

«кўрқинч», «меҳрибонлик», «севинч» каби маъноларни ифодалаши мумкин. Эмоционал ҳолат алоқа-аралашувда фикрни тўлдириши ёки вербал восита ўрнида қўлланиши мумкин.

- Дераза ойнасини ким синдирди? – деб берилган саволга синф ўқувчиларидан ҳеч ким жавоб бермади. Шу пайт Дилшоднинг юзи кизариб, кўлидаги бош кийимини каерга қўйишни билмай бесаранжом бўла бошлади.

Новербал воситалар ишлатилиш қўламига кўра байналминал /бош ҳаракати билан тасдиқ ва инкор ифодалаш /ва миллий/ дуо қилиш;/ индивидуал /нисбий характердаги ҳаракатлар/ ва профессионал /спорт ҳакамлари «тил»и, чорраҳадаги бошқарувчи ҳаракатлари/ бўлиши мумкин.

Диалогик дискурс жараёнида юқорида санаб ўтилган мана шундай новербал воситалар туширилиб қолиши натижасида ҳам эллипсис ҳодисаси юз беради. Шунинг учун эллипсис ҳодисасини икки гуруҳга: вербал эллипсис ва новербалга бўлиб ўрганган маъқул.

1.2. Диалогик дискурда қўшма гапнинг воқеланишини ўрганиш муаммолари

Тилдан фойдаланиш фикрни шакллантириш ва баён қилишдан иборатдир. Бу эса гап орқали амалга ошар экан, демак, тил яхлит вужуд сифатида диалогик дискурда намоён бўлади. Гап – кишиларнинг бир-бирига фикр, ахборот узатиш учун ишлатадиган асосий бирлик бўлиб, фикр ифодалашнинг энг оддий ва типик кўринишидир. Гап сўзловчи учун фикр ифодалаш ва ахборот узатиш, тингловчи учун ахборот қабул қилиш воситаси саналади. Киши онгида фикр тушунчалар асосида тикланади. Бу фикр нутқда гап сифатида рўёбга чиқиб, дискурсни юзага келтиради. Дискурс бу сўзловчи ва тингловчи орасида ўзаро фикр алмашиш, саволга яраша жавоб бериш ҳолатидир. Дискурс, яъни нутқий мулоқот жараёни ўнлаб этник (миллий), этнографик, ижтимоий, тарихий, этик-эстетик, фалсафий-маданий ва соф лингвистик (лисоний) омиллар билан боглиқ бўлади. Тилнинг коммуникатив моҳияти ва унинг ижтимоий табиати – мана шу дискурс сабабли ўз мазмун-моҳиятига эга бўлади.

1. Кўрсатувчи белгилар. Кўрсатувчи белгилар воқеа-ҳодиса ёки белгини кўрсатиш учун ишлатилиб, компенсацион ва вербал воситани кузатиб боровчи белги ҳисобланади. Улар қўл, бош, гавда, нигоҳ/кўз/ орқали ифодаланади. Бунда белгилар кўрсатмок, ишора килмок, имо килмок каби феъллар ёрдамида берилади: қўли билан кўрсатди, кўзи билан давом эт деб ишора қилди каби.

2. Таъкидловчи белгилар. Улар маълум воқеа-ҳодиса, белги, ҳолат, ҳаракат ёки предмет ҳақидаги тушунчани таъкидлаш маъносини билдиради. Бундай белги тасдиқни, инкорни, гумонни, хайрихоҳликни ва бошқа маъноларни таъкидлаб кўрсатади:

- Қонга қон! – деди йигит.

- Зинҳор! – деди эшон қўлини баланд қўтариб.

3. Рамзий белгилар. Улар ритуаллар (удумлар), этикет (адаб) шакллари ёки анъанавий муомала асосида шаклланган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади ва маълум ахборот узатиш учун ишлатилади: «қўл қовуштириш», «қўл олишув», «тиз чўкиш» ва б. Рамзий белгилар коммуникатив актнинг таркибида бўлгандагина новербал восита сифатида талқин этилиши мумкин.

4. Тасвирловчи белгилар. Бундай белгилар нарса, белги, ҳаракат кабиларни тасвирлаш асосида ифодалайди. Алоқа-аралашув жараёнида тасаввур орқали тушунча ёки фикрни ифодалаш суҳбатдошлар томонидан нарса ва белгини идрок этиш асосида юзага чиқади. Идрок қилинган нарса, белги, ҳаракат ёки ҳолатни адресатга етказишда тасвирий белги коммуникатив вазифа бажариб келади. Масалан: «юрмок» маъноси кўрсаткич ва ўрта бармоқларни пастга қарата одам юраётган сингари ҳаракатлантириш асосида ифодаланади.

5. Эмоционал белгилар. Бундай белгилар инсоннинг ҳиссиёти билан боғлиқдир. Инсон фаолияти бўлмиш тил ҳис-туйғулар билан органик биргаликда эканини таъкидлаган В.фон Гумбольдт тилни инсон билан бирга текшириш кераклигини айтади⁵⁴. Эмоционалликни билдирувчи ҳаракат ва ҳолатлар доимо бир хил мазмунни билдирмайди. «Йиғи» характеризатори «хафалик», «ачиниш», «чарчок»,

⁵⁴ В. фон Гумбольдт. Характер языка и характер народа //Язык и философия культуры.М.: Наука, 1955.

«кўрқинч», «меҳрибонлик», «севинч» каби маъноларни ифодалаши мумкин. Эмоционал ҳолат алоқа-аралашувда фикрни тўлдириши ёки вербал восита ўрнида қўлланиши мумкин.

- Дераза ойнасини ким синдирди? – деб берилган саволга синф ўқувчиларидан ҳеч ким жавоб бермади. Шу пайт Дилшоднинг юзи кизариб, кўлидаги бош кийимини қаерга қўйишни билмай бесаранжом бўла бошлади.

Новербал воситалар ишлатилиш қўламига кўра байналминал /бош ҳаракати билан тасдиқ ва инкор ифодалаш /ва миллий/ дуо қилиш;/ индивидуал /нисбий характердаги ҳаракатлар/ ва профессионал /спорт ҳакамлари «тил»и, чорраҳадаги бошқарувчи ҳаракатлари/ бўлиши мумкин.

Диалогик дискурс жараёнида юқорида санаб ўтилган мана шундай новербал воситалар туширилиб қолиши натижасида ҳам эллипсис ҳодисаси юз беради. Шунинг учун эллипсис ҳодисасини икки гуруҳга: вербал эллипсис ва новербалга бўлиб ўрганган маъқул.

1.2. Диалогик дискурда қўшма гапнинг воқеланишини ўрганиш муаммолари

Тилдан фойдаланиш фикрни шакллантириш ва баён қилишдан иборатдир. Бу эса гап орқали амалга ошар экан, демак, тил яхлит вужуд сифатида диалогик дискурда намоён бўлади. Гап – кишиларнинг бир-бирига фикр, ахборот узатиш учун ишлатадиган асосий бирлик бўлиб, фикр ифодалашнинг энг оддий ва типик кўринишидир. Гап сўзловчи учун фикр ифодалаш ва ахборот узатиш, тингловчи учун ахборот қабул қилиш воситаси саналади. Киши онгида фикр тушунчалар асосида тикланади. Бу фикр нутқда гап сифатида рўёбга чиқиб, дискурсни юзага келтиради. Дискурс бу сўзловчи ва тингловчи орасида ўзаро фикр алмашиш, саволга яраша жавоб бериш ҳолатидир. Дискурс, яъни нутқий мулоқот жараёни ўнлаб этник (миллий), этнографик, ижтимоий, тарихий, этик-эстетик, фалсафий-маданий ва соф лингвистик (лисоний) омиллар билан боғлиқ бўлади. Тилнинг коммуникатив моҳияти ва унинг ижтимоий табиати – мана шу дискурс сабабли ўз мазмун-моҳиятига эга бўлади.

Воқеликни ва унга бўлган муносабатни ифода қилиш учун грамматик жиҳатдан шаклланган, интонацион ҳамда мазмунан нисбий туғалликка эга бўлган сўзлар боғланмаси гап дейилади. Гап ва унинг тузилиши ёки модели ҳақида турлича фикрлар билдирилади. Худди шундай гапга таъриф берилаётганда ҳам фикрлар ҳар хил. Аммо унинг моҳияти ҳақида гапирилганда кўпчилик олимлар кесимга урғу бераётганликлари сезилади. Масалан, Э.Бенвенистнинг фикрича, гапнинг биргина белгиси предикатив характерга эга бўлишидир, яъни предикациядан ташқарида гап бўлмайди⁵⁵. Бу масала бўйича бошқа олимларнинг фикри шу – юқорида келтирилган фикрнинг турли кўринишларидир. Туркийшуносликда ҳам гапнинг моҳиятига шу нуқтаи назардан ёндашилган. Анъанавий грамматикага асосланган ҳолда гап деганда, кесимлик марказини ташкил қилган конструкция тушунилади. Бу ёндашув ғарб ва рус тилшуносларининг таълимотига асосланган ҳолда юзага келган. Бу таълимотни ҳар хил оилаларга мансуб бўлган тилларга жуда мос, дейиш мумкин эмас, албатта. Чунончи, ўзбек тилига хос бўлган хусусиятлардан бири шундаки, субъект ҳар доим ҳам алоҳида тарзда қўлланмайди. Унинг мавжудлиги кесим формаси ёрдамида ифодаланади. Демак, туркий тилларда гапнинг шаклланишида кесим асосий ва муҳим роль ўйнайди.

Ўзбек формал тилшунослигида гапнинг моҳиятини ташувчи бўлак сифатида узоқ вақт давомида «эга + кесим» тан олиб келинди. Лекин ўзбек тилида бир таркибли гапларнинг кенг истеъмолда бўлиши гапнинг энг кичик қолипи икки бўлакли бўлиши шарт эмаслигидан далолат беради.

Шундай экан, гаплар тузилиши жиҳатдан содда, қўшма ва уюшган гапларга ажратилади.

Қўшма гап содда гаплар билан мустаҳкам боғланган, бироқ у ҳам структур, ҳам узатилаётган ахборот нуқтаи назаридан фарқланувчи синтактик қурилма ҳисобланади. Шу боис қўшма гапнинг умумий лисоний моҳияти унинг содда гапларга ўзаро муносабатида очилади. Лисоний структура жиҳатидан қўшма гапнинг содда гапдан фарқи маълум даражада равшан. Аниқроғи, содда гапда шаклланган кесим битта бўлса, қўшма гапда у бирдан ортиқ бўлади ва бирдан ортиқ сод-

⁵⁵ Бенвенист Э. Уровни лингвистического анализа// Новое в лингвистике. Вып. IV. М.: Прогресс, 1965. С. 446.

да гапларнинг мазмун ҳамда, грамматик жиҳатдан бирикувидан ташкил топади.

Шундай қилиб, қўшма гап грамматик шаклланган ва бирдан ортик ахборотни ташиш учун мўлжалланган содда гапларнинг грамматик, семантик, интонацион ва коммуникатив жиҳатлардан яхлитланган бутунлигидир. Ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга оид илк маълумот 1941 йилда Ҳ.Ғозиев томонидан берилган. Олимнинг «Ҳозирги замон ўзбек тилида эргаш гапларнинг состави» номли ишида қўшма гапларнинг тузилиши ҳақидаги фикрлар баён қилинган. 1955 йилда Ф.Камолнинг қўшма гапларнинг мақоми, таснифи масаласига оид иши эълон қилинди⁵⁶. 1960 йилларда қўшма гапнинг синтактик тузилиши, унинг турлари масаласи ҳақида Ғ.Абдурахмонов ва М.Асқароваларнинг бу борадаги ишлари илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Сўнгги йилларда қўшма гапларга семантик-синтактик ҳамда шаклий-вазифавий ёндашишга бўлган қизиқиш қизғин кучаймоқда. Н.Маҳмудов, А.Бердиалиев, С.Солихўжаева, Р.Сайфуллаева, М.Қурбонова каби олимларнинг тадқиқ ишлари бунга мисол бўла олади⁵⁷. Узоқ йиллар давомида ўзбек тилшунослигида қўшма гаплар қисмларининг табиати, уларнинг миқдори, синтактик мавқеи, мазмуний муносабати ўрганилди. Чунончи, Ғ.Абдурахмонов қўшма гаплар қисмларининг семантик, грамматик, интонацион муносабатларига кўра гуруҳланиши (боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап, боғловчисиз қўшма гап) ни, профессор М.Асқарова қўшма гапларнинг мазмуний муносабати, тузилиши, боғланиш йўллари жиҳатидан

⁵⁶ Камол Ф. Қўшма гапларга доир масалалар. Тошкент: Ўзфанакадеминашр, 1955; Яна қаранг: Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 207-бет.

⁵⁷ Бердиалиев А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматические отношения в конструкциях сложноподчинённого предложения узбекского литературного языка: Автореф. дис...докт. филол. наук. Ташкент, 1989; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. -164 бет; Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992. -292 бет; Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг шакл-функционал талқини. Тошкент: Фан, 1994. -57 бет; Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида шакл-вазифавий йўналиш ва содда гап қўрилишининг талқини: Филол. фан. док. дисс... автореф. Тошкент, 2001. -49 бет.

қўшма гапларни икки гуруҳ (боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап)га ажратиб тадқиқ этди.

Р.Сайфуллаева қўшма гапларни формал-функционал жиҳатдан ўрганиб уларни қуйидаги гуруҳларга бўлди:

Қўшма гапларнинг умумий лисоний қолипи [WPmUWPm] бўлиб, у қуйидаги яна учта оралиқ кўринишларга ажралади:

1. [WPm,WPm] қолипли қўшма гаплар, унинг таркибий қисмлари саналмиш содда гап кесимларининг ҳар бири мустақил шаклланган бўлиб, уларни осонгина алоҳида содда гапларга айлантириб юбориш мумкин.

2. [WPm → WPm] типик кўринишли қўшма гапларда биринчи гапнинг маркази тасдиқ-инкор, майл, замон, шахс-сон каби маъно ва кўрсаткичларга эга бўлмайди, шунинг учун доим тобе мавқеда бўлади.

3. [WPm ↔ WPm] типик кўринишли қўшма гапларнинг моҳияти шундаки, маълум бир маънони ифодалаш вазифасини бажариш учун ҳар иккала қисм таркибидаги [Pm] бир-бирини тақозо қилади. Бири иккинчисиз шу маъно ва вазифада қўллана олмайди⁵⁸.

Лисоний бирликлар серқирра моҳиятли бўлганлиги боис, камида иккита парадигмага киради. Шу боисдан бирор бутунликка кирувчи лисоний бирликларни камида икки томондан таснифлаш мумкин бўлади. Қўшма гап ҳам лисоний бирлик сифатида мураккаб табиатли бўлиб, бу мураккаблик унинг лисоний сатҳда тутган ўрни, таркибидаги содда гапларнинг грамматик шакли ва боғловчи воситалари ҳамда мазмуний муносабатларининг ранг-баранглиги билан белгиланади. Шунингдек, қўшма гап турларини хилма-хил асосларда турлича таснифлаш мумкин бўлади. Тасниф асосларининг аниқлиги ва таснифнинг изчил амалга оширилиши масала моҳиятини ойдинлаштиришда муҳим омиллардан биридир.

Қўшма гапларнинг маъновий ва структур синтаксис нуқтаи назаридан таснифи кўп ҳолларда ўзаро фарқланади.

Шундай қилиб, анъанавий синтактик таълимотда қўшма гаплар

⁵⁸ Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили формал-функционал талқинида қўшма гап. Тошкент: Фан, 1993. 34-42-бетлар; Шу муаллиф. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини: Фил. фан. докт.. дис...автореф. Тошкент, 1993. 34-41-бетлар.

қисмлари орасидаги мазмун муносабати, боғловчи воситалари, синтактик алоқа тури ва оҳанг жиҳатдан шаклланиши каби белгилари асосида таснифланади ва уч гуруҳга бўлинади: 1.Боғланган қўшма гап. 2.Эргашган қўшма гап. 3.Боғловчисиз қўшма гап.

Формал-фукционал таҳлил усулида эса: 1.Тенг таркибли қўшма гап [WPm, WPm].

2.Тобе таркибли қўшма гап [WPm WPm] ва

3. Мутаносиб таркибли қўшма гап [WPm ↔ WPm].

Шу ўринда диалогик дискурсада учрайдиган қўшма гаплар хусусида тўхталиб ўтсак: Биринчидан, [WPm → WPm] типик кўринишли гапларда ҳар иккала содда гап ҳам шаклланган [Pm] га эга бўлса-да, биринчи гапнинг маркази мустақил содда гап кесими (МКШ) бўла олмайди. У ҳамиша тобе гап марказини шакллантирувчи восита сифатида бўлиб, ўз мазмунини намоён қилиш учун ўзидан кейин мустақил ҳолда намоён бўла оладиган, воқеланиши учун олдинги гапга эҳтиёж сезмайдиган гап бўлишини тақозо қилади. Бошқача айтганда, бу типик кўринишли гап таркибидаги олдинги содда гапнинг кесими номустақил кесимлик шакли (НКШ) билан, кейингиси мустақил кесимлик шакли (МКШ) билан шаклланган бўлади. Масалан, *Аёл киши раҳбарлик қилса, калавамнинг учини йўқотиб қўяман.*

Иккинчидан, [WPm → WPm] тобе муносабатли қўшма гаплар мазмун муносабатига кўра: пайт, тўсиқсизлик, шарт, сабаб, мақсад каби маъноларни ифодалаб келади. Масалан, тўсиқсизлик маъноси: *Мен аравадан бошиқа ишга ярамайдиган пачоқ отдай кўринсам ҳам, унча-мунча чавандоз минолмайдиган улоқчи отман!* (А.Қаҳҳор. «Синчалак») Учинчидан, тобе муносабатли қўшма гапларнинг таркибий қисмларида боғловчи-юклама воситаси (-са, -у, -ю, -ми, -са ҳам, -са да) ва эргаштирувчи боғловчи воситаси қўлланилади. Ўзбек тилидаги типик вакили [-са] шарт майли шакли орқали бирикиши кўп учрайди. Чунончи, «*Осмон тушиб кетса, ушлаб қоласиз*»⁵⁹ ёки «*Агар бирон иш маъқул келиб қолса, Арслонбек ака шошилманг*»⁶⁰.

Шунингдек, «*Тўкилганини киши тез пайқайди, томчилганини узоқ пайқамаслик мумкин*»⁶¹ ёки «*Тўғри, ёмон одам жазосини тор-*

⁵⁹ Абдулла Қаҳҳор. Синчалак. 102-бет.

⁶⁰ Ўша асар, 151-бет.

⁶¹ Ўша асар, 142-бет.

тиши керак, лекин, Арслонбек ака, уни колхоздан ҳайдамасдан олдин партиявий масаласини ҳал қилиш керакмикин»⁶² (А.Қаҳҳор. «Синчалак») каби [WPm, WPm] тенг муносабатли қўшма гаплар учрайдики, уларнинг таркибий қисмларида оҳанг ва тенг боғловчи воситалар қўлланилиши кузатилади. Бу ҳақда навбатдаги бобларда махсус тўхталиб ўтамыз.

⁶² Ўша асар, 155-бет.

ДИАЛОГИК ДИСКУРСДАГИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА СТРУКТУР ЎЗИГА ХОСЛИГИ

2.1. Диалогик дискурсдаги қўшма гапларнинг семантик хусусиятлари

Англашиладики, дискурсга алоқадор дастлабки изланишлар XX асрнинг 50-йилларида шаклланди. Мазкур ишларда бу муаммо бирдан ортиқ гаплардан ташкил топганлиги ва «мураккаб синтактик моҳиятли» ва «юқори поғонали бирлик» сифатида эътироф этилган¹. Анъанавий тилшуносликда мантиқий грамматика ҳамда сўзлашув нутқи алоқадорлиги жараёни нутқнинг юқори поғонали бирлиги сифатида баҳоланган эди. Шунингдек, мавзуга алоқадор ҳодисалар таҳлили жараёнида тилшунослар оғзаки нутққа алоқадор ҳодисалар, яъни ундалма, кириш сўз, кириш бирикмалар билан ифодаланган шаклларнинг «мураккаб синтактик қурилма» сифатида берилишини қайд этадилар. Хусусан, бундай эътироф ўтган асрнинг 20-йилларида Л.В.Шчерба томонидан ҳам билдирилган². Хорижий тилшуносликда синтактик дискурс муаммоси ўтган асрнинг 50-йилларида З. Хэррисом томонидан кўтарилди³. Худди шу даврда Э. Бенвенист дискурс тушунчасига алоҳида бир тизим сифатида ёндашади. Чунончи, тилшунос «гап билан бирга тил тизимларига алоҳида бир белги сифатида қарамасдан, бошқа бир нуқтаи назардан қараш кераклигини, хусусан, нутқий мулоқот жараёнида юзага келадиган ҳодисанинг дискурс эканлигини қайд этади⁴.

¹ Фигуровский И.А. Основные направления в исследованиях синтаксиса связного текста // Лингвистика текста. Материалы научной конф. Ч. II. М.: МГПИИЯ им. М. Тореца, 1974. С. 108-115.

² Шчерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. Л.: Наука, 1974. -428 с; 2-е изд. М.: УРСС, 2004.

³ Harris Z. S. Analyse du discours // Languages, 1969. №13. P. 8-45.

Harris Z. S. Notes du cours de syntaxe. Paris: Ed. du Seuil, 1976. -238 p.

⁴ Benveniste E. Problèmes de linguistique général. Paris: Gallimard, 1966. -356 p.

Шу ўринда диалог атамаси хусусида ҳам қисқача шарҳ берсак. Диалог - (фр. dialogue, англ. dialog [ue], грекча. dialogos 'разговор, беседа'; букв. 'речь через')⁵ тарзида ифодаланади. Аслида бу сўз, суҳбат, баҳс, мулоқот шакли маъносини билдиради. Аёнки, диалог икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида ишлатилади. Диалог атамасининг бадий асарлардаги қуйидаги турлари оммалашган: 1) – пьеса асарлари қаҳрамонлари суҳбатида;

2) – бадий асар қаҳрамонларининг ўртасидаги ўзаро мулоқотлари жараёнида ;

3) – диалогнинг яна давр қаҳрамонлари ва улар яшаган муҳит, сиёсий арбоблари орасида кузатиладиган турлари мавжуд.

Диалог атамасига фанда бирмунча дискурс тушунчаси яқинроқ туради. Аммо бу ўхшашлик билан улар иккисини бир ҳодиса сифатида баҳолаш лозим дегани эмас. Француз тилшунослиги луғати муаллифлари «дискурс» атамасига қуйидагича изоҳ беришади – замонавий тилшуносликда дискурс атамаси сўзлашув нутқидаги мавжуд юқори ҳажмли фраза, шу боисдан у мавжуд фразалар билан ўзаро алоқадорлиқдадир. Аксинча, тил бирлиги бўлган гапнинг дискурсив таҳлил орқали янги ўзига хос лингвистик қирралари очилади⁶. Бу масала хусусида инглиз тилшунослари «дискурс бу аввало матнда намоён бўладиган мана шу матннинг ажралмас таркибий қисми саналади», - деб қайд этадилар⁷. Кўринадикки, бадий асар қурилмасида ғоят муҳим ўрин тутган диалогик дискурслар қурилиши ҳамда вазифалар доирасининг кенглиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Диалогик дискурс ўзининг тузилиши ва бадий асар структурасида эгаллаган ўрни жиҳатдан кўпинча муаллиф баёнининг композицион-услубий тизимини белгилаб беради.

Тилшунос С.Боймирзаева бу хусусида стилистика фанининг асосчиларидан бўлган Ш. Балли ва унинг кўпгина издошлари ушбу фан ифода шаклининг баён қилинаётган мазмунга муносабатини,

⁵ Buysens E. La communication et l'articulation linguistique. Bruxelles: Presses Universitaires, 1970. – 175 p.

⁶ Dubois J., Giacomo M. et al. Dictionnaires de linguistique. Paris: Larousse, 1973. – 516 p.

⁷ Николаева Т. М. Краткий словарь терминов лингвистики текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII. М., 1978.

аникроғи, мазмун ва ифода доиралари ўртасида пайдо бўладиган мутаносиблик (изоморфизм) ва номутаносиблик (ассимметрия) муаммоси билан шуғулланишини таъкидлайди⁸. Шунингдек, тилшунос ифода ва мазмун доираларининг муносабати муаммоси ечимини излашга турлича ёндашиш мавжудлигини, зеро, мазмун ёки тушунча умумий характерга эга бўлиб, миллийлик хусусиятидан йироқ, ифода шакли эса – миллий, шу сабабли бирор бир мазмун ёки тушунчанинг у ёки бу тилда ва услубда ифодаланиши билан қизиқсак, ушбу тил заҳирасида мавжуд бўлган турли сатҳларга оид воситаларни излай бошлашимизни эътироф этади. Бундай изланиш мазмундан – шаклга кўринишида бажарилади. Аммо услубий таҳлилда шаклдан – мазмунга кўринишидаги йўналиш ҳам кенг қўлланилади. Ҳар икки ҳолда ҳам стилистика ифода доирасига кирувчи шаклларнинг таҳлилини дастлабки ўринга қўяди⁹. Бу ўринда тилшуноснинг фикрларига қўшилиш мумкин. Сабаби, бадий асарда воқеа ёзувчи томонидан баён қилинар экан, шундай вазият юзага келадики, энди муаллиф воқеалар ривожининг кейинги босқичини ўз сўзлари билан ифода қилишининг иложи бўлмай қолади. Бундай пайтда ёзувчи диалогга мурожаат қилади. Демак, бадий асарнинг бир бутун структурал тизими ва услубий яхлитлиги диалогнинг асарда тутган ўрни ва роли билан узвий боғлиқдир. Бу эса, албатта, ифода ва мазмун доираларининг ўзаро алоқадорлигида намоён бўлади.

Ўзбек тилшунослигида қўшма гап талқини назариясини кўриб чиқиш фанимизда систем-структур таҳлил усулларининг мавқеини оша бориши билан узвий боғлиқ. Бизнингча, кейинги давр ўзбек тилшунослигида бу масала ўзининг ечимини етарли даражада топиб бормоқда. Чунки ўзбек тилида гап қурилишининг системавий-структуравий тадқиқида бугунги кунда икки йўналиш ажралиб туради. Бу йўналишлардан бири А.Бердиалиев, Н.Маҳмудов¹⁰, А.Нурмонов¹¹, М.Бошмонов,

⁸ Балли Ш. Французская стилистика. М.: Издательство иностранной литературы, 1961. С.14.

⁹ Боймирзаева С. Бадий матнда қўшма гап. Самарқанд: СамДУ, 2008. -114 бет.

¹⁰ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992. -292 бет.

¹¹ Нурмонов А. Н. Гап ҳақида синтактик назариялар. Тошкент: ТДПИ, 1988.-100 бет; Нурмонов А., Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 4-сон.

Д.Лутфуллаева¹², Ш.Искандарова^{13,14} ва С.Солихўжаеваларнинг ишларида акс этган бўлса, иккинчи йўналиш М.Абузалова¹⁵, Р.Сайфуллаева¹⁶, Ҳ.Неъматов¹⁷, Б.Менглиев¹⁸, М.Қурбонова¹⁹ каби тилшуносларнинг ишларида ўз аксини топган. Бундай тадқиқотларда системавий тилшуносликнинг лисоний бирликлар орасида синтагматик ва парадигматик муносабатлар, лисоний бирликларда шакл ва маъно номутаносиблиги каби асосий тушунчалари В.Виноградов – А. Ғуломов талқини (тизимида) асосида ажратилган синтактик бирликлар – содда ва қўшма гапларнинг бу талқинда ажратиладиган шакл, қурилиш ва маъно турлари асосида қўриб чиқилади. Яна бир тадқиқотларда эса, гапнинг лисоний қолиплари ва уларнинг нутқда воқеланиши, лисоний қолипнинг структур таркиби, қисмлар орасидаги алоқадорлиги ва уларнинг моддий шартда воқеланиши, ифодаланиши масаласи илгари сурилади. Булар нутқда воқеланган гапни нутқий ҳосила, унинг структураси, қурилиш қолипи, қолип таркибий қисмларининг имкониятларини лисоний ҳодиса ва имконият деб билишади, шунинг учун улар ўз синтактик таҳлилларини ўрганилаётган нутқий ҳосилаларнинг замирида ётган, уларнинг асосини ташкил этадиган лисоний қолипларни ажратишдан

¹² Лутфуллаева Д. Гапнинг семантик-синтактик қурилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат: Фил. фан. докт. дис... Тошкент, 2006. - 272 бет.

¹³ Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Фил. фан. докт. дис... Тошкент, 1999. - 265 бет.

¹⁴ Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент: Фан, 1989.-107 бет.

¹⁵ Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва унинг нутқда воқеланиши. НД. Тошкент, 1994; Акрамов Ш. Ҳозирги ўзбек тилида тўлдирувчи ва ҳол категорияси [Wp_m] аспектида. НД. Тошкент, 1997; Сайфуллаева Р., Абузалова М. Гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, 5-сон, 42-47-бетлар.

¹⁶ Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. Тошкент: Фан, 1994. -358 бет.

¹⁷ Неъматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. Тошкент: Университет, 1999. -55 бет.

¹⁸ Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси. Қарши: Насаф, 2003. -147 бет.

¹⁹ Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -379 бет.

бошлашади. Бундай қараш тарафдорларида гапнинг энг кичик қурилиш қолипи, (атов бирлиги+кесимлик категорияси шакли) ёки [WP_m] (қолип белгиси) тарзида ажратилади²⁰. Барча синтактик таҳлилларда шу лисоний қолип [WP_m] асос қилиб олинади ва гап билан алоқадор бўлган синтактик ҳодисалар талқинида унга таянилади

Тилда лисон бирликларининг объектив воқелик билан муносабати масаласи муҳим ўрин тутати. Ҳар қандай лисоний бирлик, жумладан, гап ҳам воқеликнинг бирор бўлагини акс эттиради. Гапда ифодаланган фикрнинг воқеликка муносабатини кўрсатувчи модаллик категорияси ҳар бир гапнинг муҳим конструктив белгиларидан бири ҳисобланади. Маълумки, тилда серқирра ва мураккаб бирликлар таҳлил жараёнида бир неча парадигмага мансуб бўлиши ҳам мумкин, таснифлашда ҳодисанинг қайси томони тадқиқ манбаи сифатида танланганлигини ҳисобга олиш лозим. Англашиладики, инсоннинг кимлиги унинг икки жиҳати – хатти-ҳаракати ва сўзи (нутқи) одамлар билан ўзаро муомаласида аён бўлади. Шунинг учун ҳам одамлар инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу масалалар билан жуда қадим вақтлардан буён қизиқиб келадилар. Ўзбек тилшунослигида мурожаат шаклларининг тадқиқ қилиниш жараёнлари таҳлили шуни кўрсатадики, муаммонинг ўрганилиш даражаси бир неча босқичда олиб борилган. Чунончи: 1) инқилобга қадар мавжуд манбалар (М.А.Терентьев, В.Наливкин, З.А.Алексеев, А.Вишнегорский ва бошқалар)^{21,22}; 2) инқилобдан кейинги 20 – 30-йиллар давридаги манбалар; 3) 40-йиллардаги мавзунинг ўрганилиш тарихи; 4) 50 – 60-йилларга тегишли манбалар. Мазкур 1-ва 2-даврларга тегишли манбалар ичида тилшунос Абдурауф Фитратнинг муаммога тааллуқли фикрлари эътиборга лойиқдир²³. Шунингдек, нутқ ва нутқ маданияти муаммолари билан илмий асосда жиддий шуғулланиш масаласи биринчи

²⁰ Сайфуллаева Р., Абузалова М. Гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари ҳақида.

²¹ Терентьев М. А. Грамматика турецкого, персидского, киргизского и узбекского языков. 1. СПб, 1875.

²² Наливкин В. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общепотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда. Казань, 1884.

²³ Фитрат. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб. Наҳв. 4-босма. Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930.

марта Прага лингвистик тўғараги аъзолари томонидан ўрганилганлиги манбаларда қайд этилади. Нутқ маданиятининг асосий муаммоларидан бири фикрни аниқ ифодалаш учун сўзни ва грамматик воситаларни ўринли танлашдир. Сўз ифодалаган тушунчани аниқ тасаввур қилган ҳолда матнга мос келувчи сўзни танлаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаш жоиз. Бунинг учун танлаб олинган сўзларнинг предмет маъносини бутун оттенкалари билан, аниқ мушоҳада қилган ҳолда, сўнгра мавжуд сўзларнинг предмет маъносидан ташқари, эмоционал-экспрессив бўёқдорликка эга эканлигини назарда тутиш лозим. Шу маънода қарайдиган бўлсак, кишилар мулоқотида учровчи бундай эмоционал-экспрессив сўзларда соддалик, таъсирчанлик, кўтаринкилик, улуғворлик, эркинлик сезилиб туради. Аммо тилда бундай сўзлар ифодасининг ўзи ижобий ва салбий оттенкаларни ҳам англатади. Кишилар мулоқотлари жараёнида ҳамда бадий адабиётларда муаммонинг қўшма гаплардаги талқини масаласига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Кишилар нутқида учровчи кувонч семасининг ифодаланиши ижобий маъно оттенкасини ифодаловчи эркалов, хушмуомалалик, поэтик фольклор сўзлари орқали юзага келади. Шу боис бундай кўринишдаги сўзлар махсус гуруҳларга ажратилади. Уларнинг айримларига ва бадий адабиётларда ёритилиш ҳолатларига тўхталиб ўтамыз.

Сўзлашув нутқида учровчи эркалов, кичрайтирув сўзлари. Мазкур гуруҳга мансуб сўзлар гапдаги вазифалари ва ишлатилиш хусусиятларига кўра нутқнинг хосланган бошқа тип сўзларидан фарқ қилади. Чунки, бундай сўзларда сўзловчининг тингловчига бўлган ижобий-интим муносабати – севиши, шодланиши, эркалаши намоён бўлади. Бундай маъно ифодаловчи шаклларга қуйидаги лисоний бирликларни киритиш мумкин: *бўталогим, эркам, болагинам, қақажон, ўртоқжон, дугонажон, овсинжон, аяжон, бибижон, қизгинам* ва бошқалар. Мисолларга мурожаат қиламиз: 1. Ўртоқжон, сизларнинг тўйларингизни ҳамма мактаб юрибди-я, биз ҳам бундан қувониб, кўнглимиз яйраб юрипмиз (Ў.Ҳошимов. «Тушда кечган умрлар»). 2. Зухра кизалогим, бу феълинг нақд отангнинг ўзига ўхшаганини кўриб турибман, Оллоҳга шукур, охиридан қувонтирсин (Ў.Ҳошимов. «Нур борки, соя бор»). 3. Вой овсиним тушмагур-эй, бундай ишларга

қандоқ улгуради, ишқилиб барака топсин (Ҳ. Ҳошимов. «Икки эшик ораси»). Келтирилган мисоллардаги -лоқ, -жон, -им аффикслари манбаларда қайд этиб келинадиган эркалов семасидан ташқари қувонч семасини ҳам ифодалаб келмоқда. Бундан ташқари юқорида қайд этилган мисоллар ҳаммаси боғловчисиз қўшма гаплардир. Аммо бу гаплар таҳлилига эътиборни қаратадиган бўлсак, уларнинг ҳар бири алоҳида функцияни бажаришини кўриш мумкин. Чунончи, биринчи мисолда қўшма гап таркибидаги қисмлар сабаб-натижа муносабатини ифодалаб келмоқда, яъни боғловчисиз қўшма гапнинг биринчи қисми иккинчи қисмда ифодаланган воқеа -ҳодисанинг сабабини (биз ҳам бундан қувониб кўнглимиз яйраб юрибмиз бунинг сабаби сизларнинг тўйларингизни ҳамма мақтаб юришида) изоҳлаб келган. Келтирилган иккинчи гап қиёслаш муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гаплар сирасига киради. Бунда қўшма гап таркибидаги қисмларнинг мазмунлари бири-бирига қиёсланиб, чоғиштирилган. Қиёслаш муносабатининг ёритилиши қисмларининг умумий мазмунидан ташқари бошқа ёрдамчи лексик восита – киритмалар орқали ифодаланган. Таҳлил учун танланган учинчи мисолда қўшма гап таркибидаги конструкциялар кесимлари турли шаклда ифодаланган, натижада биринчи қисмда англашилган мазмун тугалланмай, қўшма гап таркибидаги иккинчи қисмидаги мазмун юзага чиқади.

Манбаларда сўзлашув услубида учровчи эркалаш сўзларини нутқда қўлланилиш доираси ва маъно оттенкасига кўра бир неча гуруҳларга ажратиш ҳоллари мавжуд. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, мазкур сўзлар юқорида қайд этилган маъноларидан ташқари хурсандчилик семасини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан: 1. *Ҳали сен....сен ўша Улуғхўжабойларнинг томириданмисан, Сабинабонунинг ўгли.. кел, оппоғим қайта бағримга босай* (М. Мансур. «Жудолик диёри»). 2. *Аяжон, меҳрибоним ..мен бахтлиман, энди сизни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймайман* (Мирмуҳсин. «Жамила»). Келтирилган мисоллар ҳам тузилиш жиҳатдан қўшма гапларга мансуб. Мазкур гаплар таркибида қўлланилган грамматик воситаларнинг мавжудлигига кўра уларнинг ҳар иккаласи ҳам боғловчисиз қўшма гапларга мансубдек. Чунки қўшма гап таркибидаги мавжуд содда гаплар (1-мисолда) ифодаланган фикрлар бир-бирига ўзаро боғлиқ бў-

либ, гапларнинг бири иккинчисини тақозо этади. Қўшма гапларнинг бу турида мазмуний ва интонацион яхлитлик кучли бўлади. Қайд этилган иккинчи мисолда ҳолат тамоман ўзгача. Сиртдан қараганда, мазкур гап таркибидаги содда гаплар ўзаро тобе ёки тенг боғловчи во-ситасиз бириккандек, шу белгисига кўра бу гапни боғловчисиз қўшма гаплар сирасига киритса бўлади. Аммо танланган қўшма гап тарки-бидаги содда гап алоҳида олинган содда гапдан нисбатан мустақил эмаслиги билан ажралиб туради. Аввало, бу грамматик ва интонацион номустақилликдир. Шунга кўра: Аяжон, меҳрибоним ..мен бахтли-ман, энди сизни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймайман гапини боғловчисиз эмас, балки эргаш гапли қўшма гап сифатида баҳолаш тўғри бўлади. Бу қурилмани эргаш гапли қўшма гап қилиб турган нарса мазмуний тақозо этувчанликдир. Учинчи қисмнинг энди сўзи билан бошла-ниши кўрсатиб турибди. Бу каби гапларни синкретик қўшма гаплар қаторига киритиш мумкин. Чунки улар сабаб, пайт эргаш гапли қўшма гаплар сирасидадир. Биринчи гапдаги мазмун иккинчи гапдаги мазмун учун сабаб мақомидадир.

Тилда мавжуд интим-муносабат билдирувчи эркалаш сўзлари (жоним, севгилим, вафодорим, ёлғизим, азизим...), дўстлик, қадрдонликни ифодаловчи сўзлар (дугонажон, ўртоқжон, биродаргинам, қақажон, оғажон, дўстгинам...), хушмуомалаликни билдирувчи сўзлар (айла-най, ўргилай, дўмбоқ, ширинтой, болажон, болакай, қоқиндик, гир-гиттон...) каби сўзлар манбаларда қайд этилган функцияларидан ташқари қувонч семасини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Ми-солларга мурожаат қиламиз: 1. Азизим Рўстам ака, бу сизга мендан совга, бўйингизни яхишлаб ўраб олинг (Ў.Ҳошимов. «Тушида кечган умрлар»). 2. Энахон, жоним ўртоқжон, бормисизлар, кутавериб кўз-ларимиз тўрт бўлиб кетди-ку?! (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»). 3. Уялмай қолинг, қақажон, сизга ким қўйибди қочишини-а?! (М. Мансур. «Жу-долик диёри»). 4. Болажон, мунча ширин бўлмасанг, исминг нима? (С. Қаҳҳор. «Дайди қизнинг дафтари»). 5. Менга қаранг, қоқиндик, ёш бола фариштадек гап, унга озор берманг, айланай (Ў.Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари»). Келтирилган мисоллардаги ажратиб кўрсатил-ган шакллар, асосан, аёллар нутқидан олинган. Шунингдек, ўртоқ сўзи сўзлашув нутқида умум томонидан ишлатилувчи мурожаат фор-

маси бўлиб, у билан кишилар бир-бирини чакиради, ундайди ҳамда хитоб қилади. Мазкур сўзга –жон аффикси қўшилиши натижасида севиш, эркалаш, қувонч маънолари ҳам ифодаланади. Шунингдек, аёллар нутқида қўлланилувчи *дугонажон, қақажон, ўртоқжон* сўзлари ҳам яқин муносабат, севиш, қувонч оттенкаларини билдиради. Юқоридаги мисоллар тузилишига кўра қўшма гаплардир. Маълумки, қўшма гап лисоний бирлик сифатида мураккаб табиатли бўлиб, бу мураккаблик унинг лисоний сатҳда тутган ўрни, таркибидаги содда гапнинг грамматик шакли ва боғловчи воситалари ҳамда мазмуний муносабатнинг ранг-баранглигида намоён бўлади. Шунга кўра танлаб олинган мисолларни қўшма гап таркибидаги содда гапнинг ўзаро муносабати – *мазмун, грамматик, интонацион* нуктаи назардан ҳам таснифлаш мумкин. Чунончи мазкур гаплар : 1. Гап таркибидаги боғловчи воситаларга кўра – *оҳанг билан боғланган қўшма гаплар* қаторига киради; 2. Қўшма гап таркибий қисмлари орасидаги маъновий муносабатнинг ифодаланишига кўра – *бирин-кетинлик муносабатига* киритиш мумкин; 3. Гап таркибидаги лисоний синтактик қолипларга кўра мазкур гаплар – (WPm, WPm) - *тенг таркибли қўшма гаплар* қаторига киради.

Ўзбек нутқида ишлатиладиган оила-қариндошлик терминларининг кўп вақт мурожаат шаклида қўлланилиши, дарҳақиқат, уларнинг характерли белгиси ҳисобланади. Оила-қариндошлик терминларидан катта қариндошларга нисбатан қўлланиладиган вокатив формадаги сўзлар ҳурмат юзасидан бўладиган мурожаатни билдириши, катталарнинг кичикларга қўлланиладиган *ўғлим, қизим* типдаги вокатив формалар эркалаш юзасидан бўладиган мурожаатни билдириши манбаларда қайд этилади. Мазкур фикрларни тўғри эканлигини таъкидлаган ҳолда, бундай шаклларнинг яна хурсандчилик, қувонч, севиш каби семаларни ҳам билдиришини қайд этиб ўтмоқчимиз. Чунончи: 1. Оҳ ўғлим, оҳ Музаффарим, қандай кўҳлик йигит бўпти-я, туфтуф кўз тегмасин (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»). 2. Вой, қизим тушмагур-а , кўрқма, отангни ўзим кўндираман (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»). 3. Ие, Кумушбиби, менга йўл бўлсин, мана сиз у билан тенглашсангиз арзийди (А. Қодирий. «Ўткан кунлар»). 4. Эхе, севгилим, бўлди кўз ёшингни арт, биласан сен мен учун ҳамма нарсадан азиз-

сан! (С. Қаҳҳор. «Дайди қизнинг дафтари»). Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, мурожаат шаклларида учровчи бундай шакллар ундовлар билан ҳам қўлланилиб, унда кишиларнинг ҳис-туйғуси, эмоциясини, рухий ҳолатини ҳам ифода этиб келиши мумкин. Ажра-тиб кўрсатилган ундовлар ижобий эмоционал ундовлар бўлиб, улар контекст ва интонация билан боғлиқ равишда завқланиш, қувонч, хурсандчилик, мамнуният, қойил қолиш, шодланиш, миннатдорлик, ташаккур каби маъноларни ифодалайди.

Тилшуносликда мавжуд формал-функционал ёндашувда бир эгали, лекин бирдан ортиқ кесимли гап қўшма гап сифатида қаралади. Чунки ҳар бир кесимда шахс-сон, замон, тасдиқ-инкор, модаллик, майл (кесимлик) маънолари бирдан ортиқ ифодаланади. Бу эса семантик нуктаи назардан уларнинг ҳар бирида алоҳида ахборот мавжудлигидан далолат беради. Шу маънода қарайдиган бўлсак, юқоридаги мисолларнинг ҳар бирида қайд этилган грамматик ҳолатларнинг барчаси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири қўшма гапнинг қайсидир қиррасини очиш учун хизмат қилади. Чунки қўшма гап мураккаб ва серқирра ҳодиса бўлиб, унинг таҳлил жараёни объектнинг қайси томонига қаратилганлиги билан муҳим. Агар биз юқорида келтирилган гапларни улар таркибига кирувчи содда гаплар орасидаги алоқага асосан таҳлил қилсак, унда мазкур гапларнинг барчасида тенгланиш алоқаси мавжуд. Одатда бундай ҳолатда улар тенг боғловчилар ёки интонация орқали бирикадилар. Баъзан бундай кўринишли гаплар орасида сабаб-оқибат алоқаси мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда уларни мазмунан тобе-ҳоким гапларга киритишга тўғри келади. Бироқ гапларда мазмунан тобелик, шаклан тенглик мавжуд бўлганда, формал-функционал ёндашув гапларни тенг муносабатли қўшма гап сифатида қарайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда биз қайд этилган гаплар орасида тенгланиш алоқаси мавжуд деган хулосага келдик.

Қўшма гапнинг таркибидаги боғловчи воситаларга кўра таснифи – бу тасниф соф шаклий бўлиб, гап орасидаги маъновий боғланиш қандай қўшимча (шаклий) воситалар билан таъминланишига таянади. Бу асосга кўра танлаб олинган мисолларнинг биринчи ва иккинчи гаплар юкламалар билан боғланган қўшма гаплар сирасига кирса, учинчи ва тўртинчи гаплар фақат оҳанг билан боғланган қўшма гапларга киради. Шундай қилиб, қўшма гап таркибий қисмлари ораси-

даги маъновий муносабатга кўра таснифи билан қўшма гап қисмлари орасидаги функционал муносабатларга кўра таснифи ўзаро боғлиқ. Чунончи, бу тасниф биз тўхталиб ўтган, яъни кишилар мулоқотлари жараёнида қўлланилувчи хурсандчилик семасининг ифодаланиши жараёнида ҳам кузатилди.

Ҳар қандай лисоний белги шакл ва маъно бирлигидан иборат бўлади. Масалан, [дафтар] луғавий бирлиги онгимизда моддий томондан [д], [а], [ф], [т], [а], [р] каби фонемалар тизмасидан иборат. Бу фонема-лар тизмаси [китоб], [журнал], [газета] каби луғавий бирликлар билан ўхшашлик муносабатига эга. Шу билан бирга [ёз-] луғавий бирлиги билан ҳамда [-га], [-ни], [-нинг] каби морфемалар билан қўшничилик муносабатига кириша оладиган маъно билан боғланган. Бу маъно онгимизда «дафтар» тушунчаси билан, тушунча эса ҳаётдаги, воқеликдаги (дафтар) предмети билан боғлиқдир. Демак, [дафтар] луғавий бирлигининг шакл жиҳати «фонемалар тизмаси» бўлса, маъно жиҳати «хат ёзиш учун китобча шаклда тикилган қоғозлар»дир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тилшуносликда шакл ва мазмун бир-бири билан диалектик боғланган бўлади²⁴. Чунончи синтактик сатҳда гапнинг мазмуний ва шаклий томони ўртасидаги алоқа беҳад мураккаб ва кўпинча мунозарали бўлиб, улар бир-бирлари билан тўлиқ мувофик келмайди, кўпинча мазмуний-синтактик номувофиқлик (асимметрия) мавжуд бўлади²⁵. Ҳар қандай тил бирлиги каби гап ҳам, хусусан, қўшма гап ҳам икки томонлама бирлиқдир, яъни у ифода ва мазмун томонига эга. Узоқ йиллар давомида қўшма гапнинг ифода ва қисман мазмун томонлари ўрганилди. Кейинги йилларда қўшма гапнинг мазмуний томонига эътибор кучаймоқда²⁶.

Рус тилшунослигида гапнинг семантик таҳлилига бағишланган бир қанча ишлар бажарилган. Жумладан, Е.В.Падучева аниқловчи

²⁴ Ветров А.А. Методологические проблемы современной лингвистики. М.: Высшая школа, 1973. С.37.

²⁵ Кацнельсон С.Н. Типология языка и речевое мышление. Л.: Наука, 1972. С.7,15; Бархударов Л.С. К вопросу об отношении формальных и семантических моделей предложения // Теория языка. Ангlistика. Культурология. М.: Наука, 1976. С.12; Колшанский Г.В. Контекстная семантика. М.: Наука. 1980. С.120-121; Махмудов Н.М. Семантико-синтактическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Автореф. дис... докт. филол. наук. Ташкент, 1984. С.6.

²⁶ Шувалова С.А. Смысловые отношения в сложном предложении и способы их выражения. М.: Изд-во МГУ, 1990.

эргаш гапли қўшма гап семантикаси ва гапнинг ички ҳамда ташқи структурасини таҳлил қилган²⁷. Н.Н.Ильинанинг ишида қўшма гап компонентларининг ўзаро семантик муносабати асосида ички ва ташқи сатҳлар қарама-қаршилиги ётиши баён этилган²⁸. В.В. Богданов гапнинг семантик-синтактик хусусиятларини ўз ишида очиб берган бўлса²⁹, Т.А.Колосова қўшма гапларда семантик-синтактик асимметрияни кузатган³⁰. Е.Н.Ширяев боғловчисиз қўшма гапларнинг структураси ва семантикасини таҳлил қилган³¹. Ўзбек тилшунослигида Н.М.Махмудовнинг содда гапларнинг семантикасига бағишланган докторлик иши ва шу асосида юзага келган ўзбек тилшунослигида гап семантикасига бағишланган монографияси диққатга сазовордир³². Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, рус тилшунослигида ҳам, туркий-шуносликда ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам бевосита диалогик дискурсдаги қўшма гапларнинг семантикаси ва структураси ўрганилган эмас. Бинобарин, диалогик дискурсдаги қўшма гапларнинг семантикаси ва структурасини таҳлил қилиш ҳозирги ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Оламдаги барча воқеа-ҳодисалар бир-бири билан у ёки бу тарзда боғланган бўлади. Мантиқан бошқа бир ҳодиса билан алоқадорликка эга бўлмаган ҳодисанинг ўзи йўқ. Бу алоқадорлик турли жиҳатдан бўлиши табиий. Масалан, бир ҳодиса бошқаси билан келиб чиқишига,

²⁷ Падучева Е.Н. О семантике синтаксиса. Материалы в трансформационной грамматике русского языка. М., 1974, гл.4; Шу муаллифнинг: О порождении сложного предложения из простых // Исследование по математической лингвистике, математической логике и информационным языкам. М., 1972.

²⁸ Ильина Н.Н. Об одном способе классификации связей между частями сложного предложения. – В кн.: Информационные вопросы семантики, лингвистики и автоматического перевода. Вып: 2. М., 1972.

²⁹ Богданов В.В. Семантико-синтаксическая организация предложения. Л., 1977.

³⁰ Колосова Т.А. Русские сложные предложения асимметричной структуры. Воронеж, 1980.

³¹ Ширяев Е.Н. Бессоюзное сложное предложение в современном русском языке. М., 1986.

³² Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. Докт.диссер. Ташкент, 1984; Нурмонов А. ва б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992; Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларда семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент: Фан, 1989. -107 бет.

содир бўлиш пайтига, мақсадига ёки бошқа жиҳатларига кўра боғлиқликка эга бўлади. Сўзловчининг нутқий мақсади ҳамisha ҳам бу боғлиқликни бевосита таъкидлашга қаратилавермайди. Агар мазкур боғлиқликни таъкидлаш зарурати туғилса, сўзловчи энг аввало қўшма гапга мурожаат қилади.

Тасаввур қилайлик, кўчада икки нотаниш киши гаплашиб турибди. Шунда ҳам уларнинг сўзлашуви-алоқаси мантиқсиз, асоссиз эмас, муайян сабаб, албатта, қандайдир асос бор. Айтайлик, улардан бири маълум манзилни аниқлаштириши бунга сабаб бўлган бўлиши мумкин. Демак, уларнинг бундай туриши мутлақо тасодифий эмас. Воқеалар ўртасидаги муносабат ҳам шундайдир.

Масалан:

Бахшўлла машинанинг орқа эшигини очаётган Асрорнинг елкасини силаб қўйди:

- Отаўлла сени роса мақтади-да! Ишқилиб ўртоқликларингга кўз тегмасин.

Асрор унинг гапини эшитиб-эшитмасликка олиб: -Нима?!- деди.

- Кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкади, шунинг учун ҳам турмуши фаровон бўлади-да. - деб орага суқилди Эргаш (Т.Малик. «Талваса»).

Ушбу диалогдаги Эргашнинг гапига диққат қилиб, уни қуйидагича таҳлил қилсак:

1. Кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкар эканмиз, турмушимиз ҳам фаровон бўлиши шарт.

2. Кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкади, шунинг учун ҳам турмуши фаровон бўлади-да.

3. Кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўксин эди, турмушининг фаровон бўлишига сабаб бўларди.

4. Турмушининг фаровон бўлишига сабаб кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкканидадир.

Юқорида саналган гаплар бир-бири билан вариатив синтактик қатор бўла олиши мумкин. Улар учун умумий бўлган мантиқий-мазмуний муносабат – «сабаб»дан иборат. Бу қатордаги мазмуний муносабатнинг етакчи воқеаси «кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўккани» дир. Ҳавола этилган гаплар (биринчи, иккинчи, учинчи

гаплар) қўшма гапнинг тенг, тобе ва мутаносиб каби турларига намуна бўла олади. Аммо тўртинчи гап диалогик дискурсда учрайдиган содда гап туридир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар доим ҳам уч кўринишдаги қўшма гаплар семантик жиҳатдан доим бир хил бўлавермайди. Чунончи, «*Кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкади, шунинг учун ҳам турмуши фаровон бўлади-да*» гапи воқеа-ҳодисанинг сабабини англатувчи тенг муносабатли қўшма гапга мисол бўла олса, «*Агар кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкса эди, турмуши фаровон бўлар эди*» гапи шарт мазмунини ифодаловчи мутаносиб қўшма гапни ҳосил қилади. Биз қўшма гапларнинг семантик хусусиятларини уч лисоний қолип асосида қуйидагича ўрганишга ҳаракат қилдик:

1. Тенг таркибли қўшма гапларнинг семантик хусусиятлари.
2. $[WP_m \rightarrow WP_m]$ қолипли гапларнинг семантик хусусиятлари.
3. $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ қолипли гапларнинг семантик хусусиятлари.

Диалогик дискурсда учрайдиган қўшма гаплар англатган фикрни, шу гапдан кузатилган мақсадни сўзловчи ва тингловчи бир хил тушунади. Сўзловчининг кўзда тутган мақсадига, эмоционаллигига қараб, гапнинг тузилиши ҳам ўзгаради, яъни улар тенг, тобе ёки мутаносиб кўринишга эга бўлади. Сўзловчи томонидан қўлланилган қўшма гап, албатта, ситуация ва оҳангнинг ўзгаришига қараб турлича тушунилиши табиий. Хусусан, ҳодисанинг, яъни қўшма гапларнинг бошқа грамматик воситалар билан шаклланганда кечадиган ўзгаришлари ҳолатига тўхталиб ўтамиз. Масалан: ўзбек тилшунослигида модал сўзларга доир адабиётларда уларнинг таснифига, хусусан, синтактик функцияларига доир турлича қарашлар мавжуд. Чунончи, тилшунос олимлар У.Турсунов, Ж. Мухторов, Ш.Раҳматуллаевлар ўз тадқиқотларида модал сўзларнинг синтактик жиҳатдан кириш сўз бўлиб келиши, **диалогларда** эса аввал айтилган фикрга муносабатни ифодалаб, сўз гап вазифасида келишини қайд этиб ўтадилар. Тилшунос С.Усмонов эса модал сўзларнинг юқоридаги синтактик функцияларидан ташқари гап бўлаги кесим бўлиб келишини таъкидлайди. Бу ўринда тилшунос С.Усмонов модал сўзларнинг *керак, лозим, зарур, шарт* каби ҳолатларда учрашини назарда тутган. Айтиш жоизки, модал сўзлар ҳақидаги дастлабки илмий мушоҳадалар Абдурауф

Фитрат томонидан билдирилган. Маърифатпарвар Фитрат ўзининг «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба» номли китобида ўзбек тили синтаксисини изчил тавсифловчи фикрларни илгари сурган. Мазкур китобда тилшуносликдаги юклама, боғловчи, қўмакчи, модал ҳамда ундовлар каби лисоний бирликларнинг ҳаммаси қўмакчи сўзлар сарлавҳаси остида берилади. Мулоқот жараёнида модал сўзларнинг маъно жиҳатидан манбаларда ва дарсликларда қайд этилган тўрт гуруҳи (гапда ифодаланган фикрнинг аниқлигини тасдиқловчи сўзлар, гапда ифодаланган фикрнинг ноаниқлигини билдирувчи сўзлар, бирор воқеа- ҳодисадан афсусланишни билдирувчи сўзлар, фикрнинг ўзаро муносабатини ва тартибини билдирувчи сўзлар) кўп учрайди.

Тилшуносликда нутқий одатнинг ажралмас бўлаги бўлган мурожаат турли йўналишлар томонидан ўрганилганлиги сабабли унинг вазифаси ҳам турлича кўрсатилади. Мурожаат шакллари ўзининг услубий вазифаларига кўра мулоқот оҳангини, алоқа – аралашувнинг функционал соҳасини ҳам ифодалайди. Нутқий одатнинг вазифаларидан бири тингловчига қаратилган илтифот (конотив) вазифасидир. Илтифот вазифаси *саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш, қўтлаш* вазиятларида кўзга ташланиши билан бирга уни кучайтирувчи махсус бирликлар ҳам мавжуд. *Лаббай, марҳамат, саломат бўлинг, узр* сингари лисоний бирликлар шулар жумласидандир. Мисолларга мурожаат қиламиз: 1. *Марғу кеннойим омонат ўтирган жойидан санчиб туриб, кўз ёшларини арта-арта: -Лаббай, ойижон!,- деди (М. Мансур. «Жудолик диёри»).* 2. *Мумтозбекнинг ҳовлида тўсатдан пайдо бўлганини кўрган Зилола: -Узр! Мен Сурайё холамнинг аҳволидан бирров хабар олгани кирувдим,- деди (С. Қаҳҳор. «Дайди қизнинг дафтари»).* 3. – *Эшик бўсағасида туриб, ичкарига киришга ботинолмай турган эр-хотинга қараб Тахмина хоним илтифот кўрсатди: - Марҳамат! Марҳамат! Кираверинглар (С. Қаҳҳор. «Дайди қизнинг дафтари»).* Англашиладики, нутқий одатнинг энг асосий вазифаларидан бири алоқа ўрнатиш воситаси бўлиб, унда хусусий ва оммавий тарзда алоқа ўрнатиш ва мулоқотни сақлаш тушунилади. Юқорида қайд этилган мисоллардан кўринадики, бу вазифа сўзлашувчиларнинг ёши, жинси, таниш-нотанишлиги, мулоқотнинг шароити асосида ўзига хос ўрин тутати. Келтирилган мисоллар асосан аёллар нутқида хос бўлиб, бунда аёллар нутқида хос

хусусиятлар намоён бўлганлигини сезиш мумкин. Чунончи, бундай хусусиятларга улар ҳис-ҳаяжонларининг тез юзага чиқишида, қолаверса, улар нутқида диалогга мойилликнинг нисбатан устунлигида, шунингдек, хотин-қизлар ўз нутқлари жараёнида муболаға, эркалаш ифодаларини кўпроқ ишлатишларида намоён бўлади. Шарқ мамлакатлари аёллари нутқи учун назокат, мулоимлик хосдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Японияда махсус аёллар нутқи ҳам мавжуд бўлиб, аёллар нутқи эркаклар нутқидан эҳтиёткорлиги, жозибадорлиги, шунингдек, айрим махсус тил бирликларининг қўлланилиши билан фарқланиши манбаларда қайд этилади³³. Чунончи: 1. *Айланай, болам, музқаймогинг эриб кетвотти-ку, бўлди ўзим санга хўрозқандни зўридан бераман. – Шундай қилиб, ойим айланиб-ўргилиб бегона аёлнинг боласини оутарди (Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари»)*. 2. *Келинг, гиргиттон. бўйлариздан айланай, тўрга ўтинг. – Худонинг ишларидан ўргулай мана 4 йилдан бери оёқдан қолганман, шунисига ҳам шукур. Қўл билан тилдан ҳам қолдирса, нима қилардим, болагинам (Мурод Мансур. «Жудолик диёри»)*.

Мисоллардан кўриниб турибдики, юқорида қайд этилган гапларнинг биринчисида *айланай, айланиб-ўргилиб* шакллари, шунингдек, иккинчи гапдаги *гиргиттон, бўйлариздан айланай* шакллари аёллар нутқининг энг кўп учрайдиган кўринишлари бўлиб, бу сўзлар меҳрибонлик кўрсатиш, мулозамат қилиш маъно оттенкаларидан ташқари мурожаат, ундаш функцияларини ҳам бажариб келади.

2.1.1. Тенг таркибли қўшма гапларнинг семантик хусусиятлари

[WPm, WPm] қолипли қўшма гаплар, унинг таркибий қисмлари саналмиш содда гап кесимларининг ҳар бири мустақил шаклланган бўлиб, уларни осонгина алоҳида содда гапларга айлантириб юбориш мумкин. Бундай кўринишли гапларда мустақил кесимлик шакли (МКШ)даги гаплар бирлаштирилади. Бирлашиш интонацион ва мазмуний омиллар асосида, кўп ҳолларда боғловчилар воситасида амалга оширилади. Масалан,

1. – *Тухмат қилманг, мен Оллоҳнинг каломини пулга сотадиганлардан эмасман (Т.Малик. «Шайтанат»)*.

³³ Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Фил. фан. докт. дис... Тошкент, 1999. – 265 бет.

2. – Энди! Козимбек кўнмаёттибди-ку, лекин барибир, кузда тўй қиламиз (А.Қаҳҳор. «Синчалак»).

3. – Ўзим олиб келганимда камчиликлари кўрсатишлар эди ва бу кўрсатмалар кейинги ишларим учун катта ёрдами тегар эди (А.Қаҳҳор. «Сароб»).

Тенг муносабатли қўшма гапларнинг қисмларини боғловчи воситалар қандай тил бирликларини ташкил қилишидан қатъи назар, улар қўшма гап қисмларини боғлаш билан бирга гапнинг турли мазмуний муносабатларини шакллантиради. Профессор Ғ.Абдурахмонов бундай гапларнинг мазмуний муносабати қуйидагича бўлишини қайд қилган: 1) қиёсий муносабат; 2) пайт муносабат; 3) айирув муносабат; 4) сабаб ва натижа муносабати; 5) изоҳлаш муносабати³⁴. Профессор М.Асқарова эса бундай гапларнинг мазмуний муносабатини сабаб, пайт, чоғиштириш, зидлаш, айириш ва инкор муносабатларда шаклланишини кўрсатади³⁵.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда [WPm, WPm] типик кўринишли қўшма гапларни ташкил этувчи содда гаплар орасида турли маъновий муносабатлар мавжудлигини қайд этиш лозим. Жумладан,

- а) узилишли бирин-кетинлик;
- б) узилишсиз бирин-кетинлик;
- в) пайт муносабати;
- г) натижа муносабати;
- д) сабаб муносабати;
- е) чоғиштириш ва ҳоказо.

Бу муносабатлар ҳар бир гапнинг таркибидаги [W], [Pm] лар қўлланган боғловчи воситаларнинг маъно ва вазифалари билан боғлиқ бўлиб, бевосита синтактик структурага дахлдор эмас. Диалогик дискурсда учрайдиган тенг муносабатли қўшма гапларнинг семантик хусусиятларини фарқлашда икки ҳодиса: оҳанг ва боғловчи воситалар муҳим аҳамият касб этади. Бундай қўшма гапларда воқеа-

³⁴ Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент: ЎзФА, 1958. 27-78-бетлар; Шу муаллиф. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи 1996. 164-бет.

³⁵ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1987. 164-170-бетлар.

ҳодисаларнинг юзага келиш вақти кўрсатилади ёки улар бир-бирига чоғиштирилади:

1. *Марғуба туриб-туриб*: -Адабиётни эмас, адабиёт ўқитувчисини яхши кўраман. Чунки у киши «кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши» деб ўқтирадилар (А.Қаҳҳор. «Муҳаббат»).

2. *Оёк югуриги ошга, тил югуриги бошга*. Эҳтиёт бўлинг – деди Раҳимжон (А.Қаҳҳор. «Муҳаббат»).

Еаъзан бир вақтнинг ўзида юзага келган воқеаларнинг бири-бошқасидан ажратиб кўрсатилади:

1.— Фурқатнинг ўлими Малоҳатни икки буклаб қўйди. Бу жудолик-ка чида олмай, у ҳам ўлиб кетиши мумкин эди, лекин кундан-кунга янаям кўркамлашиб, ширин бўлиб бораётган Паризод унинг ҳаётини сақлаб қолди (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»).

2. — Орадан 15-20 кун ўтиб, яқин қариндошлар йиғилиб, кичкина маърака қилишди ва йиғлайвериб, кўзлари қизариб кетган Малоҳатни қайнонасининг уйдан нариги қишлоққа — Қудратнинг уйига келин қилиб олиб боришди (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»).

Кетма-кет юзага келган воқеа-ҳаракатни ифодаловчи қисмларнинг феъл кесимлари бир хил ва ҳар хил шаклда ҳам қўлланилиши мумкин:

1.— Қўя бер, яна бир оз синаб кўрайлик,-деди секин у томонга юзланиб (Ойбек).

2.— Сизлар овқатгача дам олинглар, қолган гапни кейин гаплашамиз,-деб чиқиб кетди Саидий(А.Қаҳҳор. «Сароб»).

Кетма-кет юзага келган ҳаракат ҳали бажарилмаган, эндигина мўлжалланган бўлиши мумкин:

1.— Кекса овора бўлмасин, ўзимиз бора қолайлик,-деб ўрнидан турди (Ойбек. «Навоий»).

Диалогик дискурсда учрайдиган айрим қўшма гаплар иккидан ортиқ қисмдан ташкил топганда улардаги охирги қисм якунлаш, хулосалаш маъносини юзага чиқаради:

1.— Сиз Тахмина билан, биз Зилола билан: ҳар ким ўз тенги билан,-деди-да Акмални секин туртди (С.Қаҳҳор. «Дайди қизнинг дафтари»).

2. — Ташвиш бир келса – бирваракай келар экан-да, аёл ҳамдардлик билдирган бўлди, сизнинг бахтингизга онангиз яшаб турсалар бўлар эди. Тақдир экан-да (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»).

3. – Кимлар учундир бахт бор экан-у, менга қолганда тугаб қолибди, -Гулбодамнинг ранги оқаринқиради, шунинг учун бир умр бахтсиз ўтмай деб ўзим уни қидириб топмоқчиман (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»).

Пайт маъносини ифодалаганда қўшма гапнинг биринчи қисми кейинги қисмдаги воқеа-ҳодисанинг бажарилиш пайтини кўрсатиб келади:

1. – Бошим бутун –яхшилигингизни унутмайман, ўз отам каби ёд-лайман (Ойбек. «Навоий»).

Диалогик дискурсда учрайлиган айрим қўшма гапларнинг юзага келишида тенг боғловчилар муҳим роль ўйнайди, натижада улар бириктирув, чоғиштириш, айирув, зидлаш ва инкор каби маъноларни юзага келтиришини мисоллар асосида кўрамыз:

1. – Гап мажлиси- катба уйи.унда нима гуноҳ қилинса гуноҳ дафтарига ёзилмайди. аммо гап шун ерда қолиши керак. бу шарт, -деди бир сафар Ёқубжон суяк кемираётиб (А.Қаҳҳор. «Сароб»).

2. – Ҳўжрангиз кўп дилкаш экан-у, битта этажска етишмайди (А.Қаҳҳор. «Сароб»).

3. – Ё мен борай, ё сиз келинг,-деб дўқ қилди Лаълихон (Д.Нурий. «Бегона»).

4. – Бу вазифани хоҳ ўзингиз бажаринг, хоҳ бировга топширинг,-деб эшикни «тарс» этиб ёнди Йигитали (Д.Нурий. «Бегона»).

5.– Мирза Муҳиддин хижолат бўлиб, гапни бошқа ёққа бурди:

– Унинг қулогига на булбулнинг овози киради, на кўзига уйқу келади (А.Қаҳҳор «Сароб»).

6. – Майли сиз кетинг бу шаҳардан ёки биз кўчиб кетамиз (С.Аҳмад. «Жимжитлик»).

7. – На адреси бор, на фамилияси, на почта муҳри (А.Мухтор. «Чинор»). Тенг муносабатли қўшма гапларнинг таркибий қисмлари тобеланиш оҳанги орқали ҳам бирикади. Бундай ҳолларда диалогик қўшма гаплар қуйидаги маъноларни юзага келтиради:

1) шарт мазмуни:

1. – Бировга айта кўрманг – икковимиз ҳам балога қоламиз (С.Аҳмад. «Уфқ»).

2. – Э, қўйинг бунинг ўзи киму сўзи...Бунақаларни «ўзи юзсиз – сўзи тўзсиз» дейдилар (Д.Нурий. «Бегона»).

2) пайт мазмуни: 1. -Арава нотинч бўлди – қўшқулоқдаги сут чайқалади, тўкилади (А.Қаҳҳор. «Ўтмишдан эртактар»).

3) тўсиқсизлик мазмуни:

1. Этларимни ништар билан тилсинлар, хонумонимга ўтлар қўйсинлар, бошимда тегирмон тоши юргизсинлар – мен сиздан ажралмайман. Барибир сиз билан бирга кетаман. Тоққами, боққа менга барибир кетаман дедимми, кетаман (Н.Ҳошимов. «Ёввойи келин»).

5) Ит ҳуради – карвон ўтади. Мен айтганим бўлади (А.Қаҳҳор. «Ўтмишдан эртактар»).

4) натижа мазмуни: - Сарвар биласизми, у ўз дунёси билан банд эди. У шунчалик берилиб термилди, сойнинг ўртасида сув ичаётган отнинг тишиллаганини ҳам сезмади (Н.Ҳошимов. «Ёввойи келин»).

5) сабаб мазмуни: - Сув совуқ экан, тишларим зирқираб кетди. Бўлди энди мен бошқа сувга кирмайман. Кетамиз. Бўлди,бўлди(А. Мухтор. «Чинор»).

6) ўхшатишлик мазмуни: -Мана бўлар экан-ку! «Сув келди – нур келди» деб ўтирмаса ҳам бўлар экан-ку! Шоилинг, қуруқ қолманг! Тезроқ,тез бўлинг (А.Қаҳҳор. «Ўтмишдан эртактар»).

7) изоҳлов мазмуни:

1.– Ҳа, яхши. Ҳозирданоқ кўриниб турибди: сиз дангасалик, айёрликни билмайдиган йигитга ўхшайсиз (А.Қаҳҳор).

2. – Фақат шу эсимда: эртаси куни кўзини очаётганда ёнида Со-биржон йўқ эди (А.Мухтор. «Чинор»).

Қўшма гаплар мавзусига бағишланган илмий манбаларда муаммонинг турли томонлари таҳлил этилган бўлса-да, бу ўринда тадқиқ этилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд. Мустақиллик даври ўзбек тилшунослигининг субстанциал йўналишда бир эгали, лекин бирдан ортиқ кесимли гап қўшма гап деб талқин қилинади. Чунки ҳар бир кесимда шахс-сон, замон, тасдиқ-инкор, модаллик / майл (кесимлик) маънолари мавжуддир. Дарҳақиқат, бу ҳолат семантик нуқтаи назардан уларнинг ҳар бирида алоҳида ахборот мавжудлигидан далолат беради. Қўшма гап таркибига кирувчи содда гап орасида тенг ёки тобе синтактик алоқа мавжуд бўлади. Тенг таркибли қўшма гапларнинг таркибида учровчи кесимларнинг феъл формалари билан

ҳам ифодаланиши масаласида ҳам мавзуга алоқадор қизиқ маълумотларни учратиш мумкин. Англашиладики, олимларнинг сифатдош кесимга қараши асосан икки хил. Бу кесим сифатдошнинг номланиши билан боғлиқ. Лекин баъзи олимлар уни номламай ўрганадилар. А.Ғуломов сифатдошни *от кесимлар* қаторида санамайди. Лекин «от кесим» баҳсида сифатдош кесим ҳам берилади. Сифатдош кесимни А.Н.Кононов, В.В.Решетов, И.Расуловлар *феъл кесим* баҳсида ўрганадилар. А.Ҳожиёв «-ган» ли сифатдош формасини ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан: *ўқиганман, ўқигансан* каби формалар феъл кесим ҳисобланади деб баҳолайди. Сифатдош кесимнинг хусусиятларини ёритишда биз унинг семантикаси, инкор аспекти, тусланиш системаси ва қатор грамматик категорияларга эга бўлиши ҳолатини эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз. Сифатдош кесим от кесимлар каби *йўқ* ва *эмас* сўзлари билан бирикиб, инкор формасининг аналитик формасини ҳосил қилади. Инкорнинг бундай ифодаланиши кўп ҳолларда «-ган» ли форма билан боғлиқ. Мисолларга мурожаат қиламиз: 1. – *Кўнгли ўлсин. юмшаган вақтини кўрганим йўқ* (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

2. – *Юз етмиш йил бўлган эмиш, ҳали ҳам бир гишти кўчгани йўқ* (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

Кўринадики, биринчи мисолда сўзловчининг ўз фикрига нисбатан ишонч муносабати билан бирга, таъкид маъноси ифодаланса, иккинчи гапда бу ҳолат бироз ўзгача тарзда, яъни бунда инкор, натижа маъноларига ургу берилади. Бу тарздаги қўшма гапларнинг моҳияти шундаки, унинг таркибий қисми саналмиш содда гап кесимининг ҳар бири мустақил шаклланган бўлиб, уларни осонгина алоҳида содда гапга айлантириш мумкин. Бу хил шаклдаги гаплар «Ўзбек тилининг грамматикаси»да боғловчисиз қўшма гаплар сарлавҳаси билан ўрганилса, ўзбек тилининг формал-функционал тадқиқида тенг таркибли қўшма гаплар қолипли қўшма гап кўринишида тадқиқ этилади. Тенг таркибли қўшма гаплар (W_{pm} , W_{pm}) бундай қолипли қўшма гапларни ташкил этувчи содда гаплар орасида турли маъновий муносабат мавжудлиги кўринади. Чунончи: 1. *Ўзига яраша давлати, савдотиги бор одамларни жин ҳам ургани йўқ-ку, қайта, молларнинг нархи ошиб, бири беш бўлди* (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»). 2. *Мана, мен*

ҳам биттага «қаноат» қилиб ўтаётирман-ку, ҳой-ҳавасларим қолиб кетаётгани йўқ (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

Мисоллардаги қайд этилган қўшилма аввал фикр юритилган иш-ҳаракатнинг инкор маъносини билдиради ва бунда инкорнинг таъкид маъноси ҳам сезилади.

Сифатдош ва равишдошлар кесим вазифасида келганда, одатда махсус ёрдамчи элемент олади³⁶: 1. Ўз ўғлим ҳали кичик бола, унга Финландиядан махсус муаллим солиб берганман (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»). 2. Бу вақтда зўр бериб, ўй ўйламоқда ва тадбир ахтармоқда бўлган Умринисабиби тилла узукни ўзга қўлдан ўз қўлига ўтганини икки кўзи билан кўрди, шу онда у бу катта топишнинг қимматини пайқайёлгани йўқ эди (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

Мисоллардан кўриниб турибдики, интонация ва контекст гапларни бири-биридан фарқлашда муҳим роль ўйнайди.

Манбаларда WРm, WРm (тенг таркибли қўшма гаплар) нинг умумий хусусиятларидан бири уларнинг мустақил содда гап сифатида қўллана оладиган бирдан ортиқ гапнинг нутқда маълум бир боғловчи восита билан ўзаро боғланиши ва битта тугал оҳангга, битта гап тўхтамига эга бўлиши эътироф этилади. 1. Қиз куймади, айвоннинг ёнгинасига келиб тўхтади, тик тургани ҳолда гапирди (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»). 2. Қурвонбиби бу сўзларга тушунмаганлигидан эрини сайратиб қўйди, бундан ўзи сал ўтмай зерика бошлади (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»). 3. Мингбоши шу жойининг ўзида Мирёқубга бўлган эътимодини кўрсатди, унинг елкасига уриб-уриб қўйди (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

Келтирилган мисолларнинг ҳар бирини алоҳида мустақил қўлланила оладиган содда гапларга ажратиш мумкин. Шунингдек, мазкур гаплар билан ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати, сабаб-оқибат, натижа муносабатлари акс этган. Сифатдошли бирикмалар контекстда пайт маъносини ифодалаб келиши манбаларда кўп учрайдиган ҳодиса саналади. Шунингдек, бу ҳолатни тенг таркибли қўшма гаплар мисолида кўришимиз мукин: 1. Сукут узоққа чўзилгандан чўзилди, Қурвонбиби энди бу сафар жиддий чехра билан: -Нимага индамай-сиз, ҳўп денг!- деди (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»). 2. Кампир ўлимлигига

³⁶ Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек тили адабий тили. 255-бет.

атаб қўйган нарсаларини ажратди, қўнгли тулиб, уюшган оёқларини уқалаб ўрнидан қўзғалди (Чўлпон). 3. Энахон йўқолган икки меҳмонни излаб кўчага чиқди, бу вақтда икки вужуд қўлларини бир-биридан ажратиб ололмаган эдилар (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

Кўринадик, мазкур қўшма гапларнинг алоҳида қисмлари бўлган содда гапларни ҳаракатнинг бошланиш пайти, унинг давомийлиги ва доимийлиги каби маъно нозикликлари боғлаб турибди.

Ўзбек тилида номустақил кесим воситасини ҳосил қилувчи шаклларнинг энг фаол формаси сифатида *-са* шарт майли қўшимчаси эътироф этилади: 1. *Унга устози чин дилдан баракалла, баракалла деса, Азиз қўнглида тугиб юрган ниятини ҳам айтади.* 2. *Зебиниса номаҳрамларга товушини эшитдирмаса, Раззоқ сўфи унинг қишлоққа боришига рози бўлади* (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

Мисоллардан кўринадик, *-са* шарт майли қўшимчаси қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлаш билан бир қаторда истак, хоҳиш, талаб каби маъноларни ҳам ифодаламакда. Эътиборли томони шундаки, *-са* шарт майли формаси шакли WPm, WPm (тенг таркибли қўшма гаплар) даги содда гапларни боғлаш учун ҳам ишлатилар экан: 1. *Бутун гурури синса, гердайиши паймол бўлса, севинчи сўнса, лаблари хазон рангига бўялса, умидлари узилса...*, *Зеби учун ҳаёт ҳаром* (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

Англашиладики, мазкур типдаги мисолларда севинч, истак, хоҳиш, орзу маънолари устунлиги сезилса, бундай ҳолатда ҳар иккала содда гапларни алоҳида мустақил ҳолатда қўллаш мумкин, яъни бундай гапларда тенглик муносабати мавжуд. Аксинча, шарт, ачиниш, қайғуриш каби маъновий бўёқлар устунлиги сезилса, бундай шаклли гапларнинг биринчи содда гапини мустақил ҳолатда қўллаб бўлмайди, аниқроғи бундай гапларда тобелик муносабати намоён бўлади. Чунончи: 1. *-Ўша бетавфиқ намоз ўқиса, мен қизимни бермайманми?,- қалай* (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»). 2. *Бутун сирларини ундан яширса, унинг дўстлиги қаерда қолди?,- қалай* (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

Келтирилган мисолларнинг 1-гап WPm, WPm (тенг таркибли қўшма гаплар) сирасига кирса, 2-гап бевосита WPm.---WPm кўри-нишли қўшма гапларга киради. Шу ўринда юқоридаги мисолларда қўлланилган қалай сўзи таҳлилига тўхталсак. Мазкур сўз Чўлпоннинг

[-са] қўшимчаси билан шаклланган кесимли гаплар мустақил қўлланавериши ҳам мумкин. Масалан:

1. – *Авра-астарини ағдариб моҳиятига назар ташласангиз* (Ҳ.Ҳошимов. «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»).

2. – *Қишлоққа борсам* (А.Қаҳҳор. «Сароб»).

3. – *Қани, хей Мамадали, гапирсанг-чи* (А.Қаҳҳор. «Ўтмишдан эртаклар»).

Ушбу гапларда *-са* шарт майли қўшимчаси истак, ачиниш, севинч, қисташ каби маъновий бўёқларга эга. Бу гаплар ўзидан кейин келувчи гаплар билан мазмунан боғланиб, матн яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу каби гаплар қанчалик мустақил қўллана олмасин, барибир ўзларидан кейин қандайдир қурилмаларнинг бўлишини тақозо қилади. Масалан: *-Уйга қайтсам. Нима дейсиз? -Яхши бўларди* каби.

[-са] бириктирувчи унсур сифатида қуйидаги мазмунларнинг ифодаланишига сабаб бўлади:

а) пайт: *-Борсам, жойи гулзор экан, кўрсам, ўзи жонон экан,-деди ошиқ йигит* (У.Ҳамдам. «Мувозанат»).

б) тўсиқсизлик: *-Алишер Навоий дунёдан ўтган бўлса, унинг асарлари тирик,-деб таъкидлади ўқитувчи* (Радио эшиттиришидан).

в) шарт: *-Сен бўлмасанг, гуллар қулмайди, сен бўлмасанг, бўлмайди баҳор,-деб хо-холаб қўлди Садиржон* (Омон Мухтор.«Минг бир қиёфа»).

[-са] унсурининг қўшма гаплар таркибида шарт мазмунини ифодалаши бир хил эмас. *-са* шаклли баъзи гапларда шарт мазмуни кучли бўлса, баъзиларида кучсиз намоён бўлади. Шарт эргаш гапли қўшма гапларда шарт маъноси ўта кучли бўлади: *-Сиз бўлмасангиз, мен яшай олмайман*. Баъзан эргаш гапли қўшма гапларда шарт маъноси бошқа маънолар «соя»сида жуда кучсизланади: 1. *-Айтсам, кўнмади*. 2. *-Чақирсам, эшитмади*. 3. *-Ким гапирса, ўша айбдор саналади*.

II. *-(а)р* шакли қўшма гапнинг [WPm → WPm] типик кўриниши ҳосилалари таркибида келганда, қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) шарт: *-Агар ана шу ишга муносиб ҳисса қўшар эканман, халқ ишончини оқлаган бўламан*(Ш.Рашидов. «Ғолиблар»).

б) сабаб: - Кечани кеча. күндүзни күндүз демай тер тўкади. шунинг учун ҳам турмуши фаровон бўлади-да. - деб орага суқилди Эргаш (Т.Малик. «Талваса»).

III. -ган эди шакли, одатда, [WPm, WPm] қолипли гапларни ҳам ҳосил қилади. Чунки бу ҳам омонимик табиатли шаклдир. Лекин унинг таркибига бошқа бирлик киритилиши билан кўшма гап аъзолари орасидаги тенглик муносабати сўниб, тобелик муносабати вужудга келади. Мисалан, -*Менга шундай дейишган эди, энди рамкадан чиқмай гапираман*³⁷ гапи ҳам [WPm, WPm], ҳам [WPm → WPm] қолипига тушади.

IV. -ганда эди шакли ҳам [WPm, WPm] қолипли гапларни ҳосил қилади:

-*Бизнинг дуомиз ижобат бўлганда эди, ҳаммамиз севинардик* (А.Қаҳҳор. «Ўтмишдан эртақлар»).

Келтирилган мисолларнинг барчасида гапларнинг биринчи қисмлари иккинчи қисмларининг келишини талаб қилади.

V. -(и)б эди шакли ҳам айрим ҳолларда [WPm → WPm] типини вужудга келтиришда иштирок этади: -*Биласанми, шу кунни энди кўчага чиқиб эди, уни Зуннун бошлиқ беш нафар бола пойлаб турган экан* (Т.Малик. «Талваса»).

VI. деб воситаси: -*Бир қадам босишга тоқатим бўлмаса ҳам савобдан қуруқ қолмайми деб сургала-сургала ҳовлингизни сўроқлай-сўроқлай топгунумча ўлиб бўлдим* (А.Қодирий. «Ўткан кунлар»).

VII. Кўшма гапнинг [WPm → WPm] типик кўринишининг ҳосилалари таркибий қисмлари учун нафақат кўшимчалар, балки уларга кўмакчи мақомидаги нисбий сўзлар ҳам муҳимдир: 1. -*Қайси кўчага кирсанг ҳам ўша ерда мени учратасан. Ўлиб кетсам арвоҳимни учратасан* (Т.Малик. «Талваса»). 2. - *Кимни кўзлаяпсан? -хотинига синовчан тикилди у. - Бошим қотган ҳаммаси ҳам яхши оила* (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»). 3. - *Қиз бола «фалончига тегаман» дейдими, дадаси?-деди. - Қайси ҳаёли, иболи қиз шу гапни ота-онасига айтибдики, сизнинг қизингиз айтса?* (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»). Кўринадики, кўшма гап таркибий қисмларининг ҳоким-тобелик муносабатини намоён қилишда нисбий сўзлар номустақил кесимлик шаклига кўшимча воситадир.

³⁷ Малик Т. Шайтанат. 1-китоб. 345-бет.

Маълумки, тил даставвал, икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш, ўзаро фикр алмашиш учун хизмат қилади. Тилнинг алоқа воситаси сифатидаги, яъни сўзлашув нутқи вазифасидаги функциясининг муваффақиятли бажарилиши нутқ маданияти билан ҳам боглиқдир. Нутқ маданияти тил маданияти учун хизмат этиш билан бирга, кишиларнинг миллий адабий тилга бўлган муносабатини яхшилайти, тил бойликларининг стилистик имкониятларидан усталик билан фойдаланишга ёрдам беради. Шу боис ҳам сўзлашув нутқи муаммоларини, хусусан, унинг билан бевосита алоқадор бўлган ўзбек тилидаги мурожаат шакллариининг ўзига хос шаклларида бири ундалмалардир. Мавжуд манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек тилида мурожаат шакллари сифатида бевосита ундалмалардан ташқари вокатив гаплар ҳамда модал сўзларнинг айрим кўринишлари қайд этилади. Модал сўзларнинг таснифи, хусусан, уларнинг синтактик вазифалари, чунончи, модал сўзларнинг синтактик жиҳатдан кириш сўз бўлиб келиши, диалогларда аввал айтилган фикрга муносабатни ифодалаб, сўз-гап вазифасида келиши эътироф этилади.

Модал сўзларнинг хусусиятлари ҳақида илмий тадқиқот олиб борган тилшунос С.Саидовнинг қайд этишича, ўзбек тилида 115 та модал сўз ва 24 та модал иборалар мавжуд бўлиб, улар кўпинча гап бошида, гап орасида, қисман гап охирида ва сўз-гап вазифасида келади. Тилда мажуд фактик манбалардан англашиладики, отаси. онаси. бўтам. чирогим кўринишли сўзлар мурожаат шаклида қўлланади. Масалан: 1.- Хой онаси, ничоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур (А.Қодирий. «Ўткан кунлар»). 2. - О хоним, яна меҳмонга отланганга ўхшайсиз-ку, бизни ёлғизлатиб (С.Қаҳҳор. «Дайди қизнинг дафтари», 1 китоб). Мисоллардан кўринадики, бундай кўринишли гаплар кучли эмоция билан айтилганлиги боис, бундай шакллар тилшуносларнинг баъзи бирлари томонидан ундовлар сирасига киритилган. Ўзбек тилида вокатив формани ифодаловчи ва кишиларнинг ўзаро мулоқотларида қўлланилувчи сўзлар борки, булар вокатив сўзлар деб номланади. Мазкур муаммо ўзбек тилшунослигида Б.Ўринбоев томонидан илмий таҳлил этилган. Юқорида қайд этилган мисоллардаги ажратиб кўрсатилган шакллар бизнингча, тилшунос Б.Ўринбоев тўғри эътироф этганидек, ундовлар эмас, балки вокатив шакллар сифатида баҳоланганлиги маъқул. Сабаби юқорида берилган гаплардаги бирик-

маларда номинативлик мавжуд, ундовларда эса бундай хусусият йўқ. Чунончи: 1. Одатда, тингловчининг диққатини жалб этиш, мурожаат этиш учун хизмат қилган ундалмалар мураккаб кўринишли бўлади, шунингдек, таркибида ундов сўзлар мавжуд ундалмалар – гап бошида келади: 1. Яхши киз, қабул ҳайъати қайси томондалигини айта олмайсизми? (Шухрат. «Олтин зангламас»). 2. Ахли Самарканд! Эрталабдан Бобур Мирзо фармойишларига кўра гузарда иссиқ бугдой нонлари улашिलाди (П.Қодирёв. «Юлдузли тунлар»).

2. Ўз семантик функциясидан ташқари кўшимча эмоционал, модал муносабатларни ифодалаган ундалмалар – гап орасида учрайди:

1. Ёр уйига, келин пошша, ибо билан келибди,

Куёвтўра юрагига шифо билан келибди (Халқ кўшигидан).

2. Менга ҳам осон тутманг, кайнижон, сизга бу гапларни гапириш менга ҳам оғир (М.Мансур. «Жудолик диёри»).

3. Сўзловчининг модал муносабатини ифодаловчи ундалмалар кўпинча таркибига кўра йиғиқ ҳолатда бўлиб улар – гап охирида учрайди: 1. Мирзо Анвар аввали сизга шогирд, қолаверса, ўғил қаторидир, махдум (А.Қодирий. «Меҳробдан чаён»).

2. ... Қирқ сулувни йиғлатиб,

Кетар экан, кўёвлар (Муҳаммад Юсуф).

Манбаларда ундалмаларнинг алоҳида чақирик, мурожаат интонацияси билан талаффуз этилиши қайд этилади Шу сабабли ҳам бир хил ўринда бўлса ҳам, гап характерига кўра, ундалма турли интонация билан айтилиши мумкин:

А) дарак гапда- паст интонация билан: Ўғлим, ёш боланинг бегонаси бўлмайди (Ў.Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари»).

Б) ундов гапларда кучли интонация билан: Раис! Буларда ҳам ошла бор, бола-чақа бор! (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»).

В) сўроқ гапларда алоҳида логик урғу олган ундалмадан сўнг чўзиқ пауза берилади: Келин, бу дейман, овқатга зираворлардан бошлаб кўшибсизми-а? (Саид Аҳмад. «Келинлар кўзғолони»).

Кўринадики, мулоқот жараёнида қўлланиладиган лисоний бирликларнинг лексик, семантик, морфологик хусусиятлари ҳақида илмий мушоҳадалар юритилган. Аммо муаммонинг синтактик хусусиятига доир томонлари тўлиқ тадқиқ этилмаган. Хусусан, мурожаат шакллариининг гапларнинг тузилишига кўра содда, кўшма, мураккаб гап

таркибидаги ҳолатлари уларнинг шаклий ва мазмуний талқини масаласи шулар жумласидандир. Мазкур ҳолатнинг қўшма гаплардаги талқинига бироз тўхталсак. Юқорида қайд этилган ундалмаларнинг бундай гаплар таркибидаги ҳолати куйидаги кўринишга эга бўлади:

1. Султонмурод ака! *Агар менда заррача бўлса-да кўнглингиз бўлса, уйга совчи жўнатиш* (Мурод Мансур. «Жудолик диёри»). 2. Яхши йигит, *сиз ҳар кун* *шунақа йўлимни тўсаверсангиз, умуман ишга чиқмай қўяман* (Саид Аҳмад. «Уфқ»). Сўзловчининг нутқи бевосита (сиртдан) тингловчига қаратилган якка шахс ундалмалар ёзма нутқда хат, варақа, шиор кабиларда қўлланилиши қайд этилган. Аммо бу каби гапларнинг таркиби, улар англатган маънолар изоҳи очиқ қолган. Хусусан, юқорида келтирилган мисоллар тузилишига кўра эргаш гапли қўшма гап бўлиб, 1-гапда шарт эргаш гап таркибидаги эргаш гап бош гапдаги воқеа аниқ юзага чиқишини изоҳлайди. 2-гапда эса шарт эргаш гап бош гапга —*са* шарт майли қўшимчаси билан боғланган ва бунда эргаш гап бош гапнинг қандай шарт билан юзага келишини англатиш учун хизмат қиляпти.

Мурожаат кўринишида учровчи ундалмаларнинг характерловчи белгиларидан бири паузадир. Кучли ёки меъёрий чақирик интонацияси билан талаффуз этилган ундалма бошқа гап бўлакларидан пауза билан ажралади: 1. Қора амма, қора амма! *Бугун бизникида ётиб қолиб, менга Хусан бувамларнинг ажина билан олишганларини ганириб беринг* (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»). 2. Дунёдаги энг гўзал қиз Шоирахонга, *байрамнинг арзимас тўҳфаси бўлсин, ўз қўлларингиз билан қабул қилсангиз бошимиз осмонга етарди* (Ў.Ҳошимов. «Нур борки, соя бор»).

3. ... Кўй, йиғлама, менинг жон синглим.

Мен ҳам сендек бағри қон, синглим... (Муҳаммад Юсуф).

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ундалмалар кенгайган ҳолатда (*дунёдаги энг гўзал қиз Шоирахонга...менинг жон синглим...*) ҳамда такрор ҳолатда (*қора амма, қора амма*) қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари мазкур гаплар тузилишига кўра қўшма гап бўлиб, уларда алоҳида таъкид, чақирик интонацияси мавжуд, нутқда эса улар аниқ пауза билан ажралиб туради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, кишилар мулоқотлари жараёнида учровчи бундай эмоци-

онал-экспрессив сўзларда соддалик, таъсирчанлик, кўтаринкилик, улуғворлик, эркинлик сезилиб туради. Англашиладики, бундай ифодалар учун хизмат қиладиган сўзларнинг ўзи ижобий ва салбий оттенкаларни ҳам англатади.

Чунончи ижобий маъно оттенкасини ифодаловчи сўзларда сўзловчининг тингловчига бўлган ижобий муомаласи, сўзловчининг завқшавки ифодаланади. Масалан: 1. *Эй, Шерзод, ўша тамтам қизнинг нимасига учаянсан-а, ўзи бир касалманд бўлса* (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»). 2. *Худога шукур, қариндошларимиз орасида ҳам кўркам қизлар бор, юраверасанми ўша Муқаддасингни ўйлаб, болам?* (Ў.Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди»). 3. *Ҳой опа, наҳот танимаган бўлсангиз бу хушрўйни? Бу ўша бизга келин бўлиш насиб этмаган кўҳлик Марғубахон-да!* (М.Мансур. «Жудолик диёри»). Изланишлар самараси шуни кўрсатадики, юқорида ажратиб кўрсатилган лисоний бирликларга ўхшаш воситалар кишиларнинг жинси, ёши билан ҳам фарқланади. Қайд этилган гапларнинг 1-да қўлланилган тамтам сўзи ёш аёллар, қизлар нутқида, 2- ва 3- гапларда ишлатилган кўркам, хушрўй, кўҳлик каби худди шу маъно оттенкасини билдирувчи сўзлар кўпроқ кекса аёллар нутқида учрайди.

Келтирилган мисолларнинг қўшма гаплар сирасига киритилишини назарда тутган ҳолда, улар таркибида қўлланган содда гаплар алоҳида таҳлил этилганда қуйидаги ҳолат намоён бўлади: 1-мисол қўшма гапларнинг *боғловчисиз турига мансуб* бу ўринда қўшма гап қисмларидан англашилган мазмун бир-бирига қиёсланаяпти. Шу мазмунга мувофиқ биринчи гап юқори кўтарилувчи, иккинчи қисм эса сусаювчи интонация билан талаффуз этилади ва ҳар икки гап орасида сезиларли пауза бўлиб, бу паузадан гапнинг давоми борлиги англашилади. Танлаб олинган гапларнинг 2- ҳам *боғловчисиз қўшма гапларга* мансуб бўлиб, қўшма гап таркибида қўлланган иккинчи содда гапнинг кесими равишдош кесимли бўлиб, бунда у ўзидан олдинги содда гапни изоҳи учун эмас, балки, биргаликда параллель рўй бераётган воқеа-ҳодиса, белги-хусусиятни ифодалаш учун қўлланилади.

Хуллас, мурожаат, ундаш маъносига эга бўлган сўз ва сўз бирикмалари орқали сўзловчининг тингловчига муносабати ва турли ҳис-

туйғулари ифодаланади. Ўзбек мурожаат шаклларида учровчи бундай маъно нозикликларининг турли шаклларида учраши, уларнинг гапдаги мавқеи, хусусан, қўшма гаплардаги ўрни ва уларнинг таҳлили масаласи алоҳида тадқиққа молик масаладир.

Юкоридаги фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Қўшма гапнинг кўп ҳосила берувчи типик қолипларидан бири $[WP_m \rightarrow P_m]$ дир. Бунда биринчи гап кесими шаклан ва мазмунан иккинчи бир гапга эҳтиёж сезади, лекин аксинча эмас.

2. Диалогик дискурсда учрайдиган қўшма гапларда тобелик муносабатини таъминлашда соф номуствақил кесимлик шакли ҳам, омонимлик кесимлик шакллари ҳам хизмат қилади.

3. Нисбий сўзлар номуствақил кесимлик шаклларининг вазифасини муствақамловчи воситадир. Диалогик дискурсда ҳам, муаллиф нутқида ҳам бундай гаплар бир хилда учрайди.

4. Диалогик дискурсда учрайдиган тобе муносабатли қўшма гаплар мазмун жиҳатдан сабаб, шарт, истак, ачиниш, тўсиқсизлик, пайт, севинч, қисташ, мақсад каби ранг-баранг маъноларга эга бўлса, муаллиф нутқида учрайдиган тобе муносабатли қўшма гаплар шарт, пайт, сабаб каби маъноларни юзага чиқарганлиги кузатилади.

5. Тиниш белгиларидан фақат вергул ҳар иккала нутқда бир хилда кузатилади. Бошқа хилдаги тиниш белгилар кузатилмайди.

6. Қўшма гап таркибий қисмлари фақат диалогик нутқда инверсия ҳолатида учрайди.

2.1.3. $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ қолипли гапларнинг семантик хусусиятлари

$[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ умумий кўринишли қўшма гапларни ташкил этувчи содда гап кесимларининг бири иккинчисини, иккинчисини биринчисини тақозо қилади. Иккаласининг ҳам кесими номуствақил кесим шакли ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бу содда гаплар қўшма гапдан англашилган мазмунни ифодалаш учун бир-бирига эҳтиёж сезади. Масалан. *Ҳисоблаб кўрса экан, уч минг сўм пул ҳаммасига етаркан (Ў.Ҳошимов. «Дафтар хошиясидаги битиклар»).*

Диалогик дискурда [WPm ↔ WPm] типик кўринишли қўшма гаплар семантик жиҳатдан ранг-баранг: мақсад, шарт, ички фикр, таажжуб, таъкид, қиёслаш, изоҳлаш каби кўринишларда бўлади.

Масалан:

1. – ...Агар қатор солинажаск тўққиз-ўнта уйнинг пулини шу мен айтганга сарф қилса, боққа ҳам ҳусн кирар эди... (А.Қаҳҳор. «Сароб»).

2. Кўзим илгари очилган бўлса эди, мен юрагимни бўриларга едирар эдимми? (Ойбек. «Навоий»).

3. -Қани энди, шундан (шафтолидан) тўрттасини узатиб юборса! Секин пўстини арчсанг, тилинг билан танглайингга боссанг, сувини қўлт-қўлт ютсанг (А.Қаҳҳор. «Кўк конверт»).


4. -Агар мамлакатда жабр-зулм бениҳоят авж олмаса эди, ишқингиз қора киймас эди (Ойбек. «Навоий»).

Биринчи ва иккинчи гап воқеа-ҳодисанинг қандай шарт билан юзага келишини билдирмоқда, аммо биринчи гап реал воқеа-ҳодисани ифодалаб, шарт маъносини юзага келтирган бўлса, иккинчи гап таҳмин-мўлжалланган воқеани ифодалаш орқали шарт маъносини юзага келтирган. Учинчи гап семантик жиҳатдан ички фикр маъносини рўёбга чиқармоқда.

Диалогик дискурда [WPm ↔ WPm] типик кўринишли қўшма гапларнинг кесимларини шакллантиришда маълум воситалар бўлиши шарт. Буни қуйидаги жадвалда акс эттирдик: (қаранг: 106-бет).

2.2. Диалогик дискурдаги қўшма гапларнинг структур хусусиятлари

Инсоннинг дунёни билиши жараёнида қиёслаш жуда катта аҳамиятга эга. Икки ёки ундан ортиқ предметни улар ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқли томонларни аниқлаш мақсади билан қиёслаш ташқи оламни билишнинг энг кенг тарқалган мантикий усулларидандир. Уни инсон фаолиятининг барча соҳаларида кузатиш мумкин. Бу муҳим мантикий категория тилда ўз акс ифодасини яққол топади.



Дунё тилларининг деярли барча соҳасида гап билан боғлиқ унинг семантик-структур томонлари таҳлил этилган. Чунончи, гапнинг структураси, шаклланиш қонуниятлари, уларнинг ўзига хос томонлари ҳар бир тил учун ўзига хослик билан характерланади. Масалан, ўзбек тилида содда гап структурасига турли сифатдош, равишдош, ҳаракат номи, шарт майлидаги феълли оборотларнинг киритилиши натижасида гап қурилиши ҳам шаклий, ҳам семантик жиҳатдан мураккаблашади. Мана шундай мураккабланиш натижасида гап предикацияси юзага келади. Бу эса гапнинг синтактик статусини белгилайди. Таҳлил этилаётган диалогик дискурсдаги синтактик бирлик содда гап ёки қўшма гапми ёйинки сўз бирикмасими? деган саволнинг ечимини топишда, албатта, гаплар қиёсан таҳлил этилади. Худди шундай гапнинг семантик томонини ўрганишда унинг синтактик томонлари қиёсланади.

Диалогик дискурсда қўлланилган қўшма гап шакл ва мазмуннинг узвийлигидан ташкил топган синтактик бутунлик ҳисобланади. Қўшма гапнинг шакли унинг синтактик тузилиши асосида белгиланса, мазмуни қандай воқеликни акс эттириши асосида аниқланади. Қўшма гапнинг шаклий ва мазмуний таркиблари орасидаги алоқа, албатта, мураккабдир.

Диалогик дискурсда учрайдиган қўшма гапларни синтактик тузилишига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: тенгланиш асосидаги тенг таркибли қўшма гаплар ҳамда тобеланиш асосидаги $[WP_m \rightarrow WP_m]$ ва $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ тобе таркибли гаплар.

Биз қўшма гапнинг синтактик хусусиятларини қуйидаги уч кичик гуруҳга ажратиб ўрганишга ҳаракат қилдик:

1. Тенг таркибли қўшма гапларнинг синтактик хусусиятлари.
2. $[WP_m \rightarrow WP_m]$ қолипли гапларнинг синтактик хусусиятлари.
3. $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ қолипли гапларнинг синтактик хусусиятлари.

2.2.1. Тенг таркибли қўшма гапларнинг синтактик хусусиятлари

$[WP_m, WP_m]$ типик кўринишли гапларнинг умумий хусусиятлари тўғрисида тўхталсак: биринчидан, $[WP_m, WP_m]$ қолипли гапларнинг қисмлари мустақил содда гап сифатида қўллана олади. Иккинчидан, уларнинг ҳар бири (таркибий қисм) бирдан ортиқ гапнинг нутқда

маълум бир боғловчи воситалар билан ўзаро боғланиши ва битта тугал оҳангга, битта гап тўхтамига эга бўлиши билан ажралиб туради. Учинчидан, [WPm, WPm] типик кўринишли қолип [WPmUWPm] умумий қолипнинг оралиқ бир кўриниши сифатида лисон ва нутққа дахлдордир. Тўртинчидан, [WPm, WPm] типик қурилишли гаплар [W] ва [Pm], шунингдек, [E] хусусиятларига кўра фарқланади. Бешинчидан, [WPm, WPm] типик қурилишли гаплар кенгайтирувчиларининг хусусиятлари (тузилиши, ифодаланиши), боғловчи воситаларининг ранг-баранглиги билан бошқа қолипли гаплардан фарқланади.

Профессор Р.Сайфуллаева ҳозирги ўзбек адабий тилидаги қўшма гапларни уларнинг қисмлари орасидаги боғловчи воситалар асосида эмас, балки: 1) [WPm] ларнинг эгаси бор ёки йўқлигига, бўлиши мумкин ёки мумкин бўлмаслигига, бир хил ёки ҳар хиллигига кўра; 2) [WPm]лар таркибидаги атов бирлигининг бир хил ёки ҳар хил бўлиши, сўз туркумларининг бир хил ёки ҳар хил бўлишига кўра; 3) [WPm] лар таркибидаги кесимлик кўрсаткичининг бир хил ёки ҳар хиллигига кўра таснифлаган³⁸. Биз ҳам шу тасниф асосида диалогик дискурсда қўлланилган қўшма гапларни таҳлил қилдик.

1.[W] ва [Pm] қисмлари айнан бўлган гаплар:

1.- *Керилма, дўстим, керилма!-деди Эҳсон- Комсомолда қолишга ёрдам қилибсану, лекин Саидий комсомол ҳаётидан шу қадар узоқда эканидан буткул беҳабарсан (А. Қаҳҳор. «Сароб»).*

2.- *Э, келинг, хола, келинг (А. Қаҳҳор. «Сароб»).*

3. -*Шошманг, шошманг,-деди Саидий қути ўчиб,-бошқа узурим бор (А. Қаҳҳор. «Сароб»).*

4. -*Қўйнингизга солинг,солинг! –деди Мирҳомид пичирлаб (А. Қаҳҳор. «Сароб»).*

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, диалогик дискурсда учрайдиган бундай гапларнинг эга, атов қисми ва кесимлик кўрсаткичлари айнан бир хил. Шунинг учун бундай гаплар ҳар хил услубий бўёқдорлик ифодалаб, персонажлар нутқида маълум бир ахборотни

³⁸ Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. Тошкент: Фан, 1994.28-бет.

бўрттириб, таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланилади. Бундай гаплар диалогик дискурстан ташқарида учрамайди.

Профессор Р.Сайфуллаева бундай гапларни такрор гаплар деб номлайди. Ўзбек тили синтактик таҳлилида такрор гаплар тамоман янги тушунча эканлигини таъкидлаб, уларни икки кўринишга: тўлиқ ва қисман такрор гапларга ажратади.

2. [W] қисми бир хил, [Pm] қисми ҳар хил бўлган гаплар:

1. – Сиз билмайсиз, билолмайсиз ҳам. Билганингизда... (Т.Малик. «Талваса»).

2. – Сиз чидаб ўтирдингизми, чидадингизми? (С.Қаҳҳор. «Дайди қизнинг дафтари»).

3. – Борманг, бормокчимисиз? (С. Нуоров. «Бегона»).

3.[E] ва [W]лари бир хил, лекин [Pm]лари ҳар хил бўлган такрор гаплар:

1. – Ташишилманг, айтсам айтибман-да,-деди Элчин (Т.Малик. «Шайтанат»).

2. – Нега энди бўлмас экан, бўлган эди, бўлди, -дедим шошиб-пишиб (Х.Тўхтабоев. «Сариқ девни миниб»).

3. – Кутурса, кўтургандир, эрга теккандан кейин кўтурмайди (С.Аҳмад. «Уфқ»).

4. – Бундоқ демадингизми?! Область ижроия комитетига секретарь денг! Айтмадингизми, колхозга қарашиб юборинг деб айтинг (А.Қаҳҳор. «Сароб»).

5. – У кишини танийсиз, яхши танисангиз керак. Область ижроия комитетида секретарь (А. Қаҳҳор. «Сароб»).

6. – Аммо йигитларимиз бизни кўришмайди. Сен уларни танитайсан, улар сени танишмайди (Т.Малик. «Шайтанат»).

4.[E] лари ва [W]лари ҳар хил, [Pm] лари бир хил бўлган гаплар:

1. – Ўлдирдинг, кетдим, девона (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»).

2. – Эшон мени билмайди, аммо сизни танитайди (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

3. – Биз мана шунақа қизиқдик, -деди капитан. – Бу хилдаги одамлар вақтида на ўқиб билим олган, на ўқиб ҳунар; Бир вақт кўзини очиб қарасаки, ҳамма нимадир қиялпти ва ҳеч нарса қилмайдиган одамга таҳқир назари билан қараяпти, -деб сўзини якунлади (А. Қаҳҳор. «Сароб»).

4. – *Худо сақласин. Майли, зарари йўқ, худо суйган қулига дард бе-
радир. Қани келинг, бир дам солиб кўяй. Тангри хоҳласа кўрмагандек
бўлиб кетасиз (А.Қаххор. «Ўтмишдан эртактар»).*

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб қуйидаги хулосага келиш
мумкин:

1. Ўзбек диалогик дискурсида [WP_m, WP_m] типик кўринишли
гапларнинг имкониятлари жуда кенг. Бундай гаплар ҳам сўзловчи
нутқида, ҳам тингловчи нутқида бир хилда учрайди.

2. Диалогик дискурсда учрайдиган тенг муносабатли қўшма гаплар
[E], [W] ва [P_m] ларнинг ҳар хил ёки бир хиллиги билан фарқланади.
Масалан, эгалари алоҳида тарзда ифодаланган ёки ифодаланмаган
кўринишда бўлиши фақат диалогик дискурсга хосдир.

3. Тўлиқ, тўлдирилган, мураккаблашган, қисман, қисқартирилган
каби такрор гаплар фақат диалогик дискурсда учрайди.

2.2.2. [WP_m → WP_m] қолипли гапларнинг синтактик хусусиятлари

Тобе-ҳоким муносабати асосида содда гапларнинг ўзаро бирику-
видан ташкил топган қўшма гаплар тобе муносабатли қўшма гаплар
саналади. Уларда камида икки предикатив бўлак бўлиши ва уларнинг
бирида тўлиқ шаклланган кесимлик шакли бўлса, уларнинг иккинчи-
си албатта, нотўлиқ кесимлик шакли билан шаклланган кесим бўли-
ши билан характерланади.

[WP_m → WP_m] қолипли гапларнинг бир қисми бош гап, яъни ҳоким
бўлиб, иккинчи қисми тобе, яъни эргаш гап саналади. Қўшма гапнинг
кўп ҳосила берувчи типик қолипларидан бири [WP_m → WP_m] дир. Ди-
алогик дискурсда бундай қўшма гапларнинг қуйидаги кўринишлари
учрайди:

1. – *Мен аравадан бошқа ишга ярамайдиган пачоқ отдай кўрин-
сам ҳам, унча-мунча чавандоз минолмайдиган улоқчи отман!*

2. – *Аёл киши раҳбарлик қилса, калавамнинг учини йўқотиб
кўяман (А.Қаххор. «Синчалак»).*

3. – *Оқсақол,-дебди. -Хабарингиз бор, бир-иккита китобим чиқди.
Уч минг сўмча пулим ҳам бор (У пайтда уч минг катта пул эди).
Лекин қайси бирига етказишни билмаяпман. Машина олайми, уй со-*

лайми, хотин олайми? Машина олсам, уй сололмайман. уй солсам, уйланолмайман. уйлансам, машинага нвл колмайди... Нима қилай? (Ҳ.Ҳошимов. «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»).

4. – Болам, мен ҳўп ўйладим. Ҳисоблаб кўрсам, уч минг сўм пулинг ҳаммасига етаркан. Маслаҳат шуки, сен автобус сотиб олгин! Автобус дегани машина бўлади. Рулини каёкка бурсанг кетаверади. Бу – биринчидан. Автобуснинг ичи кенг-мўл бўлади. Кўч-кўронинг-ни олиб кирсанг, тайёр ўй бўлади. Бу – иккинчидан. Учинчидан, ростки автобус бўлгандан кейин ичида кондуктори ҳам бўлади. Ўша кондукторни хотин қилиб олиб кўя қоласан! (Ҳ.Ҳошимов. «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»)

5. – Агар малол келмаса, мана бу Раҳимжонга, унинг аъзоларига компост тўғрисида гапириб берсангиз. Булар ҳалигача ҳеч нарса тушунмас экан (Х.Тўхтабоев. «Сариқ девни миниб»).

6. – Ота полчи пол кўриб туриб айтдики, Кўҳинқорининг тескари пири тегибдир. Бир қора қўй сўйиб, худо йўлида хомталаши килса, кўрмагандек бўлиб кетадир. - деди.

7. – Ҳа, одамлар унга қўлини бигиз қилишини билади-да, шунинг учун «бир мен эмас, ана у ҳам, бу ҳам шунақа» дегиси келар эди (А.Қаҳҳор. «Кампирлар сим қоқди»).

8. - Боришим керак. айтмаса ҳам.

9. – Мараз шу кунийқ милтик сотиб олди. қарз ҳавола қилиб бўлса ҳам (А.Қаҳҳор. «Иъвогар»).

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Тобе муносабатли қўшма гаплар диалогик дискурсада ҳам, диалогик дискурсадан ташқари ҳолатларда ҳам бир хилда учрайди. Улардаги синтактик хусусиятлар бир хил.

2. $[WP_m \rightarrow WP_m]$ қолипни гапларнинг диалогик нутқда воқеланишида эга ва атов бирлигининг кенгайтирувчиларида ҳеч қандай чекланиш кузатилмайди.

3. Тенг муносабатли қўшма гап таркибий қисмларида инверсия ҳолати фақат диалогик дискурсада кузатилади.

2.2.3. $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ қолипли гапларнинг синтактик хусусиятлари

Мутаносиб қўшма гаплар маълум бир маънони ифодалаш ва вазифани бажариш учун ҳар иккала қисм таркибидаги $[P_m]$ лар бир-бирини тақозо қилади, бири иккинчисиз шу маъно ва вазифада қўллана олмайди. Бундай гапларнинг кесимлилиқ шакллари келаси замон аниқлик майли шакллари ва буйруқ-истак, шарт-истак, тилак-истак каби майллар шакллари (с)ди тўлиқсиз феъллар билан бирикшидан ҳосил бўлади. Диалогик дискурсда учрайдиган мутаносиб қўшма гаплардаги $[P_m]$ ларнинг кўринишларини қуйидагиларга ажратдик:

1. а) биринчи қисмда -са, иккинчи гап кесимида -(а)рди шакли келади:

1. – Мана, сизга ўхшаган қизга насибаси қўшилса, ақли тезроқ киради (А.Қаҳҳор. «Синчалак»).

2. – Ойи, ҳаво очилиб кетса, бирга дарё бўйига борар эдик (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»).

3. – Ёз келса, битта асбобни олиб, бошқа юртларга иш қидириб кетарди (А.Қаҳҳор. «Ўтмишдан эртаклар»).

б) биринчи гап кесимида -са экан, иккинчи гап кесимида -са шакли келади:

1. – Отам бўлса экан, мен энди юрсам (Ф.Йўлдош ўғли).

2. – Ёз бўлса экан, дарёда чўмилсанг (С.Нурий. «Ёввойи келин»).

3. – Буми, бунда калла бўлса экан, пушаймон бўлса! Бу ўшанда ҳам пушаймон бўлмайди, «пешонам шўр экан, толейим йўқ экан» дейди қўяди! – деди ва бир қогозни олиб унинг олдига ташлади (А.Қаҳҳор. «Қўшчинор чироқлари»).

в) биринчи гап кесимида -са+ми, иккинчи гап кесимида -арди шакллари келади:

1. – Агар сув бўлсам, тоғ-тоғ ҳосил битарди, -деди хаёлга берилиб (А.Қаҳҳор. «Қўшчинор чироқлари»).

Баъзан -ми юкламаси -са шаклига бевосита қўшилади:

1. – Мабода унинг қўлидан етакласа борми, мушкул осонлашиб, аҳволи енгилашарди (А.Қаҳҳор. «Ўтмишдан эртаклар»).

2. – Ғинг деса борми, жонини суғуриб оларди (С.Нурий. «Ёввойи келин»).

г) биринчи гап кесимида -са эди, иккинчи гап кесимида -(а)рди шакллари келади:

1. – Онам бўлса эди, қишлоғимга кетардим (Ойбек. «Навоий»).

2. – Агар Бозорнинг ақли бўлса эди, мен, сенга ўхшаиш камбағаллар билан маслаҳат қилар эди (С.Айний).

д) биринчи қисми -са ва иккинчи қисми -ма -син экан шакли билан келади:

1. Етим қоладиган бўлса, онадан тугилмасин экан (П.Толиб).

Юкламалар гап таркибига кириб қўшма маънолар бериш билан бирга, кесимларнинг номуस्ताқиллигини янада кучайтиради:

а)-у;-ю юкламаси:

1. – Ёш бола йигласа-ю, атрофида ҳеч ким бўлмаса (Ў.Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари»).

2. – Кўзим тезроқ очилса-ю, боғларни, майсаларни кўрсам (Ш.Рашидов. «Ғолиблар»).

б)-да юкламаси:

1. – Қувончи кўксига сизмаса-да, одоб юзасидан ўзини хазин тутишга тиришар эди (Ойбек. «Навоий»).

в) ахир, наҳотки юкламалари:

1. – Ахир хотиним деб, бола-чақам деб олов ичидан келса-ю, бутанти ундан юз ўгирса (С.Аҳмад. «Уфқ»).

2. -Ўғли қаҳрамон бўлса-ю, наҳотки ундан шундай иш келиб чиқса (С.Аҳмад. «Уфқ»).

II. а) биринчи гап кесимида -син эди, иккинчи гап кесими таркибида – (а)рди бирликлари қўлланади:

1. – Бизнинг Муҳайёхон ҳам ақлсизгина қиз эди, тезроқ ақл кирсин эди, ақлли бир боланинг насибасига қўшиларди (А.Қаҳҳор. «Қўшчинор чироқлари»).

2. – Ўзи келсин эди, айтарди (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»).

б) биринчи қисм кесими таркибида -син эди, иккинчи гап кесими таркибида -са шакли келади:

1. Олтин-кумуш қуриб кетсин эди, ҳамманинг оёғига тўкилаверса (Ойбек. «Навоий»).

2. Ўзи борсин эди, кўнгли тўлмаса (С.Нурий. «Ёввойи келин»).

III. Биринчи гап кесимида бошқа шакллар, иккинчи гап кесимида $-(a)pди/-(a)p$ эди шакли келади:

1. – Мен бўлмасам, қўйнинг ярми йўқолар эди (F.Фулом. «Шум бола»).

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Мутаносиб қўшма гаплар ўзаро мутаносиблик гап кенгайтирувчиларининг маънолари билан боғлиқ бўлган мазмуний ҳодисадир. Бундай гаплар кўп ҳолатларда диалогик дискурсда қўлланилади.

2. $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ қолипга гапларнинг юзага чиқиши учун ихтисослашган кесимлик шакллари бўлмаса-да, уларда воқелантирувчи маъно типи ва унинг кўрсаткичлар шакли мавжуд бўлади.

ДИАЛОГИК ДИСКУРСНИНГ ИНТЕНЦИАЛ ХУСУСИЯТИ ВА УНДА ҚЎШМА ГАП

3.1. Диалогик дискурс мулоқот унсури сифатида

Мулоқотдан мақсад ахборот олиш ёки узатишдир. Ахборот ўз ўрнида тасдиқлаш, буюриш, маслаҳат, огоҳлантириш, норозиликни ифодалаш каби турли кўринишларда намоён бўлади. Бироқ улар қанчалик ранг-баранг бўлмасин, мулоқотнинг умумий мақсади доирасида бўлади ва прагматик муҳит билан қувватланган ҳолда юзага чиқади, нутқнинг вербал ёки новербал воситалари ёхуд ҳар иккаласи асосида моддий қиёфа касб этади. Зеро, мулоқот мақсадининг шаклий қиёфаси қандай бўлмасин, уни талаффуз қилиш ёки ёзиш тарзида қатъий иккига ажратиш маъқул эмас. Мулоқот ва нутқ системавий назариянинг «... лардан иборат» ва «...га киради» тамойили асосида ўзаро муносабатда бўлади. «Нутқий акт – маълум бир гапнинг аниқ муҳитда талаффуз этилишидир. Нутқий акт мазмунининг шаклланиши талаффуз қилинаётган гап маъносининг сўзловчи ва тингловчи томонидан мулоқот матнига нисбатан «бойитилиши», идрок этилиши натижасидир»¹. Бу фикр ёзма нутқий мулоқотнинг нутқий акт эканлигини шубҳа остига қўяди ва нутқий акт тушунчаси моҳиятини сунъий равишда торайтиради. Зеро, «Лисоний мулоқот бирлиги, одатда, тахмин қилганларидек, символ (рамз), сўз ёки гап эмас, ҳатто символ сўз ёки гапнинг белгиси ҳам эмас, балки символ, сўз ёки гапнинг нутқий акт ижроси кечимида яратилиши ва қўлланишидир... Янада аниқроғи, гап белгисининг маълум шароитда яратилиш ва қўлланиши нутқий актдир ва нутқий актлар лисоний мулоқотнинг асосий ва энг кичик (минимал) бирлигидир»². Нутқий акт ижроси оғзаки ва ёзма бўлишининг ўзиёқ масалани айрича қўйиш имконини йўққа чиқаради.

¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2008. 72-бет.

² Searle J.R. Speech Acts: An Essay in the philosophy of language. Cambridge: Cambridge University Press, 1969. P. 16.

Ҳар қандай борлиқ ҳодисаси мураккаб таркибли ва серқирра моҳиятлидир. Шунинг учун унга муайян илмий ёки ноилмий ёндашув ҳодисанинг маълум қирралари ва хусусиятларини назарда тутати. Бу эса чиқариладиган хулосаларнинг бир қарашда ҳар хил, зиддиятли бўлиши муқаррарлигини белгилайди. Ҳар бир давр ҳар бир тушунчанинг илмий тавсифида замонавий ижтимоий буюртма талабларини эътиборга олишни тақозо қилади. Зеро, даврнинг илғор фалсафий фикри тушунчанинг қайси қирраларига эътибор қаратиш лозимлигини, уни илмий тадқиқ қилишнинг методологик асослари, методлари ва методикасини тайинлайди³. Шу маънода *мулоқот* тушунчасининг ҳам табиат, жамият ва тафаккур тизимидаги ўрни ва қиймати ҳар хил бўлиб, у турлича муносабатда турлича «кўз» билан кўришни, «сўз» билан тавсифлашни тақозо қилади.

Мулоқот кенг қамровли тушунча бўлиб, бугунги кунда қамровининг кенглиги боис турли фан соҳалари термини сифатида амал қилмоқда. Хусусан, бугунги кунда тилшуносликнинг янги парадигмалари шаклланаётган пайтда унинг фаол соҳаси бўлган амалий тилшуносликнинг турли йўналишларида *мулоқот* тушунчаси энг фаол илмий атама сифатида намоён бўлмоқда.

«Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да *мулоқот* лексемаси қуйидаги умумий лисоний изоҳга эга:

«МУЛОҚОТ [تفلا - учрашиш, кўришиш, қабул қилиш] эск. *кт.айн. учрашув; мусоҳаба*. 2. *Сўзга чиққанлар бундай ижодий мулоқотларни тез-тез ўтказиб туриш зарурлигини гапирдилар*. Газетадан. [Пирназар] *Болалик оинаси полвон Қўлмуҳаммад билан бўлган ширин мулоқотда яна... хон зулми ошиб кетаётганидан шикоят қилди*. Мирмуҳсин, «Чўри». Ёш қалам соҳиблари билан ҳамма жойда: Андижонда, Қўқонда, Наманганда доимий равишда мулоқот олиб бориш лозим. Газетадан. 2 томлик «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да ҳам айнан шундай изоҳ бўлганлиги сабабли мулоқот лексемасининг маъновий моҳияти билан танишиш учун учрашув, мусоҳаба лексемалари маънолари изоҳига мурожаат қилишга тўғри келди:

МУСОҲАБА [محاضرة - бирга кузатиб, ҳамсуҳбат бўлиб бориш, жўр бўлиш] эск. *кт.* 1. *Суҳбатлашиш, ҳамсуҳбатлик, суҳбат*. Олим-

³ Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1989. 3-бет.

лар ва ёзувчилар оила аъзолари билан нонуштага ўтирар эканлар, мусоҳабаларининг мавзуси оқ олтин бўлади (Ш.Рашидов. «Бўрондан кучли»).

2. Давлат, жамоат, фан, маданият арбобларининг мухбир билан омани қизиқтирадиган бирор масала юзасидан матбуот учун ўтказган суҳбати; интервью. *Мусоҳаба ўтказмоқ*.

Бу изоҳ 2 томлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам айнан шу кўринишда берилган⁴. *Мулоқот* лексемаси билан айнан қаралган *учрашув* лексемасининг изоҳи эса қуйидагича:

УЧРАШУВ 1 *учрашмоқ* (Қаршисидан чиқмоқ, дуч келмоқ; кўринмоқ) фл.иш оти. 1. *Йўлчи турмада яшаркан, унга туғишган ога-ини сингари меҳрибон бўлган Петров билан биринчи учрашувдан бошлаб, то сўнгги дамгача ўтган ҳаётини ҳозир ўз фикридан бир-бир кечирди* (Ойбек. «Қўтлуғ қон»).

2. *Кечаси Мирзо Улўзбек билан бўлган учрашув, устоднинг гаплари, кўзига ёш олиб, кучоқлаб видошлагани уни титратиб юборди. Айниқса, аълоҳазратларининг мусофирлик тўғрисида айтганлари, «Мусофир юртига кетмоқдамен, ўз элимга қайтмоқ насиб бўлурми, йўқму- билмаймен, шу сабаб китоблар қайга яширилган- билмоғим даркор, дарвеш, деган гаплари унинг кўнглини вайрон қилди* (О.Ёқубов. «Улўзбек хазинаси»).

3. Ошиқ-маъшукларнинг ваъдалашган жойда бир-бирлари билан топишуви, суҳбатлашуви; ишқ-муҳаббат дамлари; висол. *Бири биринчи учрашувдан сўз очса, унинг сўзи тугамай, сўнгги хайрлашув воқеаси тўғрисидаги ҳикоя бошланиб кетади* (И.Раҳим. «Чин муҳаббат»).

4. Бирор масала юзасидан ўтказиладиган йиғин, кенгаш, йиғилиш. *Ўзбекистон пахтакорларининг учрашуви*.

5. Ўйин, олишув. *Футбол командаларининг учрашуви*⁵.

Кўринадики, *мулоқот* бирлиги маъновий моҳияти *учрашув*, *мувоҳаса* лексемалари маъновий моҳияти билан уйғун бўлганлиги сабабли улар билан системавий муносабатда ойдинлашади ва у, нафақат, дуч келиш, суҳбатлашиш, кўришиш каби муайян, балки «алоқада бўлиш», «муносабатда бўлиш» каби маъновий қирраларга эгалити жиҳатлари билан ҳам характерланади. **Мулоқот** лексемаси-

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 2-том. М.: Рус тили, 1981. 483-бет.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. 288-бет.

нинг «Узбекско-русский словарь»даги талқини маълум даражада торлиги билан ажралиб туради:

«**МУЛОҚОТ** *книжн.* встреча, свидание; мулоқот қилмоқ *встречаться*»⁶. Ҳолбуки, *мулоқот сўзи алоқа сўзи билан ҳам семантик боғланиб*, «турли воситалар ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш» маъносига ҳам эга. Шу сабабли у русча *общение сўзи* маъносига ҳам мос келадиган семантик хусусиятларга эга. Терминологик нуқтаи назардан лексема рус тилидаги *общение (нутқий мулоқот – речевое общение)* сўзи билан муқобиллик муносабатида бўлади.

Мулоқот сўзининг лингвистик қиймати ана шу кенг маънода – «ахборот алмашиш», «кишиларнинг коммуникатив муносабати» маъновий моҳияти асосида идрок қилинади.

Айтилганидек, кишиларнинг борлиқ ёки унинг айрим ҳодисалари билан муносабати коммуникатив ёки нокоммуникатив мақсадларда бўлиши мумкин. Коммуникатив мулоқот фақат кишилар орасида эмас, балки дейлик, киши ва ҳайвон ёки паррандалар орасида ҳам бўлади. Масалан, пайғамбарларнинг худо билан билвосита муносабати, боғланиши ҳам мулоқотнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Шу маънода соф инсоний ёки соф инсоний бўлмаган мулоқотни фарқлаш лозим.

Демак, мулоқот қилувчиларнинг хусусиятига кўра мулоқотнинг уч кўриниши фарқланади:

- а) инсон ва инсон мулоқоти;
- б) инсон ва инсон бўлмаганлар мулоқоти;
- в) инсон бўлмаганлар мулоқоти.

Кишиларнинг бевосита (юзма-юз) ёки билвосита мулоқоти фарқланади. Зеро, улар бевосита тил ёки имо-ишоралар ёрдамида мулоқот қиладилар. Кишиларнинг ўзаро коммуникатив алоқаси лисоний, нолисоний ёки лисоний-нолисоний воситалар асосида амалга оширилади ва ҳ. Шу маънода кишилараро мулоқотнинг воситаларидан бўлган нутқий актни умуман мулоқот актидан айрича тасаввур қилиш, ундан узган ҳолда талқин қилиш мумкин эмас. Зеро, нутқий акт, унинг моҳияти мулоқот актнинг таркибий қисмларидан бўлган прагматик муҳитсиз талқин қилиниши лисоний бирликларни соф тил

⁶ Узбекско-русский словарь. Ташкент: УзСЭ, 1988. С. 274.

ҳодисаси сифатида «курук» ва «образсиз» ўрганишдан бошқа нарса эмас.

Нутқий акт мулоқот тизимининг марказий унсури экан, мулоқот мақсади ва мулоқот натижаси унсурлари нутқ микротизимининг марказий муҳитини ташкил этади. Бунда гарчи нутқий акт мулоқот системасининг марказий унсури саналса-да, коммуникатив мақсад ва унинг натижасини нутқий аниқловчиси билан қўллаб бўлмаслигини таъкидлаш лозим. Чунки нутқ мулоқот мақсади ҳам, натижаси ҳам бўлолмайди, балки мулоқотни юзага чиқарувчи восита сифатида амал қилади, холос.

Борлиқдаги мавжудликнинг яшаш алгоритминини аниқлаш билан шуғулланган мутахассислар унинг ўта содда ва лўнда эканлигини ва бутунги кунда ҳам моҳиятан мутлақо ўзгармай келаётганлигини таъкидлайдилар. «Так как схема охоты стала доминирующей особенностью мышления, она переносится на все случаи жизни. Охотником уже воспринимается другой охотник, воин со своими специфическими правилами охоты на людей, женщина, собирающая корни и травы и даже зверь, нападающий на человека. Любое направленное действие понимается как вариант охоты. Ничто другое в голову и прийти не может, так как в мышлении нет других схем и других абстрактных понятий. Собираение или изготовление острых камней – охота за нужными камнями; солнце охотится за звездами, ночь за солнцем, луна, хозяйка ночи, охотится за тем, что скрыто ночью. Первобытное знание сводится к поиску в фактах реальности охотника, правил охоты и жертвы. Из жизненного опыта ищутся аналогии, объясняющие поведение охотников и жертв»^{7,8}.

Демак, ибтидоий одамнинг борлиқ билан мулоқоти алгоритми «овчи – ов кечими – ўлжа» шаклида бўлиб, у турли соҳаларга турли шаклларда ёйилган. Аммо ушбу уч ҳадли алгоритм ўзгармасдан келмоқда. Мулоқот тизимида овчи мақомида сўзловчи, ов кечими сифатида нутқ акти ва ўлжа мақомида мулоқот (бош ва натижавий) интенцияси ётишини кўриш мумкин.

⁷ Анисимов А. Компьютерная лингвистика для всех: Мифы. Алгоритмы. Язык. Киев: Наукова думка, 1991. С. 13-14.

⁸ Манбалардан олинган маълумотларнинг мазмунини айнан тушунилиши учун улар таржима қилинмади (- Л.Р.).

Мулоқот тизимидаги нутқий актнинг мақсади ва натижаси мулоқотнинг «мағзи»ни ташкил қилади ва шунга кўра прагматик вистлар мулоқот тизими таҳлилида асосий эътиборни мақсад ва натижа мувофиқлиги масаласи таҳлиliga қаратадилар. Биз бунда мақсад ва кўзланган натижани диалектик яхлитликда олиш тарафдоримиз. Зеро, ҳар қандай мулоқот мақсади келаси замондаги натижа бўлса, мулоқот натижаси аслида ўтган замондаги мулоқот мақсадидир. Шу боисдан айрим прагматик вистлар мулоқот мақсадини «бошланғич интенция (мақсад)», мулоқот натижасини «натижавий интенция» деб ҳам қарайдилар.

Мулоқот мақсади ҳамisha ирреаллиги, мулоқот натижаси эса реаллиги билан характерланади.

Бошланғич мақсад ифодаланувчи синтактик қурилма кўп ҳолларда қисқа бўлмаган ментал фикрий кечим маҳсули бўлиб, натижавий фикр ифодаси билан бир ёқлама асимметрик муносабатда бўлади. Аммо бунда натижавий мақсад билан бошланғич мақсад орасида иккиёқлама асимметрик муносабатда бўлиш мумкин эмаслигига бошланғич интенция ифодасининг олдин намоён бўлишини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Зеро, саволнинг жавоби бир неча хил бўлиши мумкин, аммо жавобнинг саволи битта бўлиши муқаррар. Буни асослашга ҳаракат қилган О.Г.Почепцов фикрини профессор Ш.Сафаров қуйидагича тавсифлашга ҳаракат қилади: «О.Г.Почепцов бошланғич мақсад ҳаракати гапнинг структуравий семантик хусусиятларига асосан мос келишини қайд этади. Бинобарин, *«Кўҳак тоғи этагидаги ўзан бўйига қандай борса бўлади?»* (О.Ёқубов. *«Улуғбек хазинаси»*) нутқий тузилмасининг бошланғич интенция акти сўровдир, *«Бугун бошлиқ ҳузурида йиғилиш бўлди»* (Тоҳир Малик. *«Чарх-палак»*) тузилмасиники – дарак, хабар бериш бўлса, *«Шогирдларимга тегма...»* (О.Ёқубов. *«Улуғбек хазинаси»*) тузилмасида бошланғич интенция сўзсиз, буйруқ, талаб қилишдир. Аммо натижавий мақсад ҳаракатлари биринчидан, сон жиҳатидан кўп, иккинчидан, улар учун гапнинг структур-семантик тузилиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Натижавий интенциянинг шаклланиши гапларнинг нафақат маъно хусусиятлари, балки уларнинг фаоллашув муҳити, нутқ контексти билан ҳам боглиқдир. Бошқача айтганда, натижавий мақсад акти,

лисоний ҳаракатлар билан бир қаторда, нолисоний ҳаракатларни ҳам қамраб олади»⁹. Бунда натижавий мақсад ҳаракатлари биринчидан сон жиҳатдан кўп, иккинчидан, улар учун гапнинг семантик-структур тузилиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деган ҳукми ойдинлаштиришга тўғри келади. Саволга берилаётган жавобнинг сони кўп эмас, балки жавоб аниқ бўлмаганлиги сабабли эҳтимолий имкониятлари кўпроқ. Эҳтимолий жавоблар кўп бўлганлигига қарамай, сўзловчига битта жавоб берилади ва жавобнинг синтактик структураси ҳар қандай ҳолатда ҳам бошланғич интенция қурилиши билан мувофиқлашмасдан иложи йўқ. Гарчи сўзловчи ёки информация қабул қилувчи учун натижавий жавоб қандай шаклда ифодаланишининг аҳамияти йўқдир, бироқ сўроқ ҳукми синтактик қурилиши жавоб ҳукми синтактик қурилишининг ўзига мувофиқ бўлишини тақозо қилади.

Интенционал таҳлил сўзловчи интенциясининг турли-туман бўлишини кўрсатади.

Интенция тушунчаси *инерция* тушунчаси билан боғланиб кетади. Мақсаднинг аниқ ифодаси, унинг натижавийлиги фикрнинг қатъийлиги инерцияси билан уйғун бўлади. Инерция эса гап қурилиши моҳиятини ҳам белгилайди. Шунингдек, сўзловчининг шахсий ментал кайфияти ёки қараши ҳам мақсаднинг инерциал кучини белгилайди. Куйидаги диалогик матнга мурожаат қилайлик:

«Анвар уч ҳафтагача хатми қуръон кечалари Муҳаммад Ражаббек уйига келиб турар эди.

Охирги хатми қуръон кеча Муҳаммад Ражаббек Анвардан аҳвол сўради:

- *Домлангиз саломатми?*
- *Шукур.*
- *Ўқушингиз яхшими?*
- *Бирмунча.*
- *Домланинг уйида турасизми?*
- *Тақсир.*
- *Сиқилмайсизми?*
- *Йўқ.*
- *Илми ҳисоб ўқуганингиз борми?*

⁹ Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. 74-75-бетлар.

- *Йўқ, тақсир.*
- *Домлангиз илми ҳисобни билурмикин?*
- *Билмаслар деб ўйлайман.*
- *Агар мен бир домла таъйин қилсам, ҳисоб ўқийсизми?*
- *Устозим рухсат берсалар, албатта ўқийман.*
- *Ҳўб... бўлмаса эрта кечка домлангиз шу ерга келиб, менга уч-рашин.*

— *Ҳўб, тақсир» (А.Қодирий. «Меҳробдан чаён»).*

Матндаги *Домлангиз саломатми?, Ўқушингиз яхшими?, Домлангизнинг уйида турасизми, Сиқилмайсизми?, Илми ҳисоб ўқуганингиз борми?, Домлангиз илми ҳисобни билурмикин?* жумлаларидан кўзланган интенциал мақсад аниқ ва лўнда бўлиши сўзловчи ва тингловчининг социал мавқеи ҳамда нутқ сўзланаётган прагматик муҳит билан белгиланади. Бу омиллар берилаётган саволларнинг фақат содда гап бўлишини тақозо қилган. Албатта, улар содда гаплар бўлса-да, унинг пресуппозицион қиймати ҳар қандай қўшма гапникидан салмоқли. Аммо нутқий вазият қисқа ва лўнда жумлалар замирига бундай салмоқни яширишга имкон берган. Зеро, ўша даврда кўпчилик домларнинг илми ҳисобни билмаслиги, таълимнинг эса ихтисослашмаганлиги барчага аён бўлиб, саволнинг бундай қўйилиши ажабланарли эмас. Шу боис, *Айрим домлалар илми ҳисобни билишмайди, сизнинг домлангиз илми ҳисобни билурмикин?* тарзида қўшма гап шаклидаги саволнинг қўйилиши мулоқотнинг сифатини белгиламайди. Бунда вазият билан биргаликда сўзловчи ва тингловчининг ментал хусусияти ҳам гапнинг синтактик қурилиши пропозитив ва пресуппозитив семантикани яхлит ифодалаши учун замин яратади. Саволнинг ўзига хослиги жавоблар синтактик қурилишини ҳам белгиллаган. Анвар Муҳаммад Ражаббекнинг бу саволларига *Шукур, Бирмунча, Тақсир, Йўқ* тарзида қисқа-қисқа жавоб беради. Фақат *Билмаслар, деб ўйлайман* жавоби Анварнинг фаросати ҳам ментал хулқи, шунингдек, домла ҳақидаги тўлиқ ахборотга эга эмаслиги туфайли қўшма гап тусини олади. Чунки бу саволга *билмадим* дейиш ҳақиқатни ҳаспўшлаш, ҳа дейиш одобсизлик ва маданиятсизлик белгиси сифатида намоён бўлиши мумкин эди. Шу боисдан жавобнинг қўшма гап тарзида бўлиши ёхуд олдинги жавобларнинг ҳам ихчам содда гаплар кўринишини

олиши сўзловчининг бош интенциал мақсадини ифодалаган гаплар курилишига мувофик бўлиб, бу ҳолат О.Г.Почепцовнинг юқоридаги фикрини маълум даражада шубҳа остига қўяди. Буни юқорида келтирилган матндаги куйидаги диалог ҳам асослайди:

— *Агар мен бир домла таъйин қилсам, ҳисоб ўқийсизми?*

— *Устозим рухсат берсалар, албатта, ўқийман.*

Бу диалогнинг қолипи куйидагича:

[Э+WPm → WPm]

[Э+WPm → WPm]

Нутқий ҳаракат ана шу мақсадни юзага чиқарувчи ва натижавий интенцияни намоён қилувчи омил сифатида мавжуд. Шу боисдан прагматик вистлар нутқий фаолиятнинг таъсир кучини интенционал таҳлил доирасида кузатадилар.

Жумлаларнинг курилиш хусусияти интенционалликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун юқоридаги қўшма гапли диалогга яна бир мурожаат қиламиз.

— *Агар мен бир домла таъйин қилсам, ҳисоб ўқийсизми?*

— *Устозим рухсат берсалар, албатта, ўқийман.*

Муҳаммад Ражаббек саволни *Ҳисоб ўқийсизми?* тарзида қўйганида савол тўмтоқ бўлиб қолган, натижада тингловчи учун жўяли жавоб бериш имконияти реаллашмаган бўлур эди. Шу боисдан *Агар мен бир домла таъйин қилсам* шарт эргаш гапи *Ҳисоб ўқийсизми?* нутқий бирлигининг таъсир кучини ошириш учун хизмат қилган. «Ахборот алмашинуви ҳаракатлари фақат бирор хабар бериш ёки сўраш билан чегараланмайди. Бу ҳаракатлар ижросидан сўзловчи ва тингловчининг талабини, қизиқишини қондириш мақсади ҳам кўзланади. Бу эса прагматик вазифанинг бажарилишидир. Демак, мулоқот кечимида прагматик вазифалар коммуникатив мақсад доирасида воқеланади. Шунинг учун ҳам нутқий ҳаракат натижасида юзага келадиган перлокутив таъсирни прагматик вистик таҳлил доирасига киритган маъқул»¹⁰.

Нутқнинг интенционаллик кучини оширувчи воситалар сирасида қўшма гапларнинг ўрни ўзига хос. Шарт, пайт, мақсад, сабаб, натижа, чоғиштириш, ўхшатиш, тарз каби қатор маъноларни ифодалаб, эргаш ёки бош гапнинг семантикасини муайянлаштирувчи жумла-

¹⁰ Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. 85-86-бетлар.

лар иллокутив феълли кесимларга эга бўлади. Иллокутив феълларнинг, умуман, иллокутив лексик бирликларнинг прагмалингвистик таҳлилга кўпроқ тортилиши боиси ҳам шунда. Шунинг учун «нуткий мулоқотнинг иллокутив типи» каби тушунчалар мулоқот таҳлилида кўпроқ эътиборни тортади¹¹. Умуман олганда, тобе таркибли қўшма гап таркибидаги эргаш гапларни прагматик мазмунни бойитувчи, шунингдек, мулоқот натижавийлигига самарали таъсир кўрсатувчи воситалар сифатида баҳолаш мумкин бўлади. Масалан, *Ҳавода қушлар тўп-тўп бўлиб учса, ҳаво очиқ бўлади* эргаш гапли қўшма гапини интенционал нуктаи назардан таҳлилга тортамыз.

Сўзловчининг илк мақсади ушбу фикрни ифода этиш. Натижавий мақсад эса тингловчи билан ахборот алмашиш. Бунда нутқнинг инерциясини таъминловчи восита гапнинг тобе унсури зиммасига юклатилган бўлиб, ҳавонинг очиқ бўлиши маълум бир шарт билан боғланганлигини баён этишдир. Иллокуция кучи *учса* феъли билангина эмас, балки унинг кенгайтирувчиси билан келган *тўп-тўп бўлиб учса* иллокутив феълли бирикмаси билан таъминланади. Бироқ эргаш гап мазмуни бош гап учун шарт, сабаб ёки пайт мақомига эгаллиги ушбу гапнинг синтактик қурилиши билан белгиланмайди. Агар гап матн таркибида қаралса, матн прагматик бойитувчи восита сифатида амал қилар эди. Аммо матнсиз ҳам у бера оладиган кўмакни мантикий ёндашув асосида ҳам олиш мумкин. Зеро, қушларнинг *тўп-тўп бўлиб* учиши шарт ёки сабаб бўлса эди, унда қушларнинг учмаслиги табиат ҳодисасини ўзгартириши мумкин эди. Бошқача айтганда, мантикий тафаккур асосида қушларнинг *тўп-тўп бўлиб* учишини оқибатни келтириб чиқарувчи сабаб сифатида қараш мумкин эмаслиги аён бўлади. Демак, бундан қушларнинг *тўп-тўп бўлиб* учиши ва ҳавонинг очиқ бўлиши тенг қийматли оқибатлар бўлиб, бу бошқа табиий омил билан боғланади. Ҳароратнинг ўзига хослиги натижасида қушлар *тўп-тўп бўлиб* учади ва бир вақтнинг ўзида ҳаво очиқ бўлади – ёғингарчилик бўлмайди. Бундан тобе ва бош гаплар орасидаги мазмуний муносабат «пайт» белгили эканлиги аён бўлади. Айтиш мумкинки, қўшма гап таркибидаги эргаш гап бош гап мазмунини маълум даражада реаллаштирувчи, унинг кесими ўз кенгайтирувчиси билан иллокутив

¹¹ Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагмалингвистический и когнитивный аспекты. Тамбов: Издательство ТГТУ, 2008. -288 с.

инерцияни таъминласа, мантикий-прагматик омил уни тўла маънода кўрсата олади.

Нутқий актдаги перлокутив кечим сўзловчининг илк мақсадини ифодалаб, асосий мақсад учун пойдевор вазифасини бажаради. Асосий коммуникатив мақсад эса ўқувчига ахборот беришдан иборат бўлиб, перлокутив актнинг инерцияси унинг сифат даражасини белгилайди. Иллокутив ҳаракатнинг самараси эса сўнгги натижа, яъни бу фикрнинг тинловчида қолдирган изи, натижаси, аниқроғи, перлокутив ҳаракатни келтириб чиқаради.

Ҳар учала ҳаракатни кейингиси олдингисини тақозо қиладиган, олдингиси кейингисини келтириб чиқарадиган яхлитлик сифатида қараш лозим. Бу ҳолат гапларнинг синтактик ва семантик структураси яхлитлигида яққол намоён бўлади.

Барча гап турларида бўлгани каби қўшма гапларда ҳам сўзловчининг нутқи ирод қилиш илк мақсади локутив мақсад кўринишида бўлиб, улар умумий моҳиятли эканликлари билан характерланади. Бу мақсаднинг хусусияти — сўзловчи онгида унинг қатъий шаклланганлиги, истакнинг муайянлиги ва кучи кабилар локутив ҳаракатнинг ўзига хослигини таъминлайди. Шунга кўра, сўзловчининг оғзаки мулоқотда овоз тони, товуш баландлиги ва кескинлик даражаси, тингловчини вербал ёки новербал воситалар билан ўзига жалб қилиш хусусиятлари ҳар хил бўлади. Шу боисдан тилшунос Ш.Сафаров айрим тилшуносларнинг бу борадаги фикрларига ўз эътирозини билдиради: «... нутқий ҳаракат таъсирини прагмалингвистик таҳлил доирасидан четга суриб қўйсақ, унда мулоқот тизимини тумтоқ қилиб қўймаймизми?! Мулоқот сўзловчига таъсир ўтказиш, уни бирор жавоб ҳаракатига унлаш учун бажарилади-ку! Нутқий мулоқот мақсади *икки сатҳлидир*, яъни нутқий ҳаракатда ахборот алмашиш ва коммуникатив прагматик мақсад воқеланади. Биринчисида сўзловчининг мақсади ахборот алмашиш»¹². Ҳеч қачон ахборот алмашиш истагининг шаклланиш кечимини ахборот етказиш жараёни ва натижа олишдан ажратиб бўлмайди. Айтилганидек, бунда коммуникатив фаолият, ҳақиқатан ҳам, тумтоқ бўлиб қолади.

Диалогик дискурс ахборот етказиш мақсадига эга ва «прагматик ташна» бўлган монологик дискурсдан ахборот алмашиш мақсади ва

¹² Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. 79-бет.

«прагматик тўйинганлиги» билан фаркланади. Бошқача айтганда, диалогик дискурс бевосита мулоқот унсури бўлганлиги сабабли сўзловчи ва тингловчининг савияси ва руҳияти бир-бирига кескин ва сўзсиз таъсир қилади. Шу сабабли бунда сўзловчи томонидан нутқнинг иллокутив кучини таъминлайдиган вербал ва новербал воситаларнинг роли беҳад кучлилиги билан характерланади. Сўзловчи фикрининг иллокутив кучини таъминлашда монологик дискурсдагига нисбатан фақат лисоний воситаларгагина суяниб қолмайди. Бунда сўзловчи нутқни прагматик шароит ва вазият билан мувофиқлашиб боришини назорат қилиб ва таъминлаб боради. Сўз тартиби, гап қурилиши вазиятга тез мослаштирилади.

Куйидаги матнга мурожаат қилайлик:

– *Озроқ ҳордиқ олиб туринглар, мен ҳозир...*

Ушбу қўшма гапда сўзловчининг тингловчиларни кутиб туришга ундовчи иллокутив ҳаракат мавжуд. Бу ҳаракат мазкур гапни ирод қилиш локутив ҳаракати асосида амалга оширилган. Аммо сўзловчининг кимлиги, «ҳозир келаман», «ҳозир тураман» каби иккинчи иллокутив ҳаракатлардан қайси бирини бажариши прагматик вазиятсиз англаниши қийин. Шу боисдан ушбу гапнинг прагматик вазиятини таъминловчи куйидаги матн қўшма гапнинг иккинчи қисмига иллокуцияга кўмаклашувчи унсур бўлиб хизмат қилади:

Узун новдалари ерга тегай-тегай деб аста елпинаётган мажнун-тол тағидаги сўрида етмишларнинг нари-берисидаги, чап қулогига ўн беш тийинлик танада қистирган бир қария тиззасини кучоқлаб, ўй ўйлаб ўтирипти. У бизни кўриб, келинлар, меҳмонлар, деб илқис ўрнидан турди. Шоша-пиша палосларни қоқиб, бошқатдан тўшади. Тол кучаласи тузиган эсоқларни бир сидра супуриб чиқди.

– *Озроқ ҳордиқ олиб туринглар, мен ҳозир...*

Матн сўзловчининг ким эканлиги ҳақида аниқ ахборот бермаса-да, унинг хатти-ҳаракатлари орқали тингловчи ёки ўқувчи муайян маълумотга эга бўлади. Шунингдек, иш юзасидан бошқа бир томонга йўл олганлиги аён бўлади. Бунда иллокуция нисбий кириш матни орқали кучайтирилади. «Мен ҳозир...» қисмининг англамай қолган қисми ҳам сўзловчи орқали эмас, балки прагматик вазият, унинг кейинги хатти-ҳаракатлари асосида реаллашади:

У шундай деди-ю, шойиб ичкарига кириб кетди. Ичкарида андак ҳахлаб қолди. Елкасида дастурхон, билагида сочқ. Бир қўлида

қорачой дамланган «Кузнецов» чойнаги, яна бир қўлида шундақи туртки та пиёла билан чиқди. Анвар чаққонлик билан елкасидан дастурхонни олиб ўртага ёзди. Самоварчи чойнак-пиёлаларни дастурхон четига қўйиб Анварга, укагинам, чойни уч марта қайтариб манави сочига ўраб қўйинг, деб илтимос қилди. Чойхона ичидан исирикнинг хушбўй ҳиди димоқларимизга урилди (С.Аҳмад. «Киприкда қолган тонг»).

Сўзловчининг шошиб ичкарига кириб кетганлиги, ҳаяллаган қолганлигининг ўзи ниманидир олиб чиқиш учун кириб кетганлигини кўрсатувчи прагматик воситадир.

Кўринадики, матн уч таркибий қисмдан иборат бўлиб, нутқий мулоқот нуқтаи назаридан муносабатда бўлинса, матннинг илк ва сўнгги қисмлари вазият баёни учун хизмат қилувчи воситадир. Биз уни прагматик реаллаштирувчи унсур ифодаси сифатида баҳолашимиз мумкин. Шунингдек, – *Озроқ ҳордиқ олиб турунглар, мен ҳозир...* жумласининг узилиб қолган қисми ҳам нутқнинг иллокутив таъсир кучини оширади.

Демак, ушбу матнни яхлит ҳолда мулоқот тизими сифатида олади-ган бўлсак, сўзловчи, тингловчилар, қўшма гап, прагматик вазият ун-сурлари бу муваққат системанинг унсурлари сифатида намоён бўлган ва системанинг ядроси сифатида тўлиқсиз қисми қўшма гап намоён бўлади. Аммо ядро бошқа унсурларсиз «ожиз» ва тушунарсиз бўлиб, прагматик муайянлаштирувчи ва кучайтирувчи воситаларга эҳтиёж сезади.

Ҳордиқ олмоқ феълининг *турунглар* ҳаракат тарзи шакли билан қўлланиши уни иллокутив феълга айлантирган. Шунинг баробарида иллокутив феълнинг *озроқ* сўзи билан кенгайиши уни маълум даражада кучайтиради. Қўшма гапнинг кейинги қисмидаги унсурнинг тўлиқсизлиги ҳам олдинги жумладаги ҳаракатнинг узоқ чўзилмаслигини кўрсатишга хизмат қилади.

Перформативлик барча феълларга ёки сўзларга хос бўлмаса-да, диалогик нутқда феълларнинг кенгайтирувчилари ва формал кўрсаткичлари ҳам уларга перформативлик бахш этиши мумкин. Перформативлик *Ҳордиқ олди* гапида кўзга ташланмайди. Бироқ у тегишли синтактик ва луғавий шаклни олиши билан бундай хусусият касб этади. Демак, айтиш мумкинки, лисоний ёки нолисоний бирликларнинг муваққат мулоқот системасида ҳам система ташкил этувчи, системада намоён бўлувчи ва системага дахлдор бўлмаган белгиларини ажратиш мумкин.

Хордиқ олиб турунглр жумласидаги «илтимос» перформатив қолипига мос тушадиган хусусияти ана шундай системада вужудга келган белгидир. Ноаниқ перформативларнинг аниқ перформатив хусусият касб этиши прагматингвистик тадқиқотларда анча кенг ёритилган.

Ҳаракат тарзи шакллари перформативликни кучайтирувчи ёки таъминловчи сермахсул воситалардан ҳисобланади ва унинг бу хусусиятини махсус тадқиқ қилиш лозим. Албатта, бунда ҳаракат бажарилишининг қатъийлигини кўрсатувчи ҳаракат тарзи шакллари биринчи ёки иккинчи шахсда қўлланишида аниқ перформативликка хизмат қилишини назарда тутиш лозим. Зеро, «Перформативнинг биринчи шахс шаклида бўлишининг сабаби лисоннинг фаоллик табиати билан боғлиқдир. Ҳар қандай нутқ турининг ижрочиси сўзловчидир ва нутқ фақатгина сўзланилаётган пайтдаги ҳаракатдир ва бу ҳаракат фақатгина сўзловчи томонидан бажарилади. Перформатив феъллар маъно жиҳатдан ҳам ўзига хосдирлар: уларнинг мазмунида воқеа-ҳодисалар акс топадилар ва бу воқеалар ҳақида хабар берилади»¹³. Биз бунда ҳаракат тарзи шакллари тўлиқ ва белгиланган перморфатив феъллар дейиш фикридан йироқмиз. Аммо ҳар қандай феъл нутқий вазият талаби ва бошқа лисоний воситалар кўмагида перформативлик касб этишини назарда тутиш лозим.

Диалогик дискурсдаги коммуникатив мақсад иккиёқлама шартланганлиги билан характерланади. Бунда биринчидан бош гап орқали ифодаланаётган коммуникатив мақсаднинг эргаш гап билан пропозитив боғланиши назарда тутилса, иккинчи томондан аниқ прагматик вазият билан шартланишидир.

Прагматингвистлар томонидан нутқий кечим мақсади турлича тасниф қилинади¹⁴. Хусусан, Ж.Остин томонидан нутқий актнинг коммуникатив мақсад нуқтаи назаридан таснифи асосида уни 5 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ҳукмий мақсад.

¹³ Сафаров Ш. Прагматингвистика. 82-бет.

¹⁴ Впоследствии был предложен еще целый ряд классификаций, учитывающих дополнительные признаки, в некоторых случаях таксономию психологических состояний [См.: Почепцов 1981а, Апресян 1986, Fraser 1975, Wunderlich 1976, Auwera 1980, Bach 1980: 110 – 113, Ball-mer 1981, Stiles 1981, Leech 1983, Verschueren 1983, Wierzbicka 1987]. О типологии речевых актов см. подробнее: [Богданов 1989, Григорьев 1997, Сусов 2006: 271–272, 2007: 39–40].

2. Тазйик мақсади.
3. Мажбурият мақсади.
4. Воқеликка муносабатни билдириш мақсади.
5. Тушунтириш мақсади.

Албатта, бу таснифни нисбий дейишга асослар бор. Зеро, диалогик дискурсда асосий нутқий кечим савол ва жавоб диалекти-каси асосида амалга оширилади. Демак, билиш истаги асосида қурилган савол ҳукмларни, тушунтиришдангина иборат бўлмаган оддий хабар ҳукмлари ҳам ўзаро сўзлашувда кенг қўлланилади. Шунингдек, Ж.Остин мулоқот мақсади турлари таснифида сўзлов-чи томонида туради ва ушбу тизимнинг фаол унсурларидан бўлган тингловчи фаолияти маълум даражада эътибордан соқит қилинади. Шу маънода Ж.Серль томонидан амалга оширилган таснифда ди-алогик дискурсдаги ифодаланадиган иллокутив мақсадларни маълум даражада ўзида акс эттирадиган гуруҳларни кўришимиз мумкин:

1. Хабар мақсади.
2. Буйруқ/истак/илтимос мақсади.
3. Мажбурият мақсади.
4. Расмий мақсад.

5. Ритуал мақсади (таъзия, табрик, қутлов, ташаккур ва ҳ. ҳаракатлар орқали ифодаланувчи мулоқот мақсади)¹⁵.

Диалогик нуқт учун бу коммуникатив мақсад турларидан 1- ва 2-мақсад турлари фаол бўлиб, бир вақтнинг ўзида тингловчининг ҳам фаоллигини тақозо қилади.

Ж.Лич тадқиқотида коммуникатив мақсаднинг бошқа мақсадларга муносабати асосидаги нутқий ҳаракатлар таснифи ҳам ўзига хос бў-либ, у нутқий актнинг серкирралигига таянган ҳолда ўзига маъқул жиҳати асосида таснифни амалга оширади:

1. Иллокутив ва умумий мақсад номувофик бўлган нутқий кечим.
2. Иллокутив ва умумий мақсад мувофик бўлган нутқий кечим.
3. Иллокутив ва умумий мақсад кесишмайдиган нутқий кечим.

¹⁵ Searle J.R., Vanderveken D. Foundations of Illocutionary Logic. Cambridge Univ. Press, 1985. P. 180.

4. Иллокутив ва умумий мақсад зиддиятли муносабатда бўлган нутқий кечим¹⁶.

Бунда тасниф нутқий кечим ва унинг иштирокчиларининг нуктаи назарининг хусусийлиги даражасига қараб амалга оширилган. Бошқача айтганда, иллокутив ва ижтимоий мақсадлар мос келган нутқий кечимда сўзловчининг коммуникатив нияти хусусий, индивидуал эмаслиги, номувофиқ, зиддиятли бўлган ҳолатларда эса, соф индивидуаллиги, кечишмайдиган ҳолатда эса бу белгига бетараф муносабатда эканлиги аён бўлади.

Нутқий актларнинг мақсад-мазмунини ундан кўзланган коммуникатив мақсад нуктаи назаридан тасниф қилинганлиги каби, нутқий ҳаракатлар тавсифида гап маркази бўлган, гапнинг асосий мундарижасини ўзида валентлик қонунияти асосида акс эттирган кесим пропозитив семантикаси асосида белгилаш урф бўлган ва бу мантиқдан холи эмаслигини таъкидлаш лозим.

Албатта, юқорида айтилганидек, нутқий актни прагматик қобиксиз таҳлил қилиш ва ўрганиш, структур таҳлилда лисоний бирликларни нутқдан узган ҳолда таҳлил қилиш каби нуқсонли бўлишини эсда сақлаш лозим. Ҳолбуки, диалогик дискурс бошқа дискурсларга нисбатан прагматик қийматининг юқорилиги, устувор прагматик шартланганлиги билан характерланади. Бу ўз вақтида (1980 йили) мулоқот кечимига система сифатида муносабатда бўлиш тарафдорлари бўлган прагматик вистлар томонидан атрофлича талқин қилинган эди. Хусусан, профессор Ш.Сафаров кенг талқинини берган тилшунос Д.Франкнинг қарашларида ўз аксини топган¹⁷.

1. Тилшунос ҳақли равишда таъкидлаганидек, мулоқот – яхлит система сифатидаги кечим. Шунинг учун ундаги фақат нутққа хос жиҳатларни олиб ўрганиш, хусусан кесим вазифасида келган феълларни устувор белгилари асосида таснифлаб, прагматик қуршов таъсирида кучайиб кетиши мумкин бўлган ҳолатларни назардан соқит қилиш умумсистемавий қонуниятларни объектив таҳлил қилиш таъмоийилларига зиддир. Шу маънода биз А.Вежбицка¹⁸, Т.Баллмер ва

¹⁶ Leech G. Principles of pragmatics. London. New York, 1983.-250 p. –P. 104.

¹⁷ Franck D. Grammatik und Konversation. Künigstein: Scriptor, 1980.

¹⁸ Wierzbicka A. English Speech Act Verbs: A Semantic Dictionary . Oxford Univ. Press, 1987.

В.Бренненштул¹⁹лар томонидан яратилган лугатларнинг нафи масаласига шубҳа билан қараймиз. Зеро, муайян семантикага хосланмаган лисоний бирлик мулоқот жараёнида, нолисоний омиллар таъсирида, прагматик «озик» билан тўйиниши натижасида ўз лисоний моҳиятига бутунлай зид моҳият касб этиши мумкин ва, аксинча, қатъий ва устувор семантик қийматга эга бўлган лексема дискурс таркибида прагматик вазият таъсирида буткул кучсизланиши мумкин. Умуман олганда, лексемаларни дискурс таркибидан ташқарида мулоқот қиймати нуқтаи назаридан тавсифлаш маъқул бўлмаган ҳолат дейишга асос бор.

Айтилганидек, мулоқот вазияти лисоний бирликларнинг моҳиятини модификация қилувчи муҳит бўлиб, нутқий актни фақат лисоний хосланган воситалар асосида таҳлил қилиш кечимни ҳолис баҳолай олмасликни келтириб чиқаради. Шу боисдан, новербал воситаларнинг ҳам кези келганда перформатив унсурлардан кучлироқ мақомга эга бўлишини унутмаслик лозим. Фаолиятни нутқий бирликлардан, нутқий бирликларни фаолиятдан узиб тасвирлаш яна юқорида айтилган системавийлик таҳлили тамойилларига зид бўлиб қолади. Олима шу боисдан дискурсни фаолият сифатида баҳолаш тарафдори бўлади. Биз бу фикрни қўллаб-қувватлаб, нутқий фаолият эмас, балки дискурсив фаолият, нутқий акт эмас, балки дискурсив акт, матн эмас, балки дискурс тушунчаларига таяниш зарурлигини уқтирамиз. Бу диалогик дискурсда тўлиғича амал қиладиган қонуният, диалогик дискурс таҳлилида теран қабул қилиниши ва идрок этилиши лозим бўлган ҳаққоният сифатида эътироф этилиши лозим. «Менимча, Д.Франкнинг ушбу фикрига тўлиғича қўшилмоқ керак. Зеро, мулоқот унинг иштирокчилари – коммуникантларнинг ўзаро фаолиятини тақозо этади. Ажратилаётган нутқий актлар эса бир томонлама фаолият, аниқроғи, сўзловчи бажараётган нутқий ҳаракатидан иборат бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, нутқий бирликлар мазмуни «ҳамкорликда шакллантирилаётган мазмундир» ва бу ҳамкорликсиз ўзаро бир-бирини англаш ва мулоқот натижасига эришишнинг ўзи ҳам мумкин

¹⁹ Ballmer Th., Brennenstuhl W. Speech Act Classification. A Study in the Lexical Analysis of English Speech Activity Verbs. Berlin- Heidelberg-New York: Springer-Verlag, 1981. -276 p.

эмас»²⁰. Хусусан, диалогик дискурс монологик дискурсадан фарқли ўлароқ, симметрик ҳодиса бўлиб, у икки томонлама таъсирни ўзида мужассамлаштираётган ва мулоқот кечими иккинчи томоннинг таъсирида тубдан бурилиб кетиши мумкин бўлган синергетик жараён эканлигини эътиборда тутиш лозим.

2. Дискурс динамик кечим бўлиб, унда мавжуд лисоний ва нолисоний бирликларни ҳаракатдаги моҳиятлар сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Статикликни текширишни структур таҳлил зиммасида қолдирган ҳолда ҳар бир воқеланган нутқий воҳидни оқимнинг бир таркибий қисми сифатида қараш лозим. Ҳаракатдаги бирликда олдиндаги ва орқадаги, ён-атрофдаги таъсир кучлари тўлқинсимон ҳаракат кўринишида ҳар доим сезилиб туради. Бу ҳолат унинг сифатини ўзгаришсиз қолдира олмайди.

Д.Франкнинг кейинги фикрларини таҳлил қилишдан тийилиб, унинг контекстуал назариясини умумлаштириш зарурати туғилади. Контекст матн бўлиб, лисоний бирликларнинг лисоний семантик моҳияти матн таркибидаги бошқа ёндош ва ёндош бўлмаган лисоний бирликлар таъсирида ўз хусусиятини намоён қила олади. Борликда соф ҳолда атом характеридаги бирорта элемент бўлмаганлиги ва муайян атом ўз сифатини ҳар доим бошқа турдош атом билан биргаликда молекула ҳолатида намоён қила олганлиги каби нутқда ҳам бирорта ўзининг соф лисоний моҳиятинигина намоён қилаётган нутқий бирликни кузатиш мушкул. Лисоннинг яхлит система эканлиги масаласига шубҳа билан қараган ва бу муаммони четлаб ўтган ҳолда айтиш мумкинки, мулоқотнинг таркибий қисми бўлган нутқнинг ўзи яхлит система бўлиб, унда воқеланган бир сатҳ бирлигининг бошқа сатҳ қўмагисиз юзага чиққанлигини исботлашга уриниш беҳуда. Тилшунос Б.Менглиев таъкидлаганидек, «тил мураккаб қурилишли яхлитлик бўлиб, шу боис бу бутунлик таркибий узвларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмаслиги, балки «ҳажман» улар йиғиндисидан каттароқ эканлиги систем текшириш жараёнида қатор муаммоларни юзага чиқаради. Маълумки, лисоний субстанция ҳеч қачон бус-бутун ҳолда намоён бўла олмаганлиги сабабли ҳар бир нутқий зухуротда у маълум бир қиррасини намоён қилади. Шу боисдан лисон ва нутқнинг ушбу мураккаб муноса-

²⁰ Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. 89-бет.

бати туфайли тадқиқотларда тилнинг систем табиати бот-бот эслатиб турилса-да, муайян текширишларда системавийликни асослаш муайян сатҳ доирасидан ташқарига чиқа олмади. Лисоний субстанция нутқда воқеланар экан, бунда тил таркибий узвларининг диалектик муносабати яққол намоён бўлади. Аниқроғи, муайян сатҳ бирлигининг моҳияти шу система доирасида тикланса, ва шунга мувофиқ, уни воқелантиришда иштирок этган бошқа сатҳ тажаллилари четлатилса, моҳиятнинг юзага чиқишида, оралиқ ҳолатлар орқали ҳодисалар сифатида зоҳир бўлиши ва фарқланишида бошқа сатҳлар тажаллиларининг роли ва функционал қиймати масаласини аниқлаш тилнинг яхлит субстанциялигини очишдаги муҳим босқичдир. Зеро, тил нутқда яхлит система сифатида воқеланади»²¹. Бу эса диалогик дискурсни мулоқотнинг фаол таркибий узви, системанинг бошқа нолисоний унсурлари билан зич боғланган динамик мавжудлик сифатида қараш лозимлигини, унда ифодаланадиган коммуникатив мақсадни ифодаловчи иллокутив воситалар устувор прагматик хосланганлиги жиҳати билан ажралиб туришига кўпроқ диққат қилиш зарурлигини кўрсатади. Шунингдек, диалогик дискурс таркибидаги лисоний birlikларни мулоқот тизими нуктаи назаридан таҳлил қилишда лисоний ва нолисоний омилларнинг ҳамкорлиги бошқа дискурслардагига нисбатан кучлироқ ва мустаҳкамроқ эканлигини назарда тутиш муҳимлигини далиллайди.

3.2. Диалогик дискурда нутқий интенция ва унинг ифодаланишида қўшма гап таркибий қисмларининг роли

Адресантнинг интенцияси, айтилганидек, мулоқот дискурсининг йўналишини белгилайди. Интенциянинг қатъийлиги, ҳатто, бўлинган дискурснинг иккинчи этапини давом эттиришни таъминлайди. Бу юқоридаги матннинг давом этишга интенционал фаолиятнинг таъсири сифатида баҳоланиши мумкин ва коммуникантларнинг бирининг ташаббуси ёки рағбати асосида амалга оширилади:

(Тоҳир):

- Мулла тога, сўзлайверинг, бу ерда ҳамма ўз-ўзимиз... Андижон қўргонидан нечун сизга жой бермадилар?

²¹ Менглиев Б. Тил яхлит система сифатида. Тошкент:Нихол, 2010. 4-бет.

Адресантнинг интенционал қатъияти қўшма гап воситасида ифодаланади. Акс ҳолда, яъни қўшма гап таркибидаги содда гап тўла мустакил бўлганда эди, ушбу интенционал фаолият сифатига салбий таъсир қилиши мумкин эди. Зеро, «Интенция говорящего понимается как установка на передачу по каналу связи определенного сообщения, закодированного в физическом речевом сигнале посредством языковых знаков»²². Қўп ҳолларда интенция эргаш гапли қўшма гапларда бош гап орқали ифодаланади: 1. *Мен хоҳлайманки, ош бўлса, иш бўлмаса*. 2. *Истагим, ўчмасин ёнган чирогинг*. «Интенция, т.е. намерение толкуется в словарях как предположение сделать что-нибудь, желание, замысел. В отличие от желания, которое представляет собой влечение, стремление к осуществлению чего-нибудь, обладанию чем-нибудь, замысел истолковывается как задуманный план действий, поэтому представляется целесообразным связать интенцию прежде всего с замыслом. Сравните: «Я хочу есть» и «Я намереваюсь пообедать»; «Я хочу поступить в аспирантуру» и «Я намереваюсь поступить в аспирантуру», т.е. предпринимаю более планомерные шаги»²³.

Бош ёки эргаш гапда ифодаланган нутқий интенция, бир томондан, сўзловчининг мақсадини ифодаласа, иккинчи томондан, адресантнинг диққатини ўзига тортади. Умуман олганда интенция руҳий субстрат сифатида иккиёқлама хусусиятини намоён қилади:

- 1) сўзловчининг асосий интенционал мақсадини ифодалаш;
- 2) тингловчининг диққатини тортиш.

Ҳар икки ҳолат ҳам адресантнинг асосий ёки ёрдамчи мақсадини ифодалаб, нутқий актнинг йўналишини белгилайди. *Истагим шуки, ўчмасин номинг* гапида маълум бўлганидек, маънонинг функцияга дахлдор бўлганлиги каби, нутқий интенция жумланинг интенционал мазмунини сифатида унинг иллокутив вазифасига дахлдор бўлади. Умуман олганда, бош ёки эргаш гапдан англашилган интенция коммуникатив жараёнда сўзловчи ва тингловчини, диалогик дискурс унсурларини, матн таркибий қисмларини боғлашда муҳим аҳамият касб

²² Сусов И.П. Введение в языкознание: учебник для студентов лингвистических и филологических специальностей / М. : АСТ: Восток–Запад, 2007. С. 79.

²³ Формановская Н.И. Соотношение интенционального и пропорционального компонентов в высказывании // Русский язык за рубежом. 2000. № 3. С. 42 – 47.

этади²⁴. «Целевое использование речевого произведения (коммуникативное намерение, интенция) не только определяет роль собеседников как непосредственных участников акта коммуникации, но и выступает своего рода регулятором вербального поведения партнеров, эксплицируя конкретный способ воздействия»²⁵.

Мулоқот интенцияси ўз табиатиға кўра турлича мазмунда ва турли шаклда ифодаланиши мумкин.

Улардан айримларини мисол сифатида келтирамиз:

1.1. Миннатдорчилик мазмунида интенция: *Хурсандманки, ишимиз кундан-кун юриша бошлади.*

1.2. Узр мазмунидаги интенция: *Кечиролсанг, кечиргил.*

1.3. Ваъда мазмунидаги интенция: *Ишонтириб айта оламанки, муваффақият сизнинг қўлингизда.*

2.1. Тазйиқ мазмунидаги интенция: *Кетинг, мен бунда сизни кўрмай.*

2.2. Баҳсга тортиш мазмунидаги интенция: *Фикрингизни билмоқчиман, ўзи мақсадингиз қатъийми?*

3.1. Муайянлаштириш мазмунидаги интенция: *Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ.*

3.4. Тавсифлаш мазмунидаги интенция: *Жала шундай ёғдики, бир зумда ерлар лойга айланди.*

Албатта, дискурса мақсад, асосан, адресант томонидан қўйилади. «Цель ставится инициатором общения, а осуществляет его замысел

²⁴ Волошинов В.Н. Марксизм и философия языка. Л.: Прибой, 1930. С. 84; Смирницкий А.И. Лексикология английского языка М.: Учпедгиз, 1956. С.8; Леонтьев // Синтаксис текста. М., 1979. С. 18-36; Бенвенист Э. Общая лингвистика. М.: Прогресс, 1974. С. 312; Почепцов Г.Г. Прагматика текста // Коммуникативно-прагматические и семантические функции речевых единств. Калинин: Калинин. гос. ун-т, 1980. С. 5 – 10; Сусов И.П. Семантика и прагматика предложения: учеб. пособие. Калинин, : Изд-во КГУ 1980. С. 8 – 20; Романов А.А. Семантико-содержательный аспект перформатива // Психолингвистические исследования в области лексики и фонетики. Калинин: Калинин. гос. ун-т, 1981. С. 105 – 113; Шахнарович А.М., Юрьева Н.М. Психологический анализ семантики и прагматики: На материале онтогенеза речи. М.: Наука, 1990. С. 31 – 35.

²⁵ Романова Е.Г. Игровое пространство актов ритуальной коммуникации // Человек играющий: язык, личность, социум: межвуз. сб. научных трудов. Ин-т языкознания РАН; Твер. ин-т экономики и менеджмента. М.-Тверь, 1999. С. 31 – 39.

адресат ...Адекватность реакции обеспечивает инициатору достижение поставленной им коммуникативной цели»²⁶. Аммо унга нисбатан тингловчида ҳам ўзига хос мақсад шаклланади ва қайсидир мазмунда адресат интенцияси билан мувофиқлашади. Адресат ва адресант мақсади шаклланиш босқичлари ва йўналиши жиҳатдан фарқланади.

Жонли тилнинг воқеланиш муҳити бу – диалогик дискурс, диалогик мулоқотдир. Бунда тилнинг вербал воситалари мулоқотнинг новербал унсурлари билан ўзаро мувофиқлашади. Шу боисдан диалогик дискурснинг тадқиқи бир томондан мулоқот руҳиятини ўрганиш масаласига бўйсундирилса, иккинчи томон мулоқот маданияти, мурожаат одоби, хулқ маданияти каби масалалар билан боғланиб кетади. Шу боисдан дискурснинг структур табиати, адресат ва адресантнинг нутқий «юриши» ва нутқий «қадами» дискурснинг лингвوماданий хусусиятлари ва мулоқот одоби муаммоларига боғлиқ равишда тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Диалогик дискурсдаги коммуникатив интенция (коммуникатив мақсад, коммуникатив мўлжал) муаммоси коммуникатив стратегия, коммуникатив тактика, коммуникатив истиқбол, коммуникатив тажриба, коммуникатив компетенция каби тушунчалар билан дахлдор бўлади ва жумлаларнинг семантик-структур табиати улар билан боғлиқ таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Коммуникатив интенциянинг олдиндан тайёрланиши ва режалаштирилиши коммуникатив стратегияни ташкил қилади. Коммуникатив тактика эса режанинг амалга оширилиш усулидир. Тилшунос Е.В.Клюев коммуникатив интенция коммуникатив стратегияни белгилашга асос бўлишини таъкидлайди. Лекин уни амалга ошириш усули – тактикасини муайян нутқ вазияти белгилайди²⁷. Бу борада атрофлича тадқиқот ишларини олиб борган Е.В.Клюевнинг мазкур тушунчалар ҳақидаги қарашлари эътиборга молик. Унингча, коммуникатив мақсад – стратегик натижа бўлиб, коммуникатив акт унга йўналтирилган бўлади. Натижа вербал асосда ҳам (ваъда бериш, рад қилиш, хафа бўлиш ва ҳ.к.), жисмоний ҳаракатлар асосида ҳам (масалан, урушга кетиш, ишга киришиш, ажралишга ариза бериш) бў-

²⁶ Арутюнова Н.Д. Человеческий фактор в языке: Коммуникация, модальность, дейксис / Булыгина Т.В. и [др]. М.: Наука, 1992. С.56.

²⁷ Клюев Е.В. Речевая коммуникация : учеб. пособие / М.: ПРИОР, 1998. С. 10.

лиши мумкин. Коммуникация жараёнида муайян натижага эришиш учун тилдан ташқаридаги борлиқда муайян шароитлар яратилган бўлса, коммуникатив акт, Е.В.Клюев таъкидича, нафақат коммуникатив мақсад, балки коммуникатив истиқболга ҳам эга бўлади. Коммуникация жараёнидаги ихтиёрийлик коммуникатив интенциянинг асосий таянч тушунчаларидан биридир. «Коммуникатив ихтиёр – индивидлар гуруҳи, якка индивидга хос коммуникатив стратегиялар мажмуидир»²⁸.

Комммуникатив интенциянинг хусусияти унга ёндош ҳодисаларни ҳам белгилар экан, бунда дискурсларни ташкил этаётган жумлаларнинг формал ва функционал-семантик хусусиятлари ҳам ўзига хос бўлади.

(Узун Ҳасан) Мулла Фазлиддиннинг арзини қаяққадир кетмоқчи бўлиб шошилиб турган пайтда тинглади-да:

- Тарҳларингизга тегмай, ҳамёнингизни олиб кетган бўлса, бу - тўқайдан чиққан ўғрилارнинг иши, - деди. - Ёғий ташвишидан қутулсак, тўқайларни ўғрилардан тозалагаймиз... Ҳозир аҳволни кўриб турибсиз!..

Қўл қовуштириб тикка турган мулла Фазлиддин доругага яқинроқ келди:

- Менинг бошқа гумоним бор, жаноб доруга, - деди. Сўнг Аҳмад Танбалнинг сурат чиздирмоқчи бўлганини, рад жавоби олганда эса аччиқланиб кетганини айтиб берди.

- Кимнинг сурати? - деб доруга қизиқиб қолди.

Мулла Фазлиддин Хонзода бегимнинг номини тилга олишга кўрқди.

- Парилар суратимиди? Яхши тушунмадим.

- Сандигингизда парилар сурати бормиди? Босқинчилар шуни олиб кетибдирми?

- Сурат ўзи бўлмаса нени олиб кетсин! Мен ҳазрати олийлари буюрган мадраса тарҳини чизиш билан бандмен. Сураткашликка вақтим йўқ. Сандиқда хомаки лойиҳаларим бор эди, холос.

Дискурсдаги коммуникатив интенция адресант – меъмор Фазлиддинга тегишли. У «Аҳмад Танбал суврат чиздириш талаби ҳақида

²⁸ Клюев Е.В. Речевая коммуникация. С. 11.

ахборот» умумий мазмунга эга. Узун Ҳасаннинг Мулла Фазлиддиннинг ахборотини тинглашга муносабати муаллиф томонидан унинг ҳолати ҳақидаги «Қаёққадир кетмоқчи бўлиб шошилиб турган» лиги ҳақидаги жумладан англашилади. Бу ҳолат унинг (Узун Ҳасаннинг) қўшма гапли жумла воситасида ифодаланган куйидаги фикрлари билан мос: – *Тархларингизга тегмай, ҳамёнингизни олиб кетган бўлса, бу – тўқайдан чиққан ўғриларнинг иши, – деди. – Ёғий таъвишидан қутулсак, тўқайларни ўғрилардан тозалаяймиз...* Адресат «мулоқотга яқун яшаш» коммуникатив ниятини тезроқ амалга ошириш истагида шундай стратегик йўл тутadi ва ўз хулосавий фикри асосида Мулла Фазлиддиннинг бошқа фикр ифодалаш йўлини кесиш пайида бўлиб, бунда суҳбатга яқун яшаш тактикасини қўллаш мақсадида ушбу икки шарт эргаш гапли қўшма гап турини қўллайди. Фикрни тезроқ ифодалаш нияти ва тингловчига тезкор таъсир қилиш мўлжалли кўпинча қўшма гап туридан фойдаланишни тақозо қилади. Зеро, тезкорлик ва узлуксизлик ҳамда гап қурилишидаги узвий зичлик кўпинча мувофиқлашади.

Мулла Фазлиддин ўз коммуникатив интенциясини амалга ошириш учун адресатнинг ниятига номувофик йўл тутadi ва «– *Менинг бошқа гумоним бор, жаноб доруға,*» – деб, Аҳмад Танбалнинг суврат чиздириш талабини қўйганлиги ва унинг рад этганлигини баён қилади. Адресат ўз коммуникатив нияти стратегиясини суҳбатдошнинг мўлжаллига зид йўл тутиш тактикаси асосида амалга оширади. Зеро, бундай қулай вазиятни қўлдан чиқариш умумий мақсад рўёбини таъминлашга зид бўлур эди. Натижада Узун Ҳасанда диалогни давом эттиришга монелик барҳам топади. Буни, албатта, кескин ва бир қадар қатъият билан айтилган «Бошқа гумоним бор» жумласи дискурс ядроси сифатида ўз зиммасига олади. Зеро, Мулла Фазлиддинда мавжуд коммуникатив тажриба дискурс йўналишининг унинг (адресатнинг) мўлжалли асосида боришини таъминлайди. Сўз бошлаганлиги учун коммуникатив ихтиёрга эгалик, коммуникатив тажриба, коммуникатив интенция ва коммуникатив стратегия мувофиқлиги тактик таъминланганлиги туфайли коммуникатив натижа кутилгандагидек рўй бериши мумкин эди. Аммо Узун Ҳасандаги устидан шикоят қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги Мулла Фазлиддиндан янги икки-

ламчи интенциал фаолият кўрсатишни тақозо қилади. Узун Ҳасанни ишонтиришга киришади. Бироқ коммуникантлараро интенциал номувофиклик ва адресатнинг адресат интенциясига мойил эмаслиги адресант томонидан кутилган натижани бермайди: «Узун Ҳасан бу дўқни писанд қилмай:

- Майли, боринг, арз қилинг! - деди. - Лекин шуни билингки, атрофимизни ёғий босган бу хатарли дамларда подшоҳга меъмордан кўра навкар зарурроқ! Аҳмадбекдек, мендек жанговар беклар учун подшоҳ ҳозир сиздеклардан қанчасининг баҳридан ўтур!»

Кўринадик, дискурсив фаолият икки томонлама ўзаро тушуниш асосида, адресат ва адресант интенциал мўлжали тўғри бўлганда муайян натижа беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Узун Ҳасаннинг юқоридаги қўшма гапли жумлани қўллашининг сабаби, биринчидан, Мулла Фазлиддиндан тезроқ қутулиш тактикаси бўлса, иккинчи томондан Аҳмад Танбалга мойиллигини намойиш қилмаслик истагига бўйсундирилганлигида эди. Зеро, «используя коммуникативную компетенцию, говорящий ставит перед собой коммуникативную цель (определяя или не определяя коммуникативную перспективу) и, следуя определенной коммуникативной интенции, вырабатывает коммуникативную стратегию, которая преобразуется (или не преобразуется) в коммуникативную тактику как совокупность коммуникативных намерений (коммуникативных задач), пополняя коммуникативный опыт говорящего»²⁹.

Умуман олганда, мулоқот стратегияси уни ташкил этиш учун олдиндан адресант томонидан тайёрланган режа бўлиб, у мулоқот интенциясининг табиатига қараб белгиланади. Шунингдек, ҳар бир нутқий вазият мазкур стратегиянинг қай йўсинда амалга оширилиши белгилаб беради. Стратегияни нутқий вазиятга мувофик воқелантириш мулоқот тактикаси дейилади. Юқоридаги мисолда Мулла Фазлиддин ва Узун Ҳасанларнинг мулоқот шароитида тутган йўли тактик «ўйин»дир. Бу коммуникантларнинг ўз мақсадларига эришиш учун танлаган стратегиясини амалга оширишда амал қилди. Демак, мулоқот стратегияси кенг қамровлилиги ва барқарорлиги, мулоқот тактикаси эса тор табиатлиги ва ўзгарувчанлиги, мослашувчанлиги билан характерланади.

²⁹ Ключев Е.В. Речевая коммуникация : учеб. пособие / М.: ПРИОР, 1998. С. 12.

Уларда умумийлик ва хусусийлик диалектикасини кузатиш мумкин.

Умуман олганда, дискурс лисоний ва нолисоний воситаларнинг прагматик «ансамбл»и бўлиб, ўзида коммуникантларнинг интенциал фаолиятини пропозиционал мазмун билан уйғунлаштирган ҳолда воқелантиради. Бу фаолият эса ўз ўрнида мулоқот интенцияси, стратегияси ва тактикаси мувофиқлиги натижасидаги нутқий «юриш» ва нутқий «қадам»ларнинг йўналишини таъминлайди.

Коммуникантларнинг интенцияси таркибидаги субъектив унсур перформатив ва метакоммуникатив жумлалар орқали намоён бўлади³⁰. Диалогик дискурсда формал ва функционал қулайлиги сабабли пропозиционал ва модал интенция ўз яхлитлигини кўпинча қўшма гапли жумлаларда намоён қилади.

³⁰ Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагматический и когнитивный аспекты.

ДИАЛОГИК ДИСКУРС ФАЗАЛАРИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА СТРУКТУРАСИ

4.1. Диалогик дискурс фазалари ва шаклланиши

Дискурснинг бошқа кўринишларида бўлгани каби диалогик дискурснинг ҳам ички (ботиний) ва ташқи (зоҳирий) узвлари мавжуд. Шу билан биргаликда диалогик дискурсда акс этаётган денотатив воқелик (пропозитив унсур) ва сўзловчининг воқеликка муносабати (модус) ҳам бошқа бир нуқтаи назардан дискурснинг ташкил этувчиларидан ҳисобланади. Модус сўзловчининг воқеликка субъектив муносабатини акс эттиради¹. «Модус – сўзловчининг жумлада очик ёки яширин акс этган субъектив муносабатлар мажмуидир: *Менимча, ...; Ўйлайманки, ...; Иймоним комилки...; Кўринишича...; Сиз ўлаганингиздек...; Таъкидлашни истардимки... ва ҳ.к.*»². Бунда аксарият ҳолларда қўшма гапли қурилмалар иштирок этиб, бош гап модусни, эргаш гап диктум (пропозиция)ни ифодалаш учун ихтисослашади³. Бунда ҳам диалогик дискурснинг таркибий қисмлари орасидаги ихтисослашувни кузатиш мумкин. Денотатив воқелик ифодаси дискурс семантикасига ва сўзловчининг шахсий муносабатини ифодаловчи қисм прагматик томонига дахлдорлик қасб этади. Нутқ гарчи оний табиатга эга бўлса-да, у ҳам маълум бир қолиплар, схемалар, тартиб асосида бўлиб, унинг ушбу тузилиш жиҳатига кирувчи унсурлар зарурий системани ташкил этади. Аммо барча диалогик дискурслар учун хос бўлган қолиплар ҳар бир муайян диалогик дискурс учун муваққат кўриниш қасб этади. Бу муваққатлик маълум бир прагматик вазият билан шартланади. Дейлик, диалогик дискурс учун умумий

¹ Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагматический и когнитивный аспекты.

² Формановская Н.И. Размышления о единицах общения // Русский язык за рубежом. 2000. № 1. С. 56-63.

³ Махмудов Н., Нурмонов А., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.

бўлган қолип сўзлашув, расмий, илмий, бадий диалогик дискурсларда воқеланиши нуқтаи назаридан турли шаклий лисоний жиҳатлар касб этади. Масалан, жонли сўзлашув диалогик дискурси учун эргаш гапли қўшма гапларнинг бош гап қисми ифодаловчи модус жиҳати кўпинча имплицит характерда бўлади ёки эргаш гап таркибига кири-тиб юборилади. Мисоллар:

Адабий диалогик дискурс матнида:

- *Мансур кўп гапириб, негадир бошимни оғритди.*

- *Мен шунини аниқ биламанки, фирибгарнинг асосий белгиларидан бири унинг сўзамоллиги.*

Сўзлашув диалогик дискурс матнида:

- *Мансур роса бошимни оғритди.*

- *Фирибгар ўзи кўп гапиради.*

Матнлардаги фарқ гапларнинг тузилишига кўра турларидадир. Адабий матндаги *Мен шунини аниқ биламанки* унсури сўзлашув матнида диктум билан яхлит ҳолда содда гап воситасида ифодаланган. Албатта, гаплар шунчаки прагматик вазиятдан холи кузатилса, содда гапдаги модус сезилмайди. Аммо унда сўзловчининг овоз тони, баландлиги ва кескинлиги каби прагматик воситалар адабий матндаги бош гапга юклатилган масъулиятни ўз зиммасига олади. «Жумла коммуникациянинг асосий бирлиги сифатида қуйидагилар ҳақида бизга ахборот беради: а) олам ҳақида; б) жумла эгасининг оламга, ахборотга ва адресатга муносабати ҳақида. «Ҳаракатнинг борликдаги ўрни» ҳақидаги тасаввур жумланинг мураккаб ва ранг-баранг семантик структурада мужассамлашган диктум қисмига юклатилади. Сўзловчининг нуқтаи назари, баҳоси, ҳиссиётлари, муносабатлари жумланинг модус қисми зиммасида бўлиб, у маънонинг субъектив жиҳатини шакллантириб, етарли даражада мураккаб қурилмали бўлади. Модус кишининг ментал руҳига дахлдор бўлиб, матндан жой олади, адресат томонидан тушунилиб, қабул қилинади»⁴. Р.И.Павиленис жумланинг модус қисми интерсубъектив муҳитни ташкил қилишини таъкидлаган⁵. Диалогик дискурснинг муҳим жиҳатларидан бири шун-

⁴ Формановская Н.И. Размышления о единицах общения. С.59. Бу ҳақда яна маълумот олиш учун қаранг: Шмелева Т.В. Субъективные аспекты русского высказывания : Автореф. дис. ... докт. филол. наук. М., 1995.

⁵ Павиленис Р.И. Понимание речи и философия языка // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. М., 1986. С. 380 – 388.

даки, жумланинг шахсий муносабат ифодаловчи қисми мулоқот системасининг фаол унсурларидан бири сифатида амал қилади ва кўп ҳолларда дискурс йўналишини белгилайди. Гарчи диалогик дискурс йўналиши кўпинча синергетик моҳиятга эга бўлса-да, модус унсурини бу йўналишни маълум даражада олдиндан белгилаш учун хизмат қилади. «В типологии пропозиций различают соответственно пропозиции событийные, отражающие внешнюю ситуацию, пропущенную сквозь призму сознания, и образ, готовый к языковому выражению, и модусные, отражающие внутренний мир человека, психическую обработку информации. Для практики преподавания иностранных языков очень важно нахождение средств и способов выражения и сочленения интенционального и пропозиционального компонентов дискурса»⁶.

Айтилганидек, диалогик дискурс ҳам, бошқа дискурслар каби системавий табиатга эга бўлиб, унинг ташкил этувчи унсурлари ушбу яхлит тизимнинг таркибий қисмлари сифатида фаолият кўрсатади ва лисоний тизимнинг статик унсурларидан фарқли равишда, динамикалиги билан характерланади. Прагмалингвистлар томонидан диалогик дискурсининг ҳам таянч бирлиги сифатида жумла олинади⁷. «Жумла моҳият эътибори билан фикрни узатиш воситаси бўлиб, муайян муносабатлар структурасини объективлаштириш мақсадида қурилган»⁸. Структур лингвистикада тил бирлиги сифатида у ўзига хос номланишга эга. Гапларнинг лисоний қолиплари лисоний бирликлар сифатида нутқий қўлланилган гапларга қарама-қарши қўйилади ва улар учун субстанциал асос бўлиб хизмат қилади⁹. Жумла эса прагматик «тўйинганлиги» билан ушбу ном остидаги моҳиятга эга бўлади. Алоҳидалик, ҳодисавийлик, воқеаланганлик, оқибатийлиги, бетакрор-

⁶ Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагмалингвистический и когнитивный аспекты.

⁷ Жумла русча *высказывание* атамаси муқобили сифатида ўзбек тилшунослигида муваффақиятли қўлланила бошлади. Бу ҳақда қаранг: Маҳмудов Н., Нурмонов А., ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.

⁸ Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности М.: Наука, 1986. С.116.

⁹ Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: ФТМ, 2009.

лиги, индивидуаллиги билан нутқий бирликларнинг хусусиятларини акс эттириб, контекстуал ва прагматик юки асосида улардан фарқли каралади.

Диалогик дискурсда барча гапларда бўлгани каби, содда гаплардан модуснинг кенгайган ифодаси эканлиги билан қўшма гаплар икки хил жиҳати билан эътиборга олинади:

1) объектив оламнинг муайян парчасини, яъни денотатив воқеликни акс эттирувчи қисм (асосан, бош гап);

2) объектив оламни идрок қилиш натижасида ва сўзловчи интенцияси асосида шаклланган рухий ҳолат, субъектив муносабатни ифодаловчи қисм (асосан, эргаш гап бўлиб, у коммуникатив кечим жараёнида коммуникатив интенция, объектив олам, нутқий вазият ва контекстни бир тугун сифатида бирлаштиради)¹⁰. Албатта, бунда диалогик дискурсда диктум ва модус қисмларининг бош ва эргаш гапларга тенг ва қатъий тақсимланганлиги ҳақида хулоса чиқариш маъқул эмас. Диалогик дискурсда ҳам «модус эргаш гап орқали ҳам ифодаланаверади. *Ўтган ўша азобли куним, ҳозир ўйлаб қарасам, ҳаётимнинг энг ноёб дамлари бўлган экан* (А.Мухтор); *Мен сенга айтсам, ҳали биров ўз юртидан кетиб рўшнолик кўрган эмас* (Ё.Яквалхўжаев); *Бир сўз билан айтганда, у ота билан онанинг жамики яхши фазилатларини ўзида мужассам этганди* (Ё.Яквалхўжаев). Бу гаплардаги эргаш гаплар бош гаплардаги денотатив воқеанинг модал талқини ифодаси учун хизмат қилган. Демак, эргаш гапли қўшма гапларнинг бош ва эргаш қисмларида ўрни билан модус, ўрни билан денотатив воқеа — объектив мазмун ифодаланавериши мумкин»¹¹.

Умуман олганда, айтиш мумкинки, диалогик матнда гап грамматик талқинга дахлдор бўлса, диалогик дискурсда гап грамматик таҳлили унинг кенг қамровли таҳлилининг бир кўриниши тусини олади, холос. Дискурсдаги қўшма гаплар талқинини олий даражадаги синтактик таҳлил дейиш ҳам унинг қийматини туширишдан бошқа нарса эмас. Зеро, грамматик таҳлилда матн яхлит система сифатида олинар экан, бу системанинг таркибий қисмлари сирасида фикрни ифодалов-

¹⁰ Сусов И.П. Семантика и прагматика предложения : учеб. пособие. Калинин: Изд-во КГУ, 1980. С.5.

¹¹ Маҳмудов Н., Нурмонов А., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.

чи ва уни қабул қилувчи четда қолади. Диалогик дискурса эса «компонентами дискурсивного высказывания являются **говорящий** (или адресант) и **слушающий** (или адресат) (во всей полноте социальных и психологических ролей, фоновых знаний и национально-культурных стереотипов), мотивы и цели сообщения, интенции адресата, его оценки, эмоции, отношение к действительности, содержанию сообщения, место и время общения, свойственные высказыванию пресуппозиции и импликации. В высказывании осуществляется референция – отнесенность имен в данном конкретном речевом произведении к денотатам-референтам»¹². «Новые смыслы – это, прежде всего, структура новых отношений», поэтому понятно и то, «почему полноценной и полнокровной единицей речевой деятельности оказывается речевое высказывание, предназначенное по сути своей для передачи мысли и устроенное специально для объективации определенной структуры отношений. Задача говорящего в самом общем виде заключается не в том, чтобы назвать предмет или назвать ситуацию, а в том, чтобы дать о них то или иное представление»¹³.

Диалогик дискурс кечаётган коммуникатив жараёнда кўшма гапларнинг перформатив жумла сифатидаги иштироки муҳим ўрин тутади. Перформатив жумла шундай нутқий интенционал жумлаки, бунда денотатив субъект жумла субъекти билан мос келади:

1. – *Мен биламанки, бу нарсаларга ақлим ноқислик қилмайди.*

2. – *Da gehen Sie 300 Meter, Quatsch, was sag ich, 500 Meter geradeaus, dann rechts.. 3. Zuerst nehmen Sie den Bus, also da vorne links, dann in die 102 zum Grindelberg...*

– *Вы пройдёте тут 300 метров, глупости, что я говорю, 500 метров прямо, потом направо... – Сначала Вы сядете на автобус, итак там впереди слева, потом на 102 до Гриндельберга... – И тут у светофора слева...*

– *Слева? Светофор стоит справа.*

– *Ну да, понятно, итак у светофора, потом Вы поворачиваете.* Мисолларга мурожаат этамиз:

– *У бола, Қудрат ака ўйланиб қолди, ёшлигида ўта безори бўлган.*

¹² Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагматический и когнитивный аспекты.

¹³ Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности.

–Дадаси, ёшлигида ким иш бўлмаган? Кечки мактабни битириб, ҳайдовчиликка ўқиган экан (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»).

–Болам, кенг ҳовлида эр-хотин икковларинг яшасанлар, қайнона, қайнона, қайни-бўйинларинг бўлмаса, жанжал нимадан чиқади?

– Билмайман, ҳиққилади қизи (Э.Худойбердиев. «Адашганлар»).

Диалогик дискурсда перформатив жумлалар маънодошлик муносабатида бўлиб, бир мазмун прагматик хосланган ҳолда турли шакллардаги қолиплаган жумлаларда берилади. *Кечирасиз; Кечиринг; Авф этинг; Афу этинг; Бир қошиқ қонимдан кечинг; Узр; Узр, билмабман; Узр, айбдорман; Албатта, сизнинг олдингизда айбдорман.* Турли нутқ услубларида турли шаклларда намоён бўлади. Масалан, сўзлашув услубида одатда, *кечирасиз, узр, билмабман* каби перформатив қолипли жумлалар сермахсул бўлса, *авф этинг, афу этинг* бирликлари тарихий бадий услубда кенг қўлланилади. Бундай перформатив жумлалар сўзловчининг ментал хусусиятига боғлиқ бўлганлиги туфайли турли тилларда турли шаклларда намоён бўлади. Масалан, Григорьева қуйидаги характерли мисолларни келтиради: 1. *Entschuldigen Sie; Darf ich Sie, bitte, kurz storen? Entschuldigung; Ich bitte um Entschuldigung; Verzeihung; Ich bitte um Verzeihung! Verzeihung! Verzeihen Sie bitte! Извините; Прошу прощения; Простите; Можно Вас побеспокоить; Tut mir leid, wenn ich Sie store; Сожалею, если я Вас побеспокоил; Haben Sie vielleicht eine Minute Zeit? У Вас не найдется минутка времени? Sind Sie gerade beschäftigt? Извините, Вы заняты? Активную роль в организации внимания имеет обращение.* Бундай перформатив жумлалар диалогик дискурсда адресат ва адресантларнинг нутқий «юриш»ларини боғловчи восита сифатида намоён бўлади. «Таъкидлаш лозимки, бундай жумлалар ҳаракатни «мен-сен-шу ерда-ҳозир» нутқий актининг парадигматик координатларида бериши мумкин. Жумлада, умуман олганда, дискурсда перформатив, интенционал узв эксплицит ҳам, имплицит ҳам бўлиши мумкин. Масалан, «Эҳ, нималар деясан» («Иш, чего захотел!») тингловчининг илтимосини қондирмаслик истаги намоён бўлган. Ҳолбуки, бундай жумлалар учун «мен бунга қаршиман» («я отказываю тебе») перформатив рамкали жумлалар фаол. Аксинча, «Илтимос, ручкангизни бериб туринг» («Я прошу дать мне ручку») жумласида

илтимос интенцияси эксплицитдир. Интенционал потенциал перформатив жумлани бошдан-оёк ёки унинг бир қисмини қамраб олиши мумкин. Масалан, «Мени кечиринг» (*«Извините меня»*), «Салом», (*«Привет!»*), «Миннатдорман» (*«Благодарю Вас»*) жумлаларида – бутун жумла фақат интенцияни ифодалаш учун мўлжалланган. Бошқача айтганда, интенция ва инсоннинг ички дунёсини акс эттирувчи модуснинг тўлиқ мослиги кузатилади. Бундай гапларнинг ўзига хослиги шундаки, уларни кенгайтириш, қўшма гап тарзида бериш ноқулай. Шундай бўлган тақдирда ҳам кенгайтирувчи гап бўлаклари ёки гаплар нозарурий бўлади. Аммо диалогик дискурсда шундай ҳолатлар ҳам бўладик, улар кенгайтирувчисиз воқелана олмайди. Кенгайтирувчи кўп ҳолларда бош гап кўринишида бўлади. «Ваъда бераманки, (бундай қиламан)» (*Обещаю Вам это* (сделаю это)); «Маслаҳат бераманки, (бундай қилманг)» (*Советую Вам это* (не делать этого) ва б. Кенгайтирувчи қисм кўпинча модус интенцияни воқелантириш учун, кенгаювчи қисм эса пропозиционал воқеликни акс эттиради: «Сиздан илтимос, қирқ саккизинчи ўлчамли ҳаво ранг кўйлакни кўрсатсангиз» (*Прошу Вас показать мне голубое платье сорок восьмого размера*). Бундай ҳолларда кенгайтирувчи муҳимлиги кузатилади¹⁴.

Диалогик дискурсда интенционал мазмун диалогик вазиятдан, коммуникантларнинг билим захиралари, пресуппозитив ҳолат, жумлаларнинг денотатив мундарижасидан уқилиб туради.

Масалан:

- *Ўқишга бормайсанми?*
- *Эртага онам кетадилар.*

Ҳар икки жумла содда гап кўринишида. Аммо уларнинг заминиди мураккаб пропозиционал мазмун кузатилади ва у ўзини модус интенцияси билан бирга воқелантиради.

Биринчи жумлада *Вақт бўланти, ўқишга бормайсанми?* Қўшма гап характеридаги жумласининг пропозиционал мазмуни берилган бўлиб, унинг бир қисми ва адресантнинг субъектив муносабати (модус) имплицит ифодаланишга эга. Нутқий вазият ботиний ифодаланган мазмуннинг реаллаштирувчилари ҳисобланади. Чунки ҳеч қандай кенгайтирувчиларсиз берилган *Ўқишга бормайсанми?* жумласи у

¹⁴ Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагматический и когнитивный аспекты.

айни ўқишга жўнаш вақтида айтилаётганлигини кўрсатади. Агар у кейин бажарилиши лозим бўлган ҳаракатни ифодаласа эди, унда *бугун, эртага* каби кенгайтирувчилар билан берилиши мумкин эди. Шунингдек, жумлада ҳаракатни бажаришга ундаш маъноси ҳам мавжуд бўлиб, бу пресуппозитив мазмуннинг идрок этилиши жумланинг структураси билан белгиланади – кенгаймаганлик шундай тушунча ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи – жавоб жумлада онасининг кечиши ҳақидаги хабар эксплицит ифодаланишга эга. Бироқ сўзловчи учун ҳам, адресат учун ҳам ушбу диалогик дискурс вазиятида бу муҳим ахборот эмас. Балки берилиши лозим бўлган ахборотнинг детерминистик қувватловчиси, мустаҳкамловчиси сифатида намоён бўлмокда. *Эртага онам кетадилар* жумласи аслида зимдан «Ўқишга бормайман» мазмунини ифодалаш учун хизмат қилмокда. Инкор мазмунини ифодалаш ва уни бир содда гап асосида бериш нутқий прагматик вазият билан қувватланади. Зеро, сўзловчи адресатнинг онаси келганлигидан ва унинг кетиши лозимлигидан хабардор. Шунинг учун адресатнинг ахборотини *Эртага онам кетадилар, шунинг учун ўқишга бормайман* шакли эргаш гапли кўшма гап қурилишидаги жумла сифатида тушунади. Адресантнинг ушбу фикрни тушунишини иташ адресатнинг ички хоҳиши сифатида ботинан юзага чикмай, мазкур содда гапнинг ўзида қолаверган.

Демак, прагматик вазият диалогик дискурсда воқеланган жумлаларнинг структур хусусиятларининг ҳам ўзига хослигини ва зарурат бўлмаганда, уларнинг содда гап кўринишида бўлишини таъминлайди.

Диалогик дискурсдаги кўшма гаплардаги интенционал ва пропозиционал ҳолатларнинг жумлаларга тақсимланиши, шунга мувофиқ равишда гап қурилишининг турли структур хусусият касб этиши перформативликни ташувчи феъллар ва уларнинг бирикувчанлик-бириктирувчанлик омиллари билан боғлиқ бўлади. Нутқий вазият, коммуникантларнинг ҳолати ва бошқа қатор омилларга боғлиқ равишда нутқий интенция турли шаклларда бўлади. Бу илтимос, буйруқ, таҳдид, маслаҳат каби турли нутқий актларнинг воқеланиши билан боғлиқ.

Илтимос акти: *Сиздан илтимос, гапимни ерда қолдирмасангиз. Ўтинаман, шунга қўл қўйсангиз. Худо хайрингизни берсин, мени ўтказиб юбора олмайсизми?*

Тазйик акти: *Буюраман, гапимни ерда қолдирма. Топшириқни ба-жаринг, шунга қўл қўйинг. Буйругим шу: уни ўтказиб юборинг?*

Тахдид акти: *Гап битта, гапимни ерда қолдирманг. Қани, қўл қўйма-чи. Ҳаддингни бил-да, уни ўтказиб юбор?*

Маслаҳат акти: *Гапимни ерда қолдирмасангиз, хурсанд бўлардим. Яхшиси, шунга қўл қўйинг. Мени ўтказиб юборсангиз, савобга қолардингиз.*

Актларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда жумлаларнинг синтактик курилиши ҳам турлича бўлади. Юқоридаги турли нутқий актларда бир пропозиционал мазмунни ифодалаш учун ишлатилган жумлалар қўшма гапларнинг турли кўринишларига мисол бўлади. Қўшма гапларнинг ҳар хил нутқий актда бошқа-бошқа турларининг қўлланиши адресантнинг модус орқали ифодаланган ички интенциясининг характерига боғлиқ. Айримларида модус ва пропозиционал мазмуннинг қатъий зичлиги уларнинг ифодаловчилари эргаш гапли қўшма гаплар кўринишида бўлишини таъминлаган бўлса, бошқасида, ушбу алоқаларнинг зич бўлмаганлиги гапларнинг боғловчисиз қўшма гаплар кўринишида бўлишини тақозо қилган.

Коммуникатив ва нутқий актларни фарқлаш лозим. Коммуникатив акт ўта кенг қамровли эканлиги билан характерланади. Шу маънода нутқий акт коммуникатив актнинг таркибий қисми сифатида унинг бошқа унсурлари билан яхлит бир системани ташкил қилади. Ўз-ўзидан маълумки, нутқий акт монологик ва диалогик дискурслардан ташкил топади. Монологик акт жараёнида ҳам адресант ва адресат иштироки кузатилади. Бироқ у диалогик дискурсагидан фарқли равишда адресатнинг ноаниқлиги ва кенг қамровлилиги билан характерланади. Диалогик дискурс эса адресант ва адресатнинг муайянлиги ва улар мулоқотининг зичлигига таянади. Диалогик дискурс адресанти коммуникатив интенцияси таъсирининг аниқ натижавийлигига асосланади. Монологик дискурсагидан фарқли равишда диалогик дискурс воситалари вербал ва авербал воситалардан ташкил топади. Сўзловчи ва тингловчининг шахсий сифатлари, одатлари, хатти-ҳаракатлари диалогик дискурснинг натижавийлигини таъминлашда муҳир роль ўйнайди. Шу маънода диалогик дискурс фаол нутқий акт маҳсули сифатида қаралади. «Речевой акт вместе с его структурной

организацией включает содержание или смысл, которые придают коммуникативную ценность коммуникативному акту в самых разнообразных коммуникативных условиях и вместе с тем с множеством второстепенных факторов образуют в итоге целостное явление – коммуникативный акт»¹⁵. «Главное в речевой деятельности – выполнение коммуникативного, смыслового задания говорящего; речевой акт подчинен выражению определенного смысла и управляется механизмами, которые в системе языка служат, так или иначе, его передаче»¹⁶.

Диалогик дискурса коммуникатив акт узвлари масаласи ҳар хил ҳал қилинади. Масалан, айрим тадқиқотчилар адресант, адресат, контакт, референт ва кодни коммуникатив акт узвлари сифатида қарашади¹⁷. «Адресант вступает с адресатом в контакт по поводу определенного референта, используя определенный код»¹⁸. Бироқ, коммуникатив акт жараёнида прагматик муҳитнинг ҳам роли катта. Шу маънода адресат-адресант, референт-код, прагматик вазиятни диалогик дискурсининг компонентлари сифатида қараймиз. Улар яхлит система сифатида коммуникатив акт – мулоқот тизимини ташкил этади.

Диалогик дискурса унинг йўналишини белгилашда мулоқот тизимининг фаол унсурлари бўлган адресат ва адресантнинг хусусияти, қайфияти, ментал табиати муҳим ўрин тутати. Зеро, улардан бири, яъни адресант коммуникатив таъсир вазифасини бажаришида ўз ташқи ва ички имкониятларини ишга солади. Шу билан биргаликда, таъсирни қабул қилувчи ҳам унга мувофиқлашуви лозим бўлади. Шу маънода мулоқот сифатини таъминлашда адресат ва адресантнинг ҳам ботиний, ҳам зоҳирий мувофиқлашуви, ментал характери мутаносиблиги муҳим аҳамият касб этади.

Диалогик дискурса қатор омиллар мулоқот сифати ва йўналишини белгилайди. Улар сирасига интенционал аниқлик, муайян натижавий мўлжал, мулоқот анъаналарига риоя қилиш ва ҳ.л.ларни кўрсатиш

¹⁵ Колшанский Г.В. Коммуникативная функция и структура языка. С. 21.

¹⁶ Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. С.100.

¹⁷ Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагматический и когнитивный аспекты. Тамбов: Издательство ТГТУ, 2008. – 288 с.

¹⁸ Ключев Е.В. Речевая коммуникация. С.7.

мумкин. Нутқий мулоқот тизимида ментал анъаналарга амал қилиш билан бирга адресант ёки адресантнинг ўзига хос янгича ёндашувлари мулоқотнинг натижавийлигига кучли таъсир қилади.

Ментал табиатнинг намоён бўлиши дискурсда иштирок этаётган жумлалардаги гап қурилишининг ўзига хослиги билан характерланади. Хусусан, кузатишлардан маълум бўлдики, сўзловчи ёки тингловчи томонидан мулоқот жараёнида унинг табиатига мувофиқ равишда шарт эргаш гапли кўшма гапларнинг кўпроқ қўлланишини қайд этиш мумкин:

1. *Тоҳирнинг назарида, Робия ёмон бир бахтсизлик бўлишини ҳозирдан сезиб, кўзига ёш олаётгандек кўринарди.*

– *Мендан кўп хавотирланма, Робия. Мен бир деҳқон одаммен. Ҳаво очилса, далага чиқиб қўшимни ҳайдаймен. Ўрогимни ўрамен. Ёғийнинг менга не иши бор?* (П.Қодиров. «Юлдузли тунлар»).

2. *Бирон сабаб билан келгандирсиз-да, мулла тоға? – сўради Тоҳир.*

– *Сабаб шуким, жиян, уруш бошланса, қурилиш тўхтайди, меъморнинг кераги бўлмай қоладир...* (П.Қодиров. «Юлдузли тунлар»).

Диалогик дискурсда «нутқий юриш» тушунчаси адресат ёки адресантнинг мулоқотдаги роль бажаришининг кетма-кетлигини кўрсатса, «нутқий кадам» тушунчаси мулоқот мақсади сари қўйилаётган кадамларнинг изчил кетма-кетлигига ишора қилади. «В анализе последовательностей речевых актов разграничиваются такие понятия, как:

1) **речевой ход**, который связан обычно со сменой коммуникативных ролей;

2) **речевой шаг**, понимаемый как одно высказывание или ряд высказываний в пределах одного речевого хода.

Между речевыми ходами собеседников существуют смысловые связи, которые обусловлены тождеством темы, согласованием интенций/иллюкций (например: вопрос–ответ; просьба–отказ) и т.п. Прочность этих связей различна, им присуща также ритуализованность различной степени. Речевые шаги могут иметь различные объёмы. Они могут состоять из нескольких предложений или из слов, выполняющих функцию предложения»¹⁹.

¹⁹ Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагматический и когнитивный аспекты.

Коммуникантлар орасидаги нутқий контактни сақлаб қолиш ва узайтиришда, шунингдек нутқий юришларнинг зичлигини таъминлашда қўшма гап таркибий қисмларининг роли аҳамиятли ва ўзига хос. Улар прагматик вистлар таъкидлашганидек, метакоммуникатив сигналлар вазифасини бажаради. «Метакоммуникативные сигналы неинформативны в содержательном плане, они не вносят ничего нового в содержание общения, а служат целям успешного осуществления коммуникативного сотрудничества. Успешность коммуникативного акта в немалой степени определяется умением его участников установить и поддержать контакт, направить разговор в нужное русло, завершить беседу. Важную роль при этом играет знание и успешное применение метакоммуникативных высказываний»²⁰. Диалогик дискурда *Мен сизга айтсам; Эътибор берган бўлсангиз; Агар рухсат берсангиз; Эътиборингизга ҳавола қилмоқчиманки* каби қўшма гап компонентлари ана шундай хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради. Бу узвлар нутқий юришдаги нутқий қадамлар ҳисобланади.

Диалогик дискурс яхлит ва жонли система бўлиб, унинг бошланиши, давом этиши ва якуни мавжуд. Улар прагматик вистлар томонидан мулоқот фазалари деб ҳам юритилади. Ҳар қандай диалогик дискурда ибтидо, ядро ва интиҳо яхлит ҳолда мавжуд бўлади. Шунингдек, ибтидо фазасининг ўзи алоқанинг ўрнатилиши ва бошланиши, ядро интенциянинг ифодалашга киришиш ва ифодалаш, ниҳоя фазаси эса ниҳоясига етказиш ва натижа каби узвлардан ташкил топади. Ҳар бир мулоқот фазаси учун типик хосланган синтактик қурилмалар мавжуд бўлади. Шунингдек, лисоний воситаларга новербал воситалар ҳамроҳлик қилади. Дейлик, диалогик дискурс ибтидоси учун контактнинг ўрнатилиши жараёни кўп ҳолларда новербал воситалар асосида амалга оширилади. Масалан, ҳаракатдан тўхташ, коммуникантни кузатиш, у томонга йўналиш, томоқ кириш ёки йўталиш каби. Контактнинг ўрнатилиши икки қисмдан иборат бўлади:

- а) сўзловчининг ўзини контакт учун тайёрлаш;
- б) тингловчининг диққатини тортиш.

Ҳозиргина саналган новербал воситаларнинг айримлари (гавдани буриш, тингловчи томон йўл олиш, тўхташ, кутиш) сўзловчи-

²⁰ Ўша жойда.

нинг ўзининг тайёрланишини кўрсатса, бошқалари (томоқ қириш, йўталиш, тикилиб қараш) адресатни мулоқотга чорлаш, жалб қилиш мақсадида амалга оширилади. Булар сирасида кечирим сўраш (узр-маъзур) алоқа ўрнатишнинг асосий вербал воситаларидан биридир. Шунингдек, салом бериш, адресатнинг исмини айтиб чақириш ёки бошқа ундалмалар асосида мурожаат қилиш (*Ака! Отахон! Домла! Амаки! Кенной!*), шунингдек, этик номуносиб бирликлар (ундов чўзлар: *Эй! Ўв!*) дискурсив алоқа ўрнатишнинг сермахсул воситаларидан биридир. Мулоқот маданиятида саломлашувдан кейинги ҳолат алоқа қиришувчи субъектнинг таниш ёки таниш эмаслиги асосида икки хил кечади. Таниш субъект билан, аввало, ҳол-аҳвол сўрашиш акти кечади. Нотаниш киши билан эса, одатда, *Билмайсизми, ...; Айта оласизми, ...; Бир нарсани сўрасам майлими, ...* қолипли эргаш гапли қўшма гапларни қўллаш ҳолатлари кузатилади.

Диалогик дискурсининг «Илтимос» акти қуйидаги фазаларга эга:

Диалогни очиш фазаси:

А: Ўтибор тортиш (бир томонлама).

А/В: Сухбат учун алоқа ўрнатиш (икки томонлама).

А: Узр.

В: Маъзур.

Ядро

А/В: Ахборот алмашув учун икки томоннинг мувофиқлашуви.

А. Илтимоснинг ифодаланиши.

В: Илтимосга муносабат.

А. Қониқиш/қониқмаслик.

Заключительная фаза.

А. Миннатдорлик.

В. Миннатдорликнинг қабул қилиниши²¹.

Мулоқот дискурси мулоқот муҳитининг ўзига ҳослиги билан боглиқ равишда турлича моҳият касб этиши мумкин. Биз бунда бево-сита жонли мулоқот дискурсив фазалари ҳақида сўз юритдик. Аммо телефонда сўзлашувда, СМС жўнатишда, он-лайн тизимида ёки е-

²¹ Шунга ўхшаш ҳолат ҳақида маълумот олиш учун қаранг: Bottcher W. Gesprächsanalyse und Unterrichtsforschung: Beiträge der linguistischen Gesprächsanalyse zur Erkundung des unterrichtlichen Sprechwechsels / W. Bottcher // Das Wort. Germanistisches Jahrbuch: DAAD. Bonn, 1997. S. 26.

Коммуникантлар орасидаги нуткий контактни сақлаб қолиш ва узайтиришда, шунингдек нуткий юришларнинг зичлигини таъминлашда қўшма гап таркибий қисмларининг роли аҳамиятли ва ўзига хос. Улар прагмалингвистлар таъкидлашганидек, метакоммуникатив сигналлар вазифасини бажаради. «Метакоммуникативные сигналы неинформативны в содержательном плане, они не вносят ничего нового в содержание общения, а служат целям успешного осуществления коммуникативного сотрудничества. Успешность коммуникативного акта в немалой степени определяется умением его участников установить и поддержать контакт, направить разговор в нужное русло, завершить беседу. Важную роль при этом играет знание и успешное применение метакоммуникативных высказываний»²⁰. Диалогик дискурса *Мен сизга айтсам; Эътибор берган бўлсангиз; Агар рухсат берсангиз; Эътиборингизга ҳавола қилмоқчиманки* каби қўшма гап компонентлари ана шундай хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради. Бу узвлар нуткий юришдаги нуткий қадамлар ҳисобланади.

Диалогик дискурс яхлит ва жонли система бўлиб, унинг бошланиши, давом этиши ва якуни мавжуд. Улар прагмалингвистлар томонидан мулоқот фазалари деб ҳам юритилади. Ҳар қандай диалогик дискурса ибтидо, ядро ва интиҳо яхлит ҳолда мавжуд бўлади. Шунингдек, ибтидо фазасининг ўзи алоқанинг ўрнатилиши ва бошланиши, ядро интенциянинг ифодалашга киришиш ва ифодалаш, ниҳоя фазаси эса ниҳоясига етказиш ва натижа каби узвлардан ташкил топади. Ҳар бир мулоқот фазаси учун типик хосланган синтактик қурилмалар мавжуд бўлади. Шунингдек, лисоний воситаларга новербал воситалар ҳамроҳлик қилади. Дейлик, диалогик дискурс ибтидоси учун контактнинг ўрнатилиши жараёни кўп ҳолларда новербал воситалар асосида амалга оширилади. Масалан, ҳаракатдан тўхташ, коммуникантни кузатиш, у томонга йўналиш, томоқ қириш ёки йўталиш каби. Контактнинг ўрнатилиши икки қисмдан иборат бўлади:

- а) сўзловчининг ўзини контакт учун тайёрлаши;
- б) тингловчининг диққатини тортиш.

Ҳозиргина саналган новербал воситаларнинг айримлари (гавдани буриш, тингловчи томон йўл олиш, тўхташ, кутиш) сўзловчи-

²⁰ Ўша жойда.

нинг ўзининг тайёрланишини кўрсатса, бошқалари (томоқ кириш, йўталиш, тикилиб қараш) адресатни мулоқотга чорлаш, жалб қилиш мақсадида амалга оширилади. Булар сирасида кечирим сўраш (узрмаъзур) алоқа ўрнатишнинг асосий вербал воситаларидан биридир. Шунингдек, салом бериш, адресатнинг исмини айтиб чақириш ёки бошқа ундалмалар асосида мурожаат қилиш (*Ака! Отахон! Домла! Амаки! Кеннойи!*), шунингдек, этик номуносиб бирликлар (ундов чўзлар: *Эй! Ўв!*) дискурсив алоқа ўрнатишнинг сермахсул воситаларидан биридир. Мулоқот маданиятида саломлашувдан кейинги ҳолат алоқа киришувчи субъектнинг таниш ёки таниш эмаслиги асосида икки хил кечади. Таниш субъект билан, аввало, ҳол-аҳвол сўрашиш акти кечади. Нотаниш киши билан эса, одатда, *Билмайсизми, ...; Айта оласизми, ...; Бир нарсани сўрасам майлими, ...* қолипли эргаш гапли қўшма гапларни қўллаш ҳолатлари кузатилади.

Диалогик дискурсининг «Илтимос» акти куйидаги фазаларга эга:

Диалогни очиш фазаси:

А: Эътибор тортиш (бир томонлама).

А/В: Сухбат учун алоқа ўрнатиш (икки томонлама).

А: Узр.

В: Маъзур.

Ядро

А/В: Ахборот алмашув учун икки томоннинг мувофиқлашуви.

А. Илтимоснинг ифодаланиши.

В: Илтимосга муносабат.

А. **Қониқиш/қониқмаслик.**

Заключительная фаза.

А. Миннатдорлик.

В. Миннатдорликнинг қабул қилиниши²¹.

Мулоқот дискурси мулоқот муҳитининг ўзига хослиги билан боглик равишда турлича моҳият касб этиши мумкин. Биз бунда бевожита жонли мулоқот дискурсив фазалари ҳақида сўз юритдик. Аммо телефонда сўзлашувда, СМС жўнатишда, он-лайн тизимида ёки е-

²¹ Шунга ўхшаш ҳолат ҳақида маълумот олиш учун қаранг: Bottcher W. Gesprächsanalyse und Unterrichtsforschung: Beiträge der linguistischen Gesprächsanalyse zur Erkundung des unterrichtlichen Sprechwechsels / W. Bottcher // Das Wort. Germanistisches Jahrbuch: DAAD. Bonn, 1997. S. 26.

mail орқали мулоқотда мулоқотнинг юқоридаги фазалари турлича бўлиши мумкин ва воситаларнинг ўзига хослигига қараб, берилаётган ахборотнинг лисоний ёки нолисоний ифодалари ҳам фарқланади. Масалан, эътиборни тортиш телефон орқали сўзлашув ёки СМС жўнатишда махсус қўнғироқ сигналлари орқали амалга ошади. Аmmo e-mail орқали мулоқотда бундай кириш фазаси кузатилмайди. Телефон орқали сўзлашувда гап қурилиши ўзига хос клишелар асосида амалга оширилади. Бунда қўшма гапларнинг қисқарган, тўлиқсиз турларидан кенг фойдаланилади:

- Эдике, алло, Эдике, - *хирилларди бекат навбатчиси Шоймардон.*
- Эдике, *гапимни эшитяпсанми? Жавоб бер!*
- *Эшитяпман, эшитиляпти!*
- *Эшитяпсанми, гапир!*
- *Эшитяпман, деяпман-ку, эшитяпман!*
- *Қандай эшитяпсан?*
- *Нариги дунёдан эшитилгандай бўляпти!*
- *Нега энди?*
- *Билмадим.*
- *Ҳа-а...Шундай қилиб, Казангап чол, ҳалигидай...*
- *Нима, ҳалигидай?*
- *Ўлибди чоғи! – Шоймардон бундай вазиятда нима дейиш кераклигини тополмай қийналарди. – Нима десам экан, ҳалигидай, яъни, масалан, ўзининг шонли ҳаёт йўлини якунлабди-да.*
- Э-э, - *қисқа жавоб қилди Эдигей (Ч.Айтматов. «Асрга татиғулик кун»).*

Дискурсда иштирок этаётган қўшма гаплар соф сўзлашув нутқи муҳитида ирод этилаётганлиги туфайли пропозиционал қийматидан кўра модус жиҳати устуналашганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, *Нима десам экан, ҳалигидай, яъни, масалан, ўзининг шонли ҳаёт йўлини якунлабди-да* қўшма гапи уч компонентли бўлиб, ундан дастлабки иккитаси пропозиционал «бўшлиги» билан характерланади.

Диалогик дискурсда ролларнинг алмашинуви асосида жумлаларнинг қурилиш структураси, семантик табиати ўзига хос аҳамият касб этади. Ҳар қандай ҳолда ҳам синтактик-семантик структура дискурснинг йўналишини белгилаётган интенционал фаолиятнинг умумий мундарижаси доирасида сақланади ва ўзгаради.

Аравакаш йигит икки коса тўла қатикли ош ичгандан кейин отларига қараш учун ҳовлига чиқиб кетди.

– Оббо! Мулла Фазлиддин-ей! - деди Тоҳирнинг отаси узун оқ соқолини ўйчан эзгилаб. - Зап келибсизда. Шу нотинч кунларда бирга бўлганимизга не етсин!

– Ҳамма ёғийдан қочганда биз аждаҳонинг комига яқин келиб қолганимиз ғалати бўлди, - деб мулла Фазлиддин жиянига маъюс кўзлари билан қаради.

– Бирон сабаб билан келгандирсиз-да, мулла тоға?- сўради Тоҳир.

– Сабаб шуким, жиян, уруш бошланса, қурилиш тўхтайди, меъморнинг кераги бўлмай қоладир...

– Ие, ахир, сизни подшонинг ўзи хизматига олган эмасмиди?

– Подшо Аҳси қўргонида мудофаа билан овора. Тошкент хони Маҳмудхон ҳам Хўжанд томондан бизга қариши қўшин тортиб келмоқда эмиш. Қашгар ҳокими Абубакир дуғлат деган яна бир босқинчи шарқдан Ўзганнинг устига бостириб келмишидир.

Тоҳирнинг кекса отаси қўрқиб, ёқасини ушлади:

– Ё тавба! Бу ёқда Самарқанд қўшини... Уч томонимиздан ёғий бостириб келибдими, а? Бу не кўргулик, мулла Фазлиддин? Ахир бу подшолар сал муроса қилсалар бўлмайдими, а? Ҳаммаси бир-бирига қариндош эмиш-ку. Шу ростми?

– Ҳа, рост. Тошкент хонига бизнинг подшомиз куёв бўладир. Қўқонни талаб, бизнинг устимизга қўшин тортиб келаётган Самарқанд подшоси Султон Аҳмад мирзо эса бизнинг подшомиз билан бир отадан бўлган оға-инидирлар. Яна бу икки подшо бир-бирларига қуда бўлмоқчи эдилар. Самарқанд подшосининг қизи бизнинг валиаҳдимиз Бобур мирзога беш яшарлигидан унаштириб қўйилган эди. Шундан билингки, оға инига, қайнота куёвга қариши қилич кўтариб чиқмишидирлар!

– Ё пока парвардигор! Охирзамон дегани шумикин, мулла Фазлиддин?

– Билмадим, почча. Ҳар қалай, ёмон тоғдорларнинг замонаси охирлаб қолаётганга ўхшайдир. Кошки, ўзлари билан ўзлари олишиб, бизни тинч қўйсалар! Урушининг бутун жабру жафоси эл-улуснинг бошига тушадир.

– *Шўримиз бор экан-да!*

– *Ҳа, толе бўлмаса қийин экан! Мен не-не орзулар билан илм-хунар ўрганиб келган эдим! Ватанимиз бўлмиш Фаргона водийсида Самарқанддагидек, Ҳиротдагидек мадрасалар-у кўркем обидалар қурмоқчи эдим. Бу салтанату подишолардан не қолур? Ҳаммаси номнишонсиз кетгай! Биздан ёдгорлик бўлиб қолса, Улугбек мадрасасидек, Навоий Унсиясидек санъат асарлари қолур!*

Мулла Фазлиддин оғзидан чиқиб кетган сўнгги гаплардан хавотирланиб, эшик томонга қараб қўйди.

Дискурсда адресант (Тоҳир ва отаси) ва адресат (Фазлиддин) ўртасидаги мулоқот мазмуни акс этган. Дискурснинг интенцияси адресантлар томонидан билдирилган. Мулла Фазлиддин эса адресантларнинг интенциясини қондириш субъекти сифатида улар билан савол-жавоб қилади. Дискурс мавзуси «Хонликлар ўртасидаги можа-ро». Коммуникатив юриш адресант томонидан бошланган. Матндаги гапларнинг барчаси ушбу мавзу ёритилиши учун хизмат қилмоқда. Маълумки, диалогик дискурснинг аксарияти қўшма гаплардан иборат бўлади. Зеро, ҳар қандай диалогик дискурсда кўчирма ва муаллиф гапининг иштирок этиши тайин. Ушбу дискурсда ҳам еттита қўшма гап иштирок этган бўлиб, улардан тўрттаси кўчирма гапли қўшма гап бўлса, учтаси эргаш гапли қўшма гап.

Дискурс ахборот алмашув диалоги асосига қурилган. Бу дискурсда ҳам юқорида таъкидланганидек, диалогик дискурснинг ташкилий фазаларидан барчаси амал қилган. Хусусан, диалогни очиш фазасига кирувчи (бир томонлама) эътибор тортиш акти Тоҳирнинг отаси томонидан амалга оширилган бўлиб, у вербал (*— Оббо! Мулла Фазлиддин-эй! Зап келибсизда. Шу нотинч кунларда бирга бўлганимизга не етсин!*) ва новербал восита (узун оқ соқолини ўйчан эзгилаш) асосида амалга оширилган. Натижада суҳбатдош (адресат) нинг адресатга диққат қилиш акти амалга оширилган. Диалогик дискурснинг «қўзғатувчи» воситаси адресант томонидан қўйилган қадамдир. Бунда: *Зап келипсизда. Шу нотинч кунларда бирга бўлганимизга не етсин!* жумлалари суҳбат учун алоқа ўрнатиш воситаси ҳисобланади. Шу жумла адресатни мулоқотга тугал тайёрлайди.

Дискурс ядроси матннинг қуйидаги қисмлари орқали ифодаланган:

– Ҳамма ёғийдан қочганда биз аждаҳонинг комига яқин келиб қолганимиз галати бўлди, – деб мулла Фазлиддин жсиянига маъюс кўзлари билан қаради.

– Бирон сабаб билан келгандирсиз-да, мулла тоға?- сўради Тоҳир.

– Сабаб шуким, жсиян, уруш бошланса, қурилиш тўхтайди, меъморнинг кераги бўлмай қоладир...

– Ие, ахир, сизни подшонинг ўзи хизматига олган эмасмиди?

– Подшо Аҳси қўргонида мудофаа билан овора. Тошкент хони Маҳмудхон ҳам Хўжанд томондан бизга қарши қўшин тортиб келмоқда эмиш. Қашгар ҳокими Абубакир дуғлат деган яна бир босқинчи шарқдан Ўзганнинг устига бостириб келмишдир.

Тоҳирнинг кекса отаси қўрқиб, ёқасини ушлади:

– Ё тавба! Бу ёқда Самарқанд қўшини... Уч томонимиздан ёғий бостириб келибдими, а? Бу не кўргулик, мулла Фазлиддин? Ахир бу подшолар сал муроса қилсалар бўлмайдими, а? Ҳаммаси бир-бирига қариндош эмиш-ку. Шу ростми?

– Ҳа, рост. Тошкент хонига бизнинг подшомиз куёв бўладир. Қўқонни талаб, бизнинг устимизга қўшин тортиб келаётган Самарқанд подшоси Султон Аҳмад мирзо эса бизнинг подшомиз билан бир отадан бўлган оға-инидирлар. Яна бу икки подшо бир-бирларига қуда бўлмоқчи эдилар. Самарқанд подшосининг қизи бизнинг валиаҳдимиз Бобур мирзога беш яшарлигидан унаштириб қўйилган эди. Шундан билингки, оға инига, қайнота куёвга қарши қилич кўтариб чиқмишдирлар!

– Ё пока парвёрдигор! Схирзимон дегани шумикин, мулла Фазлиддин?

– Билмадим, почча. Ҳар қалай, ёмон тождорларнинг замонаси охирлаб қолаётганга ўхшайдир. Кошки, ўзлари билан ўзлари олишиб, бизни тинч қўйсалар! Урушининг бутун жабру жафоси эл-улуснинг бошига тушадир.

– Шўримиз бор экан-да!

– Ҳа, толе бўлмаса қийин экан! Мен не-не орзулар билан илмунар ўрганиб келган эдим! Ватанимиз бўлмиш Фарғона водийсида

Самарқанддагидек, Ҳиротдагидек мадрасалар-у кўркам обидалар курмоқчи эдим. Бу салтанату подшолардан не қолур? Ҳаммаси номнишонсиз кетгай! Биздан ёдгорлик бўлиб қолса, Улугбек мадрасасидек, Навоий Унсиясидек санъат асарлари қолур!

Мулла Фазлиддин оғзидан чиқиб кетган сўнгги гаплардан хавотирланиб, эшик томонга қараб қўйди.

Дискурснинг якуний фазаси адресат томонидан имплицит ифодаланади. Бу муаллиф тили орқали *Мулла Фазлиддин оғзидан чиқиб кетган сўнгги гаплардан хавотирланиб, эшик томонга қараб қўйди* жумласи билан берилади. Унинг бу хатти-ҳаракати дискурснинг ушбу қисмига нукта қўяди. Бу адресат томонидан ҳам қувватланади: *Унинг сарой аҳлига яқин юриб, айғоқчилардан юрак олдириб қўйганини Тоҳир ҳам сезди.*

Нутқий вазиятга боғлиқ равишда диалогик дискурснинг фазавий структураси ҳар хил коммуникантлар ва турли интенционал мақсадлар натижаси ўлароқ турлича кўриниш касб этиши мумкин. Шундай бўлса-да, юқорида зикр этилган умумий дискурсив қолип умумий тарҳ сифатида воқеланаверади.

4.2. Диалогик дискурс таркибида формал ва функционал-семантик алоқа

Диалогик дискурс формал ва формал-функционал яхлитлиги билан характерланади. Бу яхлитлик прагматик омиллар билан ҳам мустаҳкамланади.

Диалогик дискурсдаги дискурсив алоқа лингвистлар ва прагматик-лингвистлар томонидан атрофлича ўрганилган. Аввало, матннинг таркибий қисмларининг синтактик-семантик ва морфологик воситалар асосидаги боғланиши ҳақида сўз кетганда Л.Г.Фридман, М.М.Макарова тадқиқотларини таъкидлаш лозим²². Айниқса, дискурсдаги структур-семантик алоқа кенг қўламли адабиётлар мажмуида таҳлил ва талқин

²² Фридман Л.Г. Грамматические проблемы лингвистики текста : Автореф. дис. ... докт. филол. наук. Л., 1979. -52 с; Макарова М.М. Средства связи самостоятельных предложений в научно-технической речи современного немецкого языка : Автореф. дис. ... канд. филол. наук. М., 1960. – 22 с.

килингган. Бу борада рус ва хориж тилшунослигида бажарилган айрим эътиборли ишларни санаб ўтиш кифоя²³.

Дискурс яхлит система бўлиб, ундаги барча ташкил этувчи бирликлар, лисоний ёки нолисоний бўлишидан қатъи назар бир умумий мазмун остида бирлашади. Дискурсни ташкил этувчи лисоний бирликлар ҳам ўз семантик структураси билан бевосита ёки билвосита яхлитлик ташкил этиш учун хизмат қилади. Хусусан, ҳар бир абзац яхлит, умумий дискурсив мундарижа остида таркибий қисмлар сифатида фаолият кўрсатса, абзацни ташкил қилувчи жумлаларда умумий ва боғловчи мазмун кузатилади. Гапни ташкил этувчи сўзларда ҳам

²³ Пospelов Н.С. Сложное синтаксическое целое и основные особенности его структуры // Докл. и сообщ. ин-та рус. яз. Акад. наук СССР. Вып. 2. М., 1946. С. 43 – 68; Гиндин С.И. Внутренняя организация текста: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. М., 1972. – 390 с; Г а к В.Г. О семантической организации текста // Лингвистика текста: матер. науч. конф. ; МГПИИЯ им. М.Тореза. М., 1974. Ч. 1. С. 61 – 66; Гак В.Г. О семантической организации повествовательного текста // Сб. науч. тр. МГПИИЯ им. М.Тореза. Вып. 103. М., 1976. С. 5-14; Г а к В.Г. Номинализация сказуемого и устранение субъекта // Синтаксис и стилистика. М., 1976. С. 85– 102; Г а к В.Г. К типологии лингвистических номинаций // Языковая номинация: Общие вопросы. М., 1977. С. 230 – 293; Арутюнова Н.Д. К проблеме функциональных типов лексического значения // Аспекты семантических исследований: Сб. науч. тр. М.: Наука, 1980. С. 156 – 249; Влодова Е.В. Однокорневые разноструктурные синонимы как средство связи между компонентами текста // Лингвистика текста и обучение иностранным языкам. Киев, 1978. С. 102 – 108; Швед В.И. Текстобразующие потенции словообразовательных единиц // Лингвистика текста и обучение иностранным языкам. Киев, 1978. С. 109 – 113; Чикваишвили К.С. Структура семантической организации текста: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. М., 1980. – 24 с; Greimas A.J. Semantique structurale: Recherch de methode / A.J.Greimas. Paris: Ldbr. La rousse, 1966. – 262 p; Greimas A.J. Strukturele Semantik: Methodologische Untersuchungen / A.J. Greimas. – Braunschweig : Vieweg, 1971. – 241 S.; Bellert I. On the logicosemantic structures of utterances / I. Bellert. – Wroclaw : Ossolenium, 1972. P. 64 – 76; Dressler W. Einführung in die Textlinquistik / W. Dressler. – Tübingen : Niemeyer, 1973. N 2. P. 20 – 27; Kallmeyer W. Lektürekolleg zur Textlinquistik / W. Kallmeyer, etc. – Frankfurt am Main: Athenaum, 1974. – Bd. 1. P. 143 – 188; Gülich E. Linguistische Textmodelle: Grundlagen und Möglichkeiten / E. Gulich, W. Raible. München: Fink Verlag, 1977. P. 42–43; Viehweger D. Struktur und Funktion nominativer Ketten im Text / D.Viehweger // Kontexte der Grammatiktheorie (Studia grammatica; 12). Berlin, 1978. S. 149 – 168, P. 160 – 165.

бевосита ёки билвосита умумийликка эга бўлган боғловчи семалар мавжуд бўлади. А.Греймас таъкидлашича, дискурснинг семантик яхлитлиги учун матннинг ташкил этаётган лексемалар ўзаро умумий семага эга бўлишлари лозим. Бироқ бундаги умумий сема тушунчасини жўн тушунмаслик керак. Яъни бунда кўзда тутилаётган плассема терминини архисема ёки интеграл сема тушунчасининг муқобил атамаси сифатида баҳолаш мумкин эмас. Буни тўғри англамоқ учун кичик бир дискурс таркибидаги лексемаларнинг семантик «умумийлиги»га назар ташлаб кўрамиз:

«Мулла Фазлиддин сурашни таққутига қайтариб солди-ю, хизматкор йигитни чақирди:

– Кўчларни йигиштир! Аравани қўш! Қувага жўнагаймиз!.. Тез!.. Тезроқ!..

Мана ҳозир опасининг уйида ўтириб, юз берган воқеани поччаси билан жиянига сўзлаб берар экан, нўлат сандиқда Хонзода бегимнинг сураши борлигини уларга ҳам айтмади. Бу сирни у ҳеч кимга билдирмоқчи эмас эди...

– Во дариг! - деб Тоҳирнинг отаси оғир уҳ тортди:- Бизнинг суянган тоғимиз сиз эдингиз, мулла Фазлиддин!.. Энди сиз ҳам қувгинга учраган бўлсангиз.

– Начора? Ҳаммамизнинг ҳам тақдиримиз қил устида турибди!

– Подшоҳга арзга борсангиз, додингизга етмасмикин, мулла тоға?

– Бу тўполонлар босилса, бир марта бориб арз қилишим аниқ. Агар додимга етса етди, етмаса, яна Ҳиротга қайтиб кетурмен! Алишер Навоий Шифоия деган бино қурдирмоқчи, деб эшитган эдим. Оламда биз учун ёнган ягона умид чироғи ўша сиймо бўлиб қолди.

– Ҳирот орзусини қилманг, мулла Фазлиддин, Фарғонада ҳам ҳунарингизнинг қадрига етадиган одамлар бор. Қуванинг кўприги сизнинг режангиз билан қурилган эди. Халқ ҳалигача сизни дуо қилиб юрибдир».

Матн сўнгидаги жумла таркибида иштирок этган юрмоқ сўзининг семантик структурасида матн аавалидаги: *Во дориг* ундов сўзига бевосита боғланадиган бирор унсурни топиш қийин. Демак, А.Греймаснинг юқоридаги фикрини «уларнинг семантик структурасида шу матн ёки унинг таркибий қисмларига нисбатан боғлайдиган

семантик «зарра» «мавжуд бўлади» маъносида тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Дискурсда дискурсив алоқани ҳар хил тушуниш мавжуд. Прагма-лингвистлар томонидан қўлланадиган *изотопия* тушунчаси матннинг дискурсив таҳлилида алоҳида эътиборга молик. Баъзилар томонидан матний унсурлар орасидаги алоқани аъъанавий синтактик алоқалар билан айнанлаштирган ҳолатлар ҳам кузатилади: эгали алоқа, кесимли алоқа, тўлдирувчи алоқа, ҳолли алоқа, аниқловчи алоқа каби²⁴. Е.И.Шендельс лексик-синтактик, морфологик, сўз яшаш ва соф лексик алоқаларни ажратса²⁵, Т.И.Сильман эса фразалар орасидаги алоқанинг синтактик ва лексик-синтактик турларини фарқлайди²⁶. Бу таснифларда аъъанавий грамматик алоқалар таҳлили қолипларидан чиқиб кетиш қийин бўлганлигини кўриш мумкин. Э.Верлих маълум даражада матний алоқаларнинг ноанъанавий кўринишларини фарқлашга интилади²⁷. Тилшунос Э.Ф.Скороходько томонидан ажратилган семантик алоқа юқорида Греймас томонидан таъкидланган алоқани маълум даражада муайянлаштиргандек тасаввур уйғотади: *графа* тушунчаси сўз, гап ва хатбошиларга мувофиқ келса, *ребра* тушунчаси асосида эса ушбу бирликлар орасидаги алоқаларни тушунади²⁸.

Тилшунос С.И.Гиндин семантик такрор тушунчаси асосида бир сира мазмуний муносабатларни назарда тутлади:

- 1) умумистеъмол синонимлар орасидаги алоқа;
- 2) индивидуал маънодошларни қўллаш асосидаги такрор;
- 3) антонимларни қўллаш асосидаги такрор;
- 4) ўзакдошларни қўллаш асосидаги такрор;
- 5) «жинс–тур» ва «жинс–тур» муносабати асосидаги такрор;

²⁴ Фигуровский И.А. Синтаксис целого текста и ученические письменные работы. М.: Учпедгиз, 1961. – 171 с.

²⁵ Schendels E.I. Deutsche Grammatik: Morphologie, Syntax, Text: Практическая грамматика немецкого языка : учебник. М.: Высшая школа, 1979. С. 383–386.

²⁶ Сильман Т.И. Проблемы синтаксической стилистики: на материале немецкой прозы Л.: Просвещение, 1967. – 182 с.

²⁷ Werlich E. Typologie der Texte: Entwurf eines textlinguistischen Modells zur Grundlegung einer Textgrammatik / E. Werlich. – Heidelberg: Quelle und Meyer, 1975. С. 35 – 38

²⁸ Скороходько Э.Ф. Лингвистические основы автоматизации информативного потока: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Киев, 1972.-20 с.

6) «бутун–қисм» ва «қисм–бутун» муносабати асосидаги такрор;
7) бирор белгини турлича даражада ифодалаш асосидаги такрор;
8) тушунчаларни ассоциатив равишда категорияларга таснифлаш асосида:

- а) сабаб–оқибат;
- б) предмет–материал–хосса;
- в) ҳаракат–объект–фоил;
- г) коннотатив маънолар умумийлиги асосидаги алоқа²⁹.

Прагматингвистикада бирликларнинг ифодаланмиш ёки нолисоний объект ёхуд референтга муносабати асосидаги боғланишнинг қуйидаги турларини ажратиш оммалашган ва биз ҳам дискурсив алоқани тавсифлашда унга маълум даражада таянамиз:

- 1) тўлиқ кореферент такрорга асосланувчи алоқа;
- 2) қисман кореферент такрорга асосланувчи алоқа;
- 3) ассоциатив алоқа³⁰.

Тўлиқ кореферент такрорда бир нолисоний объект матн давомида такрорланиб, унинг яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Юқорида келтирилган матнни шу асосда кузатайлик.

–Ҳа, рост. Тошкент хонига бизнинг подшомиз куёв бўладир. Қўқонни талаб, бизнинг устимизга қўшин тортиб келаётган Самарқанд подшоси Султон Аҳмад мирзо эса бизнинг подшомиз билан бир отадан бўлган оға-инидирлар. Яна бу икки подшо бир-бирларига қуда бўлмоқчи эдилар. Самарқанд подшосининг қизи бизнинг валиаҳдимиз Бобур мирзога беш яшарлигидан унаштириб қўйилган эди. Шундан билингки, оға унига, қайнота куёвга қарши қилич қўтариб чиқмишдирлар!

Матнда айнан такрорланаётган *подшо* сўзлари бир хил, *куёв* сўзлари эса иккинчи бир хил денотатив маънога эга бўлиб, беш марта қўлланаётган *подшо* сўзи ҳам, икки марта такрорланаётган *куёв* сўзи ҳам матнда тўлиқ кореферент алоқани таъминлашга хизмат қилмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, дискурс охиридаги тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап дискурс мазмунини умумлаштириб, умумлашма «мағиз» бош гап зиммасига юклатилган. Буни қуйидаги матнда қўлланган милла сўзи мисолида ҳам кузатамиз:

²⁹ Гиндин С.И. Кўрсатилган манба.

³⁰ Григорьева В.С. Кўрсатилган манба.

Имом ерга қараган ҳолда бошини қимирлатиб қўйди. Самад бўқоқ хўмрайиб Сафар бўзчига қаради:

– Э, акиллай берасанда, Сафар, — деди бўқоқ, — биз нима деяпбиз-ку сен нима деяпсан.

– Хўш, нима деяпсанлар?

– Овоза гап деяпмиза, мирзабошилиққа катта **милла** керак деяпмиз-а.

– У **милла** эмас эканми?

– **Милла** бўлса ҳам, хашаки **миллалардан**-да.

– Ашунга қоганда чалғибсан, Самад, — деди Сафар бўзчи, — хат битишка келганда қўявур, камбағалга қайишқанини кўрсанг, ҳа, бўлди дейсан (А.Қодирий. «Меҳробдан чаён»).

Келтирилган матнларда бир нолисоний объект битта сўз билан ифодаланган. Факат: шундан *билингки*, *ога инига*, *қайнота куёвга қарши қилич кўтариб чиқмишдирлар* жумласида кўрсатиш олмоши эргаш гапдан англашилган объектив мазмунни такрор ифодаловчи восита мақомидадир.

Умуман олганда, нисбий сўзли (ҳавола бўлакли) эргаш гапли қўшма гаплар таркибий қисмларининг семантик боғланиши тўлиқ кореферент такрор асосидаги боғланишга мисол бўла олади дейиш мумкин (жадвал):

№	Эргаш гапли қўшма гап	Кореферент бирликлар
1	<i>Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади</i>	<i>ким - ўзи</i>
2	<i>Бизда одат шундайки, уйга келган меҳмонга ҳам кўсак чувитамиз</i>	<i>шундай – уйга келган меҳмонга ҳам кўсак чувитмоқ</i>
3	<i>Мен шундан қўрқаманки, орамизда ҳам иккиланишлар бор</i>	<i>шу – иккиланувчилар борлиги</i>
4	<i>Шундай ҳаёт тугилдики, у сенсиз яшай олмайди</i>	<i>шундай ҳаёт – у сенсиз яшай олмайди</i>
5	<i>У кучаниб қанча-қанча қаттиқ пуфласа, тирик шунча ловиллаб ёнади</i>	<i>қанча – шунча ловиллаб ёнади</i>
6	<i>Гулсум қаерда ўйнаса, Холмуроднинг кўзи ҳам ўша ерда</i>	<i>қаерда – ўша ерда</i>

Қисман кореферент алоқада дискурс унсурлари орасидаги бирликларни ўзаро қисм-бутун, тур-жинс муносабатида кўриш мумкин. Масалан: 1. **Кимлар** биз томонга ўтса, **улардан бирини** гуруҳга раҳбар қилиб тайинлаш лозим. 2. **Нима десангиз**, бажарамиз: **лой қорамиз**, **гишит қуямиз**, **пахса урамиз**.

Дискурсив алоқалар сирасида асосий матний зичликни таъминловчи восита ассоциатив алоқадир. Семантик мувофиқликка, «такрорланувчи» семаларга эга бўлган сўзлар матнда изотопик вазифани адо этади. Мисол:

«Икки пиёла чойни кетма-кет ичиб олгач, Жалил лўлаболишга ён-бошлади:

– **Камбагалнинг тўйгани** – чала бой бўлгани, – деди у кекириб. – **Сенга қўшилиб мен ҳам бой бўлдим**, худога шукр.

– Мен-чи? – деди Асадбек.

– Сен мендан баттарроқ камбагалсан.

– **Шўрва** ичгандан кейин ҳамми?

– Сен камбагал – бой деганда нимани тушунасан ўзинг? Пулинг кўп бўлса бойсан-у, йўқ бўлса камбагалмисан? Пул деганинг қўлнинг кирими? Собитхоннинг гапларини эшитганмисан? Одамнинг чўнтаги эмас, **иймони** бой бўлиши керак. Эгамнинг олдига шу бойлик билан бориб рўпара бўласиз.

– **Шўрва** ичса, **иймон** бой бўладими?

– **Калланг жойидами?** **Шўрва** нимаю **иймон** нима, фарқига борасанми ўзинг?

Жалилнинг чала муллалиги тутиб, у ер-бу ерда эшитганларини дастак қилиб «амри маъруф»ни бошлаб юборди. Асадбекнинг жимгина ўтириб тинглаши Жалилга илҳом берди – ҳали у, ҳали бунисидан чўққилаб-чўққилаб, бўзчи билганини тўқиганидай гапираверди.

Асадбекнинг сомелиги зоҳиран эди. Хаёли Чувриндининг ўлимига доир муаммолар чигилини ечиш билан банд бўлгани сабабли айтилаётган насиҳатлар у қулогидан кириб бунисидан чиқар, мияга ўтишга, фикр хазинасидан жой олишга унинг оғиз ҳолати йўл қўймас эди. Унинг учун энг маъқули – Жалилнинг тинмай «сайраб» туриши. Нима деса ҳам майли, гапирса бас, ҳозирги ҳолатида Асадбекнинг вайрон кўнгли ёлғизлик азобига дош беролмайди. Жалил уйига кириб

чиққунича буни ҳис қилди – уй деворлари ўрнидан силжиб, уни сиқа бошлади. Жалилнинг жим ўтириши эса, ёлғизликдан ҳам ёмонроқ.

Тош бўлиб қотган, муҳрланган қалбни эритмоқ фурсати ўтганини фаҳмламаган Жалил ошнасининг ўзига хос мамлакат фиравни эканини, охират қисмати ҳам фиравники каби эканини ўйлаб кўрмаган эди.

- Худо сенинг жонингни қайтиб берди, бир ўлиб, бир тирилдинг, – деди Жалил. - У дунёга ўтишингга бир қарич қолувди. Ўлсам нима бўламан, деб ўйладингми ҳеч?

Бу савол Асадбекнинг сомелиги сохта экани, «амри маъруф»ни тингламаётганини фош қилиб қўйди.

Матнда қорайтирилган сўз ва бирикмалар муайян прагматик макон ва замонда бир-бирини тақозо этувчи бирликлар бўлиб, уларнинг ушбу дискурсив вазиятдаги иштироки тақозо этувчилик тамойили асосида матн унсурларини боғлаш учун, матний яхлитликни таъминлаш учун хизмат қилган. Бундаги камбағал ва бой, бойимоқ сўзлари матндаги иймон сўзига мажозий маънода мутаносиблик касб этади. Бирликлар хатбоши таркибий қисмларини ҳам, қўшма гап унсурларини ҳам семантик уюштириш вазифасини адо этган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Диалогик дискурсада учрайдиган қўшма гаплар (тенг, тобе, мутаносиб) ва муаллиф нутқида (диалогик дискурсдан ташқарида) учрайдиган қўшма гаплар қуйидаги хусусиятлари билан ўхшайди ва фарқланади: а) ҳар иккала ҳолатда ҳам қўшма гаплар оғзаки ва ёзма нутқ шаклида учрайди; б) диалогик дискурсада ва муаллиф нутқида учрайдиган қўшма гаплар битта унсур: боғловчи воситалар (тенг боғловчи, эргаштирувчи боғловчи, боғловчи юклама, нисбий сўз оҳанг) орқали бирикади. Аммо қўшма гаплар (тенг, тобе, мутаносиб) ўзаро боғловчи воситалар унсурига кўра фарқланади.

2. Диалогик дискурсада учрайдиган қўшма гаплар (тенг, тобе, мутаносиб) ва муаллиф нутқида учрайдиган қўшма гаплар семантик жиҳатдан ранг-баранг бўлса-да, улар ўзаро семантик жиҳатдан унча фарқланмайди. Бу ранг-барангликнинг сабаби боғланиш унсурларининг маъно қирраларидадир. Чунончи, боғловчи (тенг боғловчи) орқали бирикканда бириктирув, чоғиштириш, айирув, зидлаш ва инкор каби маъноларни юзага келтиради. Оҳанг орқали (вергул ва тире) бирикканда ўхшатиш, сабаб, натижа, пайт, тўсиқсизлик, шарт каби маъноларни юзага чиқарса, икки нуқта орқали бирикканда изоҳлаш маъноси юзага келади. Аммо таркибидаги тиниш белгиларнинг, яъни нуқтали вергул иштирок этган тенг муносабатли қўшма гаплар диалогик дискурсада кузатилмайди. Тиниш белгиларидан фақат вергул ҳар иккала нутқда бир хилда кузатилади. Бошқа хилдаги тиниш белгилар кузатилмайди.

3. Диалогик дискурсада учрайдиган қўшма гаплар (тенг, тобе, мутаносиб) сўзловчи томонидан кўзда тутилган мақсадга (дарак, сўроқ, буйруқ, мазмун) ва эмоционалликка мос бўлади. Аммо муаллиф нутқида буйруқ ва сўроқ мазмунни ифодаловчи қўшма гаплар учрамайди.

4. Қўшма гап таркибий қисмлари фақат диалогик нутқда инверсия ҳолатида учрайди.

5. Диалогик дискурсада учрайдиган қўшма гаплар (тенг, тобе, мутаносиб) мазмун жиҳатдан сабаб, шарт, истак, ачиниш, тўсиқсизлик, пайт, севинч, қисташ, мақсад каби ранг-баранг маъноларга эга бўлса, муаллиф нутқида учрайдиган қўшма гаплар шарт, пайт, сабаб каби маъноларни юзага чиқарганлиги кузатилади.

6. Диалогик дискурсда учрайдиган қўшма гаплар (тенг, тобе, му-таносиб) ва муаллиф нуткида учрайдиган қўшма гапларнинг син-тактик хусусиятлари бир хил. Тўлиқ, тўлдирилган, мураккаблашган, қисман, қисқартирилган каби такрор гаплар фақат диалогик дискур-сда учрайди.

7. Қўшма гапларнинг диалогик нутқда воқеланишида эга ва атов бирлигининг кенгайтирувчиларида ҳеч қандай чекланиш кузатилмай-ди.

8. Лисоний субстанция нутқда воқеланар экан, бунда тил таркибий узвларининг диалектик муносабати яққол намоён бўлади. Аниқроғи, муайян сатҳ бирлигининг моҳияти шу система доирасида тиклан-са ва, шунга мувофиқ, уни воқелантиришда иштирок этган бошқа сатҳ тажаллилари четлатилса, моҳиятнинг юзага чиқишида, оралик ҳолатлар орқали ҳодисалар сифатида зоҳир бўлиши ва фарқланишида бошқа сатҳлар тажаллиларининг роли ва функционал қиймати маса-ласини аниқлаш тилнинг яхлит субстанциялигини очишдаги муҳим босқичдир. Бу эса диалогик дискурсни мулоқотнинг фаол таркибий узви, системанинг бошқа нолисоний унсурлари билан зич боғланган динамик мавжудлик сифатида қараш лозимлигини, унда ифодалана-диган коммуникатив мақсадни ифодаловчи иллокутив воситалар усту-вор прагматик ҳосланганлиги жиҳати билан ажралиб туришига кўпроқ диққат қилиш зарурлигини кўрсатади. Шунингдек, диалогик дискурс таркибидаги лисоний бирликларни мулоқот тизими нуктаи назари-дан таҳлил қилишда лисоний ва нолисоний омилларнинг ҳамкорлиги бошқа дискурслардагига нисбатан кучлироқ ва мустаҳкамроқ эканли-гини назарда тутиш муҳимлигини далиллайди.

9. Мулоқот мақсади ҳамйша ирреаллиги, мулоқот натижаси эса ре-аллиги билан характерланади.

10. Диалогик дискурс ахборот етказиш мақсадига эга ва “прагма-тик ташна” бўлган монологик дискурсдан ахборот алмашиш мақсади ва “прагматик тўйинганлиги” билан фарқланади.

11. Матнни яхлит ҳолда мулоқот тизими сифатида оладиган бўл-сак, сўзловчи, тингловчилар, қўшма гап, прагматик вазият унсурлари бу муваққат системанинг унсурлари сифатида намоён бўлса, система-нинг ядроси сифатида эса тўлиқсиз қисмли қўшма гап намоён бўлади.

12. Диалогик дискурсдаги коммуникатив интенция (коммуникатив мақсад, коммуникатив мўлжал) муаммоси коммуникатив стратегия, коммуникатив тактика, коммуникатив истиқбол, коммуникатив тажриба, коммуникатив компетенция каби тушунчалар билан дахлдор бўлади ва жумлаларнинг семантик-структур табиати улар билан боғлиқ таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

13. Дискурс бу сўзловчи ва тингловчи орасида ўзаро фикр алмаштириш, саволга яраша жавоб бериш ҳолатидир. Дискурс, яъни нутқий мулоқот жараёни ўнлаб этник (миллий), этнографик, ижтимоий, тарихий, этик-эстетик, фалсафий-маданий ва соф лингвистик (лисоний) омиллар билан боғлиқ бўлади.

14. Социал-нутқий алоқада диалог энг кўп қўлланиладиган шакллардан ҳисобланади. Диалогик нутқ таҳлили объекти алоҳида олинган гаплар таҳлилидан эмас, балки матн таҳлилидан иборат бўлади. Диалогик матн икки шахснинг мавзувий ва мантиқий бир бутунликни ташкил этадиган, бири иккинчисини тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келадиган гаплар йиғиндисидан ташкил топган бир бутун нутқий бирликдир.

15. Диалогда реал турмушнинг турли-туман томонлари акс эттирилади. Шунинг учун у субъектив ва объектив характерлидир. Унинг объективлиги шундаки, унда турли ифода воситалари ёрдамида ҳар хил маънолар ифодаланади. Диалогик нутқ ўзининг синтактик қурилиши билан ҳам ажралиб туради. У ўзининг синтактик хусусияти билан ҳам монологдан фарқланади.

16. Диалогик дискурс мақсад, мазмун-моҳият, шакл, шароит жиҳатдан кўп қирралидир. Диалогик дискурс ўз культурологик хусусияти ва қонуният, коммуникантларнинг бир-бирига таъсирч билан дискурснинг бошқа туридан ажралиб туради.

17. Диалогик дискурсда халқ ҳаётининг моддий шароити, маънавий турмуш тарзи, мафкураси, дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, тарихи ва дини, адабиёти ва санъати, афсона ва чўпчаклари, халқнинг ўзига хос урф-одат ва қадриятлари, ахлоқий ақидалари, ҳикматли сўз, мақол-маталлари, ўзбекона одоб ва ҳулқи суҳбатдошлар нутқида миллий ментал омил сифатида акс этади.

18. Жонли сўзлашувда сўзлардан ташқари ёрдамчи компонентлар сифатида экстралингвистик факторлар: нутқ вазияти, ситуация, ми-

мика, жест, суҳбатлашувчи томонларнинг суҳбат мавзуси бўйича умумий маълумотлари, тажрибалари кабилар ҳам иштирок этадики, мазкур омиллар гап структурасида, жумладан, қўшма гапларда маълум бўлакларнинг эллипсисга учраши учун имконият вазифасини ўтайди. Диалогик дискурсда учрайдиган қўшма гапларда эллипсис ҳодисаси вербал ва новербал кўринишларга эга бўлади.

19. Диалогик дискурсда учрайдиган қўшма гаплар ижтимоий ихтисослашувига кўра ранг-баранг бўлади. Ўзбек эркак ва аёлларининг нутқий мулоқоти ўзига хос бўлиб, улар характер-хусусиятини ифодалашга хизмат қилади. Суҳбатдошнинг савияси, ёши, унинг ижтимоий келиб чиқиши кабилар нутқий ҳолатнинг симметрик-прагматик омилли сифатида рўёбга чиқади.

20. Диалогик дискурсда учрайдиган қўшма гапларнинг воқеаланишини мазмун ва шакл (семантик ва структур) муносабатига кўра; таркибий қисмларида боғловчи воситаларнинг қўлланилишига кўра; лисоний-синтактик қолипларига кўра; миллий ментал ва прагматик омилларнинг аҳамиятига кўра ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 466-бет.
2. Ислом Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 249-бет.
3. Абдулла Қаҳҳор. Синчалак. Танланган асарлар. Ҳикоя ва қиссалар. Тошкент, 1965. 183-бет.
4. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Тошкент: Шарқ, 1995.
5. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент: ЎзФА, 1958. 27-78-бетлар.
6. Абдурахмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1979. 123-бет.
7. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. - 248 бет.
8. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент: Фан, 1964. 2-44 бетлар.
9. Абузалова М. Содда гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари ҳақида. НДА. Тошкент, 1992.
10. Адабиёт назарияси. 2 томлик, 1-том. Тошкент: Ўқитувчи, 1978. -416 бет.
11. Акрамов Ш. Ҳозирги ўзбек тилида тўлдирувчи ва ҳол категорияси $[_{w}P_m]$ аспектида. НДА. Тошкент, 1997.
12. Анисимов А. Компьютерная лингвистика для всех: Мифы. Алгоритмы. Язык. Киев: Наукова думка, 1991.
13. Арутюнова Н.Д. К проблеме функциональных типов лексического значения // Аспекты семантических исследований. Сб. науч. тр. М.: Наука, 1980. С. 156 – 249.
14. Арутюнова Н.Д., Булыгина Т.В. и [др]. Человеческий фактор в языке: Коммуникация, модальность, дейксис. М.: Наука, 1992. - 281 с.
15. Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960. -134 бет.
16. Бархударов Л.С. К вопросу об отношении формальных и семантических моделей предложения // Теория языка. Англистика. Культирология. М.: Наука, 1976. С.12.

17. Балли Ш. Французская стилистика. М.: Издательство иностранной литературы, 1961. С. 14.
18. Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. М., 1963. С. 338.
19. Бенвенист Э. Уровни лингвистического анализа // Новое в лингвистике. Вып. IV. М., 1965. С. 446.
20. Бенвенист Э. Общая лингвистика. М. : Прогресс, 1974. – 447 с.
21. Бердиалиев А. Эргаш гапли кўшма гап конструкциялари омонимиясининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, 6-сон, 72-77-бетлар.
22. Бердиалиев А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматические отношения в конструкциях сложноподчинённого предложения узбекского литературного языка: Автореф. дис... докт. филол. наук. Ташкент, 1989.
23. Бердиалиев А. Эргаш гапли кўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент: Фан, 1989. -107 бет.
24. Бобониёзов А. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида тасвирий воситалар ва тил бадийяти: Фил. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент, 1995. -26 бет.
25. Богданов В.В. Семантико-синтаксическая организация предложения. Л., 1977.
26. Боймирзаева С. Бадий матнда кўшма гап. Самарқанд: СамДУ, 2008. -114 бет.
27. Ветров А.А. Методологические проблемы современной лингвистики. М.: Высшая школа, 1973. С. 37.
28. Виноградов В.В. О языке художественной прозы. М., 1980.
29. Винокур Т.Г. О некоторых синтаксических особенностях диалогической речи в современном русском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. М., 1953.
30. Влодова Е.В. Однокорневые разноструктурные синонимы как средство связи между компонентами текста // Лингвистика текста и обучение иностранным языкам. Киев, 1978. С. 102 – 108.
31. Волошинов В.Н. Марксизм и философия языка. Л. : Прибой, 1930. – 157 с.
32. Гак В.Г. К типологии лингвистических номинаций // Языковая номинация: Общие вопросы. М., 1977. С. 230-293.
33. Гак В.Г. Номинализация сказуемого и устранение субъекта // Синтаксис и стилистика. М., 1976. С. 85-102.

34. Гак В.Г. О семантической организации повествовательного текста // Сб. науч. трудов. МГПИИЯ им. М.Тореза. Вып. 103. М., 1976. С. 5 – 14.
35. Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Часть II. Синтаксис. М., 1968.
36. Гиндин С.И. Внутренняя организация текста: Дис. ... канд. филол. наук. М., 1972. -390 с.
37. Гиндин С.И. Советская лингвистика текста. Некоторые проблемы и результаты (1968-1975) // Известия АН СССР, серия ЛЯ, 1977. № 4. С. 348-361.
38. Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагмалингвистический и когнитивные аспекты. Тамбов: Издательство ТГТУ, 2008. -288 с.
39. Гулыга Е.В. Теория сложноподчинённого предложения в современном немецком языке. М., 1971. С.11-46.
40. Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик. Тошкент, 1994.
41. Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. М., 1974.
42. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. 2-нашр. Тошкент: Ўқитувчи, 1986. -408 бет.
43. Ильина Н.Н. Об одном способе классификации связей между частями сложного предложения // Информационные вопросы семантики, лингвистики и автоматического перевода. Вып.2. М., 1972.
44. Имомова Г. Типик миллий характерлар яратишда бадий нутқнинг роли: НДА. Тошкент, 1993. 13-бет.
45. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фан. докт. дис... Тошкент, 1999. - 265 бет.
46. Камол Ф. Қўшма гапларга доир масалалар. Тошкент, 1955.
47. Кацнельсон С.Н. Типология языка и речевое мышление. Л.: Наука, 1972. С.7,15.
48. Колшанский Г.В. Контекстная семантика. М.: Наука, 1980. С. 120-121.
49. Колшанский Г.В. Коммуникативная дискретность языка // Лингвистика текста/ Сб. науч. трудов. Вып. 103. М: МГПИИЯ, 1976. С. 15-22.

50. Колшанский Г.В. Коммуникативная функция и структура языка. М.: Наука, 1984. 234 с.
51. Колосова Т.А. Русские сложные предложения асимметричной структуры. Воронеж, 1980.
52. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М. – Л., 1960. С. 406.
53. Клюев Е.В. Речевая коммуникация : учеб. пособие / Е.В. Клюев. М. : ПРИОР, 1998. -224 с.
54. Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. М.: Наука, 1986. -156 с.
55. Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши: НДА. Тошкент, 1996.
56. Лутфуллаева Д.Э. Гапнинг семантик-синтактик курилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат: Филол. фан. докт. дис... Тошкент, 2006. - 272 бет.
57. Макарова М.М. Средства связи самостоятельных предложений в научно-технической речи современного немецкого языка : Автореф. дис. ... канд. филол. наук / М.М. Макарова. М., 1960. -22 с.
58. Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. Ташкент, 1984. С.6.
59. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. -228 бет.
60. Махмудов Н., Нурмонов А., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент:Фан, 1992. - 225 бет.
61. Менглиев Б. Тил яхлит система сифатида. Тошкент: Нихол, 2010.
62. Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси. Қарши: Насаф, 2003. -147 бет.
63. Михлина М.Л. Из наблюдений над синтаксисом диалогической речи: Автореф. дис... канд. филол. наук. Л., 1955.
64. Наливкин В. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда. Казань, 1884.
65. Неъматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. Тошкент: Университет, 1999. -55 бет.

66. Николаева Т.М. Краткий словарь терминов лингвистики текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII. М., 1978.
67. Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992.
68. Нурмонов А.Н. Гап ҳақида синтактик назариялар. Тошкент, 1988. -99 бет.
69. Нурмонов А., Ҳакимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 4-сон.
70. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент: Ўзбекистон. 2002. -207 бет.
71. Петерсон М.Н. Очерк синтаксиса русского языка. М., 1923. С.32.
72. Резвин И.И. Современная структурная лингвистика. М., 1977.
73. Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка. М., 1968. С.231-233.
74. Саидхонов М. Диалогик нутқнинг коммуникатив таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, 2-сон, 71-бет.
75. Сайфуллаев А. Ҳозирги замон ўзбек тилида ундалма. Тошкент: Фан, 1960.
76. Сайфуллаева Р. Уюшган гаплар// Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, 3-сон.
77. Сайфуллаева Р., Абузалова М. Гапнинг энг кичик қурилиш қопиллари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, 5-сон.
78. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. Тошкент: Фан, 1994. -358 бет.
79. Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: ФТМ, 2009.
80. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Курбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. Тошкент, 2007. -379 бет.
81. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2008. 72-бет.
82. Сильман Т.И. Проблемы синтаксической стилистики: на материале немецкой прозы. Л.: Просвещение, 1967. -182 с.
83. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование.
84. Сусов И.П. Введение в языкознание: учебник для студентов лингвистических и филологических специальностей. М.: АСТ: Восток-Запад, 2007. -379 с.

85. Сусов И.П. Семантика и прагматика предложения : учеб. пособие. Калинин : Изд-во КГУ, 1980. -51 с.
86. Узбекско-русский словарь. Ташкент: УзСЭ, 1988. С. 274.
87. Фигуровский И.А. Основные направления в исследованиях синтаксиса связного текста // Лингвистика текста. Материалы научной конф. Ч. II. М.: МГПИИЯ им. М. Тореца, 1974.
88. Фигуровский И.А. Синтаксис целого текста и ученические письменные работы. М.: Учпедгиз, 1961. -171 с.
89. Фитрат. Ўзбек тили қондалари тўғрисида бир тажриба. Ўқкинчи китоб. Наҳв. 4-босма. Ўздавнашр, Самарқанд-Тошкент, 1930.
90. Формановская Н.И. Размышления о единицах общения // Русский язык за рубежом. 2000. № 1.
91. Формановская Н.И. Соотношение интенционального и пропорционального компонентов в высказывании / Н.И. Формановская // Русский язык за рубежом. 2000. № 3.
92. Фридман Л.Г. Грамматические проблемы лингвистики текста: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. Л., 1979. -52 с;
93. Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник. М., 1978.
94. Чикваишвили К.С. Структура семантической организации текста: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. М., 1980. -24 с.
95. Шахнарович А.М, Юрьева Н.М. Психологический анализ семантики и прагматики: На материале онтогенеза речи / М.: Наука, 1990. – 168 с.
96. Шведова Н.Ю. Очерки по синтаксису русской разговорной речи. Автореф. дис... канд. филол. наук. М., 1958.
97. Ширяев Е.Н. Бессоюзное сложное предложение в современном русском языке. М.,1986.
98. Шмелева Т.В. Субъективные аспекты русского высказывания: Автореф. дис... докт. филол. наук. М., 1995.
99. Шодиев Н. Қудратли тўлкинлар олами. Тошкент, 1982.
100. Шодиев Р. Руҳият рассоми. Тошкент: Фан, 1997. 6-бет.
101. Шувалова С.А. Смысловые отношения в сложном предложении и способы их выражения . М.: Изд-во МГУ, 1990.
102. Шукуров Н., Ҳотамов Н., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. 2- қайта ишланган нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

103. Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. Л.: Наука, 1974. – 428 с; 2-е изд. М.: УРСС, 2004.
104. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 2-том. М.: Рус тили, 1981. 288-бет.
105. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-том. Тошкент, 2003; 8-том. Тошкент: ЎЗМЭ. 2004.
106. Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Тошкент, 1974.
107. Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида шакл-вазифавий йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини: Филол. фан. док. дисс... автореф. Тошкент, 2001. -49 бет.
108. Ғуломов А., Маъруфов З., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм, Синтаксис. Тошкент, 1949.
109. Ҳазратқулов А. Диалогик нутқ синтаксисининг баъзи бир хусусиятлари. Қарши, 1978.
110. Ҳазратқулов А.Ҳ. Диалогик нутқ синтаксисининг баъзи хусусиятлари (диалогик бирлик ҳақида методологик кўргазма). Қарши, 1978. -36 бет.
111. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент, 1981.
112. Antoine G. La coordination en français moderne. Paris, 1959.
113. Ballmer Th., Brennenstuhl W. Speech Act Classification. A Study in the Lexical Analysis of English Speech Activity Verbs.–Berlin-Heidelberg-New York: Springer-Verlag, 1981.-276 p.
114. Bellert I. On the logicosemantic structures of utterances / I. Bellert. – Wrocław: Ossolenum, 1972. – 108 p.
115. Dressler W. Einführung in die Textlinguistik / W. Dressler. – Tübingen : Niemeyer, 1973. N 2. – 136 s.
116. Kallmeyer W. Lektürekolleg zur Textlinguistik / W. Kallmeyer, etc. Frankfurt am Main: Athenaum, 1974. Bd. 1. – 288 s.
117. Benveniste E. Problèmes de linguistique général. Paris: Gallimard, 1966. – 356 p.
118. Buyssens E. La communication et l'articulation linguistique. Bruxelles: Presses Universitaires, 1970. – 175 p.
119. Dubois J., Giacomo M. et al. Dictionnaires de linguistique. Paris: Larousse, 1973. – 516 p.

120. Essen O. Grundzuge der hochdeutschen Satzintonation, Hamburg.
121. Greimas A.J. Semantique structurale: Recherch de methode / A.J.Greimas. Paris: Ldbr. La rousse, 1966. – 262 p;
122. Greimas A.J. Strukturele Semantik: Methodologische Untersuchungen / A.J. Greimas. – Braunschweig: Vieweg, 1971. – 241 s.
123. Gülich E. Linguistische Textmodelle: Grundlagen und Möglichkeiten / E. Gulich, W. Raible. – München : Fink Verlag, 1977. – 353 s.
124. Harris Z.S. Analyse du discours // Languages, 1969. №13.
125. Harris Z.S. Notes du cours de syntaxe. Paris: Ed. du Seuil, 1976.– 238 p.
126. Greenberg J.H. Essay in linguistics. Chicago, 1967. First publ.,1957.
127. Klemensiewicz Z. Zarus ksladni polskiej, Warszawa, 1957.
128. Leech G. Principles of pragmatics. London; New York, 1983.-250 p.
129. Mucarousky U. Dialog a monolog w «Lesty filologicke», Praha, 1940, № 6.
130. Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. Halle, 1937. S. 148.
131. Schendels E.I. Deutsche Grammatik: Morphologie, Syntax, Text: Практическая грамматика немецкого языка: учебник / E.I. Schendels. М.: Высш. шк., 1979. – 397 с.
132. Searle J.R. Speech Acts: An Essay in the philosophy of language. Cambridge: Cambridge University Press, 1969. P. 16.
133. Searle J.R., Vanderveken D. Foundations of Illocutionary Logic. –Cambridge Univ. Press, 1985. P. 180
134. Viehweger D. Struktur und Funktion nominativer Ketten im Text / D.Viehweger // Kontexte der Grammatiktheorie (Studia grammatica; 12). Berlin, 1978. S. 149 – 168.
135. Werlich E. Typologie der Texte: Entwurf eines textlinguistischen Modells zur Grundlegung einer Textgrammatik / E. Werlich. – Heidelberg: Quelle und Meyer, 1975. – 140 s.
136. Wierzbicka A. English Speech Act Verbs: A Semantic Dictionary. Oxford Univ. Press, 1987.

МУНДАРИЖА

СУЗБОШИ	3
КИРИШ.....	9

I БОБ. ДИАЛОГИК ДИСКУРС – ҚЎШМА ГАП ВОҚЕЛАНУВЧИ МУҲИТ СИФАТИДА

1.1. Диалогик дискурс ҳақида. Диалогик дискурсда миллий ментал ва прагматик омилларнинг роли.....	20
1.2. Диалогик дискурсда қўшма гапнинг воқеланишини ўрганиш муаммолари	67

II БОБ. ДИАЛОГИК ДИСКУРСДАГИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА СТРУКТУР ЎЗИГА ХОСЛИГИ

2.1.Диалогик дискурсдаги қўшма гапларнинг семантик хусусиятлари.	73
2.2. Диалогик дискурсдаги қўшма гапларнинг структур хусусиятлари.....	107

III БОБ. ДИАЛОГИК ДИСКУРСНИНГ ИНТЕНЦИАЛ ХУСУ- СИЯТИ ВА УНДА ҚЎШМА ГАП

3.1. Диалогик дискурс мулоқот унсури сифатида.....	115
3.2. Диалогик дискурсда нутқий интенция ва унинг ифодаланишида қўшма гап таркибий қисмларининг роли.....	133

IV БОБ. ДИАЛОГИК ДИСКУРС ФАЗАЛАРИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА СТРУКТУРАСИ

4.1. Диалогик дискурс фазалари ва шаклланиши	141
4.2. Диалогик дискурс таркибида формал ва функционал- семантик алоқа	158

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	166
-------------------------------	------------

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	170
--	------------

УДК 811.512.133

ББК 81.2-3

Раупова Л.Р.

Р 26

Диалогик нуткнинг дискурсив талқини (полипредикатив бирликлар мисолида) / Л.Р. Раупова; масъул муҳаррир Р.Р. Сайфуллаева: ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. –Т.: Фан, 2011. -180 бет.

ISBN 978-9943-19-101-3

УДК 811.512.133

ББК 81.2-3

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий кенгаши
томонидан наизрга тавсия этилган*

Муҳаррир: Ю. Парниева

Тех. муҳаррир: Д.Жалилов

Компьютерда саҳифаловчи: Д.Абдуллаев

Мусахҳих: М.Абидова

Нашриёт лицензияси АИ №138, 27.04.2009 й.

Нашриёт рақами: з-12. Теришга берилди: 20.12.2010 й.

Босишга рухсат этилди: 03.03.2011 й. Қоғоз бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$.

Times гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози.

Нашриёт-ҳисоб т. 9,0. Босма-шартли т. 10,46.

Тиражи 300. Келишилган нархда.

ЎЗР ФА “Фан” нашриёти. 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

ЎЗР ФА “Фан” нашриёти оригинал-макети асосида “Muharrir nashriyoti”

матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма № 30.

100060, Тошкент, Элбек кўчаси, 8-уй.



Раупова Лайло Раҳимовна – 1974

йилда Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида туғилган. 1996 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1999 йилда “Ўзбек тилида номустақил кесим масаласи [WP_м→WP_м] қурилишли гаплар”

мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1999 йилдан 2005 йилгача Тошкент давлат шарқшунослик институтининг “Ўзбек тили” кафедрасида фаолият юритган. Ҳозирги кунда Л.Р. Раупова “Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик талқини” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида изланиш олиб бормоқда.

ISBN 978-9943-19-101-3



9 789943 191013